

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бухорий бўстонида

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн
Исмоил ибн Иброҳим ал-Бухорийнинг

(194-256 х)

Ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳ

номли муборак тўпламлари
билан қисқа танишув

Оммабон, таълимомуз, тарбиявий дарслик

*Абу Абдулборий
Жалолиддин ибн Иброҳим*

Бу китоб "Бухорий бўстонида" номли асар муқаддимаси. У ўнта фаслдан иборат. Ҳар фасл бир-бирига боғлиқ алоҳида мавзуларда баҳс юритади. Миллат фахри барпо этган бетакрор маънавий боғ билан танишишдан олдин кўпчиликка зоҳири маълум, ботини мажҳул бўлган ҳақиқий боққа кириб ўтишига эҳтиёж сезилди. Шунга кўра биринчи фасл боғбон ва унинг боғи ҳақида сўзловчи лугавий маънодаги узун ҳикоя билан бошланди.

"Ҳамма билган нарсаларни такрорлаш"нинг сири мутолаа асносида ойдинлашади. Аллоҳ таоло ҳаммага маълум бўлган ер, осмон, қуёш, ой, юлдуз ва кунда неча бор кўз тушадиган озиқ-овқат, мева-чева каби нарсаларга чуқурроқ назар солишига буюрган. Сабаби, бундай назар инсонга маънавий озуқа бериб, иймоннинг зиёда бўлишида, дунёқарашнинг ўнгланишида ҳамда ҳаётнинг янада ёқимли ўтишида ва тотли татишида кўмаклашади.

"Китобга "Муқаддима" деб ном қўйиш у қадар тўғри эмас. Негаки, одатда, муқаддималар икки-уч бет ёки кўпи билан ўн бет бўлади", деган ўй ўқувчини қийнаши мумкин. Изтиробга ўрин йўқ. Чунки алоҳида Муқаддима ёзиш Ислоҳ оламида янгилик эмас. Салафларимиз илмий меросида бунга намуналар сероб.

Ҳофиз Ибн Ҳажар (773-852х) "Саҳиҳи Бухорий"нинг шарҳи Фатҳул Борийга битган икки жилдли муқаддимаси 1300 саҳифадан кўп. Муқаддима саккиз йил давомида ёзилган.

Ибн Ошурга (1296-1393х) мансуб ўттиз жилдли машҳур тафсирининг биринчи жилди асосан муқаддимага бағишланган. Муаллиф унда ўн хил мавзуда баҳс юритади.

Ибн Салоҳнинг (557-643х) ҳадис илмлари хусусидаги китоби "Муқаддимату Ибн Салоҳ" деб танилган.

Муаррих, файласуф, ижтимоий фанлар олими Ибн Холдуннинг кўп тилларга, жумладан француз тилига таржима қилинган етти томли тарих китоби нафақат тарихчиларга, ижтимоийёт аҳлига, балки, назаримда, оддий китобхонларга ҳам таниш. Буюк асарнинг биринчи томи "Ижтимоий фанлар асоси"га бағишланиб, "Муқаддимату Ибн Холдун" номи билан шухрат топган. Муқаддима 518 саҳифадан иборат.

Араб ҳикматида: "Ким баланд уй қуришни истаса, пойдевори мустаҳкамласин", дейилган. Кўнгиш кўп қаватли иморат қуришига орзуманд. Лекин бу, ёзда фундамент қуйиб, қишига томи ёпиладиган иншоотдек эмас экан. Аксинча, умр вазифасига ўхшайди. Шунга кўра "Бухорий бўстони"нинг "Муқаддима"си чўзилиб кетди. Бақадриҳол пойдевори мустаҳкамлашга уринилди. Иморат битса, фабиҳо, битмай қолса, меҳнат зое кетмай, асар "Саҳиҳ" ўқувчилари учун мустақил қўлланма бўлиб қолади.

Бу изоҳларнинг бари баъзи тушунмовчиликларни бартараф қилиш учун фавқулодда ёзилиб, кейинроқ изофа этилди.

МУҚАДДИМА

*"Саҳиҳи Бухорийни шарҳлаш
уммат зиммасидаги қарздор".¹*

Ибн Холдун "Муқаддима"сидан.

¹ قال ابن خلدون في مقدمته: ولقد سمعت كثيراً من شيوخنا رحمهم الله يقولون:

"شرح كتاب البخاري دين على الأمة"، يعنون أن أحداً من علماء الأمة لم يوف ما يجب له من الشرح بهذا الاعتبار.

Ибн Холдун "Муқаддима"сида ёзади: "Мен кўп шайхларимиздан "Бухорий китобини шарҳлаш уммат зиммасидаги қарз", деганларини эшитганман..."

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

*"Саҳиҳи Бухорийни шарҳлаш
уммат зиммасидаги қарздир".*

*Қулоқлар остида жаранглар ҳақ сўз,
Қўл-оёқ титрайди кузги япроқдек.
Қарз юклаган замдан ухлолмайди кўз,
Шу сабаб қорайган юзлар тупроқдек.*

*Нафақат Саҳиҳдан, балки Қуръондан
Қарздормиз, қарзларга ботганмиз чунон.
Газнамиз бўш эмас, нуқсон ҳижрондан,¹
Жон чиқмасдан тезроқ узайлик шу он.*

*Ҳар ким ўз ҳиссасин қўймоғи вожиб,
Топган-тутганини берсин яширмай.
Олим, обид, зоҳид, устоз ва толиб,
Шоҳ-гадо, бой-фақир бошдан оширмай.*

*Шоиру шуаро, адиб-удабо,
Қаламни йўнинглар ҳақ баёнига.
Ҳакиму ҳукамо, фозил-фузало,
Жаҳлни йўйинглари халқ зиёнига.*

*Лоақал бир оят, бир дона ҳадис
Ўқиб сиз ўзгага илининг дарҳол.
Бу учун шарт эмас бўлмоқ муҳаддис,
Тўлин ой даставвал бўлар-ку ҳилол.²*

¹ **Ҳижрон, ҳажр** – Тарк этиш, ташлаб, қолдириб кетиш, ажралиш, жудолик.

﴿ وَقَالَ الرَّسُولُ يَرْبِّ إِنَّ قَوْمِي اتَّخَذُوا هَذَا الْقُرْآنَ مَهْجُورًا ﴾ **Росул (уллоҳ) дедилар: "Ё Раббим,
албатта қавмим бу Қуръонни ҳажр этдилар".** Фурқон сураси 30-оят.

² **Ҳилол** – Янги ой.

*Сиз гар Бухорийга қилсангиз хизмат,
Хизматин аямас Бухорий сиздан.
Уйу кўйда сизга ҳамроҳ ҳаловат,
Ҳамиша аримас табассум юздан.*

*Қаерда Бухорий бўларкан қоим,
Ўқилса қунт билан оғир кунларда,
Қувонч қуёш каби барқ урар доим,
Осудалик ойдек кезар тунларда.*

*Бухорий – бобонгиз, Бухорий – даҳо,
Сиз меросга ҳақли чинакам ворис.
Бойлик билан кечгай ҳаёт мусаффо,
Қайғуга қашишоқлик асосий боис.*

*Қарз қандай узилар, дейилган савол
Покдомон дилларни тирнаши аниқ.
Билим билан барҳам топади ишкол,
Кашф этилур шунда асрор ҳақойиқ.*

*Бу, минг тилло қарзга бир тангам менинг,
Бор-будимнинг барин бердим беркитмай.
Диндошим, қанчадир насибанг сенинг?
Маънавий бойликни инфоқ эт кутмай.*

*Фойда ол, фойда бер, фойдага кўмил,
Зиён-заҳмат кўрма, келтирма зиён.
Жаҳолат баайни зарарлигин бил,
Жоҳилга наф бермас зар тўла ҳамён.¹*

¹ Ибратли шеърлар олинган манба ғолибо бериб борилади. Манбаси ёзилмай қолган шеърлар муаллиф ижодидан. Шунингдек, советлар давридаги шеърлар кўпчиликка танишлиги боис ва улардан ўша давр бўйи уфуриб, ўзини билдириб тургани учун улар олинган манбалар ҳам берилмайди.

Ушбу рисола ва бундан бошқа барча рисолаларимиздан олдинга қўйилган олий мақсад ва илгари сурилган зоя ўқувчига фақат маълумот етказишигина эмас, балки икки дунё саодати учун зарур бўлмиш маълумотлар билан биргаликда унинг маънавий жиҳатдан ўсишига салмоқли ҳисса қўйиши, инсоний камолот чўққисига кўтарилишида кўмаклашишидир. Башарият асрлар давомида етишган маънавий ва моддий тараққиётдан бир қадам ҳам ортда қолмай, ҳар соҳада илгор бўлишига ундов, ақл-идрокини ўстирув, турли хил гайринсоний мафкуралардан огоҳлантириб, соғлом эътиқодга далолат этиши, ахлоқ-одобини янада гўзаллаштириши, зеҳн ва иқтидорини ўзига ва ўзгаларга манфаати тегадиган амалларга йўналтиришидир.

Пайгамбарона изчил таълимот асосида ҳалол-поқ, ҳаромдан жирканадиган софдил авлодни тадрижан вояга етказиши. Курраи заминда кўнгли қаттиқ, кўзи тор, беҳаё, зараркунанда, одамхўр одамлар ёввойи ўтдек илдиз отиб, инсоний ҳаётни булгаётган аянчли бир даврда, ҳаётни безайдиган кўнгли юмшоқ, бағри кенг, меҳр-мурувватли, юксак тарбияли одампарвар одамлар сафини кенгайтиришидек муборак амалда фаол иштирок этишдан иборатдир. Шу боис рисолада тарбиявий жиҳатларга катта эътибор қаратилади ва бунинг учун катта ўрин ажратилади. Баъзи сатрлар (юзаки ўқилганда) рисолага алоқасиздек туюлиши мумкин, асл мавзудан чекинилганга ўхшар, лекин у сатрларни чуқурроқ ўрганилса, ўша алоқасиз деб гумон этилган ўринлар асарнинг аслидан экани ва уни ёзиши зарур экани ойдинлашади.

Донгдор ҳаким беморни обдон текиширгандан сўнг унга: "Сизда темир моддаси камайибди. Бақилажон, адас, олма каби темирга бой сабзавот, мевалардан тановул қилиб турсангиз тезда яхши бўлиб кетасиз", деса, табибнинг бу сўзини онгли киши тўғри тушунади. Калтабин эса: "одам ичида ва овқатда темир нима қилсин?", деб эътирозланади.

Ўқувчи одатланган андозаларга унча ҳам тўғри келавермайдиган ушбу рисола ни ўқши асносида унда тугилажасак ҳайратнинг олдини олиб, ушбунни ёздим.

Биҳамдиллаҳ, бундан олдин ҳам таржима ва шарҳлар бўлган, инша Аллоҳ бундан кейин ҳам бўлади. Сўз, ибора, жумла, гўзал таъбиҳу тамсиллари бир-бирига таъсир кўрсатиб, жозибали маъно касб этувчи ва ўқувчига нашот бағишлаб, эзгуликка рағбатлантирувчи асарлар яна ёзилаверади. Биз ҳам шулар қатори яхшиликка ўз ҳиссамизни қўшигимиз келди. Кушойиш берса, охирига етар, йўқса, Саҳиҳи Бухорий таърифга бағишланган тарғибона бу Муқаддима ўқувчиларни боболарининг ўлмас меросига қайта назар солишга ундовчи ходим бўлиб хизмат қилади. Бу билан "الدال على الخير كفاعله"¹ –

"Яхшиликка ундовчи яхшилик қилувчи кабидир" ҳадисидаги "далолати хайр" ажрига ноил бўлсак, ажаб эрмас.

Элда: "Ҳар гулнинг ҳиди бошқа" деган гап бор. Гулларнинг бир шаклда, бир хил ранг ва бир хил ҳидда бўлиши табиат жамолига футур етказиши баробарида инсонларни зериктиради, кўзни толиқтиради. Инчунин, асарлар, шарҳ ва изоҳларнинг турли шакл ва анво рангда бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мақсадимиз – ўқувчи илмий фойда олсин, иймони зиёда бўлсин,² завқлансин, малолланиб эмас, мароқланиб ўқисин, вақти зое кетмасин. Ахир у мутолаа учун бебаҳо умрдан бир бўлагини ажратади-ку. Агар фойда олса, фойдасига шерикмиз ва бу билан беҳад қувонамиз. Бефойда нарсадан эса қочамиз, бошқаларга ҳам раво кўрмаймиз. Ўзганинг вақтини беҳуда олиши унинг умридан ўгирлашдек гап.



¹ Абу Довуд ва Термизий "Сунан"лари.

² Машхур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: "اللهم زدني علما وإيمانا و يقينا" – "Аллоҳум, илмимни ва иймон-ишончимни зиёда қилгин", деб дуо қилар эканлар.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَابْتِغِ فِيهَا

الْحُسْرَىٰ لِلَّهِ تَارِكًا الْعَالَمِينَ وَالْأَصْلَةَ وَالْإِسْلَامَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ

اللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ وَاللَّيْلَةَ

*Бухорий қасрига кичик пештоқ бу,
Маърифат уйига ихчам равоқ бу.
Ташнага хўплам сув, очга кулча нон
Йўлак ёритувчи кашшоф чироқ бу.*

*Бир сўзни қолдирмай барини ўқинг,
Каломдаги макнун¹ маънини уқинг.
Ҳошияни ташлаб фойдадан қолманг,
Бўстонда бафуржа мевалар қоқинг.*

*Бир шингил ундану бир шингил бундан
Узиб енг, сўнг дўстга узатинг бирдан.
Ҳамкорлик, бирдамлик, саховат, ҳиммат
Энг катта нишондир содиқ дўстликдан.*

¹ Макнун – Беркинган.

*Мағзини чақсангиз маза топасиз,
Бошқа нарсаларни бир дам ёпасиз.
Ўзлигингиз англаб, танийсиз ўзни,
Шу тоб Бухорийга шитоб чопасиз.*

*Қушдек қанот ёзиб балким учарсиз,
"Саҳиҳ"га етишигач, ўпиб қучарсиз.
Бетакрор сиймонинг меросин олиб,
Жаннат боғчасида унга учрарсиз.*

*Шояд, Бухорийлар қайтадан келса,
Термизий, Шошийлар яна тугилса,
Биёбон бўстонга айланиб шунда,
Омад қуши қўниб, бахтимиз кулса.*

*Ё Раб, илкимдан тут, ёзгоним ёқла,
Хатога беланган бандангни оқла.
Қабул эт, манзур эт, ҳабата этма,
Котибу қорини Ўзинг ардоқла.*

*Сойилинг¹ ёлвориб зорланар Санга,
Гуноҳин тан олиб, ялинар Санга.
Ҳожатбарор Хўжам, ҳожатманд қулинг
Бобингда бош эгиб, ўтинар Санга.*

¹ Соил, сойил – Сўровчи, тиламчи, гадо.

МУҚАДДИМА ЎНТА ФАСЛ

ҳамда "Ибтидо" ва "Интиҳо"дан иборат

  *Ибтидо*

1 - ФАСЛ: ҲИКОЯТ

2 - ФАСЛ: ҲАҚИҚАТ

3 - ФАСЛ: МУНОСАБАТ

4 - ФАСЛ: ОРЗУ-ИСТАК ВА АЗИЙМАТ

5 - ФАСЛ: ФАЗИЛАТ

6 - ФАСЛ: МАНҲАЖ

**7 - ФАСЛ: БУХОРИЙ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА
САҲИҲНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБЛАРИ**

**8 - ФАСЛ: БУХОРИЙДАН САҲИҲНИ ЭШИТ-
ГАНЛАР ВА УЛАРДАН САҲИҲНИ НАҚЛ
ЭТГАН РОВИЙЛАР**

**9 - ФАСЛ: ИМОМ БУХОРИЙ ВА САҲИҲЛАРИ
ШАЪНИДА АЙТИЛГАН СЎЗЛАР**

10 - ФАСЛ: ТАШАККУРНОМА – ШУКРОНА

  *Интиҳо*  

*Ҳовлингни сотиб гар Бухорий олсанг,
Бор-буддан айрилиб, ҳамёнсиз қолсанг,
Ўкинма, ачинма қўлдан кетганга,
Илму фан бойлигинг, аслини билсанг.*

*Саҳиҳсиз қошона – нурсиз хароба,
КИТОБ¹ ўқилмас уй катта ғамхона.
Эй муборак ўғлон, донишманд инсон!
Бобонг меросин ол, камол топ, яшина!*

*Ғоз юрарсан шунда, эгилмас бошинг,
Қувончдан кулгайсан, тингай кўз ёшинг,
Бел бардам, юз ёруғ, дастурхон тўкин,
КИТОБ - ҲИКМАТ бўлса, доим йўлбошинг.*

¹ Аллоҳ таоло Қуръонни "*Ал-Китаб*" – КИТОБ деб атади: ﴿الْمَ ذَٰلِكَ الْكِتَٰبُ﴾
Китоб исми ғолибо "Ўқиш китоби", "Математика китоби" тарзида изофа билан
ёзилади. Қуръонни беизофа фақат алиф лом билан "*Ал-Китаб*" дейилиши Ерда-
ги бошқа китоблардан ажраб туриши учун ҳамда ҳақиқий маърифат манбаи
эканига далолат ўлароқдир, дейди олимлар.

Саҳиҳи Бухорий ўша муқаддас КИТОБдан кейинги китобдир. Ҳар бир хона-
донда саодат тарҳи чизилган, касалликлар шифоси васф этилган, хотиржамлик
манбаи, қувонч, завқ-шавқ бағишловчи КИТОБнинг бўлмаслиги, бўлса ҳам
ўқилмаслиги, унинг оятларида тафаккур ва тадаббур этилмаслиги у уйни чиндан
ҳам ғамхонага айлантиради. Буни кенгроқ кўламда: маҳалла-кўй, қишлоқ, шаҳар,
шунингдек мамлакат ва бутун бошли Ер миқёсида қиёслаш мумкин. Аллоҳ
КИТОБИ ўқилмаган, Росулulloҳ ﷺ ҲИКМАТИ ўргатилмаган мамлакатда чина-
кам қувончининг бўлмоғи душвор. Сунъий шодлик ва сохта қувончининг умри
калта, таъми бемаза.

*Исминг ёдланган замон энг бахтли замон,
Амринг тутган ҳар бир ер энг бахтли макон,
Сендан қўрққан ҳукмрон энг бахтли султон,
Ё Раб, шуларни қўмсаб кўзларим гирён.*

Ибтидо

Мангу охиратнинг беқиёс бўстони ичра сайрдан олдин фоний дунёнинг сўлим боғи ичра сайру саёҳат

Тўрт хил фасл, бу – тўрт хил манзара, ранго-ранг бўёқлар, хилма-хил инъом ва турли-туман тортиқлар демакдир...

Табиатдаги мўъжизавий ўзгариш ҳамма мамлакатда бир хил кечмас экан. Бирида доим қаҳратон қиш, аёз, бирида оловли ёз. Яна бирида доим ёмғир, бошқаси сувсиз – қақир. Баъзи жойлар бўрон-шамол ҳужумидан қақроқ, баъзиси дўл зарбидан моматалоқ. Аммо диёримиз, бихамдиллах, чинакам жаннатмакон, муборак жой. Фасллар ҳикматли Яратгувчининг ўзгармас низоми асосида навбатма-навбат алмашиб бағишлар чирой. Воҳа-ю водийларга баҳор ўз сепини ёйганда юрт яшнаб, янада очилади. Бошига оқ-пушти рўмол ўраган келинчақдай дарахтлар гуллаб кўзни кувонтиради, баҳридилни яйратади. Майса, чечак, лолалар ҳамкорликда гилам тўқишга тушиб, ерга ҳар йили яп-янги қават-қават гиламлар тўшалади.

Фаслларнинг алмашуви илоҳий қудрат ва ҳикматдан дарак беради. Инсон қишда ёз иссиғини соғинади. Бироз ўтгач соғинган иссиғидан зерика бошлайди. Қишни кумсайди, совуқни соғинади. Зерикиш кучаймасдан, соғинч ёндирмасидан бурун совуққа мойил салқин фасл келади. Сўнг қиш эшик қоқади. Соғиниб кутилган қишдан зерикиб, ёзни кумсайди. Шунда иссиққа мойил баҳор насими эса бошлайди.

Уч ой давом этган гўзал манзара, уч ой эсан нафис шабада ёз келишига биз билан хайрлашади. Бу гал ёз енг шимариб ўз саховатини намойиш этади. Дастурхонимизга мева-чева, ноз-неъматларни аямай тўкиб ташлайди. Навбат кутиб турган куз остона хатлаб ичкарига кирганда ёз кўч-кўронини йиғиштиради, ҳаял ўтмай у ҳам ҳайё-ҳай деб йўлга равона бўлади. Хазонрезлик дарахт баргларини сарғайтиргани билан мева-чеваларнинг ҳаммасига қирон келтирмайди. У ўзига яраша хизмат кўрсатиб, ободончиликка анча-мунча ҳисса қўшади. Рўзғоримизни тўлдиради. Қиш қаҳрини кўрсатганда куз мажбуран таслим бўлиб четга чиқади. Замин дов-дарахтлар билан биргаликда устига кафан каби оппоқ тўшак ташлайди, оламни сукунат қоплайди, табиат

уйкуга кетади. Аввалида роса қорбўрон ўйнаган одамзод совукдан бе-
зиб баҳорни кўмсайди. Дармондорилар камайиб, таналар бўшашади...

Аммо Жаннатда ундай эмас. Унда зерикиш, соғиниш каби беқа-
рор кемтик дунёнинг иллатлари бўлмайди.

Аллоҳ таоло мўбминлар учун ҳозирлаган мангу зиёфатхонасини
Жаннат деб атади. Жаннат бўстон демакдир.

﴿ مَثَلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ أُكُلُهَا دَائِمٌ وَظُلُمَاتُهَا ﴾

﴿ *Тақводорларга ваъда этилмиш Жаннатнинг мисоли шуки: унинг
остидан дарёлар оқур, мевалари ва сояси мангудур.* ﴾ Рад 35-оят.

Яна: ﴿ قُطُوفُهَا دَائِمَةٌ ﴾ ﴿ *Унинг мевалари яқиндур* ﴾, деди. Ҳаққо 23-оят.

Яъни "*Жаннатдаги меваларни узиб олиш жуда осон ва қулай. Тик
турган киши ҳам, ўтирган ва ёнбошлаб ётган киши ҳам ўз ўрнидан
жилмай, бемалол узиб олиши мумкин*", дейди олимлар.

Дарвоқе, заминнинг бу қадар гўзал тусга кириб безаниши ўз ўзи-
дан бўлмайди. Бунинг учун инсон меҳнат қилиб, тер тўкиши керак.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб дедилар:
*"Қайсики мусулмон кўчат ўтказса, ёки экин экса ва унинг ҳосили-
дан қушми, инсонми ёки бирор бир ҳайвонми еса, албатта унинг
учун садақа бўлур"*. Бухорий Саҳиҳидан.

"ان قامت الساعة وفيه يوم أحدكم فسيلة فان استطاع أن لا يقوم حتى يغرسها فليغرسها".

*"Агар Қиёмат қоим бўлганда сизлардан бирингизнинг кўлида кўчат
бўлса, Қиёмат бошланмасдан илгари кўчатни экишга имкон топса,
дарҳол уни экиб олсин"*.

Бухорийнинг "Адабул Муфрад"идан.

*Ҳовучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин.*

Мангу Жаннат меваларидан татиш учун ҳам албатта меҳнат зарур.

Аллоҳ таоло деди: ﴿ وَنُودُوا أَنْ تِلْكُمْ الْجَنَّةُ أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴾

﴿ *Уларга:" (солиҳ) амаллар қилганингиз боис ушбу Жаннатни мерос
қилиб берилдингиз", деб нидо этилур.* ﴾ Аъроф сураси 43-оят.

Биринчи фасл

Ҳикоят¹

¹Бунда калиманинг истилоҳий маъноси эмас, луғавий маъноси назарда тутилган.

*Бухорий бўстони – улкан гулистон,
Маърифат ўчоғи, билимларга кон.
Шабнами гулобдек, елими – асал,
Майсаси – духоба, ором олар жон.*

*Қишин-ёзин доим у баҳористон,
Куни ёрқин-порлоқ, тунни нурафшон.
"Қола Росулulloҳ"¹ деган қутлуғ сўз –
Саодат гарови, хастага дармон.*

*Кел, эй дўст, тирқишдан боққа боқайлик,
Ибрат этакларин бирга тақайлик.
Шарҳ эмас бу, шарҳнинг чеккаси – уват,²
Уммонда қайиқча бўлиб оқайлик.*

¹ Маъноси: "Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллом айтдилар".

² Биз бир неча ўринда "шарҳ" деб атаганимиз, аслида уламолар "Саҳиҳ"га битган шарҳлар йўсинидаги йирик шарҳ эмас. Балки бу, Бухорийнинг девор билан ўралган катта бўстонида тирқишдан мўралашдек гап.

Уват – дала ёки экин майдони ичида, четларида қолдирилган бўш ер.

Ҳикоят

Бутун ҳаётини боғдорчиликка бағишлаган миришкор боғбонда замондошлари ва келажак авлод учун улкан жаннатмакон боғ барпо этиш истаги куртаклайди. Юксак орзуси бу боғда дунёдаги ҳар турли мевали дарахтларни етиштириш экан. Ҳар қандай орзу-истак ўз-ўзидан амалга ошмаслигини англаб етган доно боғбон дилга туккан олий истагини амалга ошириш учун жиддият камарини белга маҳкам боғлаб, ихлос билан астойдил ишга киришади. Гоҳида яёв, гоҳи уловда олам кезиб, бутун дунёдаги соҳибкор боғбону деҳқонлар билан учрашади. Ўз касбининг моҳир устаси бўлишига қарамай, донги чиққан боғбонларга шогирд тушади. Уларнинг қимматбаҳо ўғитларига қулоқ осиб, тажрибаларидан фойдаланади.

Кун сайин малакаси ортиб, бу ҳунарнинг тамоми сирасрорларидан воқиф бўлади. Устозлар олқишлаб оқ фотиҳа берган, мутахассислар юқори баҳолаб қойил қолган, омма халқ таҳсин айтиб улуглаган омилкор боғбон бўлиб етишади. Ўз юртида топилмайдиган мевали дарахт кўчатларидан олиб келиб боғига ўтказади. Чақалоққа бутун меҳрини берган меҳрибон онадек, ҳар бир кўчатга алоҳида меҳр бағишлайди. Кўз нури билан сугориб, қалб қўри билан парваришлайди. Бошқа иқлимдан келтирган кўчатларига шунчалик шароит яратибдики, улар ўзини она заминиде тургандек ҳис этиб, куртак чиқара бошлайди. Изланувчан боғбон шу тарзда йиллаб тўккан пешона тери, тинимсиз меҳнати эвазига ёввойи дашт-чўлларни, бўз саҳроларни бепоён бўстонга айлантиради. Асов дарёни жиловлаб, боғ хизматиға бўйсундиради. Ҳовузлар кавлатиб, ариқлар қазитади. Бу улкан боғистонни дунёнинг ҳар тур мевали дарахтлари билан тўлдиради.

Мевазорда туп-туп олма, анор, шафтоли, гайноли, ўрик, анжир, нок, тут, шоҳитут, беҳи, олча, гилос, жийда, олхўри дарахтлари қатор-қатор саф тортган. Осмонга бўй чўзган

хурмозор оралаб богнинг кейинги қисмига ўтсангиз, узун ясси япроқларини ерга эгиб, қудратли ижодкорига таъзим қилаётган бананзорга кирасиз. Хурмо меваларига ўхшаб гуж-гуж тугадиган бананлардан кейин қаршингизда бошқача манзара намоён бўлади. Унда манго, киви, ананас, пўртахол, юсуфий, лимон, жавофа,¹ баржума,* зайтун дарахтлари қуёш нури остида товланиб, боққа жило берарди. Баъзи дарахтлар мевасининг мўллиги ва йириклигидан ерга эгилиб қолган. Ялтираб турган лимон ва мандаринлар худди олтин каби жилваланади. Баъзи лимонлар ҳандалакдан катта.

Токзорда эса кўзни қамаштирадиган хилма-хил узумлар. Ишкомга қараб узум ток баргидан кўплигига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Айниқса танасига сизмай ёриламан деб турган узун-узун ҳусайнига кўзи тушган одамнинг оғзидан суви келмай иложи йўқ.

Поёнсиз полизда ҳар донаси қулочга сизмайдиган қовунтарвузлар юқори ҳосил устасининг сидқидилдан қилган меҳнатидан дарак бериб, уюм-уюм бўлиб ётибди. Барра бодринглар, билакдай қарсиллама тарраклар ер билан битта бўлиб кетган.

Гулзорда хушбўй ҳиди димоғни қитиқловчи ранго-ранг гуллар билан бирга хина, ўсма, ялпиз, ош райҳон, сада райҳон, оқ райҳон, қора райҳон ва жанбуллар қули урган.

Қулуннайлар ерга тўшалган пушти ва қирмизи гиламдек яшинаётган боғ ҳуснига ҳусн қўшарди. Субҳидамда эсан майин шабада баргларга инган шудринг билан богни ювинтирар, оқшом шабадаси эса кундузи билан йиғилиб қолган зуборларни барглар устидан қоқиб ташлаб, гуллар бағрига беркинган муаттар ҳидни ҳар ёнга таратарди. Кашич, шивит, (укрон), отқулоқ, наънолар² шабадага ўйнаб, наъмасозлик қилади.

¹ Ноксимон шарбатбоп мева. * Пўсти тиканли ичи қизғиш мева.

² Жингалак баргли ялпиз. Чойга қўшиб ичилади.

Экинзорга ўтсангиз, бир томонда сабзавотлар, бир томонда бошоқли ва дуккакли экинлар, бошқа бир томонда маккажўхоридан то арпабодиёну санойи маккагача мавжуд. Хуллас атрофи шимолнинг оққайини, ўзимизнинг қатор сарвқад тераклар, қотранги¹ ҳамда хушбўй арча ва қорақарагай билан ўралиб, адир, қир, қоя ва этагини қип-қизил лолзор бегаган, чўқисини оппоқ қор қоплаган салобатли тоғларга туташиб кетган бу улкан бўстонда ёнгоқ, писта, бодом, санобар мағизи, қорақат (смородина) ва дўланадан то наъматагу хўжгазгача (малина) бор эди.

Айниқса "**Мевалар султони**"² деб танилган анжир, узум, хурмо мевалари бошқаларидан кўра кўпроқ. Богбон амри маҳол ишни уддалаб, ўлмас, ягона, бетакрор, намунали бог яратишга муваффақ бўлганди.

"Сада соя берар, тол хода берар" дейилганидек, гамхўр богбон зиёратчилар гамини еб, ариқ ва ҳовуз лабига сада ўтказди. Ҳар бир сада остига сўри қўйиб чиқади. Маҳобатли садалар қуёш нурига бағрини қалқон қилиб, юқоридан соя солиб турса, ариқдан шилдираб оқаётган зилол сувлар пастдан оромбахш салқин ҳайдарди. Новдалар елпизичдек ҳилпираб, теварак-атрофда латиф, сарин³ шабада эсарди.

Ям-яшил барглари билан ясанган дарахтлар, қўнимсиз, сайроқи, созанда қушлар, ҳар хил бўёқлар билан пардоз қилиб безанган мевалар, минг анво гуллар таратаётган ёқимли ҳидлар боққа кирган ҳар бир кишини ўзига ром этиб, баҳридилни очади. Агар ердаги оддий бог шу қадар гўзал ва ҳузурбахш бўлса, таоми тотли, меваси мазали, ҳаёти ҳаловатли бўлса, Аллоҳнинг жаннати қандай экан, деб ўйланиб қоласиз, завқшавқингиз ортади, қалбингиз талпиниб орзиқасиз.

¹ Тоғли ерларда ўсадиган, ёғочи оғир, қалин, меваси ейишли дарахт ёки бута.

² Олимлар ва қадимги табиблар Куръонда номи келган бу уч меванинг инсонга фойдаси кўплиги учун "Мевалар султони" деб аташган.

³ Оромбахш, ёқимли, салқин.

Саховатли бу инсон бог дарвозасини ҳамма учун ланг очиб қўяди. Дарвозага қулф осмайди. Боққа кириб чиқаётган эркак-аёл, катта-ю кичик, ёшу қарининг йўлини ҳеч ким тўсмайди. "Кимсан, қаердан келдинг, қанча мева тердинг?" деб сўроққа тутадиган кимса йўқ. Хоҳланг тўйгунча еб, уйингизга ҳам олиб кетинг, хоҳланг саватингизни тўлдириб, таиқаридаги одамларга тарқатинг. Ҳеч ким монелик кўрсатмайди.

Бепоён бозни обдан айлангандан сўнг толиқиб, ариқ бўйидаги сўрига ўтирасиз. Сўри ўртасида кўп қиррали нақшинкор хонтахта. Унинг атрофига беқасам қалин кўрпачалар тўшалган. Дастурхон нозик дид билан тузалган: сопол лаганда янги узилган нок, наивати. Чинни лаганда диркиллаган олмалар, унинг ёнида танасига сизмай ёрилиб кетган, доналари ёқутдай анорлар, мева тепасида ҳар бир боши бир қариждан каттароқ шингил-шингил ҳусайни узум. Гулдор ликоларда писта-бодом. Товланаётган биллур қадаҳларда яхна шарбатлар. Пиёласимон шиша идишлар тўла асал. Бу асаллар ҳам шу бог маҳсулотидан. Асалари гул қидириб узоққа учмасин деб, бир талай инни шундоққина гулзор четига, бир талайини боққа туташ адир этагига ўрнатилган. Дастурхондаги ноз-неъматларнинг бари шу бог маҳсулотидан бўлиб, таиқаридан бирор нарса келтирилмаган. Ҳатто сопол ва чинни лаганларгача қўли гул бозбоннинг касбидан экан.

Бир йигитга етмиш ҳунар кам дейилган сўз шу бозбонда ўз аксини топганди. Ахир боздорчилик ва деҳқончилик билан биргалликда асаларичиликни ҳам қойиллатган, боз устига кулол ҳам, чиннисоз ҳам унинг ўзи. Ўймакорлик, ганчкорлик, наққошликнинг ҳавосини олиб, ёғочсозликда устаси фаранг кучли мутахассис, шундай бўлгач, тан бериб, "етмиш ҳунар соҳиби" демай илож йўқ.

Қўлинг дард кўрмагур бозбон одамлар табиатини билиб, қумгонда иссиқ чойгача қайнатиб қўйган. Ясмин қўшиб дамланган ўткир ҳидли чойдан бир-икки пиёла ичиб чарчогингиз ёзилади. Бог ичра яёв кезиб ўз кўзингиз билан кўрганларингиз-

ни бир сидра хаёлдан ўтказасиз. Мўъжизавий боғни барпо қилган боғбонга чин дилдан миннатдорчилик билдирасиз. Боғ ва унда гувоҳи бўлганингиз: ажойиботу-гаройиботлар хаёлингизни банд этади. Ўтирган ўрнингизга михланиб, тафаккур оламининг қадам етмас олис ўлкаларига хаёлий саёҳатга отланасиз. Фазокорлар янглиг қанот ёзмай, фазодек чексиз хаёлот оламига учасиз.

*Очмай сира оғзингни кула олсанг соз!
Кўзсиз яна дунёни кўра олсанг соз!
Ўлтир-да, сафар айла, оёқ заҳматсиз –
Ер куррасини агар кеза олсанг соз!*¹

"Бешак, боғбон таҳсинга сазовор улуг ишларни бажарган. Бунинг учун унга ҳар қанча ташаккур айтсак оз. Ахир кичик ниҳолларни парваришлаб, бу қадар катта, сафобахи боғ яратишининг ўзи бўладими? Ниҳолни бошдан, болани ёшдан асра, деган гап бор, боғбон ниҳолларни бошидан меҳр билан парваришлаган-ки, шундай натижага эришган-да", дейсиз. Ва бу ўй сизни буюк Холиқ қудратида чуқур тафаккур этишига етаклайди. Турли-туман меваларнинг пишиб, тановулга тайёр ҳолга етишида одам боласининг хизмати синсада, лекин ҳеч қандай ўрни бўлмаган, кўзга кўринмас, махфий, инсоният урдалолмайдиган нозик ўринларини ўйлашга ундайди. Зеро гўзал оламга боқиб завқ олиш, табиатда содир бўлаётган мўъжизаларга бефарқ қарамай, унинг бунёдкориди фикр юритиш теран фикрли хур инсонларнинг улугвор хислатларидандир. Ёввойи ўт ўсиб кетиб, гўзаларни сиқиб чиқарганидек, кишининг фикри теран, зеҳни ўткир бўлгани билан, миясини соғлом фитратга ёт ёввойи мафкура ўтлари босиб кетса, у кишига заковоту истеъдоднинг кўпам нафи тегавермайди. Ўзи эса ўй-фикр юритиб лаззат олиш завқидан маҳрум яшайди. Бу эса инсонга теккан оғир дард ва бало-офатлар ичидаги энг ёмони

¹ Абдулхолиқ Гиждувоний.

"Ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсаси – интилган зояси", дейилганидек, қаердан ҳикмат кўчатини топсак, дарҳол уни бу бўстонга ўтказишга уриндик.

ва энг хатарлисидир. Овқат еб таъм билмаслик қанчалик мусибат бўлса, мўъжизавий оламга боқиб лаззат ва ҳаловат топмаслик ҳам шу қадар мусибат. Қўл-оёққа тушган кишиандан кўра мия, онгга тушган кишиан ёмонроқ...

"Табиатда содир бўлаётган мўъжизалар" деганимиз сўзни беаши учун шунчаки айтиб ўтилган жимдимадор гап эмас, балки ўз ўрнига муносиб айна ҳақиқат.

Нақши бир бирига ўхшамас пага-пага оппоқ қорнинг осмондан ёғиши, ёмғирнинг челақдан қуйилгандек эмас, элақдан тушгандек томчилаб ерга беозор иниши мўъжиза эмасми?

Қуруқ ёғоч танасидан бири юмшоқ, бошқаси қарсиллама, бири ширали ва тотли, бошқаси аччиқ ва нордон меваларнинг униб чиқиши, қаттиқ ердан нозик майсанинг бош кўтариб, кўкка бўй чўзиши мўъжиза бўлмай нима?

Одамларнинг икки оёқда тик юриши, ҳайвонларнинг тўрт оёқда эмгаклаши, қушларнинг парвози, балиқларнинг сузмоғи, қурт-қумурсқанинг судралиши-чи?

Тепамиздаги мовий гумбаз, яъни Осмон,

Остимиздаги ям-яшил, тўгарак шар, яъни Ер,

Кун жилоси Қуёш, тун зиёси Ой, замин зийнати-ю фазо беаши Юлдузлар, фалақда сузаётган улкан Сайёралар, инсон ақли бовар қилолмас даражада чексиз ва сир-асрорларга тўла Коинот мўъжиза эмасми?!

Табиат деб аталмиш атрофимизни ўраб турган борлиқ ижодкори ким?! Бу буюк ишоотларнинг бунёдкори ким?!

Тошқин дарёларни жиловлаб инсон хизматиға бўйсундирган, шиқирган уммонларни инсон қадами етмас даражада чуқур этган, уни сув билан тўлдирган ва ҳавосиз жойда ҳаёт жорий эттирган, шимолий қутбни эса ердан қаттиқ қилиб музлатган ким?!

Булоқ, қудуқ, ариқ, жилға, кўл, дарё ва денгизларни вужудга келтириб, сув манбаларини бу қадар хилма-хил қилган ва бирини шўр, бирини чучукка айлантирган ким ва бунинг ҳикмати нимада?!

Ёмғир илинжида осмонга кўз тиккан, забони ҳол ва мақол билан сув сўраб ялинган инсону ҳайвонларга раҳм этиб, қанотсиз булутлар бағридаги зилол сувни шаҳарма шаҳар, қишлоқма қишлоқ парвоз эттириб, бандаларни сузрган, қақшаб ётган ўсимликларга жон киргизган, бўз ерларни обод қилган ким?!

Аслида сув тўрт тевараги ва ости берк идишида сақланмайди-ку? Башарият бундан бошқа сув сақлайдиган буюмни билмайди-ку. Аммо фалакдаги бугга айланган сувлар олти томони ҳам очиқ булутда сақланар экан. Бу кимнинг ихтироси, кимнинг ижоди?!

Бепоён саҳрога ҳисобсиз қумларни тўктирган, остини бойликка тўлдирган, сиртида дарахтлар ундирган...

Дарахтлар шохини кўзгатиб, боди сабони тебратган,

Новдаларни силкитиб, майин шабада эстирган,

Жилгаларни жилдириб, тоғ чўққисидан пастга сув туширган, булоқларни қайнатиб, ер остидан тепага сув ҳайдаган,

Суюқликни қум ва тупроқларга аралаштирмай, тайёр ичимлик шаклида ер сатҳига осонгина чиқарган,

Бирини иссиқ, бошқасини совуқ ва яна бирини шифобахш қилган ким?!

Ер деб аталмиш катта уйимизни қуёш, ой, юлдуз, булут, тоғ, адир ва боғу бўстонлар билан ясатилиши мўъжиза эмасми?! Бир йил давомида, тўрт фасл ичида, тўрт маротаба Ерга тўрт хил гилам тўшаётган ким?! Баҳорда яшил, кузда сарғиш, қишда оппоқ, ёзда эса ранго-ранг... Янги келинчақдай кунда турли либос, кунда турли пардоз.

Бу ажойиботлар кўройдинда ҳам яққол кўриниб турибди-ку! Ким уни безатяпти?! Ким уни ясантиряпти?!..

Боғбон меҳнатини оддий кўз билан кўриб, ҳис қиламиз ва қадрлаймиз. Лекин боғбоннинг қўли етмас жойларни қандай ва қайси кўз билан кўриш мумкин? Меваси кўплигидан танасини кўтаролмай, ерга энгашиб қолган новдалар ичидаги жараённи кузатадиган махсус жиҳоз борми?

Бор албатта.

Оддий кўз ўтмаган жойга ақл кўзи ўтганидек, у нозик ўринларга ҳам ақл кўзи бемалол етиб боради. Нигоҳнинг ўзи билан ҳосил бўлмаган мурод онгли тааммулдан сўнг ҳосил бўлиши аниқ.

Бир замин, бир хил ҳаво, бир хил сув – натижа эса ҳар хил: турфа мева, турфа сабзавот, бир бирига ўхшамас турли бўй, турли шакл, алвон-алвон гуллар, ҳатто остингиздаги момик пахта солиб қавилган қалин кўрпачалар ҳам ер маҳсулотидан.

Боздаги манзара қаршисида ҳанг-манг бўлиб донг қотган бечора мўй қалам соҳиби анвои хил гуллар суратини чизгунча озмунча қийналадими. Қўлидаги ранг жуда оз, саноқли: оқ, қора, қизил, сариқ, нилуфар, нофармон, бинафша, кўк, яшил... Қаршисидаги гуллар эса – хилма-хил. Гуллар шохига булбулни чизибди ва жуда ўхшатиб юборибди, лекин у булбулнинг хониши йўқ, куйламайди, гирт гунг. Гулларда на ҳид бор, на бол. Минг дастасидан бир томчи гулоб чиқмайди.

Ҳа, шаклни ўхшатиши осон, лекин ҳид ва таъми-чи? Унинг ичига беркитилган қувват, озуқа, витамин каби хусусиятларни-чи? Мевадаги органик моддалар ва хушбўй ҳидларни кўзга кўринмагани учун бутунлай инкор этиши маъқулми ёки ёлгон таъвил билан ўзни-ю ўзгаларни алдаш керакми?!..

Во ажаб! Бу не синоъат! Бу қандай мўъжиза! Саноқсиз мевалар рангни қаердан олди? Ким улар шаклини турли туман қилиб яратди? Ким уларга таъм, ҳид берди?

Бирида бор дармондори (витамин) иккинчисида йўқ. Уни-сидаги хусусият бунисида топилмайди. Бирини есангиз нашо-тингиз ошади, бошқаси кишини лоҳас, ланж қилиб қўяди. Бирининг миждози иссиқ, бириники совуқ. Бирида бор модда, калория, озиқлар бошқасида йўқ.

Буларнинг бари бозбон маҳоратиданми, ёки?..

Рассом ҳамма ҳунарини ишга солиб баҳорнинг мафтункор палласини қоғозга туширади. Бодом, ўрик дарахтларининг гуллаган палласи. Томоша қилиб роҳатланасан, май ичмай маст бўласан. Ниҳоятда ажойиб манзара. Бағоят гўзал сурат.

Таъсирланмай иложги йўқ. Ҳамма бирдан рассомга тасанно айтади. Сура^т осиглик турган уй деразасидан ташқарига қаралса, ўша жонсиз сура^тнинг жонли манзарасини кўриши мумкин. Сура^тдаги "ниҳоятда ажойиб, бағоят гўзал" манзара ёзин қишин бир хил тураверади. Гул туккан дарахтлар мева тугмайди. Шамолда япроқлари тебранмайди, шабадада барглари шитирламайди. Ҳақиқийси эса аввал гунча бўлади, кейин инсоннинг эсини оладиган гўзал гулга айланади. У чиройли гуллар тўкилади. Сўнг гўра қинидан чиқади. Ғўрани эрта^{роқ} олиб ёрсангиз ичидан оппоқ сут юзингизга отилади. Кейин тишга озор бермайдиган даражада юмшоқ, мазали мевага айланади. Кеча сутга ўхшаган оппоқ суюқлик эса бугун тош билан чақиладиган қаттиқ данакка айланади. Данакнинг ичид^а гавҳардек мағиз сақланади. Барглар ҳар замонда шивирлаб ҳиргойи қилади. Гоҳида мунгли, хазин овоз чиқарса, гоҳида хурсандчиликдан қувонаётгандек ҳилпираб рақсга тушади.

Инсоф билан айтинг, қайси бир манзара ҳайратланишга ҳақлироқ? Рассом чизган сура^тми, Холиқ яртаган санъатми?!
Тўғри, ҳар иккисидан ҳайратланса арзийди.

Лекин у билан бунинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Холиқ санъатида ўзига яраша илоҳий қудрат очиқ зоҳир. Банданинг санъатида эса ўзига яраша ожизлик ва нуқсон яққол намоён. Инсон чизган сура^тга тан берилдими, демак ақли соғлом киши сура^тнинг ҳақиқатини, аслини (оригинали) кўрганда ҳам уни яратганга тан бермоғи лозим.

Махлуқ санъатига қойил қолиб, унга тасанно ва офаринлар айтиб, Холиқ санъатидан таъсирланмасликни нима деб аташ ва қандай баҳолаш мумкин?

Бу эстетик завқнинг ўлганими? Ёки ақл-онгни бутунлай яроқсиз ҳолга келганими? Ёки жўнроқ айтганда, иймонсизлик балосининг инсон боласига ўтказган салбий таъсирими?

Дарвоқе, рассом бир дарахтни чизгунча неча хил ранг, бўёқ ишлатади. Аммо Аллоҳ таоло рангсиз бир хил сувдан хилма-хил рангдаги мева, сабзавотларни вужудга келтиради.

Инсоният ва ҳайвонот сувни оғзи билан ичса, наботот олами тупроқ остида кўмилиб кетган илдизи билан ичар экан. Ташна инсон бир қултум сув ичганда, ўша заҳоти бутун танага сув тарқаганидек, дарахтни суғорилганда ҳам илдиздан ингичка найчалар орқали унинг энг юқори чўққисидаги баргга сув етиб бориб, бошқа найча орқали томирнинг ўзига қайтар экан.

Бу ҳам бозбоннинг ишими, ёки?..

Тупроқдан яратилган инсон билан тупроқдан унган ўсимликлар ўртасидаги вобасталик тасодифми, ихтироми ё?..

Бозбоннинг бор-йўқ вазифаси кўчат ўтказиши, парвариш-лаш, ўз вақтида суғориши, чопқиллаш, чанглаши ва шу каби амаллардан иборат. Аммо уларга шакл беришичи, турли ранглар билан безашичи, ҳаммасига алоҳида таъм, алоҳида ҳидчи? Ариққа биров шакар тўкиб кетмайди, шунингдек, бўёқ ҳам аралаштириб қўймайди. Анави олмаларга қаранг. Бири қипқизил, униси зангори, буниси сариқ, манави эса оқ, сариқ, қизил аралаш. Баъзиси холдор, баъзиси силлиқ беҳол. Ҳар бир мева ичида уруғи бор. Ана шу уруғ билан улар кўпаяверади.

Қизик, ҳамма меванинг уруғи ичида экану, қулупнайники таиқарисиди бўлар экан-а. Бу ҳам тасодифми?

Яхшиямки, мевани ранглаш учун бўёқ харид қилинмайди, ишичи ёлланилмайди. Агар ҳар бир мевани ранглаш учун алоҳида бўёқ сотиб олинса борми? Шунча мева-чевага бўёқ етказиб бўлармиди. Бозорда красканинг нархи фалон пул. Мабодо, эплаштириб, арзонроқ жойидан топилган тақдирда ҳам, ким шунча мевани биттама-битта қўлда бўяб чиқарди. Ахир бир эшик, бир ромни бўягани гоҳида бош қашиб қоласан киши...

Шунингдек, ҳар бир мева ичига атир дўкондан атир олиб келиб, биттама-битта ҳид берилса борми... Ахир атирланган хушбўй салфетка қозоғ оддий салфеткадан кўра бир неча бор қиммат турадику. Агар ранг бериши ва атирлашининг ўзи шунча меҳнат талаб қилса, меванинг баҳоси ҳам роса кўтарилиб, одамлар мева-чевани тушларидагина кўрармидилар?

Ажабо! Мева ва сабзавотлар инсон учун нафақат озуқа, балки даволик хусусиятига эга дори ҳам экан. Бири йўталга даво, бири тумовга. Бошқаси юракни бақувват қилса, яна бири ошқозонни ювади, бири овозни гўзаллаштиради, бири рангни очади. Бошқа бири заҳарланишнинг олдини олади. "Мадинаи мунавваранинг ажва номли хурмосидан нонуштада етти дона еган кишига ўша кунни заҳар ва сеҳр таъсир қилмайди", деган ҳадиси шариф ворид бўлган. Замбуруғнинг суви кўз оғригига даво экани Термизийда келган ҳадисда айтилган.

Тарвуз пишиқчилигида бир киши мавсум давомида кўп-кўп тарвуз еса, қони бир сидра ювилиб, юрак фаолияти яхшиланишини замонавий тиббиёт исботлаган. Қадимги табибларнинг айтишича, тарвузни таом тановулидан олдин ейилса, ошқозонни ювар экан. Анор эса овозни тиниқлаштиради.¹ Анор гули ва атиргулнинг қайнатмаси ошқозонни тозалайди.

*Неъмат ичра хуш латофатликда мустасно анор,
"Қой"² агар ҳикматда дерлар қотиши саффо анор.*

*Меъдани покиза айлаб, иштаҳани келтуруб,
Кўп гизо қилганни қилгай рангини ҳумро анор.*

*Аччигида хосият кўпдур, ҳавосида хусус,
Бўлса ширин ташналик дафъигадир танҳо анор.*

*Гар есанг фором ҳар бир дона чун лаъли хушоб,
Богиди сунъи илоҳи меваи удмо анор.*

¹ Ибн Синонинг *القانون في الطب* китоби *في الصوت الخشن وعلاجه* фаслида анжир, хурмо, майиз овоз учун манфаатли экани, айникса бодом ёғига ивтилган майиз таъсири жуда катта экани ёзилган.

² Анорнинг бир тури. *خلاصة تذكرة داود* китобида анорнинг 29 та, пўчоғининг 10 та тиббий фойдалари тартиб билан берилган. Муаллиф одатига кўра, фойдадан сўнг зарар баёнига ўтади. Анорнинг иккита зарарини ёзиб, "занжабил унинг олдини олади", дейди. Шунингдек саримсоқ пиёзнинг 44 та фойдаси айтилган. Сўнг 6 та зарарига тўхталган. Шулардан бири: 1-Кўп истеъмол қилиш кўзни хиралаштиради. 2-Шаҳватни синдиради. 3- Бавосирга (гемаррой) салбий таъсир кўрсатади.

Ибн Синонинг *القانون في الطب* "анор" калимаси салкам 300 марта ёдланган.

*Бор масалким: яхши одам дер, эдим ўзи билур,
Йўқса айлардим қачон сизларга мен даъво анор.*

*Халтаси бирлан юборинг гоҳ-гоҳи лутф этиб,
Бўйла келганда Наманган шаҳридан савго анор.*

*Ногаҳон ўртаб юрак турганда келтирди ўгул,
Шодлигимдан деб юборибмен, Муқимий, ё анор.*

Муқимий

Туйилган седанага асални қўшиб, оч қоринга ичилса, буйракдаги тошларни эритиб туширишини, яхшилаб туйилган седанани сирка билан аралаштириб, теридаги оққа (пес) сурталса, Аллоҳнинг изни билан фойда беришини қадимий табобат хабар берган.

Бир дона хом сабзи жигилдон қайнашини тўхтатади.

Сутни шакар билан ичилса, рангни тиниқ қилади, асал билан ичилса, ичакдаги ярани тузатади.

Янтоқ илдизининг қайнатмаси буйрак фаолиятини ошириб, тошни суради.

Жанобимиз ﷺ : "Седанада ўлимдан бошқа ҳар бир касалликка даво бор", деганлар. "Саҳиҳ"даги тибга оид бу ҳадисдан икки нарсани англаймиз: 1- Ўлимдан бошқа ҳамма касалликнинг шифоси бор. 2- Аксар шифо озуқада.

Седана нон, сомса учун безаккина эмас, даво ҳамдир. Бу нуқтавор нақшни нонвой, сомсапаз эмас, седананинг фойдасини билган олимлар ихтиро қилган. Уларнинг гўзал тадбири ва ташаббуси билан шифобахш аччиқ доривор анъанавий таомга айланган. Кўримсиз занжабил, жимит қора седана ва ҳатто дарахт танасидан силқиб чиққан елимдан тортиб, меваларнинг пўсти, пўчоги ва ҳидигача одамзод учун яроқли. Унинг бир корига ярайди, қайсидир дардига малҳам бўлади. Ичи ўтган киши анорнинг пўстини қайнатиб ичса, шифо топади. Нок ҳам худди шундай. Ва яна у нок юрак касалликларига даво...

Райҳон ҳидлаш сиқилган киши учун фойдали. Олмали чой енгил бош оғригини қолдиради. Беҳи билан асал йўталга дори.

Шафтоли, лимон қон босимини туширади. Олмурут қоқисининг қайнатмаси томоқ оғриғига даво. Сурункали бавосирга янтоқ аралимасидан тайёрланган малҳам қўлланилади.¹

Шолғом шарбати бронхиал астма касалликларига тавсия этилади. Олма шарбати организмни бақувват қилади. Санонинг (санойи макка) барги таркибида ични юмшатувчи антрагликозидлар бор.² Витаминга бой "хас"³ – семизлик кушандаси.

Ҳадис тарғиб этган қустул баҳрийни мўъжизалар сафига қўйса арзийди. Унинг қайнатмасини ичиши, бурундан томизиши астма, тумов, ангина касалликларига фойдаси ўта катта.*

"Асал – минг дардга даво", деганларича бор. Зеро у соғликни сақлашда, касалликнинг олдини олишда ва касални тузатишда жуда муҳим дори озуқалардан ҳисобланади. Уни ялаб, ичиб, суртаб, бошқа бир нарсага аралаштириб истеъмол қилинади. Асал кўзнинг хиралашишига дори.⁴ Исмид билан аралаштириб суркалса, кўзни жуда равшан қилади.⁵ Асал ошқозон ва ичакни тозалайди. Ҳар кун наҳорда оч қоринга бир қошиқ асал ялаган аёлдан қарилик қочади. "Қутирган ит тишлаган, заҳарли қўзиқорин еб қўйган киши ва умуман бадҳазм кишилар асални сувга аралаштириб ичишса, жонларига ора киради".⁶ Заҳарланган (отравление бўлган) киши зудлик билан асалга лимон сувини аралаштириб ичса, дард кўрмайди. Асал кўп зарарли таомларнинг зарарини кесади. Заҳар ҳаёт кушандаси бўлса, асал ҳаёт манбаи, сиҳҳат-саломатлик, кўркамлиқ масдари.

Бурундан икки-уч томчи лимон томизилса, тумовга ва бошқа шамоллаш касалликларига фойдали. Пиёзнинг сувини

¹ "Фан ва турмуш" журнали.

² "Ўз МЭ" – "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 12 жилдли.

³ Япроғи узун, карамга ўхшаш полиз экини, резаворнинг бир тури. Инглиз тилидаги илмий номи "Lactuca sativa" экан, арабчада الخس дейилади. * القسط البحري – Ҳинд исириги.

⁴ "Фан ва турмуш". زاد المعاد – "Зодул Маод"да "وان اكتحل به جلا ظلمة البصر" – "Агар асални сурмадек кўзга (қовоққа) суркалса, кўз зулмати кетиб, равшан бўлади", дейилган.

⁵ خلاصة تذكره داود. Исмид (الإثمد) – Сурманинг бир тури. Қора эмас, жигарранг. "Саҳиҳ"да бу ҳақда боб бор. Абу Довуд ва Термизий "Сунан"ида: "Сурмаларингизнинг энг яхшиси исмиддур: кўзни равшан қилиб, киприкни ўстирур", дейилган.

⁶ زاد المعاد 4-жилд.

асалга аралаштириб, қуришган ва хиралашган кўзга икки маҳал томизилса, ижобий таъсири тезда сезилади, инша Аллоҳ.

Бодринг чанқоқни босади, юздаги доғни ва сепкилни кетказади, қичимага фойдали.

Занжабил балғамни қуритади, овқат ҳазмига кўмаклашади, таомга хуш таъм беради, жимоъ рағбатини оширади. Совуқ миждозларга нафи катта, ошқозон ва жигарга фойдали. Уни кўп истеъмол қилганлар совуқни писанд қилмайдилар.

Табобатга оид خلاصة تذكرة داود китобида редиска ва турпнинг ўн учдан ортиқ фойдалари келтирилган.¹ Унда ёзилишича, 15 г шолғом уругини унга қориб, турпнинг ичига солинса, сўнг ўтда (кабоб каби) пишириб, асал билан истеъмол қилинса, буйракдаги тошни майдалайди. Қайнатилгани йўталга даво. Турпни емоқ терини тозалайди, суркамоқ темираткини кетгизади.

Шу манбада пистанинг 18 та фойдаси ёзилган. Жумладан у сафро ва талоқни муолажа этади, тоза қон пайдо қилади, тишни мустаҳкамлайди, баданни таранглаштиради, ақлни пешлайди, хотирани кучайтириб, зеҳн-заковатни ўстиради.

Тотли турмушининг қаттол оғуси жинсий хасталик аслида дарди бедаво эмас. Мақдунис,² жиржир,³ кўкпиёз каби кўкатларда, шолғом, турп, ошқовоқ, пиёз, сабзи сингари сабзавотларда, хурмо, шотут, узумдек меваларда, қайноқ сут, сутли ошда,⁴ нўхатда, шунингдек ошқовоқ уруги, санобар, ёнгоқ каби

¹ 1008 ҳ йилда вафот этган табиб ва адиб Довуд ибн Умар ал-Антокийнинг تذكرة داود номли китобини замондош котиблардан бир ихтисор қилган.

² **Мақдунис** (مقدونس، بقدونس) – Кашничсимон ўсимлик. Кашничдан узунроқ ёввойи кашнич. Араб диёрларида кўп истеъмол қилинади. "Кашнични ҳаддан ортиқ кўп истеъмол қилиш одамни эсар қилиб кўяди", дейилади юқоридаги манбада.

³ **Жиржир** (جرجير) – Шаклан отқулоққа ўхшаш ўсимлик. القانون في الطب да "جرجير" "жиржийр" деб ёзилган. Ҳозирда араб тилида айни шу ном билан аталади ва халқ уни хомича суйиб истеъмол қилади.

⁴ Чунки сут шаҳватни кўзгаш хусусиятига эга таомлардан. Хусусан қайнатиб, иссиғича шакар билан ичиلىса, бу хирс янада ортади. Шунга кўра балоғатга етган болаларга кам ичиш тавсия қилинади. Аммо "балоғат ёшигача тўйиб сут ичган бола суяги бақувват, елкадор, ранги тоза, тиниқ бўлиб ўсади", дейди табиблар.

магизларда, занжабилу седанада шифо беркинган. Бунинг ёнига энг кучли маънавий малҳам: кўп истизфор билан холис тавбани қўшиб шифо сўралса, дардни давоси билан туширган давони кечиктирмайди. Дори билан дуони жамлаганлар доим ютади. Ҳар қандай касалликка чалинган бемор аввало содиқ истизфор билан чин тавбани кўпайтирсин. Бу, шифони тезлаштиради.

Мева-чева, сабзаёт таркибидаги кўзга кўринмас моддалар ҳақидаги ҳозирги замон медиклари тузган жадвални кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Кичкинагина бир олма, ўрик ёки бошқа бир мева, сабзаёт, кўкат таркибида одам организмининг нормал ҳаётий фаолияти учун керакли бўлган шунчалар кўп органик моддалар мавжудлигидан таажжубланасиз. Одамзод ва у озиқланаётган озиқ-овқат ўртасидаги мутаносибликни кўриб, янада ҳайратингиз ошади. Ҳар бир дарахт ва ҳар бир ўсимлик алоҳида бир завод-фабрика, алоҳида дорихона демасликнинг иложиси йўқ. Балки чуқурроқ ўргансангиз, уларнинг ҳар бири алоҳида бир олам экан деган хулосага келасиз.

Тўғри, ҳамма мева ёки сабзаёт фақат фойдадан иборат, дейиш хато. Бир жойга фойда келтирса, бошқа жойга зиёни тегадигани ҳам бор. Лекин бу ечимсиз муаммо эмас. Мижозининг зарарининг зарарини мижозининг иссиғи билан кесилади. Бирининг зарарини иккинчиси билан даф этилади. Иккисини қўшиб, янги нав, янги шакл ясаб ўзгача таъм ҳосил қилинганидек, ўзгача дори ҳам ясаш мумкин экан. Баъзан оловда пишириш билан зарари кетказилади. Масалан пиёз инсон рангини тиниқ қиладди, балғамни кетказади, ошқозон қувватини оширади, лекин кўп истеъмол қилиш зарар. Кўз нуруни кетказади, эсар қилиб қўяди, оғизнинг ҳидини бузади, ақлга салбий таъсир кўрсатади. Уни ўтда пишириш билан бу зарарларнинг кўпи бартараф бўлади. Баъзи озуқаларнинг янғиси яхши, баъзисини бир мунча муддат ўтгазиб тановул қилиш афзал. Масалан "янги соғилган сутнинг фойдаси жуда кўп, вақт ўтган сари фойда камаяверади. Ноннинг эса эрталаб ётилиб, кечаси ейилгани фойдали". "Янги узилган узум ични дам қиладди".

Абқирот айтганидек: "Ҳамма нарсанинг зиёдаси табиийликка зиддир". Масалан гўшт ейиш фойдали. У баданга қувват бағишлаш баробарида ақлни ўстиради. Гўшт еб ўсган бола билан гўшт емай ўсган боланинг ақлида ер билан осмонча фарқ бор. Керакли миқдорда егани ақллироқ, матлуб миқдорни емагани заифроқ, ортиқча егани лапашанг бўлади. Кам еса пандавақи, кўп еса ландовур бўлиб ўсади. Меъёр – маъқул. Гўшт тановули зарур, меъёрдан ошириш зарар. زاد المعاد соҳиби Абқиротдан нақл қилиб дейди: "Ичингизни ҳайвонлар қабристонига айлантириб юборманг".¹

Қалампир овқатга фақат аччиқ таъм берувчи сабзавот ўсимлигигина эмас, балки у инсон дардларининг бирига даво ҳамдир. Баъзи табибларнинг қалампир билан муолажа қилишини эшитиб қолдим. Саратон касаллигини "оч қоринга уч маҳал гармдори егизиб", даволаган экан. Уҳда бунни айтган кишига, мен ноқил, холос. Асли калиманинг маъносига қаралса, сўзнинг ўзида дориликка далолат бор. Гармдори форсча калима бўлиб, икки калимадан ташкил топган. گرم دار Гарм, Дори – иссиқ дори, демакдир. Қалампир ва гармдори бир маънода. تذكرة да "қалампир овозни тиниқ, жарангдор қилади" дейилган.

Хуллас, думбулнинг сариқ мўйлабидан то янтоқнинг илди-зигача, қалампирдан шакарқамишгача инсон учун дори, унинг учун кони манфаат. Сут, асал, седана, занжабил ва зайтун мойи хусусида гапирмаса ҳам бўлаверади. Булар ҳақида алоҳида китоблар битилган.

Инсоннинг ердан унган турли кўкатларга муҳтожлиги витамин етишмаслиги сабабли қишдан бўшашиган ҳолда, мадорсиз чиққанда жуда яққол билиниб қолади. Бечоралар қор эришига боққа чопиб, энди бўй чўзаётган ўт-ўланларни ўриб қозонга ташлашади. Бани башарнинг эрта баҳорда кўк сомса, кўк чучвара каби кўкатли таомлардан кўп истеъмол қилиб қувватга кириши юқоридаги сўзларимизни тасдиқлайди.

¹ Мева-чева, озик-овқат ва табобатга оид аксар маълумотлар زاد المعاد дан ва Ибн Синонинг القانون في الطب китобидан ҳамда К. Маҳмудовнинг асарларидан олинди.

Одамзоддан ортгани чорва ҳайвонларга ем. Инсон боласи назарга илмай ташлаб юборган пўчоқни мол-қўйлар мазза қилиб ейди. Чиқиндига чиққан пўчоқ қўй-мол қорнига кириб, қайта яна янги маҳсулотга айланади. Инсон қўлига ушлагиси келмайдиган игнадай тиканли ўсимликларга туялар бўйнини чўзиб, одамлар пашмак ҳолвани егандай, осонликча ейди, сўнг инсон сўйиб тановул қиладиган таомга айлантириб беради. Бу муболага эмас, айна ҳақиқат. Инсон учун яроқсиз таомга айланган мева ва сабзавот пўчоқлари, у топтаган майсалар қўй, мол, тева, эчки, йилқи қорнига кирибоқ инсон истеъмол қиладиган янги маҳсулотга айланади. Оппоқ сут, ширин қатиқ, ёғли сузма, юз хил, балки ундан кўпроқ турдаги пишлоқлар, аччиқ қурут, муздек айрон, сарёғ солинган иссиққина қуртава, сув қўшилмаган тоза қимиз ва гўшт маҳсулотлари одамлардан қолган сарқитнинг самарасидир. Сут ачиса, ундан творог, сирок каби яна янги маҳсулот олинади. Эл бекорга "Молга берсанг соз емиш, боқар сени ёзу қиш" демаган.

Чорвадан чиққан чиқинди: ҳайвонлар гўнги эса ернинг ўзига ўғит, яъни озуқа. Ўйлаб-ўйлаб, Аллоҳ яратган нарасалар ичида чиқинди йўқ эканда, деган хулосага бориб қоласиз...

Тоғдаги шифобахш гиёҳлар бағридаги фойдалар ҳақида ҳар қанча ёзилса оз! Ривоят қилинишича, Сулаймон алайҳиссалом ўт-ўлан, дов-дарахт ва гиёҳлардан сўраган эканлар:

- Сен қандай дардга даво бўласан?
- Фалон дардга давоман.
- Сенчи?
- Менда мана бундай касалликларга шифо бор.
- Сенчи?
- Менинг танамдан сизга ҳасса ясалади. Менга суяниб вафот этасиз.
- Илоҳо, буни ҳеч кимга билдирмагин, – деб дуо қилган эканлар.

Бу қиссанинг сиҳҳати бизга қоронғи, лекин аниғи шуки, дардимизга даво ердан унган ўт-ўлан, гиёҳ, дарахт ва унинг мевасида бўлганидек, ҳасса-ю тобутимиз ҳам шу дарахтдан...

Ушбу чинакам мўъжизаларда фикр юритиб, қудратининг чеки йўқ, бандаларига бағоят меҳрибон улуг Яратгувчига дил ва тил жўрлигида ҳамд-сано айтасиз. Аллоҳим, буларнинг бари Сендан биз бандаларга тортиқ. Ўзингга шукр, деб қалб тўридан шукроналар айтасиз ва бу билан қалбингиз таскин топади. Инсоният билан наботот оламидаги бу қадар яқин боғлиқлик тасодиф эмас, илоҳий тадбир эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Аллоҳ:

﴿ هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ﴾

﴿ У Ердаги барча нарсаларни сизлар учун яратди, ﴾ деди.

Сафобахи боққа кириб кўзингиз қувонади, шифобахи мевасидан тотиб куч-қувват оласиз, фикр юритиб ҳайратингиз ошади, қушлар хонишини эшитиб ёзиласиз, тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб танангиз яйрайди.

"Агар фоний дунёнинг сўлим боғи шу қадар мафтункор бўлса, охиратнинг беқиёс бўстони – мангу жаннат қандай экан? Ёшлиги тезда хароб бўладиган, кексалиги оғриқ-аламдан иборат, орзу-ҳавас боғлашининг сира иложиси йўқ, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган дунё ҳаёти шунчалар тотли ва мароқли кечса, ёшлиги тугамас, кексаликдан мутлақо мосуво сармадий жаннат қандай экан?" – деб ўйланиб қоласиз.

Ушбу тааммулдан сўнг, буюк қудрат соҳиби Аллоҳ қошида бошингиз ерга тегиб таъзим қиласиз. Зеро бу қадар таъзим Унинг ўзига хосдир. Кўли гул уста ёки боғбон қаришида, ўлигу тирик пойида, амалдор, пулдор, мансабдорлар остонасида ёки томошабинларнинг олқишини оламан деган илинжда улар олдида рукуъ, сажда каби эгилиб таъзим қилинмайди. Бундай

таъзимга фақат сизу бизни яратган ва ризқ-рўз берган ягона Холиқнинг ўзи лойиқдир.

Бозбонимиз барпо этган бозистон довруғи тез орада бутун оламга тарқалади. Бозни кўриши учун етти иқлимдан зиёратчилар оқиб кела бошлайди. Танқис мева излаб бегона юртларга боришдан қутулган бозбон ҳамюртларининг қувончи чексиз. Хориждан келаётган меҳмонлар қувончининг ҳам чеки йўқ. Чунки улар бу гулшанда ўз уйларида юргандек ёзилиб, баҳузур юришар, ватанларида топилмас ширин-шакар мевалардан тўйгунча тановул қилишарди. Мевалар эса одамларга жуда яқин; узиш осон ва қулай. Боз устига ҳеч ким уларни шоширмайди, тергамайди. Қизиги шундаки, боққа ҳар кун саноқсиз кишилар кириб, катта-катта саватларни тўлдиришига қарамай, дарахтдаги мевалар ҳеч камаймас эди.

Бозбон олтмиш икки ёшга чиққанда ҳаёт шами сўнади. Қарияларни қайғу қамрайди. Энди тотли мевалардан айриламиз, деб қаттиқ куйинадилар.

Лекин ихлосли омилкор барпо этган боғи эрам унинг вафотидан кейин ҳам аввалгидек яшнайверади. Дарахтлар боягидек гуж-гуж мева тугаверади. Йиллар, асрлар ўтишига қарамай бозбон ўтказган ҳар туп мевадан бол томаверади.

Орадан ўн икки аср ўтгач, одатдагидек, мафтункор боғ зиёратига чет элдан бир неча нафар меҳмон ташириф буюради. "Ота-боболаримиз шу боғ мевасидан ейшиган, бизга ҳам худди шу мевалардан тез-тез олиб келишарди. Дастурхонимиздан бу ноз-неъматлар ҳеч аримаган. Биз ҳам ўз навбатида фарзандларимизга файзли боғ мевасидан тергани келдик", – дейди улар. Эртадан кечгача боғдан чиқмай сайил қилишади. Чарчоқни унутиб, тинмай мева теришади. Қуёш само сатҳидан аллақачон зойиб бўлиб, юлдузлар Ер шифтини беаши учун турли шаклларга кириб чақнаётганда хорижлик меҳмонлар мева билан тўлган саватларини кўтарганча боғдан чиқишади.

Шаҳар марказида жойлашган меҳмонхонага кетаётганлариди йўл бўйида тўпланиб турган беш-олти нафар кишиларни кўриб қолишади. Ёшироқ бир йигит йўл ўртасига туриб олиб, ўтган-кетган машинага қўл силтаб тўхтатмоқчи бўларди. Лекин ҳеч ким унинг жон-жаҳд билан қўл кўтаришига парво қилмай, визиллаб ўтиб кетарди. Меҳмонлар йигитни кўрибоқ машинани четга олишди. Машина секинлаб йўл бўйида оҳиста тўхтади.

– Хайрият, тўхтайдиган инсофли одам ҳам бор экан-ку, – деди йўл ўртасида тинмай қўл силтаётган йигит.

– Ассалому алайкум, – деб салом берди мулойимлик билан меҳмонлардан бири. Уларнинг саломини кутмади.

Йўл бўйидаги бу кишилар бир ярим асрдан бери "ўлмас дев" билан олишавериб ҳолдан тойган ботирдек ҳансираб нафас олардилар. Ўзлари ёш бўлишига қарамай сийрак сочлари анча оқариб қолган, серажин юзларидан гам-андуҳ, қайғу-аламларни бемалол ўқиш мумкин эди. Меҳрга чанқоқ сўлгин кўзлари чет элликларга узоқ термилиб қолди. Чет элик меҳмонлар ҳам чақноқ кўзларини улардан узмай, алламаҳалгача сўзсиз қараб турдилар.

Тўпланиб турганларнинг аниқ ёшини белгилаш қийин. Кийим-бошидан йигирма, йигирма беш яшар ёш йигитларга ўхшаб кетишади. Афт-ангоридан қирқ беш, элик беш чама-сида. Баъзиси кафтидан гўшт қочган чолга ўхшайди. Улар юзида ҳаёт хуришиди аллақачон сўлиб бўлган. Қувонч эса мунглик чирмашган маъюс юзларига анчадан бери яқин йўламаган. Ажинлар билан бирга тушкунлик, ҳорғинлик чакалаклари қоплаган бутун чехраларини умидсизлик тумани босиб кетган. Ифтихор ҳисси сўнган жавдироқ кўзлари улар қалбини қўрқув, хавф, келажакка умидсизлик каби қаттол туйғулар ишгол қилганидан дарак бериб турарди. Кичик қомат, катта бош, ботиқ кўз, сийрак оқ соч ва баданни қоплаган доғ-дуғлару қадоқ босган қўллар бу чўкик жуссалар тоғдек дард-аламларни елкасида кўтариб юрганини шундай айтиб турарди. Бун

энди ҳеч қачон муолажа қилиш мумкин эмасдек туюларди. Ердаги саноқсиз чироқлар ялт-ялт этиб чақнасада, лекин танҳо Қуёш янглиз оламини ёритолмаганидек, сурункали дардга чалинган бу хасталар дардига банданинг усти ялтироқ сунъий дориси қор қилмасди...

– Тинчликми, азизларим? – деди салом берган киши аввалгидан мулойимроқ ва ёқимли оҳангда. Орадаги қўрқинчли сукунат тумани бироз тарқагандек бўлди, икки томон бир-бирини аниқ кўра бошлади. Тинка мадори қуриб, салом бериш у ёқда турсин, ҳаттоки алик қайтаришига ҳам мажзоли қолмаган йигитлардан бири тилга кириб:

– Манави дўстимизнинг мазаси қочиб, ўзини билмай ётибди. Тез ёрдам чақирганимизга икки соат бўлган, ундан ҳануз дарак йўқ. Беморни зудлик билан, ҳозироқ касалхонага олиб бориш зарур, – деди ва йўл бўйига ўрнатилган темир ўриндиқда сўлжайиб ётган йигитга ишора қилди. Меҳмонлар орасидаги ёшироқ йигит "Ўзларинг ҳеч қандай чора кўрмай шу алфозда икки соат ҳам кутасизларми? Бардошингизга балли!", демоқчи бўлди-ю, лекин ораларида ёши улуг киши борлиги учун тез келган ўйни ўша заҳоти тилга чиқармай ичига ютди. Зеро катта бор жойда кичикнинг беизн гапириши беадаблик ҳисобланиш баробарига бетадбирлик экани уларга бошлангич мактабнинг "Адаб" фанида мисоллар билан ўргатилган эди.

Хушсиз ётган йигитнинг ҳоли анча оғир. У сезилмас даражада нафас олар, юзида ҳаёт аломатларидан нишона йўқ.

– Азизлар, йўл беринг, – деди бояги киши ва эркин ҳаракат билан тезда бемор ёнига келди. Кўлини ушлаб қон уришини текширди. Мулойимлик билан беморнинг юмуқ кўзларини очмоқчи бўлди. У кўзини ҳеч очгиси келмасди. Охири базур очди.

– Хавотирга ўрин йўқ. Касалхонага олиб борилмаса ҳам бўлаверади, – деб машина томон юрди. Машинадан мева тўла

саватни чиқариб, аввал беморга, сўнг ўнг томонидаги йигитдан бошлаб, қолганларга турли мевалардан улаша бошлади.

– Олинглар, тортинманглар, ош бўлсин. Шу мевалардан тановул қилиб турсангиз, дард кўрмагандек бўлиб кетасизлар, – деб мезбондек меҳмоннавозлик кўрсатди. Танбеҳ бермоқчи бўлган бояги ёш меҳмон тилини тийганидан суюниб кетди. Зеро у дашном эмас, амалий чора манфаатли эканини кўрди.

Йигитлар оддий меванинг шундай оғир дардга малҳам бўлишига ишонқирамай, меҳмон манолини¹ эринибгина оғизга солишди. Улардан зийракроғи меванинг фойдасини билди чоғи, бошқалардек бир ямлаб ютиб юбормади. Шафтолининг пўстини аста арчиб, оғзига солди, кейин тили билан танглайига босиб, сувини қулт-қулт юта бошлади. Экинлар томирига сув югуриб, сўлиқ япроқлар жонланганидек, йигитлар юзига қон югуриб, жонланиш пайдо бўлди. Аллақачон ўлик тусига кириб, ҳаётдан умид узган бемор бирнастада оёққа туриб кетса бўладими. Турибоқ, ўша заҳоти нажоткор табибнинг қўлидан тутиб миннатдорчилик билдира бошлади. Йигитлар юзидаги тушкунлик ва умидсизлик тарқаб, чеҳралари ёришди. Афт-башарасига қараб бўлмас сўлгин, тунд кишилар ҳавас билан боқадиган, хушчақчақ, нурли йигитга айланди қолди. Қувонч зўридан, сал бўлмаганда нотаниш табибни бардор-бардор қилиб, юқорига отиб юборай дейишди. Мева мазасини сезган йигитлар хушларига келиб, сергак тортдилар. Ерга ташлаб юборган данакларни шошиб-пишиб териб олишди ва биттадан мағзини чақа бошлашди.

– Чет эл дориси кучлида, – деди улардан бири.

– Аслида ҳаммамиз ҳам шу оғайнимиздек оғир дардга чалинганмиз. Қачон ерга қуларкинмиз деб навбатимизни кутиб юрибмиз. Дори эса танқис, топилгани билан таъсири йўқ. Боя айтганингиздек, манави дорингиздан тез-тез истеъмол қилиб турсак яхши бўлар экан, – деди бошқаси.

¹ Тухфа, тортиқ.

– Қўлингиздаги дорини қаерда сотади, – деб сўради машина тўхтатган йигит.

– Бу дори эмас, оддий меваку, – деди меҳмон қўлидаги саватга ишора қилиб.

– Чет эл меваси ҳам доридек кучга эга, – деди таажжубини яширолмаган бояги йигит.

– Булар ташқаридан келтирилган эмас. Шу замин, шу диёрда етиштирилган мевалардан. Чет элда бундайи йўқ.

– Бизнинг диёрда?..

– Ҳа, айнан сизнинг диёрингиздаги моҳир боғбон барпо қилган боғнинг мевасидан.

– Қандай боғ?! Қайси боғбон?!..

Ҳар икки томон бир-бирига ҳайрат билан термилиб қолишди. Меҳмонлар "наҳотки булар ўз юртидаги шифобахи мевалардан ва уни етиштирган боғбондан беҳабар бўлса?" деб ҳайратланса, мезбонлар "наҳотки бизнинг диёрда ақлни шоширадиган, мўъжизавий боғ бор, наҳотки шу заминда дунё донишмандларини лол қолдирган инсон ўтган...", деб ҳайратланарди." Тагин чет эллик меҳмонлар бизни лақиллатаётган бўлмасин. Доридек шифобахи мевалар жойини яширмай, очиқ айтаверинглар", демоқчи бўлишди-ю, лекин нимагадир оғиз очишга ботинишмади.

Меҳмонлар "Сизларда ҳеч қандай қўрқинчли касаллик йўқ. Фақат дармондори етишмайди, холос. Табиий озуқа ўрнига, сунъий нарсаларни кўп истеъмол қилиш натижасида ички аъзолар бузилган. Ботинни тозалаб, ўз юр-тингизда етиштирилган тоза, ишончли мевалардан истеъмол қилсангиз соғайиб кетасиз", демоқчи бўлишди-ю, лекин улар ҳам нималарнингдир истиҳоласида индамай қўя қолишди. Бир йили бу йигитлардан оғирроқ касалликка чалинган кишиларни айни шу мевалар билан даволаганлари учун доригарлар ҳасад қилиб, юқорига чақиб берган экан. Шу сабаб кўп диққатбозлик бўлган.

Йигитлар эса ҳамон ҳайратда. Чиндан ҳам улар етти иқлим танийдиган машҳур боғбоннинг сулоласидан эканларини билишмасди. Минг дардга даво бўлмиш дори-дармон ўз қўлларида эканидан тамоман беҳабар эдилар.

*Саҳрода туя чанқоқдан ўлар,
Сув эса белда боғланиб турар.*

Дуч келганни икки ямлаб бир ютадиган уч бошли, одамкуш аждарҳо билан сал кам бир ярим асрдан буён тинимсиз олишиб, унинг икки бошини узган ва учинчисига келганда силласи қуриган паҳлавондек ҳолдан тойган бу йигитлар бурнидан тортсанг йиқилгудай рамақижон кўринсада, лекин улар манг-лайида улуглик, иззат-шараф белгилари ярқирарди. Улар бошинида қандайдир куч яширингани сезиларли даражада зоҳир. Суқтойлик, мўлтонилик уларга ётлигини дарҳол пайқайсиз. Палаги тоза бу инсонлар томирида жўш ураётган қон покиза экани яққол билинмоқда. Қувонч қоришган қайғу ёшларини сас чиқармай, киприк остида қуритишга уринишлари ва улардаги чексиз сабр-бардош йигитлар замирида ҳаё ва баҳодирлик ҳисси кучли эканидан дарак бериб турарди. Улар бошига тушган айни савдо бошқа йигитлар бошига тушганда, аллақачон ерга қулаб, чилпарчин бўлиши аниқ эди. Лекин йигитлардаги метин ирода ва кучли сабр-қаноат уларни бутунлай қирилиб кетишдан сақлаган эди.

Турфа оламнинг турфа савдолари бошига тушган бечора бемор йигитлар зурриётига айни шу хатарли дардлар таҳдид солаётгани кўзи очиқ инсонларга аён эди...

Танглайи қуриган беҳол набиралар ўз боболари барпо этган гулшан гулобидан бир томчи ичишса, ҳеч бўлмаганда қақраган томоқни унинг шабнамига ҳўллаб олишса, абадул абад ташналик нималигини билмай ўтардилар. Агар асалидан тотишса, асло дард кўрмасликлари аниқ. Бу озуқалар белга

қувват бериб, зурриётга ижобий таъсир кўрсатиши турган гап. Шунда янги авлод аждодлардек бақувват, зийрак, донишманд бўлиб вояга етади. Қолоқ эмас, аксинча, етакчи бўлади.¹

¹ Ушбулар ёзилиб бўлганидан сўнг, бисотдаги Ўзбекистон Адабиёти ва санъати 1994 йил 7 январ сонидида мавзуга оид маълумотга кўзим тушиб қолди. Уни шу ўринда келтиришни муносиб топдим. Ушбу ажнабийлар эътирофи юқоридаги сўзимизга далил сифатида эмас, балки ﴿وَشَهِدَ شَاهِدٌ مِّنْ أَهْلِهَا﴾ ﴿*Ўз аҳлидан бўлган шоҳид гувоҳ бўлди*﴾ дейилганидек, ўз ичидан чиққан шоҳидларнинг гувоҳлиги қабилида келтирилмоқда, холос. Бу, кўпроқ, фақат ўзиникини олиб, ўзиникини маъқуллаб, ўзганинг сўзи, фикр ва далилларини қабул қилмайдиганларга ҳамда гап англамас чулчитларга асқатади.

Рус космонавти Егоров Америка астронавти Стефарт билан 1974 йил октябрида Самарқандга келганида Войишлар хиёбони деб танилган узумзорга борган эди. Америкалик фазокор* Стефарт бу ердаги узум навларини, ранг-баранг узумлар хиёбонини кўриб ниҳоятда завқланган ва "Дастхатлар дафтари"га шуларни битиб кетган экан: "Мен бу ўлкадан ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломалар етишиб чиққанлигининг "сири"ни энди тушундим. Бу ўлкада инсон мия фаолиятини яхши ишлатадиган, юксакка парвоз қилдирадиган шундай мевалар, хусусан, антика узумлар мўл-кўл экан. Бу узумлардан истеъмол қилиб вояга етган одамлардан бунёд бўлган фарзандларнинг мияларида кашфиётга ундовчи ҳужайралар бўлиши шакшубҳасиздир. Узумнинг бундай навларини етиштирадиган халққа, уларни асраб-авайлаб авлодларга етказган боғбонларга офаринлар бўлсин".

Халқаро узумчилик конгрессининг бошлиғи, франциялик олим Барон Лерионинг фикрлари ҳам эътиборга лойик: "Мен узумчилик бўйича ўзимни ҳамма навларни, ҳамма нарсани билувчи мутахассис деб ҳисоблаб юрар эдим. 70 ёшимда Самарқандга келиб бу узумзорни кўрганимдан кейин шунга иқрор бўлдимки, Самарқанднинг узумлар хиёбонини кўрмасдан ҳеч бир олим ўзини узумчиликнинг чинакам мутахассиси ҳисоблаши мумкин эмас экан". Иқтибос тугади.

(Улар имом Бухорийни ва у зотга сафдош олимларни билишармиди? Улар қолдирган улкан илмий мерос – маънавий бўстон билан танишиши бахтига ноил бўлганмидилар? Агар билишганида, узумзордаги ҳайратларидан кўра буюкроқ ҳайрат уларни чулғазган бўларди. Боғбонни олқишлаганларидек, балки ундан кучлироқ ҳис-ҳаяжон билан олимларни олқишлаб, тасанно айтар эдилар. "Биз ойга чиқдик" деб кўкрак кериб юрибмиз, сизларнинг боболарингиз юлдузни нишонга олган экан-ку, деб бу юрт аҳлига янада ҳавас билан боқармидилар...)

Ажнабий меҳмонлар "Мен бу ўлкадан ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломалар етишиб чиққанлигининг "сири"ни энди тушундим", деганидек, нега ҳозирги кунларда диёримиздан оламшумул алломалар чиқмаётганининг сирини мен ҳам энди-энди тушунмоқдаман. Алкаш, гиёҳванд, онги мажруҳ, нотавон касалвандлардан қандай фарзанд туғилиши мумкин?!..

* "Космонавт, астронавт" калималари ўзбек тилида "фазогир" деб юритилар экан. Изоҳли луғатда айтилишича, "фазогир" фазони забт этувчи деган маънони ифодалайди. "Забт этиш" эса босиб олиш, ишғол қилиш, истеъло, ўз ҳукмига бўйсундурмоқ,

жиловламоқ маъноларида истеъмом қилинади. Инсоф билан айтганда, очиқ фазога бир бор чиқиб кўйган кишини дарров "фазони забт этувчи" деб аташ ақлга тўғри келмайди. Курраи заминнинг уч қисмини ташкил қилган сувлар: тубсиз уммонлар, тоғдек тўлқинли, пишқирган денгизлар, жўшқин дарёлар ва Ернинг бир қисмини ташкил қилувчи куруклик: бепоён далалар, салобатли тоғлар, паст-баланд адирлар, поёнсиз саҳролар, ҳадсиз ўрмонлар, осмонўпар биноли шаҳарлар, кенг ҳовлили қишлоқлардан ташкил топган, сиртида етти миллиард инсонни ва ҳисобсиз ҳайвонотларни кўтариб турган, ботинида турли бойликларни сақлаётган она Ермиз чексиз фазода кичкина тўпга ўхшаб қолади. Фазони забт этган "фазогирлар" эса заррага айланаб кетади, балки ҳаво янглиғ кўзга кўринмай қоладилар. Кўзга кўринмас зарралар бош-охирини ўлчаб бўлмас, тасаввурдан узоқдаги ўта чексиз фазони қандай забт этсин?! Лоф ҳам эви билан-да, дегингиз келади. Ваҳий таълимотидан йироқ ўша мудҳиш асрда даҳрий коммунистларнинг ёлғонига лаққа тушиш натижасида **"лоф деса олақонни олиб югуради"**ган ҳовлиқмалар пашшадек жуда тез урчиб кетган эди... Ҳақиқатга хилоф бундай баландпарвоз гаплар, катта кетиш, Холиққа нисбатан беадаблик ва телбаларча журъат, чираниш, керилиш, зиддиятли тушунчалар, нотўғри атама ва таржималар атеизм қуртлаган даврда жуда кўпайган. Очиқ фазога учган кишини "фазони забт этувчи" деб аташ ҳам ўша эътиқодсизлик даврининг лофларидан. Бунинг ўрнига, менимча, "фазогар" ёки "фазокор", деб аташ дурустроқ. "Учмоқ", "парвоз қилмоқ" исмларидан муносиб от чиқарилса ҳам бўлаверади. 2006 йили қайта нашр этилган изоҳли луғатда "фазогир"дан кейин "пахтакор", "хизматкор"га ўхшаш "фазокор" исмини изофа қилган. Бу аввалгисидан кўра енгилроқ ва ҳаққга яқинроқдир, валлоҳу аълам. "Жаҳонгир, оламгир" калималарини андаваласа бўлади, аммо-лекин "фазогир"ни...

Мен тилшунос эмасман, лекин она тилимизни эъзозлаган ўқувчиман. Шунинг учун ғайриинсоний мафкура бузиб кетган жойлардаги тузатиш лозим деб билган ўринларни йўл-йўлакай ислоҳ қилиб кетишни лозим топдим.

Иккинчи фасл

Ҳақиқат

Бу – ўз қаърида улкан ҳақиқатларни камраган мажозий маънодаги бир ҳикоя. Ёшлигидан эртақ, афсона, ҳикоя, қисса каби турли-туман асарларни ўқиб улғайган қиссагўй замондошимизга улуғ бир ҳақиқатни эслатишдан олдинги муқаддима.

Бир жойда узок ўтириб қолиш натижасида қон юришмай карахт бўлиб, оёқ увушади. Оёқ чигалини ёзиш учун эса бироз пиёда юриб сайр этиш керак. Худди шунга ўхшаш бу тадбир ҳам мия чигалини ёзиш учун қўлланилган енгил сайр. Дини ва тарихидан етарли маълумотга эга бўлмаган авлодга дабдурустдан муддаони айтишдан илгари унинг ўзи одатланган маъруф ва маълуф услубни муносиб топиб, машҳур маслакдан йўналдим. Ҳикоя бесамар эмас, мағзини кейинроқ чақамиз. Илғаган бўлсангиз, боғ сайри асоносида рубубият тавҳиди, тарих, табобат соҳаларига ҳам кириб ўтилди. Бу бежиз эмас. Биринчи фаслда кўтарилган мавзуларнинг кейинги фаслларга алоқаси бор. Буни пайқаш қийин эмас.

*Мақсудим илғаган таҳсин ўқийди,
Илҳомланиб балким шеърлар тўқийди...*

Адиб халқ дилидагини ва тилининг учида туриб айтолмаётган ҳақиқатларни ёзиши керак. Бу вазифани кимдир оқлади, кимдир йўқ. "Туғма талант" дейилган иқтидору қобилиятдек илоҳий инъомни кимлардир ғайриинсоний келгинди мафкура хизматига бўйсундирди. Кимлардир бир дона шахс йўлида қурбон қилди. Кўплар шахвоний йўналишда чопиб кетди. Ўша китобларни ўқиб ўқувчининг саводи чиққан. Шунга кўра, адиб бўлмасам ҳам сўзни илмий "Ҳикоят"дан бошладим.

Бухорий Саҳиҳини бўстонга ташбеҳ қилишимиз Саҳиҳи Бухорийнинг ўзида келган ҳадисларга асосланган. Бу, ҳадис соҳасидаги мутахассисларга махфий эмас. Зеро жанобимиз ﷺ мўъминни дам хурмо дарахтига, дам ниҳолга, дам утружжага (пўртахолсифат мева) ўхшатар эдилар. Мунофиқни ҳанзал ва райҳонга, кофирни эса катта дарахтга ташбеҳ қилганлар.

"مَثَلُ الْمُؤْمِنِ كَالْحَامَةِ مِنَ الزَّرْعِ... " "مَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي يقرأ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْأُتْرُجَةِ... "

" مَثَلُ الْمُؤْمِنِ كَمَثَلِ شَجَرَةٍ خَضِرَاءَ لَا يَسْقُطُ وَرَقُهَا " каби ташбеҳ маъноларини ифодаловчи ҳадислар бунга ёрқин далил.

Энди, кимгадир аён, кимгадир ҳануз қоронғидек туйилаётган, Қуёш янглиғ ёрқин "Ҳақиқат" баёнига ўтсак.

Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломни ҳақ дин билан бутун башариятга пайғамбар этиб юборди.

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ ﴾

﴿ *Биз сизни умумбашарга пайғамбар этиб юбордик.* ﴾

Сабаъ сураси 28-оят.

﴿ لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِهِ

﴿ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِن كَانُوا مِن قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴾

﴿ *Албатта Аллоҳ мўъминларга яхшилик қилди. Зероки У Аллоҳнинг оятларини уларга тиловат қиладиган, уларни (жоҳилият ва маъсият кирларидан) поклайдиган, Китоб ва Ҳикматни уларга ўргатадиган, ўз жинсларидан бўлмиш кишини пайғамбар этиб юборди. Улар бундан илгари аниқ залолатда эдилар.* ﴾

Оли Имрон сураси 164-оят.

Эътиқоди бузуқ, ахлоқ-одобдан йироқ, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёти издан чиққан, қабилалараро жанглар тинкасини қуритган, осойишталик йўқолиб, хавф-хатар ичида маъносиз ҳаёт кечираётган жоҳилият аҳлини Аллоҳ таоло:

" لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ " – "аниқ залолатда" гилар деб атади. Уларни мазкур залолатдан қутқариш учун кучли, бақувват Малоикалардан эмас, балки ўз жинсдошлари орасидан эркак кишини саралаб пайғамбар – элчи этиб тайинлади. Элчининг асосий вазифаларидан энг муҳим учта амални ушбу ояти каримада тартиб билан бирма бир баён қилди.

Биринчи вазифа: " **يَتْلُوا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِهِ** " – **"уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилади"**.

Иккинчи вазифа: " **وَيُزَكِّيهِمْ** " – **"уларни поклайди"**.

Жаҳолат ва маъсият қабоҳатидан, ҳиссий ва маънавий кирлардан тозалайди. Бу иймон, илм-маърифат, тавба-истиффор, тоат-ибодат ва эзгу ишларни кўпайтириш билан рўёбга ошади.

Учинчи вазифа: " **وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ** " – **"Китоб ва Ҳикматни уларга ўргатади"**.

Гўё ушбу жумла юқоридаги **يَتْلُوا عَلَيْهِمْ ءَايَاتِهِ** "уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилади" деган оятни таъкидлаш баробарида уни кенгроқ тушунтириб келмоқда. Тиловатдан мурод куруқ ўқиш эмас, балки онгли равишда тушуниб, тафаккур ва тадаббур билан ўрганиш эканини англатяпти.

Аллоҳ бандаларга нозил қилган Қуръонни КИТОБ, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадис ва суннатларини ҲИКМАТ деб атади. КИТОБ ва ҲИКМАТни одамларга таълим берувчи муаллим юборишни: " **لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ** " – **"Албатта Аллоҳ мўъминларга яхшилик қилди"**, деб буюк инъом ўрнида мадҳ билан эслади.

Башарият муаллими ўз вазифаларини тўлиқ адо этиб, сизу бизга жонли намуна қолдирдилар. Аввалгиларни ислоҳ этган раббоний бу уч тадбир кейингиларни ҳам ислоҳ этиши муқаррар. Қачон ва қаерда инсоният бу каби оғир бухрон ичра қолса, тажрибадан ўтган, кафолатланган ушбу илоҳий тадбир билан бухрондан саломат чиқа олади. Муаммолар ечимини топади, осойишталик ҳукм суради. Илоҳий дастурдан узоқлашганлар, агарчи етмиш йил ва ундан ҳам кўп йиллар ўзини ўтга, чўкқа уриб, ҳар ён югурсада, сарсон-саргардонликдан ўзгасини қўлга киритолмайдилар.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло инсониятга порлоқ ҳаёт лойиҳа-сини тузиб беряпти:

Аллоҳ Каломига қайтиш: тиловат, тадаббур, тафаккур, таълим ва тадбиқ билан.

Ҳиссий ва маънавий покланиш: зоҳир ва ботин тозалиги, руҳ ва жасад назофати.

Қуръон ва Ҳадисга асосланган таълим-тарбия: илоҳий ваҳий суви билан суғорилган маориф.

Шу учта илоҳий тадбир билангина фаровон, осойишта ҳаёт барпо этилади. Икки дунё саодатига эришилади.

Зидди эса акс натижа беради.

Шундай ҳам бўлди. Мусулмонлар муборак лойиҳа асосида асрлар давомида бахт-саодатли ҳаёт кечиришди. Лекин одамзодга душманлигини очиқ эълон қилган шайтонга бу тадбир ёқмади. Шунга кўра шахсан ўзи ва бани башардан ёлланган югурдаклари билан биргаликда нурафшон ҳаёт илдизини қурутишга уринди. Қуръонни одамлар кўлидан бутунлай тортиб олиш, оятларини бузиш, ўзгартириш билан шум ниятига етмоқчи бўлди. Буни олдиндан билган Аллоҳ таоло мўъминлар қалбини хотиржам қилиб, Қуръонни Ўз ҳифзу ҳимоятида сақлашини ваъда берди. ﴿ إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴾ Ҳижр 9-оят.

﴿ **Албатта бу Эслатмани Биз Ўзимиз индирдик ва албатта**

Биз Ўзимиз уни ҳифзу ҳимоятимизда сақлажакмиз. ﴾

Узоқ ва яқин тарих Қуръонга қарши олиб борилган ваҳшиёна ҳужумларга гувоҳ. Узоқ ўтмишни кўйиб туриб, башариятни гангитган кечаги мудҳиш асрни олиб кўрайлик. Бино бўлган кунидан бошлаб, то кулаб йўқ бўлиб кетгунга қадар замини қон билан суғорилган бу асрда Аллоҳнинг азиз Китобини йўқ қилиш учун озмунча хуружлар бўлмадими. Газета-журнал, телвидения-радио 70 йилдан ортиқ Қуръоннинг олижаноб, гўзал таълимотларига қарши ташвиқот олиб бормадими?! Дунё саодати учун келган дин инстехзо қилинмадими?!..

Бугина эмас! Мусхафни ўтда ёқдилар, дарёга окиздилар, тупрокка кўмдилар. Қуръонни ёд олган, ҳаётини шу муқаддас Китобга амал қилиб ўтказишни истаган миллионлаб мўъминларни қириб ташланди. Қамалди, ўлдирилди, ватанидан қувлиб, совуқ ўлкаларга сургун қилинди. Ҳатто баъзи олимларни шам билан куйдуриб ўлдирилди. Тарих бунга гувоҳ.

Ушбу ваҳшийликлар шахсан Лениннинг ёзма ва оғзаки буйруғи билан амалга оширилди. Мустабид ҳеч кимни аямасдан қакшатарди. Рус ёзувчиси Игорь Бунични ўқиймиз:

"Бу кенгашда, – деб кўрсатма беради Владимир Ильич, – қимматбаҳо буюмларни тортиб олиш ҳақида, айниқса, энг бой монастырлар, ибодатхоналар ва черковларнинг бойликларини мусодара қилиш ҳақида махфий қарор қабул қилиш керак. Қарорда бу ишни шафқатсиз қатъият билан, ҳеч нарсани юз-хотир қилмай, жуда қисқа вақт ичида ўтказиш зарурати таъкидлансин. Шунинг учун биз реакцион буржуазия ва реакцион руҳонийлар вакилларини қанча кўпроқ миқдорда отиб ташлашга муваффақ бўлсак, шунча яхши. Айни ҳозирги пайтда буларнинг таъзирларини шундай бермоқ керакки, токи улар кейинги ўнлаб йиллар мобайнида қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмасинлар.

19. 3 1922.

Халқ Комиссарлар Совети Раиси В. Ульянов.(Ленин)".

"Инсоният тарихида ҳеч қачон, ҳатто, қадимги золим подшоҳлар замонида ҳам биронта давлат бошлиғи бунга ўхшаш ҳужжат остига имзосини қўйишга журъат қилолмаган эди", деб изоҳ беради Бунич.¹

Ленин қароридаги "шафқатсиз қатъият билан, ҳеч нарсани юз-хотир қилмай" ҳамда "буларнинг таъзирларини шундай бермоқ керакки" деган буйруқ қандай амалга оширилганини яхшироқ билиш учун шу китобнинг 117-саҳифасини очамиз:

¹ ПАРТИЯНИНГ ОЛТИНЛАРИ. 115-саҳифа. Игорь Бунич. Озод Шарофиддинов таржимаси. Бу китобни албатта топиб ўқинг, жуда фойдали.

"1922 йилнинг майида патриарх Тихон Муқаддас Синоднинг ҳамма аъзолари билан бирга қамоққа олинди, 32 митрополит¹ ва архиепископ² отиб ташланди. Аммо расман "отилди" деган билан, ваҳшийларча қийнаб ўлдирилди. Киев митрополити Владимир танаси моматалоқ қилиниб, бичилган, кейин отилган ва қипяланғоч ҳолда чоҳга улоқтирилган. Патриарх қазо қилган тақдирда унинг ўрнини эгаллаши керак бўлган Петроград митрополити Вениамни қаҳратон совуқда устидан сув қуйиб яхлатилган, кейин чўктириб юборилган. Бир вақтлар ўз ихтиёри билан подшоҳ ёнидан сургунга кетган Тобольск епископи Гермоген тириклай кема чамбарагига боғлаб қўйилган. Чамбарак айланиб унинг танасини лахтак-лахтак қилган. Ўтмишда Японияда христиан динини тарғиб қилиб донг қозонган Пермь архиепископи Андроникни тириклай ерга кўмилган. Чернигов архиепископи Василий бутга тортилиб, ёқиб юборилган"...

Ўзиникига раҳм-шафқат қилмаган ёвуз ситамкор ўзгага раҳм қилармиди?!

Агар Россия ичида шунчалар ваҳшийлик рўй берган бўлса, бизнинг диёрдаги ваҳшийлик миқдори қанча бўлиши мумкин?

Ўйлашнинг ўзи даҳшат! Тасаввур этиш ваҳшат!

Ҳодисанинг ўзи эса биз ўйлаган ва тасаввур қилгандан кўра даҳшатлироқ эди. Кексаларнинг айтишича, ўлимга маҳкум қилинганларнинг баъзисини хотин, бола-чақасининг кўз олдида бошини узиб ташлаб : "Ибрат ол!!" деб дўқ қилинар экан. Ҳатто бешикдаги боланинг юзини очиб, унга ҳам бу қўрқинчли воқеа кўрсатилган.

Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлди?³

¹ Православ ва католикларда епископларнинг олий унвони ва шу унвонга эга шахс.

² Христианлар черковида олий унвонга эга бўлган епископдан қуйи шахс.

³ Ленин бор йўғи 54 йил умр кечирган, холос. Ҳаётининг охирги икки йили ўта оғир касаллик аламларидан қийналиш билан ўтган. Яқинда унинг оммадан яшириб келинган мудҳиш суратини кўриб қолдим. Озиб-тўзиб кетиб ночор

Улар шум ниятига етишдими?

Биҳамдиллах, Қуръони карим комил сақланиб қолди. Миллионлаб кишилар қўлларида, тилларида ва дилларида бирор ҳарфи захаланмаган Қуръон билан пайдо бўлдилар. Ҳатто нонни нанна дейдиган норасида гўдаклар ҳам ўттиз пора Қуръонни хатосиз ёд олиб чиқдилар. Иброҳимни ўт-аланга ичида бир дона мўйини куйдирмай, соғ-саломат сақлаган қудратли Аллоҳ Ўз китобини етмиш йиллик оташгоҳдан бир дона ҳарфини йўқотмай, кейинги авлодга сақлаб берди. Қуръони мажид мана ўн тўрт асрдан буён Пайғамбаримизга ﷺ қандай нозил қилинган бўлса, худди ўшандайича сақланиб келмоқда, валҳамдулиллаҳи роббил алабийн. Мустамлака билан зулм-ситам эгизлиги ҳақидаги тарихий ҳақиқат хаспўшланишига қарамай, бу ҳақиқат ҳаммага яна қайта равшанроқ аён бўлди.

Қуръон ўша-ўша, лекин мусулмонлар ҳам ўша-ўшами? Бу алоҳида мавзу. Инша Аллоҳ, насиб қилса, "Ҳақиқат ва сурат" номли дарсликда аввалги ва ҳозирги мусулмонларнинг муқаддас Китобга муносабатлари хусусида баҳс юритармиз.

*Чекиб оҳ, тинмайин уфлаб газаб қилсам-да бўрон йўқ,
Сўзим тобора кескиндир, қилар коримда сурон йўқ.*

*Зиёда бағри кенгликдан ичимга сигмагай қил ҳам,
Бу тупроқда саноқсиз эл бору, шавкатли Турон йўқ.*

*Инонсам сўзларига – бу жаҳонда қолмаган кофир,
Ҳама элнинг қўлида бор, дилида воҳки, Қуръон йўқ.***

*Нақ ўттиз йил қадам қўйдим ажсал сори яқинлашдим,
Дилим равшанлигин кўрсам, деярман бундайин он йўқ.*

аҳволда қолган "доҳий" ногиронлар аравасида бемажол ўтирибди. Кўзлари қинидан чиқиб кетаман дейди. Ранги қозон куя сурталгандай қоп-қора. Гўё унинг юзини жаҳаннам оташи куйдиргандек. Мавзолейдаги мўмиёланган жусса эса анча ишлов берилган янги шаклга ўхшайди.

*Ғаним рафторли дўстлар бор, ганимлар дўстга ўхшайдир,
Надур ҳолинг, демоқликка гаразсиз бир мусулмон йўқ.¹*

*Улуз кунда улузворлик билан ҳолингни сўрмасми?
Сенингдек бу заиф халқдан меҳр кутгувчи нодон йўқ.²*

Аъзам Ўктам

Саодат манбаи бўлмиш Қуръондан кейинги асосий манба – Аллоҳ "Ҳикмат" деб атаган ҳадиси шарифлар Қуръондек сақланиб қолганми? "Саҳиҳ ҳадис", "заиф ҳадис", "мавзу ҳадис" деган сўзларга дуч келамиз, ҳадислар ҳар хил бўлиши мумкинми, деган ўринли саволлар туғилади.

Бу каби саволларга "ҳа" ёки "йўқ" деб қисқа жавоб бериш дуруст бўлмас. Туркий забон ўқувчилар "саҳиҳ ҳадис", "заиф ҳадис", "мавзу ҳадис" дейилган муҳаддислар истилоҳини ўз қомус китобларидан тополмасликлари турган гап. Батафсил жавоб эса ҳадис илми ва шу фанга оид китобларда кенгайтириб берилган. Тафсилий равишда жавоб истаганлар қуйидаги манбаларга мурожаат қилишлари мумкин.

1 - Ибн Салоҳнинг علوم الحديث

2 - Ибн Мулаққиннинг المقنع

3 - Ироқийнинг التقييد والإيضاح

4 - Ибн Ҳажарнинг النكت على كتاب ابن صلاح

5 - Саховийнинг فتح المغيث

¹ **Бу сўзлар шоирона маҳоратми ёки ҳаётий ҳақиқатми? Шоир бир дона дилхоҳ тополмай дилхун бўлган чоғида, аччиқ устида, ҳеч кимни аямай айтган ҳақиқатдан бутунлай йироқ ё айна ҳақиқатдан иборат мисраларми?

Жумбокнинг жавоби жой ва жамиятга боғлиқ, яъни бир хил эмас. Бир жойда айна шундоқ, бошқа бир жойда бунинг акси. Қайсидир жамиятда музкур қусурлар мужассам, қайси бирида бироз кам. Бошқасида бу номукамаллик ўрнига баркамолликни кўрасиз.

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил, 20 сентябрь, 4 саҳифа.

6 - Суютийнинг تدریب الراوی

7 - Муновийнинг البواقیت والدمر

8 - Санъонийнинг توضیح الأفكار

9 - Ҳижрий 1307 йилда вафот этган Саййид Сиддик Ҳасан ал-Қаннужий, ал-Бухорийнинг الحطة فی ذکر الصحاح الستة номли китоблари.

10 – Замондош ҳамюртимиз, андижонлик раббоний олим марҳум Саййид Қосим Андижонийнинг араб тилида битган المصباح فی أصول الحدیث номли китоблари юқорида баёни ўтган китобларнинг ўрнини боса олади.

Толиби илмлар мазкур китобларнинг қайси биридан фойдалансалар мақсад амалга ошаверади, биизниллаҳ.

Аммо Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифлари сақланиб қолганми деган саволга келсак, унга қисқа қилиб икки важҳдан жавоб бериш мумкин.

1- жавоб. Ҳа, Аллоҳ таоло Росули Акрам ﷺ ҳадисларини муҳофаза этиб сақлади. Онҳазратнинг ﷺ ҳар бир сўзлари, ишлари, саҳобалардан содир бўлган иш-ҳаракатни сўз ёки сукут билан тасдиқлашлари ва ҳатто қўллари билан қилган ишораларигача бу умматга етиб келди. Шунини журъат билан таъкидлаб айтишимиз мумкинки, ер юзида ҳаёти тўлалигича сақланган ягона шахс Муҳаммад алайҳис-саломдурлар. Бу зотдан ўзга ҳеч кимнинг ҳаёти ва сўзи комил сақланиб қолган эмас.¹

¹ Ўтган асрдаги уюшган жинойтчиликнинг бош ижрочиларини дохийлаштириб, номини абадийлаштиришга катта куч ва чексиз маблағ ажратилди. Ҳужжатли ва бадий фильмлар суратга олинди. Илмий асарлар яратилди. Фельетон ва ҳажвиядан бошқа ҳамма йўсинда мақола, очерк, оддий хикоядан бошлаб том-том романларгача ёзилди. Суратини темирга ўйиб, болалар кўксига "значок" қилиб, катталар кўкрагига каттароқ суратини "орден" деб тақилди. Пулга тасвирини тамғалашди. Деворларга баҳайбат расмини осиди. Хоналарга бронза бюстини, кўча-кўй ва катта йўлларга даҳшатли ҳайкалинини ўрнатиди. Лекин натижа нима

Бунинг иккита асосий сабаби бор.

Биринчиси: Инсоний ҳамма етук фазилатларни, олийжаноб хислатлар ва гўзал хулқларни ўзида мужассам этган баркамол ва бетакрор инсон Росулulloҳ ﷺ инсониятга намуна бўлиб юборилганлар. Инсонлар етуклик андазасини жанобимиздан олишлари лозим.

Зеро инсоний камолот – Росулulloҳ ﷺ шахсиятларида ўз аксини топган.

Чин бахт – у зотнинг ибратомуз ҳаётларида тасвирланган.

Саодат тарҳи – жанобимиз тимсолларида чизилган.

Шунинг учун охирги Пайғамбарнинг ҳаёти, сўзлари, феъл-атворлари тўлалигича сақланиши зарур эди ва сақланиб қолди.

Инсоний камолотга интилганлар,

Шодмон ҳаёт истаганлар,

Бахт-саодат лойиҳасини тузмоқчи бўлганлар,

Росулulloҳ ﷺ йўлларида бошқасида асло орзуйингизга етишолмайсиз!

Иккинчидан: Аслида ҳадис ҳам сақланиши ваъда берилган Зикр – Қуръон жумласидан, бошқача ибора билан айтганда илоҳий ваҳий зимнидандир. Шунга кўра Худованд Ўз Росулининг ﷺ сўзи ва ҳаётини ҳифз ҳимоятида асраб, авлоддан авлодга мерос қилмоқда.

Ҳадис Қуръонни баён қилади ва шарҳлайди. Шу боис Аллоҳ таоло Ўз каломини баёни бўлмиш ҳадиси шарифларни сақлаб берди.

﴿ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَنْفَكِرُونَ ﴾

билан яқун топди. Кўтар-кўтар қилганларнинг ўзи, ҳаял ўтмай уни бадном қилди. Номини масхаралаб, латифалар тўқиди.

1996-йили Москвадаги китоб дўконларидан бирига кирдим. Кўзим муқовасига 20-аср "даҳолари"нинг мазах қилиб ишланган ҳажвий расмлари туширилган китобга тушиб қолди. Ҳажвқаш набиралар ўз аждодлари Ленин "бобо"дан то Брежневгача бўлган муштумзўр корчалонларнинг кирдикорларини ҳажв орқали очиб ташлашган эди.

﴿ Одамларга туширилган (аҳком ва ҳикматларни) уларга тушунтиришингиз учун ва улар тафаккур юритишлари учун сизга ушбу Эслатмани нозил этдик ﴾

Наҳл сураси 44-оят.

2-жавоб. Лекин, шунинг билан биргаликда китобларда "ҳадис" деб ёзилган ёки одамлар "бу ҳадис" деб Росулulloҳга ﷺ нисбат берган ҳар бир сўзни ҳадис деб қабул қилиш дуруст бўлмас. Чунки Росулulloҳ ﷺ вафотларидан кейин миллий, сиёсий келишмовчиликлар сабабли, иқтисодий ғараз ва динга тана етказиш ёки динга кўр-кўрона хизмат ниятида ёлғон ҳадислар тўқиш юзага келди. Турли сабабларга кўра "заиф" – ишончсиз "ҳадислар" пайдо бўлди.

"Заиф ҳадис" деб: **"Саҳиҳ ва Ҳасан мартабасидаги ҳадислар сифати топилмаган ҳадисга айтилади"**.

Олимлар "Заиф ҳадис"ларни беш қисмга бўлишган.

1- الضعيف – Заиф.

2- الضعيف جدا – Жуда ҳам қаттиқ заиф.

3- الواهي – Ал-воҳий.

4- المنكر – Ал-мункар.

5- وشرأنواعهالموضوع – ушбуларнинг энг ёмон тури ал-мавзуъ – тўқима "ҳадис" дир.¹

Шунга қарамай, Росулulloҳдан ﷺ сўнг тонгла Қиёмат қадар келажак умматлар амал қилиб саодатли ҳаёт кечиришлари учун Қуръон билан биргаликда ҳадиси шарифлар ҳам сақланди. Имом Моликнинг Мувааттоларида келади:

¹ معجم مصطلحات الحديث

"تركت فيكم أمرين لن تضلوا ما تمسكتم بهما كتاب الله وسنة نبيه"

Жаноб Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сизларга икки нарсани ташлаб кетялман. У иккисини ушласангиз асло адашмайсизлар, бири: Аллоҳнинг Китоби – Қуръон, иккинчиси: Суннатим – ҳадислар", деб марҳамат қилганлар.

Ўз Росулнинг ҳадисларини сақлаш учун Аллоҳ таоло ихлосманд, худотарс, жон роҳатидан кўра дин хизматини афзал қўйган, бутун ҳаётини илм-маърифатга бағишлаган, қалби пок, зеҳни ўткир *муҳаддис олимларни* ихтиёр этди. Улар игна билан қудуқ қазишдан кўра оғирроқ бўлган машаққатли, лекин муборак ишга қўл урдилар. Улар азиз умрларини Росули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини жамлаш ва юқорида баёни ўтган беш турли "ҳадис" лардан саралашга бағишладилар. Натижада "Муснад", "Саҳих", "Сунан" йўналишида ҳадис китоблар девон этилди.

Ҳадис илмига бел боғлаган муҳаддис олимларнинг аниқ сонини айтиш қийин. Тарихшунос олимларнинг айтишича, бир вақтнинг ўзида Самарқанд билан Тошкент оралиғида йигирма минг муҳаддис яшаган экан. Термизда қанча,¹ Марв, Хуросон, Бағдод, Макка, Мадина, Шом, Куфа, Басра, Мисрларда қанча бўлиши мумкин? Буларнинг аниқ сони уларни бу муборак ишга муваффақ айлаган Зотнинг Ўзига аён, холос. Уларнинг ҳаммалари ўз даврида, ўз минтақасида динга хизмат қилиб, одамларга жанобимиз ҳадисларини таълим бердилар. "Бу саҳих, бу ҳасан, буниси заиф, бу эса мункар, мана буниси тўқима – мавзу ҳадис", деб мусулмонларни огоҳлантириб келдилар. Ҳаммалари муқаддас амал учун жиддият енгини шимариб, қўлга қалам олдилар.

¹ Бухоро олимлари ҳақида бухоролик Муҳаммад ибн Аҳмад Гунжор (337-412-х = 948-1028-м) *تاريخ بخارى* китобини ёзган.

Насафий эса (431-537-х = 1068-1142-м) Самарқанд олимлари ҳақида китоб тасниф қилиб, уни *القند في معرفة علماء سمرقند* деб номлаганлар.

Улар орасида бухоролик Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил жамлаган ҳадислар тўплами энг ишончли ва энг мўътабар китоб деб топилди. Уммат иттифоқи билан бу китоб Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба деб қабул қилинди.

Таълиф ва тадвин Бухорийдан анча илгари бошланган. Ҳадис китоб шаклида тобеинлар даврида зоҳир бўлди. Халифа Умар ибн Абдулазиз ташаббуси билан бу хайрли ишга қўл урилди ва биринчилардан бўлиб Ибн Шихоб Зухрий Росулulloҳ ﷺ ҳадисларини жамладилар. Аслида Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон билан ҳадис аралашиб кетиш хавфида саҳобаларни ҳадисни ёзишдан ман қилгандилар. Илло айрим саҳобалар талаби билан ва баъзи муносабатлар боис ҳамда зарурат ўрнида Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рухсатлари билан ҳадислар ёзиб борилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ўйлатган сабаб барҳам топгач, тобеинлар ҳадис тадвинига кириша бошлашди. Кимдир фикҳда, кимдир фароиз ёки рақоикда,¹ яна кимдир бир соҳада, бошқалар ўзга бир соҳада таълиф қила бошлади. Яъни ҳар бир фан алоҳида мустақил китобда битилди. У китоблар саҳиҳ билан биргаликда заиф ҳадисларни ҳам ўз ичига олганди. Саҳиҳини саралаб олиш учун ўқувчи ҳадис санади билан яхшилаб танишиши лозим. Бу эса ҳамманинг қўлидан келавермайди. Имом Бухорий Саҳиҳининг қиймати шундаки, у ҳамма фанларни бир китобда жамалади. Шунинг учун Жоме – умумий тўплам дейилди. Муаллиф ўз китобига фақат саҳиҳ ҳадисларни киритишни шарт қилади. 100 минг саҳиҳ, 200 минг саҳиҳ бўлмаган ҳадисни ёд олади. Жами 600 минг ҳадис ичидан шартларига тўғри келган энг саҳиҳ ҳадисларни саралаб мазкур китобга киритдилар. Шунга кўра китоб Саҳиҳ деб аталди. Қисқа исми *"Ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳ"*², яъни турли иллат-

¹ Зухд-таквога оид ҳадислар "рақоик" дейилган. Ўз ўрнида батафсилроқ ёритилди.

² Тўлиқ исми кейинроқ келади.

лардан саломат, энг ишончли ҳадис тўплами демакдир. Шу жиҳатдан ҳамюртимиз, буюк аллома, ҳадис илмида мўъминлар амири, ҳадис бўстониинг чинакам боғбони улуғ пешво ва етакчи раҳнамо, ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил таълиф этган китоб Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манбага айланди.

Унда 97 та мустақил Китоб бор. Ҳар бир Китоб бобларга ажратилган. Жами 4000 (тўрт минг)га яқин боб, 7275 та саҳиҳ – ўта ишончли ҳадис киритилган. Аввали *كتاب بدء الوحي* – *Ваҳийнинг боиланиши хусусидаги Китоб*, охири *كتاب التوحيد* – *"Тавҳийд Китоби"* дир.

97та Китоб дегани: Дин ва дунёга оид 97 фан демакдир. Бунда ҳаёт ва охиратга тааллуқли 97 хил йирик мавзу мавжуд.

Иймон.

Илм-маърифат.

Ибодат, яъни Холиққа қулчилик, Буюк зоти таоло суйган амаллар...

Фикҳ, Фароиз.

Сийра.

Ахлоқ-одоб.

Исломий одоблардан бири бўлмиш "изн сўраш" алоҳида китобда келган.

Тижорат. Зироат.

Ширкат, ваколат, ижара (аренда) каби савдо-сотикнинг ҳамма тури.

Табобат алоҳида китоб. Беморлар алоҳида китоб.

Тарих.

Башиарият ибтидоси ва интиҳосига оид ҳадислар.

Тафсир.

Никоҳ, Оила.

Талоқ.

Ўтмишининг ибратомуз қиссалари.

Рақоиқ – зуҳд-тақвога ундовчи, қалбни юмшатувчи ҳадислар.

Дуо ва зикр.

Қўни-қўшни, маҳалла-қўй, қавм-қариндош муомалалари.

Ўлик ва тирикка тааллуқли муҳим масалалар, киши ўзини байрамда қандай тутиши керагу, аза, мусибатда қандай тутиши кераклиги ҳақидаги аҳком, йўл-йўриқ, кўрсатматлар, Қиёмат олдидан содир бўлажак фитналардан огоҳлантирувчи, турли фитналарга оид хабарлар, қўйингки инсон ҳаёти учун, дунё ва охираат саодатига етишиши учун керак бўлган ҳамма ҳадислар шу муборак Китоб мавзусидир.

Энг яхши томони шундаки, бундаги ҳадисларнинг ҳаммаси жанобимиз Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломнинг муборак оғизларидан чиққанига заррача шубҳа йўқ. Фақат ўқиб, ўқилганни амалга оширилса, кифоя. Саодатнинг ўзи жон ҳолингизга қўймай, эшик қоқиб келаверади.

Шунга кўра, бу муборак Китоб ўн икки асрдан бери *Аҳли сунна вал жамоъанинг* Қуръондан кейинги шаръий масдари бўлиб хизмат қилмоқда. Ислом оламида ўн икки асрдан буён мактаб, мадраса, дорулфунун ва бундан бошқа илмий муассасаларда таълим берилмоқда. Ўн икки асрки хонадонларга қувонч, шодлик олиб кирмоқда. Бир минг икки юз йил мобайнида мўъминлар дардига малҳам; диний, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммоларига ечим бўлиб келмоқда.

Қутлуғ меросни кадр-қийматини англаб етганлар ундаги хазиналарни қазиб чиқаришди. Беқиёс маънавий бойлик уларнинг ҳаётида ўз аксини топди. Пиравордда жаннатга етмасдан олдин, ер юзида жаннатнамо ҳаёт гаштини суришди. Бунинг мисолини шахслар, жамоатлар ва давлатлар миқёсида кузатишингиз мумкин. Фақат кўзни катта очиб, холис фикр юритилса, бас.

Саҳиҳи Бухорий масжид, уй ва йиғинларимиз безаги. Қутбарака манбаларидан бири. Бу муборак китобни кунда ёки кун ора кунт билан ўқиб-ўрганиб бориш ва ҳаётга татбиқ қилиш

хаётимизни янада гўзаллаштиради ва фаровонликни таъминлайди.

Ундаги ҳадисларни мактаб ўқувчиларига, олийгоҳ талабаларига дарслик сифатида ўқитилмоғи фарзандлар учун, келажак учун, қолаверса сизу биз ва диёримиз учун жуда-жуда манфаатлидир. Балки давр талаб қилаётган, кечиктириб бўлмас заруриятдир.

Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи синф ўқувчиларига ёшига муносиб енгил ҳадислар ўқитилади ва ёдлатилади. Мисоли: уйга кириш ва чиқиш одоби, овқатланиш одоби, кунда ўқиладиган дуолар. Шунингдек, катталарга, тенгқурларга қандай муомалада бўлиш, хусусан ота-онага, муаллимга ҳурмат сақлашни ўргатадиган ҳадислар танлаб олинади. Биринчи синфларга оғзаки талқин орқали ўргатиш қулайроқ.

Бешинчи синфдан то битиргунга қадар иймон, эътиқод, ибодат, меҳнат, тижорат, никоҳ ва оилага оид ҳадиси шарифлар билан таништирилади. Бу билан болани ҳаёт майдонига тайёрлаб борилади.

Олий ўқув юртларида эса толиблар ҳадиснинг фикҳий томонлари билан биргаликда уни ривоят қилган улуғ ровийлар билан чуқурроқ танишиб борадилар. Буни соҳа мутахассислари "Ривоят ва дириоят" деб аташади.

Ровийлар мозийдан сўзловчи тайёр нотикдир. Улар орқали ҳадис илми ва шонли тарих билан танишилади, инша Аллоҳ.



Учинчи фасл

Муносабат

Муносабат

Хўш, биз – аҳли сунна вал жамоъага мансуб мўъминлар, имом Бухорийга ҳамюртлик билан фахрланган ватандошлар, Қуръони каримдан кейинги бу муқаддас Китобга муносабатимиз қандай? Муборак Китобдан қандай фойдаландик ва қанчалик фойдаланяпмиз? Маънавият хазинаси ўзимизда, хазинабон ўзимиздан, қайтадиган фойда ўзимизга. Хўш, биз дин ва дунёни обод қилувчи ушбу диний, маънавий ва маданий бойликдан қанча улуш олдик?

Очиғи, муносабатимиз мақтарли эмас. Шундай китоб борлигидан бохабармизу, лекин у китобда инсон ҳаёти учун зарур бўлган пайғамбарона ўғитлар, ҳукм ва ҳикматлар, йўл-йўриқ, панд-насиҳат ва тарихий ибратомуз қиссалар, зарбулмасаллар борлигидан бехабармиз. Дунё ташвишлари, бозор-ўчар, тўй-маърака, қолаверса, манави телевизор деганлари-ю ва ўзимизнинг чойхонадан ортмай, бу китобни бафуржа варақлашга фурсат топилгани йўқ, десак, балким тўғриси айтган бўлармиз. Хазинабон ўзимиздан бўлгани билан қўлимиз қуруқ, ҳамёнимиз бўш... Аслида бу муборак Китобга ҳақиқий хизмат қилинмаган. Ҳатто олимлардан бири "Саҳиҳ Бухорийга битилган жуда кўп шарҳларни ўқидим, лекин уларнинг бирортаси Саҳиҳнинг ҳаққини тўлиқ адо этган эмас", деган экан.

Бу, араб олимнинг 7 аср олдин айтган гапи.

Ҳозирчи?! Ҳозир аҳвол қандай?

Илгаригилар турли-туман шарҳ ўқишига қарамай юксак даражада баҳра ололмаган экан, ҳозирги авлод лоақал бир дона шарҳ кўрмай, ҳатто матннинг ўзига мурожаат қилмай, бу маънавий бойликдан қандай баҳраманд бўлиши мумкин?!

Хатиб Бағдодий ҳажда "Саҳиҳ"ни "Саҳиҳ" ровияларидан асли марвлик Карима бинт Аҳмадда ўқимоқчи бўлади. Вақт зиқ. Бағдодий шу оз фурсатдан оқилона фойдаланиб, санокли кунларда "Саҳиҳ"ни олимада ўқиб чиқади. (3 ва 5 кун дейилган).

Илмга бефарқлик ва лоқайдлик каби иллатлар боболарга ёт хислат. Китоб уларнинг ошноси ва сирдоши бўлган. Қўлларига тушган китоб билан дарҳол тиллашиб кетишарди. Набиралар эса билмадим кимга тортяпти?! Саодат тарҳини чизган боболаргами ё саодат кушандаси бетайин бегоналаргами?! Беҳисоб маънавий хазинани мерос қолдирган аждодларгами ёки бебаҳо меросга ўт пуркаган аждарҳоларгами?!

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларига Абдуллоҳ ибн Фаррух ал-Қайравоний илм ўрганиш мақсадида келади. Бир куни Абдуллоҳ имоми аъзам манзилларида ўтирганда, беҳосдан унинг бошига тепадан гишт тушиб, енгил жароҳат етказади. Шогирд бошидаги қонни кўрган устоз:

- *Дия тўлайликми ё уч юзта ҳадисми, танланг, – дедилар.*
- *Ҳазрат, уч юзта ҳадис айтсангиз, бошим тузалиб осмонга етгай, – дейди толиб.¹*

Абул Қосим ат-Табаронийдан сўрашди:

- *Кўп ҳадис ҳифз этишингиз ва кўп китоб ёзишингизнинг сири нимада?*
- *Ўттиз йилдан бери масжиддаги бўйра-ю бордон устида ухлайман, – деб жавоб бердилар олим.**

*Соҳиби Муснад имом Аҳмад дейдилар: "Илм талабида сарҳадлардан ўтдим, саҳролар кездим, соҳилларда юрдим, тоғ-тошлардан ўтдим. Мағриб, Жазоир, Макка, Мадина, Ҳижоз, Яман, икки Ироқ, форс диёрлари ва Хуросонга сафар қилдим. Сўнгра Бағдодга қайтдим. Кейин яна Куфага келдим. Бир уйда туриб таълим олдим. Бошимга бир гиштни ёстиқ қилиб ухлардим. Агар менда 90 дирҳам бўлганида эди, Райдаги Жарир ибн Абдулҳамид ёнига борардим".**

¹Бу ҳодисани *ورثة الانبياء* муаллифи *ترتيب الدرر* дан накл қилган. * Айни манба.

"Саҳиҳи Бухорий"нинг довриги оламни тутгандан сўнг уни ўқиб чиқмаган кишининг олимлар сирасига кириши қийин бўлиб қолди. Қуръонни тўлиқ ёд олмаган талаба "қори", "ҳофиз" деб аталмаганидек, "Саҳиҳи Бухорий" ни атрофлича ўрганмаган кишини ҳам "муҳаддис, олим" деб аташмас эди. Олимлик, ҳофизлик рутбасига кўтарилиши учун албатта бу китоб ҳар томонлама чуқур ўрганилиши лозим эди. Кўплаб олимлар бу муборак тўплам ўз ичига олган билимларни ўрганишининг ўзига чекланмай, унинг олий санадини истай бошлашди. Бу йўлда анво қийинчиликлар ва турли машаққатларни енгиб ўтишди.

Тарихий манбалар ва ўтмишда ўтган машҳур кишилару улуғ сиймоларнинг таржимаи ҳоли битилган китобларни варақлар экансиз, унда кўпинча қуйидаги жумлаларга дуч келасиз:

- سمع صحيح البخاري ببغداد (الأعلام للزركلي)
- أنه سمع صحيح البخاري بالدامغان (التكملة لكتاب الصلاة)
- أنه سمع صحيح البخاري على علاء الدين التركماني (إنباء الغمر بأبناء العمر في التاريخ)
- سمع صحيح البخاري بمصر (ذيل تذكرة الحفاظ)
- أنه قرأ صحيح البخاري نحواً من ثلاثين مرة (الوافي بالوفيات)
- قرأ صحيح البخاري نحواً من خمسين مرة (شذرات الذهب في أخبار من ذهب)
- وقرأ ما لا يحصى على من لا يحصى (ذيل تذكرة الحفاظ)
- كان يحفظ صحيح البخاري متناً وإسناداً (الوافي بالوفيات)

"Фалончи "Саҳиҳи Бухорий"ни Бағдодда тинглади. Бошқаси "Саҳиҳи Бухорий"нинг (ҳаммасини) Домигонда тинглаб чиқди. Мисрда "Саҳиҳ"ни фалончидан эшитди. "Саҳиҳ"ни фалон жойда, фалончи олимда ўқиди, "Саҳиҳ"ни беш кунда ўқиб чиққан. Фалончи "Саҳиҳи"ни ўттиз маротаба, фалончи элик

маротаба ўқиган", "Санади ва матни билан ёд олган" деган маънодаги тарихий ҳақиқатларнинг гувоҳи бўласиз.

Қози Иёз الغنية да, Ибн Башкувол الصلة да, Заҳабий السير да Андалуснинг Фарнота шаҳрида яшаган олим Ибн Атийя таржимаи ҳолида шундай хабарни келтирадилар: "Ибн Атийя ал-Муҳорибий деб танилган Ғолиб ибн Абдурраҳмон Саҳиҳи Бухорийни 700 марта ўқиб чиққан".

Ҳофиз ибн Ҳажсар انباء الغمر да Сулаймон ибн Иброҳим таржимаи ҳолида: "Менга айтишларича, у Саҳиҳи Бухорийни 150 марта ўқиб эшиттирган экан".

Шайхимиз ал-муснид Ҳомид ибн Аҳмад ибн Акрам ибн Саййид Маҳмуд ибн Али ал-Бухорий ал-Маданий حفظه الله تعالى "Саҳиҳ"ни "Саҳиҳи Муслим", "Муватто", "Сунан" каби бошқа ҳадис китоблар билан биргаликда турли диёрларда яшовчи олимларда ўқиганлар. "Саҳиҳ"нинг ўзини ўн саккизта олимдан санади билан ўқиб ўрганганлар. Ва ўзлари бу қутлуг анъанани давом эттириб, ўқиганларини деярли барини бошидан охиригача бир неча маротаба турли миллатга мансуб талабаларга ўқиб эшиттирганлар. Жумладан Ҳижоз, Нажд, Миср, Сурия, Яман, Мавритания, Россия, Босния, Албания ва турли жумҳуриятлардан келган талабалар ҳамда бундан бошқа диёрлардан ташириф буюрган аҳли илмлар муборак "Саҳиҳи Бухорий"ни ва бошқа китобларни шайхнинг ўзидан эшитиб ўрганишган.

Қадимда "Саҳиҳ"ни ўқиш кишининг суннат соҳиби эканига далолат қилган. Шунинг учун ҳаёти давомида нотўғри фикр-ни олға суриб, бидъат-хурофот билан танилган турли тоифадаги шахслар ўлими олдидан "Саҳиҳи Бухорий"ни ўқиган бўлса, ёки Қуръони каримдан кейинги бу манбани кўксига қўйиб ҳаётдан кўз юмса, "умрининг охирида тавба қилиб суннатга қайтган" деб ёзишарди.

Илм маърифат ҳосил қилиш учун ўрганилади. Маърифат эса жаҳолатни кетгазиш учун талаб қилинади. Жаҳолатнинг турган битгани ёмонлик. Ҳозик мусулмон таълим олишдан олдин бу олий ниятни дилга тугиш баробарида бундан бўлак олий гоёларни ҳам қалбга жо қилади. У олий даражадаги гоё – Аллоҳнинг ризосини топиш, савобу ажр ҳосил қилиш, ҳазрати Ҳақ элчисининг ﷺ суннатини ихё этиб, олам ободончилигига салмоқли ҳисса қўшишдан иборатдир.

Шу ўринда, асли-насли туркманистонлик, ўзи Дамашқда туғилиб, Дамашқда вафот этган маишхур олим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз аз-Заҳабий раҳматуллоҳи алайҳнинг سير أعلام النبلاء номли улкан энциклопедик асарларидан мавзуга оид тарихий ибратомуз бир лавҳани келтирмоқчиман.¹

Заҳабий Юсуф ибн Аҳмад Шерозийнинг أَرْبَعِينَ الْبُلْدَانَ "Қирқ шаҳар" номли асаридан нақл қиладилар:²

– Мен илм йўлида дунёни кезган, асримиздаги муснид³ олим Абулвақт Абдул Аввал ибн Исо ибн Шуайб ас-Сижзий⁴ ёнлари-

¹ Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз аз-Заҳабий хижрий 673 йилда таваллуд топганлар, 748 йили вафот этганлар. Заркалий الأعلام да дейди: "Заҳабийнинг китоблари ҳажми катта, адади кўпдир. Таълифотлари юзга яқин. 741 йили кўздан қолганлар". Менимча, ҳар бир толиби илмнинг китоб жавонида денгиздек олимнинг "تاريخ الإسلام الكبير", "سير أعلام النبلاء", ва "العبر في خبر من غير" номли кўп жилдли тарихий китобларидан бири ёки ҳаммаси топилиши керак. Хусусан тарих ва ҳадис фанига қизиққан кишининг кутубхонасини бу олимнинг китобларисиз тасаввур қилиш қийин.

² سير أعلام النبلاء 20 жилд 307-бет.

³ Ал-муснид – Ҳадис китобларини, санад билан ривоят қилинган қироъатларни ва бошқа илмий асарларни санади билан ривоят қилувчи олимни "Ал-муснид" деб аташган.

⁴ "Ибн, ибн, ибн" – "фалончининг ўғли, фалончининг ўғли" деган узундан узок исмлар балким кимлар учун зерикарли туюлар. Лекин бу яхши хислат эмас. Ҳар бир киши ўзининг отасини, отасининг отаси ва унинг отасини билиши шарт. Шу тариқа камида етти аждодининг исмини, наслини, касб-ҳунарини ва умуман оилавий тарихини билиши лозим-лобид. Баъзилар ўзини таништирганда фақат ўз

га сафар қилдим, деб сўзини бошлайди Шерозий. – Кирмон шаҳарларининг охирига етиб боришни Аллоҳ менга муяссар этди. Олимнинг ҳузурларига кириб салом бердим, қўлларини ўпиб, ёнларига ўтирдим.

- Бу диёрларга келишингизнинг боиси нима? – деб сўрадилар олим.
- Асосий мақсадим сизсиз. Аллоҳдан кейинги таянчим ҳам ўзингизсиз. Менга етиб келган ҳадисларингизни қаламим билан ёздим. Кўзим билан кўрайин деб қадамим билан келдим. Муборак нафасингизга етай, олий иснодингизни олай деб саъй-ҳаракат қилдим.
- Аллоҳ барчамизни ўз розилигига муваффақ айласин. Асосий мақсадимизни ҳам, саъй-ҳаракатимизни ҳам Ўзи учун бўлишини насиб этсин. Агар сиз ҳақиқатдан менинг кимлигимни билганингизда эди, менга саломам бермасдингиз, олдимга умуман келмасдингиз ҳам, – деб узоқ йиглаб, даврада ўтирганларнинг барчасини йиғлатдилар. Сўнг – "اللَّهُمَّ اسْتُرْنَا بِسِتْرِكَ الْجَمِيلِ، وَاجْعَلْ تَحْتِ السِّتْرِ مَا تَرْضَى بِهِ عَنَّا" – "Аллоҳуммастурна бисатрикал жамил, вазъал таҳтас сатри ма тарзо биҳи анна",¹ – деб дуо қилиб, сўзда давом этдилар. – Ўғлим, билингки, мен ҳам "Саҳиҳ"ни эшитиши учун отам билан бирга Ҳиротдан Бўшанждаги Довудийга яёв келганмиз. Ўша пайтда ёшим ўнга етмаганди. Отам қўлимга иккита тошни тутқазиб: "кўтариб ол", деди. Мен хавфдан тошни йўқотмай кўтариб

исмини айтади, холос. Одам алайҳис салом ва Исо алайҳиссаломдан бўлак ҳеч бир жон отасиз дунёга келмаган.

¹ "Аллоҳим, бизни (айбу камчиликларимизни) Ўзининг гўзал сатринг ила беркитгин ва Ўзинг биздан рози бўлган солиҳ амалларимизни ҳам сатринг остида қилгин", яъни яхшилигимизни ҳам, ёмонлигимизни ҳам беркитгин.

Бу Росулulloҳдан ﷺ маъсур бўлган дуо эмас, лекин العلم وجواهر المجالسة китобида Суфён ибн Уяйна: "Инсон ўзининг дуосида: "اللَّهُمَّ اسْتُرْنَا بِسِتْرِكَ الْجَمِيلِ" – "Аллоҳуммастурна бисатрикал жамил" маъносидаги дуони ўқиб юрмоғи яхши", – деб тавсия қилганлар.

юрдим. Толиққанимни кўрган дадам "тошнинг бирини ташла", деди. Мен дарҳол тошнинг биттасини отиб юбордим. Енгил тортдим. Сўнг йўлда давом этдик. Секинлаб қолганимда: "чарчадингми", деб сўради, мен қўрққанимдан "йўқ, чарчаганим йўқ", дедим. "Нега унда секинлаб қолдинг, илдамроқ юр!" деди. Анча муддатгача тез-тез одим ташлаб бордим. Кейин яна юришим секинлаб қолди. Дадамнинг ўзи келиб иккинчи тошни улоқтириб юборди. Бу гал узоқ юрдик. Энди тошни эмас, ўзимни ҳам кўтаришига мадорим қолмади. Дадам буни пайқаб, мени даст кўтариб елкасига ўтиргизиб олди. Йўлда деҳқонларга ва турли йўловчиларга йўлиқиб қолсак, улар "шайх Исо, болани бизга беринг, ўзингиз отга мингашинг, Бўшанжгача етказиб қўямиз" дердилар. "Ташаккур, биз Росулulloҳ ﷺ ҳадисларининг таълими йўлида маркаб минмаймиз, бундан Аллоҳ сақласин. Биз яёв кетамиз. Бола толиқса, Росулulloҳ ﷺ ҳадисларини улуглаб ва савоб умидида ўғлимни бошимга кўтариб оламан", дедилар. Падари бузругимнинг гўзал ниятларининг самараси ўлароқ мен бу китобни ва бошқа китобларни эшитиши билан хўп фойда олдим. Ҳозирги кунда тенгдошларимдан ҳеч ким қолмади.¹ Шунинг учун илм талабида узоқ шаҳарлардан одамлар келишади, – деб ҳиротлик соҳибимиз Абдулбоқий ибн Абдулжабборга юзландилар, – Меҳмонга ҳалвалардан олиб келинг.

- Ҳўжам, Абу Жаҳмнинг бир жузъини сизда ўқимогим мен учун ҳалвадан яхшироқ, – дедим. Шайх кулиб:
- Таом келса, калом кетур, – дедилар.

Бизга алфонид² ҳалвасидан тақдим этишди. Тановулдан сўнг мен китобни чиқариб ўқидим. Қувончим чексиз эди. У зотда "Саҳиҳи Бухорий"ни ва бошқа китобларни бир неча

¹ Шайх 109 ёшда вафот этганлар.

² Алфанид ширинликнинг бир тури.

маротаба ўқини Аллоҳ менга муяссар қилди. То вафотларига қадар суҳбатларида ва хизматларида бўлдим.

Ибн Нажжор ҳикоя қилади:

Вазир Абу Музаффар ибн Хубайра шайх Абулвақтни ҳузурига чорлатиб, кўп иззат-икром кўрсатди. У кишига маош тайинлади. Вазирнинг ўзи шайхнинг оммага очган умумий дарсларида иштирок этиб, "Саҳиҳи Бухорий"ни эшитиб, ўрганди.¹

Закийиддин Бирзолий хабар беради:

Абулвақт Ироқ, Хузистон, Ҳирот, Молийн, Бўшанж, Кирмон, Язд, Асбаҳон, ал-Карж, Форис, Ҳамадон каби шаҳарлар ичра айланиб ҳадис ўргатди. Унинг дарсида талабалар билан бирга ҳофизлар, вазирлар ҳам ўтирар эди. Унда китоблар ва китоб жузлари бор эди. Ундан сон-саноқсиз халқ ҳадис эшитди.²

Ҳаётини ҳадис таълимига бағишлаган олим, обид, зоҳид Абулвақт Абдул Аввал ибн Исо Бағдодда ҳижрий сананинг 553 йили Зулқаъда ойи, ярим кечаси жойнамоз устуда вафот этдилар. Шогирдлардан бири: "Хўжам, Пайгамбар алайҳиссалом "кимнинг охириги каломи ла илаҳа иллаллоҳ бўлса, жаннатга киради", деб марҳамат қилган эканлар..." деди. Шунда олим бошни кўтариб, унга қарадилар ва "Ёсин" сурасидаги ушбу оятни ўқий бошладилар.

﴿يَلَيْتَ قَوْمِي يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ بِمَا غَفَر لِي رَبِّي وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُكْرَمِينَ﴾

"Ёсин"нинг 26-27-оятдан бошлаб охиригача ўқидилар. Сурани хатм қилиб бўлиб "Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ" дедиларда, жойнамоз устида жонни жонни берганга топширдилар.



¹ سير أعلام النبلاء 20 жилд 309-бет.

² Айни манба 307-бет.

Ер, осмон, куёш, ой, юлдузлар ва бутун коинот ҳикмат асосида бунёд этилган. Бундаги жонли-жонсиз мавжудот беҳуда яралган эмас. Ранг-баранг оламнинг ўриш-арқоғидан авра-астаригача ҳикмат. Борлиқда беҳикмат нарсанинг ўзи йўқ. Буни билганлар билди, билмаганлар... Аслида кенг оламдаги ҳамма нарсанинг ҳикматини билиш шарт эмас. Бунинг иложи ҳам йўқ. Тагига етаман деган толиқади. Лекин Аллоҳ билишни вожиб қилган ҳаёт учун зарур ҳикматларни билиш лозим.

Узоқ тарихга эга заминнинг бири келиб, бири кетиб, тез-тез алмашиб турувчи меҳмонлари кириш ва чиқиш эшиклари бир бирига умуман ўхшамас, ўта ғаройиб меҳмонхонасида адашиб юрмасликлари учун Ҳаким Бунёдкор уларга Ҳикмат юборди. Ҳикмат Росулulloҳнинг ﷺ ҳадислари экани юқорида ўтди.

﴿ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ ﴾ *Уларга Китоб ва Ҳикматни ўргатади* ﴿

Илоҳий ҳикмат чашмасидан суғорилмаган ҳар қандай усти ялтироқ сўзнинг ичи қалтироқ. Ҳар қандай тантанавор ишнинг охири тўмтоғу чўлтоқ. Ҳикматга хилоф фалсафа айна сафсата. Ҳақиқатга зид таълимот хурофот.

Ҳикмат асосига қурилган дунёда Ҳикмат асосида яшаган инсонгина ҳаёт ҳақиқатини англаб етади. Жавобсиз жумбоқлар гирдобида бошини чангаллаб қолмайди. Сир-асрорлар қаршисида серрайиб турмайди. Нурсиз кунларда, туманли тунларда, тор йўлларда, сувсиз чўлларда, боши берк кўчаларда, тоқатсиз танг холларда, қувончли онларда, паст-баланд, ўнқир-чўнқирдан иборат сафарларда Ҳикмат унга ҳамиша ҳамроҳ бўлади, йўлбошчилик қилади. Ким нима деса лаққа тушавермайди. "Юр, кеттик" деган кишининг кетидан кетавермайди.

Ҳикматлар тўплами кўп. Улар мажмуасининг пешдори бутун уммат иттифоқи билан "Саҳиҳул Бухорий"дир. Шунга кўра имом Бухорийни юқорида зикри ўтган моҳир боғбонга ўхшатаман. Ҳа, Бухорий ҳадис илмининг бобо деҳқони. Саҳиҳ ҳақида ўйласам "Ҳикоят"даги боғбон, боғ, хаста йигитлар

ёдимга тушаверади. Кўзгуга бокиб, қиссадаги сўлгин йигитлар аксини кўраман, кўчада, бозорда ўшаларга йўликаман...

Улуғ бобокалон авлодлар учун жаннатмакон боғ яратиб кетдилар. Унда инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳар тур мевадан топилади. У мевалардан ҳануз бол томмоқда. Агар мева, сабзавот, кўкат каби озуқаларда инсон соғлиги учун зарур моддалар шиғил бўлса, Бухорий тўплаган ҳадисларда инсон саодати учун зарур маънолар қийғос ва қийғос. Кетмон тутган боғбон бўстони моддий озуқа берса, қалам тутган боғбон бўстони маънавий озуқа беради. Асал – минг дардга даво, асар – ҳамма дардга даво. Иқтисодий, ижтимоий... муаммоларга малҳам. Фақат муносиб вақтида, муносиб ўрнига ишлата билинса, бас.

Заҳар ҳаётга раҳна солса, хурофот дунё ва охиратга раҳна солади. Жаҳолат яралайди, маърифат даволайди. Бидъат – ҳалокат, Суннат – саодат. Бири жаҳлни қайрайди, иккинчиси ақлни пешлайди. "Жаҳл – душман, ақл – дўст". Жаҳолат билан заҳарланган киши дарҳол Ҳикмат булоғидан тўйиб-тўйиб ичса, кўз ва қулоғидан томизса, дард кўрмагандек бўлиб кетади.

Боғдаги меваларнинг фойдаси билан бирга зарари ҳам бор. Бухорий бўстонидаги меваларда эса фақат фойда бор, холос. **"Охират жаннатидан олдин, бу дунёда бошқа бир жаннат бор. У – зикр мажлиси; илмий йиғин"**, дейди уламолар. Шу жиҳатдан илм-маърифат ўчоқларидан бири бўлмиш Саҳиҳи Бухорийни **"дунё жаннати"** десак, янглиш бўлмас.

Хазонрезликка кўникиб кетилганиданми ё бошқа сабабми, ҳар нечук ям-яшил барглар билан безанган, ранго-ранг бўёқлар билан ясанган сафобахш боғ талабгорлари камайган. Хазон-марглардан ибрат олиш деярли йўқ. Ҳамма хазон тўплаш билан банд. Эртага қоқи баҳосига берса, балки бепул ушлатиб қўйса, биров олмайдиган матога бугун кўплар мукка тушган.

*Китоб китобхондан қилар шикоят,
Бебаҳо бойликка йўқдир иноят.
Китобга терсланган чекар азият,
У билан дўстлашган топар ҳидоят.*

Сиз азиз ўқувчилар, аввалгилардек бўйра ё бордон устида ётманг, гиштни ёстиқ қилманг, шаҳарма-шаҳар яёв кезманг, балки ишнам уйда яшанг, юмиоқ ёстиқ, оқ ёстиқпўшга бош қўйинг, оппоқ чойшабга ўраниб ётинг, иссиқ чой ичиб, патир нон енг. Даладан буткул чиқиб кетманг, бозорни мутлоқ тарк этманг, савдо-сотик, касб-ҳунар ҳам зарур. Ишланг, ўйнанг, дам олинг, танга ором беринг, бу ҳам керак, лекин шулар билан бирга ҳамюртингиз имом Бухорийнинг ўлмас асари Жомеъ ус-Саҳиҳни ҳам ҳар замонда қўлга олиб ўқиб туринг, бу ҳам зарур. Икки дунё саодатига етишмоқ учун зарур. Ундаги ҳадисларни кўзингизга тўтиё қилиб сурканг. Шунда кўзингиз равшан, юзингиз ёруғ, тана соғ, қомат алиф, овоз ўткир, жасад кўркам бўлади. Ҳаёт фаровон, йўл чарогон бўлиб нурга тўлади.

Турк замини оламга етиштириб чиқарган дурдоналардан бири Абдуллоҳ ибн Муборакдир.* Умуммусулмонлар фахрига айланган бу зот – илм майдонида пешқадам олим,

талаби илмда – билимга ташна тиришқоқ толиб,
тоат-ибодат ва зуҳд-тақвода – саҳобанамо обид,
саховатда – Ҳотамни ортда қолдирувчи саҳий,
тижоратда – карвонининг кети кўринмас сармойдор,
жабҳада – жасур жангчи,
назму насрда – қалами ўткир ижодкор,
эл ичида – халифадек ҳайбатли, балки ундан кўра обрўдор,
кўча-кўйда – кўнгли ва қўли очик одамохун ҳамсоя,
сафарда, дўст-ёр орасида энг танти, мард ҳамроҳ эдилар.
Шундай фазилатларга эга кишидан сўрашди:

- **Эртага аниқ ўласан деб сизга ваҳий келса, шу куни нима қилар эдингиз?**
- **Илм ўрганар эдим.¹**

¹ *ورثة الأنبياء* муаллифи *نبيه الغافلين* дан нақл қилган.

БАДИЪА нинг "**Илм ўргансин!**" номли иккинчи рисоласида бу мавзу кенгрок ёритилган. Ёш Абдуллоҳнинг маҳбус олим хузурига йўл топиб кириб илм ўрганиш саргузаштини унда ўқийсиз. *Таржимаи ҳоли шу китобнинг 131-бетида.

Ахир ўзингиз китоблар таълиф этган олим, назмгўй шоир, тинмай хайр-эҳсон қилувчи саховатпеша, ёвни ер тишлатган баҳодир ва зуҳд тақвода пешво экансиз. Қўлингизда одамлар ишлар экан, даргоҳингизда арабу ажам таълим олар экан. Шундай бўлса-да, яна сиз илм олишни ният қиляпсизми? Шунча йил ўқиганингиз камми? – деб энди биз саволга тутамиз. Мол-дунё етарли, мартаба баланд, камингиз йўқ, ғамингиз йўқ, шундай экан, оёқ узатиш ўрнига, жонни қийнайсизми? Ёш болалардек устоз олдида чўкка тушиб ўтиришни истаяпсизми? Ҳамма ишни йиғиштириб илм ўрганган бўлур эдим дейсизми? Ё биз бошқача эшитдикми? Янглиш тушундикми?..

Ҳа, "илм ўрганар эдим".

Бўлди, сизга бошқа саволимиз йўқ. Маъзур тутинг, биз ХХI асрдаги абдолваш авлодлармиз. Амалсиз абгор абирангизмиз.¹

*Шоввадек кўз ёшим, тилинг бўлса айт,²
Нега шаршарадек тинмай оқасан?
Қувонч қатрасими, ё қайғу қони,
Ўтмишингга нечун тинмай боқасан?..*

*Мозийда ким қолган, нималар қолган,
Бойликми, обрўми ёки салтанат?
Олимми, обидми, фотиҳ ё ҳотам,
Ё бари ўлганми ўлгандек талант?*

*Аза очганмисан ҳиммат, гайратга,
Ёки жасоратга, ё маърифатга,
Миллатдан юз бурган шону шавкатга,
Ё зар каби нодир ҳаё-иффатга.*

*Айтмасанг айтмагин, ўзим биламан,
Дам қувонч йиғлатар, дам қайғу алам.
Авлодни аждоддек кўрмоқ истайсан,
Шунинг-чун киприкдан ҳеч аримас нам.*

¹ Абдолваш – Қаландарсифат. Абира – Эвара.

² Шовва – Шаршара, шалола.

Энди зимистонда чарақлаган нурдан иқтибос олайлик.

Россиялик имом-хатиблардан бири яқинда менга ибратомуз воқеани сўзлаб берди. Китоб ўқишга ва китобни севишга рағбатлантирувчи бу ажойиб ҳадисани хотира сандиғимда қолиб кетишини истамай, сиз азизларга ҳам илиндим. Ўйлайманки, тинимсиз изланиш ва кўп машаққат эвазига Ислом динига мушарраф бўлган икки инсоннинг ибратли ҳаёти ва уларнинг китобга муҳаббати сизу биз учун ҳам ибрат бўлиб, дин қадрига етишимизда ва ҳимматимизнинг жунбишга келишида ёрдами тегади. Имом ҳикоя қилади:

Масжидимизга 45 ёшлар чамасидаги рус аёли келиб мендан Қуръоннинг русча таржимасини олиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, бояги аёл яна масжидда намоён бўлди. У бу гал аввалги ҳайъатига умуман зид ҳолда эди. Ундан ҳаё, иффат барқ уриб турарди.

- *Ҳазрат, мени танимадингиз чоғи? – деди аёл.*
- *Икки йил олдин Қуръони карим таржимасини олиб кетган эдингизми?*
- *Шундай. Мен Таврот ва Инжилни кўп бор ўқиб тамомлаганман. Лекин, очигини айтсам, бу китоблардан излаган нарсамни тополмадим. Сўнг сиздан Қуръонни сўрашга мажбур бўлдим. Икки йил давомида Қуръонни 50 марта (эллик) ўқиб, тамомладим. Ҳар ўқиганимда қалбим таскин топиб, янги-янги макнун маълумотларга дуч келаман...*

Имом зиёли бу янги мусулмоннинг таклифига биноан масжиддаги баъзи намозхонлар билан бирга унинг кутубхонасини зиёрат қилишади. Зиёратчи ўзининг ҳайратини яширолмай: "бир шахснинг кутубхонаси давлат кутубхонасига ўхшайди. Ундан ҳам қизиги шуки, шахсий кутубхона соҳибаси жавондаги китобларнинг деярли барини ўқиб чиққан экан", дейди.

Агар биз толиби илмлар Ибн Касир ёки Табарийнинг машҳур тафсирларини ҳамда имом Бухорийнинг "Саҳиҳ" ларини

эллик марта эмас, беш марта ўқиб чиқсак, одамлар икки марта тинглаб чиқишса, йўқ, йўқ, икки марта эмас, бир бор тинглаб чиқишса, жаҳолат дилимизни тирнаган яралар битиб кетарди. Ўзаро келишмовчиликлар, хунобгарчилик, диққатбозлик ва унинг ортидан келган ғам-андухлар барҳам топарди...

Иккинчи ҳодисани имом салом-алиқдан кейиноқ ҳавас билан жўшиб, менга шундай сўзлаб берди.

Масжидимизга бир ҳафтада уч марта ўспирин йигитча келиб туради. Кейинроқ билишимча масжидга келишига ота-онаси қарши экан. Мен буни боланинг "ота-онамга ёлгон гапирсам бўладими?" деган саволидан пайқаб қолдим.

– *Асло ёлгон гапирманг! Нега ёлгон гапирасиз? – дедим.*

– *Ота-онам намоз ўқишимга, масжидга келишимга қарши. Ҳар ҳафта қўлимга 300-400 доллар пул бериб, "дискотекага бор, кинотеатрга туш. Катта бўляпсан қизлар билан таниш. Масжидга борсанг маданиятсиз бўласан", дейишади. Албатта мендан кинотеатр белитини талаб қилишади. Мен кино кўрмасдан, белитни олиб, сеанс пайтида масжидга келаман.*

– *Ота-онангиз кино мазмунини сўрашмайдими?*

– *Сўрашади, лекин мен интернетга кириб, бир наста унинг китобини ўқиб, кино сценарийси билан танишиб чиқаман.*

– *Нима бўлган тақдирда ҳам ёлгон гапирманг. Ота-она урса ҳам, сўкса ҳам иззат-икромга лойиқ улуғ зотдир.*

Бир куни ўспирин намоз ўқиётган пайтда ота кириб қолади. Ғазабнок дада болани аёвсиз дўппослайди. Бола эса намозини тарк этмайди. Бола саботи олдида ота-она таслим бўлиб, "майли, ўгилжоним, намоз ўқисанг ўқийвергин", деб рухсат беришади. Ажабмас, ўзлари ҳам ҳидоят топишса.

Бу, бундан 1400 йил олдин яшаган қора танли қул Билол ибн Рабоҳ розияллоҳу анҳунинг қиссаси эмас, 2011 йилдаги сариқ танли хур гражданинг қисса эди.

Тўртинчи фасл

Орзу-истак ва азиймат

Орзу-истак ва азиймат¹

Қани энди, набиралар боболар меросини ўрганишга ҳиммат қилса. Қани эди, ўтмиш хазиналари кашф этилса. Ахир халқнинг "Хазина ғойибдан эмас – меҳнатдан", деган гапи бор, қани эди, бу шарафли ишга енг шимарадиган меҳнаткаш топилса, деган умидларга берилиб, масъулият оғирликларини ўйлаб юрган пайтимда, хорижий матбуотда хабар тарқаб қолди. Россия ўрта мактабларида диний таълимни йўлга қўйиш лойиҳаси имзоланган эмиш. Истаганлар насоро динини, истаганлар Ислом динини бемалол ўрганиши мумкин экан. Бу гапнинг тагига етмай туриб, қалбимда "динимизнинг гўзал таълимотлари мактабларимизда ҳам ўқитилса-я" деган умид куртаклади. Ажаб эмас, маорифчилар оламшумул исломий тарбия аҳамиятини англаб етиб: "иймон, ахлоқ-одоб, фикҳ, тафсир, ҳадис фанларида тезлик билан ўрта мактаб ўқув программасини тузилсин!" деб шошилтириб қолишса-я, деган илинж пайдо бўлди. Яширин ният азмга айланди ва азм анчадан бери дилда сақланиб, мияда зуваласи қорилаётган режани тезлаштириб юборди. У режа – ҳамюртларимни ўз бобокалонларининг муборак китоби Саҳиҳи Бухорий билан таништириш эди. Аллоҳдан хайрият тилаб истихора намозини ўқидим ва зудлик билан ниятни амалга ошириб, юқори синф ўқувчилари учун ҳамда илмга ташна катта ёшдагилар учун ушбу дарсликни армуғон этишга шошилдим. Мактабда ўқимаса, уйда ўқир, уйда иши бошидан ошиб кетса, қўли бўшаганда ўқир, китоб ўқишга қўли тегмаса, ҳеч бўлмаганда сафарга чиққанда ўзи билан бирга ҳамроҳ қилиб олар, деб ният қилдим.

Зеро *"Бухорий Бўстони"* ўқувчига илмий манба, оила аъзоларига қўлланма, йўлчига йўлдош, мусофирга ҳамроҳ бўлиб хизмат қила олади.

¹ Азму қарор, қатъият.

Тўғри, китоб услуби ва методикаси ўрта таълим мактаб-ларидаги ўқитиш методикасига юзда юз тўғри келмас, улар талабига унчалик жавоб бермас, лекин "яхши ният – ярим мол" дейилганидек, қаймоқ бўлмаса, қатикқа оқлик бўлар, хирмон бўлмаган тақдирда ҳам, экин учун уруғ бўлар, деган эзгу умидлар билан истихора ўқиб, ишга киришдим. Сув топилмаганда тупроққа таяммум жоиз-ку...

Истихора – Росулulloҳдан ﷺ суннат бўлган нафл намоз.¹ Муфассирлар пешвоси Табарий ўзларининг машхур тафсирларини ёзишдан олдин уч йил истихора ўқиган эканлар. Мен ҳам бирор йил истихора ўқийин десам, умр карвони саратоннинг жазирамасига кириб келибди. Одатан олти, етти ўн йилликдан иборат қисқа умрнинг тўртинчи босқичига етиб қолибмиз. Буёғига қанча қолгани умр тақсимловчининг Ўзига аён. Гоҳида отадан олдин фарзанд, фарзанддан олдин ота-она, эрдан олдин хотин оламдан ўтар экан. Бирваракайига ота-она, хотин, фарзанди аржуманд ҳам ўтиб қолиши мумкин экан. Банданинг қўлидан ҳеч нима келмай қоларкан... Шунга кўра, қисқа умрнинг қолган ҳар бир нафасини ғанимат билиб, шошилиш равишда ҳижрий 1430-сана Шаъбон ойида Саҳиҳи Бухорийдан айрим ҳадисларни жамлай бошладим.

Имом Бухорий Бухоро шаҳридан бўлгани учунгина эмас, балки Саҳиҳи Бухорий энг ишончли тўплам деб тан олингани боис шу китобни танладим. Қолаверса, Бухоро аҳли ва шу юрт фарзандлари: туркий забон ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар оға-иниларимиз ҳамда форсий забон биродарларимиз ўз бобокалонларининг китобини ўрганишга бошқалардан кўра ҳақлироқдирлар.

¹ Истихоранинг луғавий маъноси: хайрият, яхшилик талаб қилиш демакдир. Истихорани "Қуръонга қараб фол очиш", деб тушунтириш дуруст эмас.

Истихора – бирор иш олдидан ўқиладиган икки ракаат нафл намоз. Унинг ортидан Аллоҳдан яхшилик сўраб, махсус, маъсур дуони ўқилади.

Миллатчилик Исломда йўқ. Ота-боболарнинг хайрли иши билан фахрланиб, ўзи хайрли ишга ҳисса қўшмаслик ҳам яхши хислат эмас. Ўз миллати ҳақида гапирса, шовинизм билан айблаб жазолаш, Аллоҳ ва Росули сўзидан сўзласа, "руҳоний" деб Сибирга бадарға қилиш даври ўтиб кетди, валҳамдулиллаҳ. Шунингдек, ҳар қандай давр ҳам бир жойда қотиб қолмайди. Даврни тўхтатиш учун аввало қуёш билан ойни тўхтатиш даркор. Бу эса душвор. Кун кетидан тун келади, тун ҳар қанча чўзилмасин, барибир тонг отади. Давр ўтиши билан одамлар ўзгаради. Бир вақтлар оталар рози бўлган тушкун ҳаётга болалар рози бўлмай гулгун ҳаётни истайди.

Қуёш билан ойнинг тинмай алмашуви умр саҳифаларини шовуллатиб варақламоқда. Ўтган йигирма йил орасида, дунёга устун бўламан деганларнинг озмунчасини ер ютдим... Ажал дегани катта-кичикни билмас экан, муштумзўрдан кўркмас экан. Қисқа умрдан оқилона фойдаланган ютар экан. Ҳозирги замонда умрдан олдин ҳиммат ўляпти, кимнингдир ғайрат ва ҳимматига умри етмаяпти. Шунинг учун муддати мажҳул умр борида, ҳиммат сўнмасдан бурун, охиратга захира умидида ҳамюртларимнинг битмас-туганмас хазинаси – Саҳиҳи Бухорийдаги 97 та Китоб билан таништиришга ўз ҳиссамни қўшгим келди. Тарихчи олим Ибн Холдун: "Мен кўп шайхлари миздан "Саҳиҳи Бухорийнинг шарҳи уммат зиммасидаги қарз-дир" деган сўзларини эшитганман", дейди. Саҳиҳни таржима қилган, шарҳлаган ва ундан дарс берган олимлар изидан юриб, мен ҳам қарзни узушга озроқ улуш қўшмоққа азм этдим.

Мен киришган иш хамир учидан патир деганларидек, катта бўстондан кичик гулдаста ясаб, элнинг маънавий дастурхонига ўз ҳиссамни қўшиш. "Саҳиҳ" мевасига тўйиш учун эса бошқа шарҳлар ва моҳир таржимонлар томонидан таржима қилинган асарларга мурожаат қилиш зарур. Зеро "Саҳиҳ"нинг таржима ва шарҳлари талай. Ҳали шўролар қуламасдан олдиноқ аҳли илмлар бу муборак ишга қўл уриб, оғзаки ва ёзма равишда "Саҳиҳ"ни ўзбекчага ўгира бошлашгани кўпга маълум.

Аслини олганда, муҳаддис олимлар одатига биноан толиби илм аввал ўз шаҳридаги донгдор олимлардан ҳадис эшитиши керак. Улардаги илмни ўзлаштириб бўлгандан кейин бошқа шаҳарга сафар қилиши мумкин.

Хатиб Бағдодий *الجامع لأخلاق الراوي وآداب السامع* китобида дейдилар:

"Агар толиб сафарга чиқишга азму қарор қилса, (аввало) ўз шаҳридаги ровийларнинг бирортасини қолдирмай, ҳар биридан муяссар бўлганча ҳадис ёзмоғи лозим, агарчи оз бўлса ҳам. Зеро мен айрим олимларимизнинг "Варақни зое қилсанг ҳам, олимни зое қилмагин", деган (пурҳикмат) сўзларини эшитганман".

Абул Фазл Тамиймийдан нақл қилиб ёзадилар:¹*"Ҳадис илмини ўрганмоқчи бўлган толиб аввало ўз шаҳридаги ҳадис китобларидан бошлаши лозим".*

Суютий *تدريب الراوي* нинг 28 навида дейдилар:

"(Толиб аввало) ўз шаҳридаги иснод ва илми билан танилган диндор олимдан бошлайди, агар ундаги ҳадисни ўзлаштириб бўлса, атоқли ҳофизлар одатига биноан (ҳадис талабида) сафарга чиқаверсин".

سير أعلام النبلاء 12\ 409 саҳифасида келади: Юсуф ибн Мусо ал-Марваррузий² дейди: *"Басранинг Жомеъ масжидида эдим. Шунда кимдир: "эй аҳли илм, Муҳаммад ибн Исмоил ташириф буюрдилар", деб қолди. Ҳамма ўрнидан туриб олим истиқболга шошди. Мен ҳам улар билан эдим. Устун орқасида соқол чиқиб улгурмаган ёшгина йигит намоз ўқиётганини кўрдик. Намозни тугатишларига масжиддагилар у кишини ўраб олди. Ҳадис имлосида дарс уюштиришларини талаб қилишди. Бухорий талабларига жавоб берди. Эртаси дарсга мингга*

¹ 2\334.

² *سير أعلام النبلاء* да *المزورودي* деб ҳаракат қўйилган.

яқин киши йигилди. Бухорий сўз бошлаб: "Эй аҳли Басра, мен ёш йигитман. Сизлар эса мендан ҳадис айтишимни талаб қилдингиз, майли, айтганларингиздек ҳадис имло қилайин, лекин барча ҳадислар ўз диёрингиз муҳаддислари ривоятидан бўлгай, ҳаммасидан фойдалангайсиз", дедилар".

Шунга кўра бизлар ҳам аввало, ўз диёримиз муҳаддислари билан танишиб, улар жамлаган ҳадисларни ўзлаштириб, ана ундан кейин бошқа муҳаддисларга ўтмоғимиз айни муддаодир.

"Ҳадис илмининг улуғ султони ҳазрати Бухорий ёнларида ўралашма", деган истиҳола мақсад олдида кўп тўсқинлик қилди. "Сенга ким кўйибди!", "Йўл бўлсин!", деган ички сассиз садолар бироз чўчитди. Лекин бундай кечинмаларга барҳам бериб, муҳаддис бўлмасам ҳам, балки уларнинг мингдан бирига тўғри келмасам ҳам, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни севган ва у улуғ зот ҳадисларини жон дилдан суйган мўъмин сифатида жанобимизнинг ﷺ имом Бухорий Саҳиҳида келтирилган ҳадисларининг таржимаси ва шарҳига журъат эйдим. Шоир айтганидек:

فتشبهوا إن لم تكونوا مثلهم إن التشبه بالكرام فلاح

"Улуғ кишилардек бўлмасангиз ҳам, уларга ўхшангиз! Зеро уларга ўхшашнинг ўзи ютуқдир".

Имом Бухорий мерос қолдирган бебаҳо илмий хазиналар орасидаги الأدب المفرد номли китобда ривоят этилмиш раҳнамомиз Муҳаммад Мустафонинг ﷺ ўғитларида шундай дейилади:

عن أنس بن مالك عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: "إن قامت الساعة وفي يد أحدكم فسيلة فإن استطاع أن لا يقوم حتى يغرسها فليغرسها".

" Агар Қиёмат қоим бўлиб қолганда сизлардан бирингизни қўлида кўчат бўлса, Қиёмат бошланмасдан илгари кўчатни экишга имкон топса, дарҳол уни экиб олсин".

Ҳадисда кўчат ўтказишнинг фазилати баён этилмоқда. Ер юзи вайронага айланаётган энг охирги лаҳзаларда ҳам инсон ободончиликка ўз ҳиссасини қўшишга интилмоғи уқтирилмоқда. Лекин ҳадисда, фақат кўчат ўтказишнинг ўзигагина тарғиб бор, деган ўй билан чекланилса, ундаги талай маънавий фойдалардан маҳрум бўлиш турган гап. Бу ҳадисда пайғамбарона жуда кўп кўрсатма, тавсиялар беркинганким, уни ҳар бир доно ақл кўзи билан бемалол ўқий олиши мумкин.

Олимлардан бири дейди: *"Ушбу ҳадисни ҳар қачон ўқиганимда янги-янги фойдалар олавераман. Энг охирги олган фойдам шуки: инсон ҳар қандай оғир кунларда ҳам тушкунликка тушмай, дунёвий ишларга сиқилмай яхши амалларда давом этавериши керак экан. Ахир дунё учун энг катта кўргилик иқтисодий кризис эмас ёки сиёсий тўқнашувлар, ер, мол-мулк талашиб олиб борилган жанг-жадаллар, одамзодни битта қолдирмай ёстигини қуритувчи вабо, тоун каби касалликлар эмас, балки дунё ҳаётига нуқта қўйувчи Қиёмат эмасми? Инсоният учун, балки Ер, Коинот учун энг катта кўргилик – Қиёмат. Эзгуликка ҳарис, инсонпарвар Пайғамбаримиз ﷺ ана шундай оғир ҳолатга қарамай ўз умматларини эзгуликка ундаб: **"Қиёмат бошланса ҳам қўлингдаги кўчатни экиб ол"**, демоқдалар. Демак инсон энг оғир бухрон ичида қолган тақдирда ҳам, йиллик меҳнатининг натижасини кўрмаса ҳам яхшиликда давом этавериши керак экан. Қиёмат қоим бўлгач, у дарахтнинг мевасини ким ерди деган ўйга бормаи турли кўчатлар ўткизилаверади..."*

"Эзгуликнинг кечи йўқ" деган пурҳикмат мақол шу ҳадиси шарифнинг самараси бўлса, ажаб эмас. Ахир ҳар бир мақол халқнинг диний, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётининг самараси-ку. Ўша даврда халқимиз Аллоҳ оятлари, пайғамбар ﷺ ҳикматлари асосида ҳаёт кечирган. Мақоллари ўшанга яраша ҳикматга йўғирилган. Шўролар даврида – ўтмишнинг қоп-қоронғи нурсиз кунларида дунёга келган мақоллар эса ўзига

яраша. У усти ялтироқ – ичи қалтироқ мақолу шиорларнинг анча-мунчаси онгли истикбол томон силжилган сари яроқсизланиб бораверади. Демак, эккан кўчатингизни самарасини кўрасизми йўқми, аслида у кўчатлар мева тугадими йўқми, сиз унинг ғамини емай кўчатни экаверинг, парвариш этаверинг. Мева ейилса, ейилмаса савоб ва ажру мукофот сизга нақд, инша Аллоҳ. Сиз енг шимариб, хотиржам Ер юзидаги ободончиликка ўз ҳиссангизни кўшаверинг.

Ўтган асрда ва ҳар жиҳатдан аввалгисига қадамма қадам эргашаётган янги асрда "табиатни муҳофаза қилиш, уни келажак авлодга бешикаст етказиш" ҳақида кўп ёзилди ва кўп айтилди. Лекин уларнинг бирон бири жанобимиз ﷺ ҳадислари-ча таъсир кўрсатолмади. Далил: табиат муҳофаза қилинмади. Зилол сув балчиққа айланди. Орол, ариқ, анҳорлар қуриган. Ер захарланиб, нашаванд бўлиб қолган. Ҳаво булғанч. Экология аянчли аҳволда. Янги авлодга қирқ ямоқли жулдур табиат мерос қолди. Минг хил очерку минг тур мақолалар бир дона ҳадис ишини уддалай олмади. Бу эса қаламларнинг илоҳий имдодга эҳтиёжи баланд эканини қайта исботлади.

"Агар Қиёмат қоим бўлиб қолганда сизлардан бирингизни кўлида кўчат бўлса, Қиёмат бошланмасдан илгари кўчатни экишга имкон топса, дарҳол уни экиб олсин", ҳадисдан илҳомланган эзгуликка ҳарис шоир шундай деган экан:

*Ҳовучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин.*

Росулуллоҳ ﷺ эзгуликка тарғиб қилаётганларида ҳамма-нинг кўлидан келадиган енгил амалдан мисол келтирдилар. Кўчат ўтказишни уддалолмайдиган киши топилмаса керак. Лекин бу амалнинг ўзигагина чегараланиб қолинмайди. Аллоҳ ҳар кимга ҳар хил иқтидор берган. Кимдир нотик, кимдир зийрак, закий. Бири ишбилармон, бошқаси хунарманд уста. Бирининг шуури кучли, ундан шеър дунёга келади. Бирининг ақл-заковати ўткир, унинг ихтиро ва кашфиётидан инсоният

ялписига баҳра олади. Хуллас, ҳар кимнинг қўлидан ҳар хил иш бажариш келади. Масъулият ҳам шунга яраша бўлади. Ҳар ким масъулиятни ҳис этган ҳолда, имкониятидан келиб чиқиб, ўзига инъом этилган қобилият ва иқтидорга яраша ободончиликка ҳисса қўшиши лозим. Масалан, зеҳни ўткир, хаёл денгизи теран, сўзлари ширин шоир умрида бир марта кўчат ўтказиб қўйиб, "бўлди, шу бизга кифоя", деб умр бўйи қаламини санамларнинг қош-кўзини мақташга, уларнинг лаъли лабини гоҳ лолага, гоҳ ошиқнинг қонига ўхшатишга бағишлаб том-том девонлар тўлдирса, ўзига берилган неъматга шукр ҳам қилмабди, ободончиликка ҳисса ҳам қўшмабди, аслида синовдан ўтолмабди. Бошқа бир киши қўли гул уста. Ўз ҳунарини ҳеч кимга ўргатмай, барча сир-асрорларни ўзи билан қабрга олиб кетиши инъомга нонкўрлик билан биргаликда миллатга нисбатан хиёнат, умум инсониятга нисбатан жиноятдир.

Бошқаларни ҳам шу иккисига таққослашингиз мумкин.

Дарахт экиш савоб, унинг мевасидан юзлаб одамлар фойдаланади. Лекин дафтар-қалам билан маърифат кўчатларини ўтказиш ундан кўра улуғроқ савобдир. Китоб мевасидан минглаб одамлар фойдаланади. Ахир Ер юзида маърифатни ёйишдек эзгу амал борми?! Улуғ пайғамбарлар каби одамларни яхшиликка чорлашдан кўра гўзалроқ вазифа топиладими?!

﴿ وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴾

﴿ *Одамларни Аллоҳга чақириб, ўзи яхши амаллар қилган ва "албатта мен мусулмонлардандурман" деган кишидан кўра гўзал сўзловчи ким бор?!* ﴾

Фуссилат сураси 33-оят.

Даҳо меросини доно халққа тақдим этиш шараф. Илмга ташна, маърифатпарвар миллатга хизмат буюк шон. Бу шону шарафга ноил бўлиш жуда кўп аҳли илмларнинг орзуси. Бироқ "*Жавомиул калим*" билан хосланган, ҳар бир сўзи ҳикматдан иборат, ширинсўз ҳазратнинг ﷺ ҳадисларини бошқа луғатга

таржимаси жуда катта масъулиятдир. Бу масъулиятнинг оғир юки кўп қатори мени ҳам ўйлатиб қўйди. Бизоат кам, зод оз,¹ йўл олис, орзу-истаклар жисмга сиғмай, вулқондек отиламан дейди. Жамият забони ҳоли эса овозини баралла кўтариб "тезда Бухорий Саҳиҳи билан танишишимиз лозим ва зарур! Тобакай ўз меросимизга эга бўлолмаймиз?" деб бонг урмоқда. Шу сабаблар туртки бўлиб, азиймат тараддудни енгди ва ўша заҳоти ягона мададкордан мадад сўраб ишга киришдим.

Таржима – муаллиф тушунчасининг маҳсули. У ўзидаги бор билим билан ижтиҳод қилган тақдирда ҳам, таржима аслдек чиқмайди. Шунга кўра, содир бўлажак хатолар учун олдиндан узр тақдим этаман. Ва бундай пайтда хато таржимани ташлаб, аслга – матннинг ўзига мурожаат қилишни маъқул кўраман. Араб тилининг нозик жиҳатлари кўп. Бошқа тилларда топилмас қирралари бир талай. Бунга қўшимча ўлароқ жанобимиз ﷺ қисқа, сермазмун сўзлайдилар. Шунга кўра ва ёдлаш қулай бўлсин деб, аввал ҳадиснинг асл матнини келтирилади. Сўнгра шарҳ китобларига мурожаат этиб, Аллоҳ муяссар қилганича улардан фойдаланиб таржима қилинади.

Бунда мен кўпчилик билмайдиган янгилик олиб келдим, деган даъводан йироқман. Келтирган ҳадисларимиз, маълумотлар ва масалалар жуда кўпчиликка таниш. Баъзи ёши катталар бу ҳадисларни, уларга битилган шарҳларни ва унга оид масалаларни мен дунёга келмасимдан бурун ўрганиб бўлишган.

Ато ибн Аби Рабоҳ: *"Агар менга бирор киши ҳадис айтса, мен уни илк бор эшитаётгандек диққат билан қулоқ тутаман, ҳолбуки, мен бу ҳадисни у тугилмасдан олдин эшитиб бўлганман"*, деган эканлар.

Умид этаманки, динига катта эътибор қаратган ҳар бир мўъмин ва мўъмина, ҳадис илмига берилган толиб, тарихи билан қизиққан ҳар бир холис ватандош ушбу рисоладан ҳаёти ва

¹ Бизоат – Асли мол, сармоя. Бу ерда илмий бисот маъносида. Зод – Йўл озуқаси.

охирати учун фойдали нимадир топа олади. Эккан кўчатларим мева тугар, кимдир унинг мевасидан татир... Мевалар эртапишар, ўртапишар, кечпишар бўлганидек, одамлар ҳам онг жиҳатидан шундай экан. Эртапишар сўзни дарҳол англайди, ўртапишар кейинроқ, кечпишар кечроқ, хом, гўр эса... Баъзилари пишиб ерга тушган тайёр меваларни сал энгашиб олмасдан, ёш болалардек мевали дарахтнинг тепасига тош отади.

*Дер эрдим етти ёшимда: ниҳол экай, қатор бўлсин,
Ниҳолга баҳра бермоққа, дилим ҳам навбаҳор бўлсин.*

*Ёшим ўн бирга етганда шу орзумга эришдим ман,
Деди дўстлар: улуг касбинг муборак, барқарор бўлсин.*

*Ҳамиша мақсадим: ишлаб етиштирган гулу мевам –
Қадрдон меҳнат аҳлига шифо бирлан мадор бўлсин.*

*Ниҳол экишга сарф этдим ҳалол меҳнат, ҳаётимни,
Ишимдан эл олиб ўрнак, сахий тажрибакор бўлсин.*

*Агар ўлсам таним хоки нисор бўлсин ниҳолларга,
Юрак-бағримдаги оташ беҳи, олма, анор бўлсин.*

***Ҳовучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин.***



*Васият шу: кўзим юмсам, ёронлар тутмангиз мотам,
Қазинг қабрим мозорнинг эл босиб ўтгувчи ёғидан.*

*Кўриб қабримни ошнолар десинлар, бу эди боғбон,
Гул ҳидлаб, мева еганмиз, гулистон бирла боғидан.*

***Оёқ остида кўкарсин соқолим сабза райҳондек,
У йўлни текис айланглар танимнинг тупроғидан.***

*Сизга хизматни оз қилган, Шарифийман, кечиринг деб,
Лабим тупроқлари ўпар қадрдонлар оёғидан.¹*

¹ Ҳар иккала ғазал Бухорода яшаб ижод этган Шариф Нурхон қаламига мансубдир.

Бешинчи фасл

Фазилат

Фазилат

Икки оғиз сўз бу муборак фан – ҳадис илмининг фазилати ҳақида.

Ҳар бир илмнинг қадр-қиймати ва фазилати унинг мавзуси, асоси, манбаи ва инсониятга келтирадиган манфаатига боғлиқдир.

Ҳадис Қуръоннинг тафсири, Росулulloҳ ﷺ сўзлари ва ҳаётлари эса диннинг жонли намунасидир. Бу илм манбаи ва асоси ваҳий. Бу ҳақда Аллоҳ таоло :

﴿ إِنَّ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَى ﴾ *У фақат илоҳий ваҳийдир* деган.

Қуръонда қандай мавзу бўлса, ҳадисда ҳам айни шу мавзулар ўз аксини топган. Ҳадис – Қуръон аҳкомларига шарҳ ва изоҳ. Суннат – у аҳкомларнинг амалий намунаси. Қуръон ва ҳадис таълимотининг меҳвари Тавҳид: Ягона Аллоҳга ибодат; махлуқни махлуқ қуллигидан кутқариш, одамзодни ўзига ўхшаш одамзод, ҳайвонот, жамодотларга сиғинишдан сақламоқ. Икки улуғ манбанинг диққат марказида инсон, унинг саодати ва ҳаётини ҳар томонлама фаровонлаштириш туради. Инсон учун нимаики фойда бўлса, Росулulloҳ ﷺ ундан хабар берганлар, нимаики зарар бўлса, ундан огоҳлантирганлар. Инсон ҳаёти ва охирати учун нима яхши бўлса, уни Набий ﷺ сўзи ва ҳаётида топасиз. Шунга кўра энг охирги элчининг сўзларини ва кундалик ҳаётларини ўргатувчи ҳадис илми илмфанлар ичида энг улуғ илмлардан ҳисобланади.

Ҳадис Росулulloҳ ﷺ сўзларини нақл қилмақдир. Ҳадис айтгувчи киши ғолибо сўзини "*Росулulloҳ ﷺ айтдилар*" деб бошлайди. Саййид Сиддиқ Ҳасан ал Қаннужий ал-Бухорий дейди: "Баъзи солиҳ олимлардан бири ҳадис илмига бўлган муҳаббатининг сабабини шундай ифодалаган экан: "Мени бу илмга ундаган асосий сабаб " قال رسول الله – *Росулulloҳ ﷺ айтдилар*", деган сўздир.

Шоирлардан бири бу илм билан холис шуғулланувчиларни Росулulloҳнинг ﷺ асҳоблари деб атаган экан. Аслида улар бу дунёда Росулulloҳнинг ﷺ ўзларига ҳамроҳ бўлмасаларда, лекин сўзларига ҳамиша ҳамроҳлар. Умид этамизки, охирада ўзларига ҳам ҳамроҳлик бахтига ноил бўладилар.

أصحاب الحديث هم أصحاب النبي وإن لم صحبتوا نفسه أنفاسه صحبتوا

*Ҳадис соҳиблари – Набий асҳоби,
Йўлдош бўлмаса ҳам унинг ўзига.
Улар ҳақиқатдан ҳикмат арбоби,
Чунки ҳамроҳдурлар унинг сўзига.*

Жанобимизнинг ﷺ :

"نضر الله امرأ سمع منا شيئاً فبلغها عننا كما سمع فرب مبلغ أوعى من سامع"

"Биздан бир калима эшитиб, уни қандай эшитган бўлса, шундайича ўзгаларга етказган кишининг юзини Аллоҳ яшнатсин. Гоҳо ҳадис етказилган киши уни эшитган кишидан кўра ёдда сақловчироқ (хушёрроқ, онглироқ) бўлади".

Бошқа ривоятда *"Билимдонроқ", "Фақихроқ бўлади"*, деган маънодаги дуоларининг ўзиёқ бу фан аҳли учун катта шараф. Атиги бир ҳадисни ўзгаларга етказган киши учун чексиз фазилатдир.

Ушбу фазилатга эришиш учун муҳаддис олимлар бебаҳо умрларини шу фанга бағишлаб, Муватто, Муснад, Саҳих, Сунан, Мустадрак, Мусаннаф, Мустахраж йўсинида жилд-жилд китоблар таълиф этишди. Алоҳида мавзуларда баҳс юритиб Зухд, Иймон, Адаб, Рақоик китобларини ёзишди. Кейинчалик фақат аҳкомларга оид ҳадислар жамланган китоблар дунёга келди. Ҳар бир мўъмин билиши лозим бўлган ҳадислар тўпланиб, қисқа Ал-арбаъийн – Қирқ ҳадис тўпламлари тузилди. Ўқиб ўрганишга қўлай бўлсин деган мақсадда фақат бир дона ҳадиснинг ўзини атрофлича шарҳлаб китобчалар битилди.

Бу борада ўрта асрда яшаб, ижод этган Ибн Ражаб (795) раҳматуллоҳи алайҳнинг тутган ўринлари жуда катта. Аллома

асарлари 7 асрдан бери ўқувчилар қўлидан тушмай, севиб ўқилмоқда.

Гоҳида бир дона ҳадис шарҳланган кичик ҳажмли жажжи китобнинг халойиққа фойдаси ўқилмай чанг босиб ётган жилд-жилд китоблардан кўра кўпроқлигига воқелик гувоҳ. Бугунги кунда бу услуб жуда қулай ва манфаатлидир.

Муҳаддис олимлар билан бир қаторда бошқа соҳа олимлари – муфассирлар, фақиҳлар, тилшунослар, адиблар, шоирлар ва ҳатто давлат арбоблари, сиёсатдонлар астойдил ишга киришадилар. Уларнинг ҳар бири жанобимиз ﷺ ҳадисларини ўрганиш, ўзгаларга етказишдек шарафли ишга ҳисса қўшишади. Ҳар ким ўз соҳасида ҳадисга хизмат қилади. Масалан, шоирлар муҳаддис ва фақиҳ олимлардек Росулulloҳ ﷺ ҳадисларидан қирқтасини танлаб шеърий "Арбаъийн" тўпламини тузишган. Қирқта саҳиҳ ҳадисни турк, форс тилларига ўгириб, шеърий асар яратганлари кўпга маълум. Шулар жумласидан Навоий турк тилида, Жомий форс тилида "Арбаъийн" битишган. Навоий Абдурахмон Жомийни бу борада анча олдинлаб кетганини шоирона муболаға билан мадҳ этадилар.

*Нуктаи бо "бисм" учун тафсир,
Юз мужаллад қила олиб таҳрир.*

*Ҳам ҳадис ичра сарбаланд шажар,
Ким, етишмай анга юз Ибн Ҳажар.*

*Арбаъийн ики айлабон тартиб,
Арабий бирла форсий таркиб.*

*Арбаъийн аҳли даркидан ожиз,
Кўрмайин бўйла "Арбаъийн" ҳаргиз.¹*

¹ Сабаъи сайёр.40. Яъни Бисмиллаҳдаги "ب" - "бо" ҳарфининг нуктаси учун юз мужаллад тафсир таҳрир қилганлар. Ҳадис соҳасида ҳам шундай имдамлаб кетдиларки, ҳатто Ибн Ҳажарнинг* юзтаси у кишига етолмайди. Араб ва форс тилларида қирқ ҳадисдан иборат шеърий Арбаъийн асарлари бор. Бу ишга қўл урганлар бундай зўр асарни кўрмаганлар, дейилмоқда.

Кўпчилик талабалар имом Нававий Арбаъийни билан таниш, лекин Навоий Арбаъийнини ҳамма ҳам билавермаса керак. Низомиддин ҳам Муҳиддин каби Арбаъийн тузган. Нававий саҳиҳ жомеъул калимларни тўплаган бўлса, Навоий Жомийнинг "Чил ҳадис"ини туркийга ўгириб, Қирқ ҳадис тўпламини назм этган.¹ Нававийникига кўпчилик шарҳ битган. Навоийникига билишимча, ҳеч ким шарҳ битган эмас.

Турк назмида тузилган Арбаъийнда жумладан шундай дейилади:²

*Ҳамд ангаким, каломи хайримаол
Қилди элга расулидин ирсол.*

*Ул расулеки, ҳам каломи фасиҳ
Элга тегурди, ҳам ҳадиси саҳиҳ,*

*То улус жаҳлдин халос бўлуб,
Илм хилватгаҳига хос бўлуб,*

*Чун тамуғдин нажот топқайлар,
Учмақ ичра ҳаёт топқайлар.*

*Жалла зикруҳ зиҳе илоҳи рафиъ,
Азза қадруҳ зиҳе расули шафиъ.*

*Ҳофиз ибн Ҳажар мисрлик аллома. Тўлиқ исмлари Шихобиддин Абу Фазл Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. 852-х вафот этганлар. Ҳадис ва фикҳ илмларида шуҳрат қозонганлар. Катта илмий мерос қолдирганлар. Таълиф қилган китобларининг сони 289 тага етган. Улар орасида энг машҳури 15 жилд-ли Саҳиҳ Бухорийнинг шарҳи فتح الباري Фатҳул Борийдир. Мутаҳассис олимларнинг айтишича Саҳиҳ Бухорийга битилган энг яхши шарҳларнинг бири Ибн Ҳажар таълиф этган فتح الباري дир. Баъзилар: "Фатҳдан кейин фатҳ йўқ", деган.

¹ Бу, Навоий Арбаъини ҳақида ёзилган мақола хабари. "Навоий асари таржима дейилмайди" дейилган эътирозга жавоб ўлароқ ёзилди. Араб тилидаги ҳадисни турк тилига ўгиришни "таржима" демай нима деб аташ мумкин?..

² www.ziyouz.com кутубхонасидан шундоғича нақл қилинди. Бошқа нусхалар билан солиштиришнинг имкони бўлмади. Бу нусхада айрим имловий хатолар мулоҳаза қилинган.

САБАБИ ТАЪЛИФИ МАНЗУМА

*Ул сафо аҳли пок фаржсоми,
Покфаржсому покфар Жомий.*

*Ул яқин сори дастгир манга,
Қиблаву устоду тир манга.*

*Ки тутубдур жаҳонни таснифи,
Назм девони, наср таълифи.*

*Чунки ҳижратдин эл аросида сўз
Сексан олти эди-ю секкиз юз,*

*Ким яна туҳфае аён қилди,
Туҳфа йўқ, турфае баён қилди.*

**Ўқуғонда Бухорийу Муслим,
Қирқ сўз борча шубҳадин солим.**

*Наср ила назмин мураккаб этиб,
Форсий лафз ила мураттаб этиб,*

*«Арбаъин»е чиқардиким, жонлар,
Балки қирқ арбаъин чиқоргонлар.*

*Топтилар анда нашъаи мақсуд,
«Арбаъин»дин нечукки, аҳли шуҳуд,*

*Форсийдонлар айлабон идрок,
Орий эрди бу нафъдин атрок.*

*Истадимки, бу халқ ҳам бори,
Бўлмагайлар бу нафъдин орий.*

*Мен демакни чу муддао айлаб,
Ул ижозат бериб дуо айлаб.*

*Муддао чун бори савоб эрди,
Ҳар дуо қилса, мустажоб эрди.*

*Бир-ики кунки эҳтимом эттим,
Кўз тутардин бурун тамом эттим.*

*Бор умидимки, шоҳи шаръойин,
Ким, набий шаръига берур тазйин,*

*Улки авроқ ароки солгай кўз,
Айлагай кўнглига асар бори сўз.*

*Насридин дағи баҳравар бўлгай,
Назмдин дағи бохабар бўлгай.*

*Бу кун ўлса ҳадисларга мутиъ,
Тонгла бўлгай муҳаддис анга шафиъ.*

**1. Ло юъмину аҳадукум ҳатта юҳибба ли ахихи ма юҳиб-
бу ли нафсиҳи.**

*Мўъмин эрмастур, улки иймондин
Рўзгориди юз сафо кўргай,
Токи қардошига раво кўрмас —
Ҳар неким ўзига раво кўргай.*

**2. Ман аъто лиллаҳи ва манаъа лиллаҳи ва аҳабба лил-
лаҳи ва абгаза лиллаҳи фақод исътакмала ийманаҳу.**

*Кимгаким ҳуббу бугзу манъу ато
Ҳақ учун бўлди жазм бил они,
Ким эрур Тенгри лутфидин комил
Аҳли иймон қошида иймони.*

**3. Ал-муслиму ман салим ал-муслимуна мин ядиҳи ва
лисониҳи.**

*Ким мусулмонлиғ айласа даъво
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур
Тилию илкидин мусулмонлар.*

*Эйки, шахсингни холиқи фаттоҳ
Деди: «Хаммарту арбаъина сабоҳ»,*

*Эрур ул арбаъининг аввали ҳол,
Айла бу «Арбаъин» била аъмол,*

*Ки бу навъ икки «Арбаъин» мавжуд
Бўлса, шоядки топқасен мақсуд.*

*Етса мақсуд муддао бирла
Мени ёд этгасен дуо бирла*

*Ки, Навоийга ул дуо етгай,
Булбули руҳига наво етгай.¹*

¹ "Бухорий Бўстони" нинг муқаддимасини яқунлаб, "Биринчи Китоб" сайрида бир оз одимлаб қўйганимдан сўнг мавзумизга оид бир маълумот кўриб қолди. 1992 йил, 7 августда нашр этилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати жаридасида Навоий арбаъийни нашри муносабати билан чоп этилган мақола берилган экан. Фойдадан холи бўлмагани учун ушбу мақоладан айрим ўринларни келтиришни муносиб кўрдим. Мақола "Одамларнинг яхшиси..." сарлавҳаси остида берилган. Мақола муаллифи Назар Ражабов дейди:

Яқинда босмадан чиққан Алишер Навоийнинг "Арбаин ҳадис" ("Қирқ ҳадис") асари муқаддима, қирқ ҳадис ва унинг шарҳлари ҳамда қирқ ҳадиснинг арабча ёзув билан берилган матнини ўз ичига олган. "Муқаддима"да Шарқ халқлари анъаналари, расм-русмлари, одоби ва ўша давр талабига кўра илмий-ижодий тафаккур тарзи, улардан фойдаланиб кишиларни, айниқса, ёшларни умрбоқий одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш, панд-насихатлар қилиш ҳақида сўз боради. Улуғ шоирнинг "Арбаин ҳадис"ни туркий тилда шарҳлашдан мақсади, аввало, элни мусулмончилик қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқлари, фазилатлари, қадриятлари ва одоб-ахлоққа доир ҳадислардан баҳраманд қилиш эди. Навоий таъбири билан айтганда, "Одамларнинг яхшиси одамларга фойда келтирган кишидир".

Шарҳловчи касбдошларимиз "Арбаин ҳадис"нинг аҳамиятига юқори баҳо бериб, унинг узоқ йиллар давомида ардоқланиб, севиб мутолаа этиб келинаётган "Минг ҳадис", "Чил ҳадис", "Жавомиул Калом" каби ҳадис китоблари қаторидан муносиб ўрин олади, деб таъкидлашгани яна бир бор исботланди.

Қисқаси, "Арбаин ҳадис"даги ҳар бир ҳадис олам-олам маъно касб этади. Бизнингча, бу асардан ўрта мактабларда ҳам, олий мактабларда ҳам кенг фойдаланиб иш кўриш лозим. Навоийнинг "Арбаин ҳадис"и асосида "Одобнома"ни алоҳида фан сифатида шакиллантириш зарур!!!

Бизнингча, "Арбаин ҳадис"ни ("Қирқ ҳадис") шарҳлари Ўзбекистон фуқароларининг катта-ю кичиги кўлида бўлиши керак. Унинг ҳар бир ҳадисини ёд

Таниқли давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобурнинг қисқа умри қувғун ва жангу жадалларда ўтишига қарамай, ҳадис борасида қалам тебратишга муваффақ бўлади. Ислом дини арконларини баён қилувчи "Саҳиҳайн"да ворид бўлмиш "بنی الإسلام علی خمس" – "**Ислом беш асосга қурилган**" маъноли ҳадисни назмда батафсил шарҳлаб, ўзининг фарзандларига ёдгорлик ўлароқ "**Мубаййин**" номли шеърий асар яратади.¹

Шоҳ хазинаси қабрда манфаатсиз тошдек фойда бермаслигини ҳамма ҳам бирдек билавермайди. Буни эрта англаб етган шоҳ охирагга оқиб борувчи садақаи жорияга шошилади. Ўз фарзандлари ва омма халқ кундалик ҳаётида фойдаланиши учун уларга Ислом дини асосларига оид йирик "**Мубаййин**" асарини мерос қолдиради. Китоб беш қисмдан иборат:

- 1-Эътиқодия.** (Иймон-эътиқодга оид масалалар).
- 2- Китоб ус-Салот.** (Намоз ва унга доир аҳкомлар).
- 3-Китоб уз-Закоат.** (Ижтимоий адолат гарови, иқтисодий ислоҳот асоси бўлмиш молиявий ибодат закот ва унга тааллуқли масалалар).
- 4-Китоб ус-Совм.** (Рўза)
- 5-Китоб ул-Ҳаж.** (Ҳаж).

Мазкур асарни нашрга тайёрлашдек хайрли ишга қўл урган фозил ноширлар сўзларидан иқтибос келтираман:

олиш ва унга амал қилган ҳолда иш кўриш кони фойдадир. Шунга кўра китобнинг тарғиботи жиддий эътиборни талаб этади. Бу борада газета ва журналларимиз, радио ва телевидение хизматларидан ўринли фойдаланмоқ керак.

"Арбаин ҳадис"нинг ("Қирқ ҳадис") 22 миллионли Ўзбекистон учун 50 минг нусхада нашр этилиши мутлақо қониқарсиздир. Ноширларимиз бу ҳақда бош қотирсалар тузук бўларди.

"Арбаин ҳадис"дек бебаҳо хазина ҳар бир кутубхона ва ҳар бир оилада туриши лозим.

Назар РАЖАБОВ,
филология фанлари доктори

¹ Асар (адашмасам), 1993 йили Шарқ Юлдузи журналида нашр қилинган. 2000 йили Ҳамидбек Ҳасан ва Саидбек Ҳасан нашрга тайёрлаб, Алибек Рустам муҳаррирлиги остида чоп этилган.

"Мубаййин"да диний масалалар бутун тафсилотича чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан ўз ифодасини топган. У ўзбек тилида яратилган эътиборли асарлар туркумига кирган бўлиб, ўзбек тилининг шираси ва бойлигини тўлалигича акс эттирадиган диний ва бадиий адабиётнинг ёрқин намунаси ҳамдир.

Бу асарнинг биринчи боби иймон масалаларига бағишланган бўлиб, "Эътиқодия" деб аталади. Бобур бу асарини фарзандлари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга Ислом илмини эгаллашлари учун ёзиб қолдираётганини қуйидагича баён қилади:

*Билгасен эй хўжаста-е фарзанд,
Жигарим бирла жонима пайванд.*

*Масъалаларки, ул зарур эрди,
Билмасанг динингга қусур эрди.*

*Етти кўнглимгаким йиғиштираман,
Назм тартибида сиғиштираман,*

*То ани забт қиласен осон,
Ул масойилни билгасен йаксон.*

*Тонглалиқ кундаким ҳисоб ўлғай,
Манга ажру сенга савоб ўлғай.*

"Мубаййин" асарининг кириш қисмида ҳар бир мусулмон учун амал қилиниши зарур бўлган шартлар устида гап боради. Аввал беш фарз – иймон, салот, закот, савм, ҳаж ҳақида қисқа тўхтаб ўтилади.

Бобур "Мубаййин" асарини яқунлар экан, бу асарни ёзишдан мақсад шоирлик маҳоратини кўрсатиши эмас, балки Ҳақ йўлида билган диний билимларини баён этиб, олам аҳлига сочишдан иборат эканлигини таъкидлайди:

*Мен бу ганжимни ошкор этдим,
Борин дин аҳлига нисор этдим.*

*Ушбуларким дедим бўлинг огоҳ,
Бордуру борча холисан лиллоҳ.*

*Бу демакдин гараз Ҳақ эрдийу бас,
Шеърү шоирлик эрмас эрди ҳавас.*

Демак, Бобурнинг "Мубаййин" рисоласи диний-ахлоқий йўналишдаги ҳам диний, ҳам адабий асардир". Иқтибос тугади.

Энди мазкур асарнинг ўзидан айрим ўринларни нақл қиламиз.

*Ҳаққа ҳамду сано адо қилдим,
Ҳақ оти бирла ибтидо қилдим.*

*Ибтидо қилгулик не ким бордур,
Қилмасанг оти бирла абтардур.¹*

*Қодиру баркамол Тенгридур,
Қоҳир, Зулжалол Тенгридур.*

*Ҳар не ким қилса ул қилур бешак,
Ҳар не ким қилса ул билур бешак.*



*Вожиб ўлди бориға шукри Худой,
Мустафо бўлди бизга раҳнамой,*

*Йўлчисиз йўлда ким бора олғай,
Борса аввал қадамда ўқ қолғай.*

¹ **Абтар** арабча калима бўлиб, чўнтоқ, чала маъноларини ифодалайди. Нозимнинг бу жумласи имом Аҳмад ривоятидаги ҳадисдан олинган:

"كُلُّ كَلَامٍ أَوْ أَمْرٍ ذِي بَالٍ لَا يَفْتَحُ بِذِكْرِ اللَّهِ، فَهُوَ أَتْرُ" Асар муаллифнинг ўзи уқтирганидек "сунний эътиқод" да ёзилган бўлиб, асосан оят ва ҳадисларга асосланган. Лекин баъзи мулоҳазали ўринлар ҳам йўқ эмас. Бу, изоҳ билан баргараф бўлади. Нуқсон банданинг ажралмас хусусияти. Баъзи камчилик боис катта илмий ишлардан бутунлай воз кечилмайди. Бобур асар хотимасида шундай дейди:

*Уламодин будир менинг тилагим,
Қўлдагайлар бу иш аро билагим.*

*Ғалати душа мундалар бўлса,
Тузсалар шафқате агар бўлса.*



*Фарз ўн икидур намозда бил,
Билибон ҳар бирини ерида қил.*

*Олтисин бил намозни хорижда,
Яна олтисини намоз ичида.*



*Бобур учинчи фарз бўлди закат,
Анда дер сўзни айтайин санга бот.*

*Андаким ушбу фарз эди мастур,
Иститоъат бўлиб эди мазкур.*



*Бор вуҷуҳи адои ҳаж уч навъ
Мен дейин сен билурда кўрсат тавъ.*

*Бири афроддур, қирон бириси,
Бир(и) таматтуъ уч ўлди, бил бориси.¹*

Шоҳлик билан шеъриятни, мулк билан маърифатни жамлай олган иймонли раҳнамонинг қуйидаги байтлари нафақат омманинг, балки олиму обидларнинг ҳайратини оширади. У юқоридаги ноёб фазилатларга қўшимча ўлароқ сиёсат билан ибодатни жамлаган эди. Бу эса унинг дунёвий ишига халақит бермади. Аксинча,

¹ Банда хатодан холи эмас. Имом Шофеъийнинг шогирдлари Робеъ устози битган китобни устознинг ўзи билан 80 марта ўқиганини билдирган. "Ҳар ўқиганимизда бир хато топиб, баъзи ўринларни тўғрилаб кўяр эдилар. Охири: "Аллоҳ Ўзининг китобидан бошқа китобга камолотни истамади", дедилар", дейди. "Мубаййин" мутолаасида ҳам айрим саҳв-хатоларга кўз тушиб қолди. Бу, асарни араб алифбосидан мазкур харфларга ўгиришда ва айрим изоҳларда йўл қўйилган. Масалан: "**Бири афроддур, қирон бириси, Бир(и) таматтуъ уч ўлди, бил бориси**" байтида "афрод" эмас, "ифрод" дейилиши тўғрироқ. ""Ифрод", "Қирон", "Таматтуъ" изоҳларида калиманинг баъзи луғавий маъноси билан кифояланган. Истилоҳий маъно берилмаган. "Таматтуъ" лаззат дейилган. Бу, муаллиф муродини ва шаръ аҳкомини англашда қийинчилик туғдиради. Бобур намозда, ҳажда ва бошқа ўринларда ўқиладиган маъсур дуоларни таржима қилмай, шундоғича нақл қилган. Бу эса унинг фақиҳлигига ва ўша даврдаги ўқувчиларнинг илмий даражаси юксаклигига далолат қилади. "**Раббано ла тузиг қулубано баъда из ҳадайтано ва ҳаббий лано...**" дейилган дуода "**ҳаббий**" эмас, "**ҳаб**" бўлади. "**Раббано отийно мин ладунка раҳматан ва ҳаббий лано мин амрино рошадан**". "**Отийно**" эмас "**отино**", **ҳаббий** эмас "**ҳайий**" бўлади. "**Раббано**", "**лано**" ва барча "**но**" ларни тажвид қоидаларига мувофиқ "**Роббана**", "**лана**" ва "**на**" дейиш афзал. Мазкур саҳвлар қўл билан санокли даражада оз. Ушбуларни кейинги нашрда ислоҳ қилинар деган умидда ёздим. Кўнгилларига оғир олмасинлар.

ёрдами тегди. Далил: у асос солган давлат 360 йил гуллаб яшнади. Бенамоз империя аранг 70 йил туриб берди...

Мамлакат раҳбари кўтарган мавзуга диққат қилинг! Шоҳ ўғил-қизларини, сарой аҳли ва эл-юртни намозга чорлайди. КИТОБУС САЛОТ (намоз китоби)да худди фуқаҳо ва муҳаддислар каби ҳар бир намозни алоҳида ёзиб, унинг масалаларини батафсил баён қилади. Намознинг ички-ташқи фарзлари, суннатлари, таҳорат, ғусл, сатри аврат, најосат ва ундан қандай покланиш масалаларини кенг ёритади. Сўнгра жамоат намози, Жума, Ҳайит, Жаноза, Таровех, Таҳажжуд, Кусуф-хусуф, Истиксо, Истихора намозларини батафсил тушунтиришга ўтади. У шаҳзодаларни, зодагонларни ва барча мўъминларни таҳажжуд намозини ўқишга чакиради. Намоз, хусусан тунги махфий намоз инсон, жамият ва давлат ислоҳидаги раббоний тадбир эканини англаб етади ва ҳаётга татбиқ қилади.

Бу қамрови кенг илмий асарнинг қиймати шундаки, у дин пешвоси томонидан эмас, давлат арбоби томонидан битилгандир. Бу эса, бугунги кунда асар қийматини янада оширади.

*Эмди айтай санга таҳажжуд эшит,
Тангрига қилсанг гар тааббуд эшит.*

*Тун ярмида уйқудин уйгон,
Қил таҳажжуд намозини ул он.*

*Бил таҳажжудни фарз ҳазратқа,
Суннат ўлди ва лек умматқа.*

*Уйқудин бу дуони қўпқанда,
Ўқу, Ҳазрат ўқиб турур анда...*

деб, маъсур дуони таржима қилмай, шундоғича келтирган. Жамоат намози ҳақида қуйидагиларни ёзади:

*Бил, жамоат муаккада суннат,
Кимки тарк айласа егай хасрат.*

*Қавм тарк этса буни бешак,
Бўлур ул қавм билан қитол этмак.*

*Сен жамоатни тарк айламагил,
Ҳар неча кўп савоби кўпроқ бил.*

Бобур сулоласидан бўлмиш, эски тузумда кўп қораланган Муҳаммад Аврангазеб Оламгирнинг (1619-1707) илмга кўрсатган хизматлари беқиёс. "Фотово Оламгирия" деб аталмиш "Фотово Ҳиндийя" китоби шу олим ва шоҳга мансуб бўлиб, унинг ташаббуси билан битилган. Заркалий ўзининг الأعلام номли машҳур энциклопедиясида Аврангазебни: "Мусулмонларнинг шоҳ олимларидан" деб таърифлайди.¹

Хуллас, ҳар бир муҳиб ҳабиб ﷺ ҳадисларига имкон қадар хизмат кўрсатган. Ҳикматлар хазинасини улусга етказган. Инсон тарбиясида энг фаол ва самарадор омиллардан бири бўлмиш бу илмнинг ёйилишига ўз ҳиссасини қўшган.

Усманий турк халифаларидан султон Абдулҳамид имом Бухорий "Саҳиҳ"ини чоп эттириб, омма мусулмонларга бепул тарқатган. Бу ҳам ҳадис илмига кўрсатилган хизматларнинг бир тури.

Асли яҳудий миллатига мансуб олим, таржимон, котиб, журналист ва файласуф Муҳаммад Асад² Қуръони Каримни ва Саҳиҳи Бухорийни инглиз тилига таржима қилган. Саҳиҳга таълиқот битган.

Инсониятга яхшиликни истаган ҳар бир киши яхшилик манбаи бўлмиш ҳадиси шарифларни оммага етказишда қўлидан келганча уриниши лозим-лобид. Тоинки, Маҳшар куни Муҳаммад Мустафо жамоалари ичида бош кўтаргай. Бу билан "фақат ҳадисни ўрган фикҳни ёки бошқа фанларни ўрганма" дегани келиб чиқмайди. Фикҳ – Ҳадис самараси. Иккиси бир бирига чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир фанни ўрганмоқ зарур.



¹Кўп шаҳарларни фатҳ этганлар. Ўз қўллари билан Қуръондан нусха кўчириб, Мадинадаги Ҳарамга ҳадя қилганлар. Қизлари Зебинисо 7 Мусҳаф кўчирган.

²Исломдан олдинги исми Леопард Ваесс. Бобоси яҳуд ҳохомларидан. 1900 йилда туғилган. Асли венгириялик, 1992 йили Испанияда вафот этган. Унинг ҳикматга йўғирилган сўзлари жаҳон тилларига ўғирилган. Жумладан у "Ислом фалсафа эмас, ҳаёт манҳажидир", деган эди. "Тавротнинг Муҳаммад ﷺ ҳақида башорат берган оятлари айрим нусхаларда ҳамон сақланмоқда", деб хабар берган.

"Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар", деган қутлуғ сўз саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейин келган салафи солиҳлар учун жуда қутлуғ, муборак калима ҳисобланган. Бу сўзни улар саодат манбаи деб билишган.

Оғир бемор соғайиб кетиши учун табиб сўзидан чиқмай, "табиб айтди" калимасига қанчалар риоя қилса, "уни еманг, буни ичманг, табиб айтди", дейилган буйруқларни соғликни сақлаш учун қонун ўрнида билса, табиб кўрсатмасидан чиқмаса, кемадагилар сувга ғарқ бўлмай, манзилга эсон-омон етиб олишлари учун кема дарғасининг сўзини сўзсиз бажаришса, чин мўъминлар ҳам **"Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар"** калимасини ана шундай қабул қилишган.

Уҳуд жангида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу вафот этадилар. На тирик ва на ўлик ҳурматини биладиган мушриклар Ҳамза розияллоҳу анҳу жуссаларини мусла қилиб ташлайди. Яъни марҳумнинг қулоқ-бурнини кесиб, қорнини чавоқлаб ташлайди. Жангдан сўнг жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаҳидлар ёнига келадилар. Амакиларини бу аҳволда кўриб, қаттиқ эзиладилар. Шунда жиянлари Зубайрга "Онани бу ерга келмасин", деб тайинлайдилар. София Ҳамзанинг сингилси (ё опаси) эди.

Жанг тугаганини эшитган Мадинадаги аёллар Уҳуд тоғига ошиқади. Турли миш-мишлар уларнинг қулоғи етиб бўлганди. София Ҳамза жуссаси томон йўл олади. Аканинг манзараси боқиб бўлмас даражада аянчли ҳолда. Зубайр онасига қарата "у ёққа ўтманг!" дейди. Она ўғил сўзига эътибор бермай олдинга илдамлайди. "Она, борманг!", дейди Зубайр аввалгидан баландроқ овозда. Она эса тезликни оширса, оширардики, лекин тўхташни хаёлига келтирмасди. Онасининг жадаллашиши уни хавотирга солди. Агар София ҳозир акасининг жуссасини кўрса, бу ҳолга чидолмаслиги мумкин. Шунини ўйлаган Зубайр югуриб бориб онасининг йўлини тўсади. "Онани

йўлини тўсма!" деб София ўғилларини итариб юборадилар. Маълумки, Зубайр саҳобалар орасида паҳлавон, баҳодирлиги билан танилган бақувват йигит эди. Шунга қарамай, онанинг кучли зарбасидан думалаб, тупрокқа беланади. Шунда у Росулulloҳ ﷺ буйруқларини етказишга шошади ва сўнги бор: "Она, тўхтанг! **Росулulloҳ айтдилар!**" дейди.

София бу сўзни эшитибок, ўша заҳоти аскарлардек тик қотиб қолади. Ҳолбуки, мурда ётган жойга жуда оз масофа қолганди. Шунга қарамай улуғ саҳобия "**Росулulloҳ айтдилар**" деган сўзни эшитибок ўрнида тўхтади ва орқасига қайтади. Раҳнамомиз ﷺ буйруғини сўзсиз бажаради. Ўз туғишганини охирги марта кўра олмайди.

"Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар"

дейилган қутлуғ сўзнинг қанчасига бепарво ўтиб, қанча-қанча яхшиликлардан маҳрум бўлдик... Босиб ўтиш ман этилган чизикларни босиб ўтиб, кўп балоларни бошимизга ордирдик... Агар табиб оғир беморга "фалон дорини ичсангиз, оёққа туриб кетасиз, дард кўрмагандек бўлиб кетасиз", деса, албатта бемор у дорини қидириб топади. Агарчи бир ойлик масофа узоқликда бўлсада, уни олиб келтиради. Худди шунга ўхшаш айрим саҳобалар Рисолат соҳиби соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир дона ҳадисларини ўрганиш учун бир ойлик масофаларни босиб ўтдилар. Муҳаддис олимлар яёв кезиб жанобимизнинг ҳикматга тўла бебаҳо ҳадисларини жамладилар. Оқибатда икки дунё саодатига эришдилар.

Росули Акрам ﷺ ҳадислари дардмандга даво, ярага малҳам. У ҳаёт балсами, бағри хун, дили шикаста, кўнгли ўксик, синик инсонларга мумиё, кўзга тутиё, ризқ-рўз ва умрга қут-барака, хонадонга бахт-саодат, юртга тинч-омонлик, элларга қувонч-шодлик келтирувчи жонбахш қутлуғ сўздир.

Довуд алайҳиссаломнинг ёқимли овози осмонда парвоз қилаётган қушларни мафтун этган бўлса, сарваримизнинг қисқа, сермазмун, ҳаловатли, ширин сўзлари, илоҳий ваҳийга йўғи-

рилган ҳикматлари осмон остидаги, ер устидаги жамийки онгли мавжудотни ўзига маҳлиё этди.

Бу – ҳақиқатдан йирок, асоссиз, баландпарвоз сўз эмас.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий танг аҳволларда, маънавий ва ҳиссий инқирозга учралганда ва умуман кундалик ҳаётда жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълимотларига мурожаат қилинса, сўзларимиз ўз тасдиқини топади, инша Аллоҳ. Ушбу фазилат ва баракотлар ўз ўзидан ёки қуруқ қироатнинг ўзи билангина эмас, балки у гўзал таълимотларни ҳаётга тадбиқ қилиш билан ҳосил бўлажак.



Ё Расулаллоҳ ﷺ.

**Ё Расулаллоҳ ﷺ, сиз Аллоҳнинг суюкли бандасисиз,
Курраи заминни Қуръон билан безаган Росулисиз,
Меърожга мушарраф этилган яқин Халилисиз,
Аллоҳнинг рисолатини башариятга беками-қўст етказ-
ган омонатдор элчисисиз.**

**Дин таълими, яхшилик тарғиботида толмаган, мало-
матчининг маломатидан кўрқмаган, даъват йўлига зов бўл-
ган муштумзўрлардан заррача чўчимаган улуг мураббийсиз.**

**Ваҳий ила суғорилган сермаъно ва серзавқ сўзингиз билан
инсониятни ахлоқий инқироздан, иқтисодий бухрондан,
қуллик ва қарамлик тутқинидан қутқардингиз**

**Сиз биз учун ота-онамиздек меҳрибонсиз, йўқ-йўқ, улар-
дан кўра меҳрибонроқ ва гамхўрроқсиз. Бутун оламга раҳ-
мат бўлиб келган раҳнамосиз.**

**Саодат калити илкингизда, хотиржамлик ва ҳаловат
динингизда, ҳидоят машъали дастингизда, фароғатли ҳаёт
суннатингизда, Маҳшарда мақоми маҳмуд ўзингизда.**

Сизда буюклик мужассам, лекин камтарсиз.

Бойликка эгасиз, лекин фақирона яшайсиз.

**Энг нурли соҳибжамолсиз, энг сухандон ширинзабонсиз.
Сиздек ой юзли, покдамон башарни кўзлар кўрмаган ва
бундан кейин ҳам кўрмагай.**

Сиз Парвардигори оламнинг бетакрор бандасисиз.

Етим ўсдингиз, гариб яшадингиз, кўп озурда бўлдингиз.

Фақат "Раббим Аллоҳ" деганингиз учун озор чекдингиз.

Оёгингиз остига найзасимон тиканлар сочилди,

Бошингизга сўйилган туянинг бадбўй қорни қўйилди,

"Мажнун, сеҳргар, шоир", деб турли номлар берилди,

Кескир қилич, ўткир найзалар ўқталди,

Тош отиб тишингизни синдирилди,

Таомингизга заҳар кўшилди,

Иффатли ёстиқдошингизга туҳмат қилинди ва ҳали ҳам туҳматчилар тили тинган эмас.

Барчасини сабр билан енгдингиз,

Бардош билан баланд бўлдингиз.

Таълимотингиз офтоби оламни ёритди,

Кўёшингиз нури кирмаган хонадон жуда кўрқинчли, хира харобага айланди.

Кеча сизни ўз диёрингиздан чиқаришган эди, бугун сиз ҳар бир мўъминнинг дилида ва тилида яшайсиз.

Сизга салом ва салавот айтилмаган кун тун янглиз қоронгудир. Кўзларимиз сизни кўришга муштоқ. Бандалар ичра борми сиздан кўра дилкашироқ ва хушахлоқ?

Жавоб: Йўқ, албатта!

Ё Расулуллоҳ, хижолат терига гарқман.

Маҳшарда кўришиб қолсак, муборак юзингизга қандай боқаман? Кўзимни олиб қочайин десам, жуда соғинганман...

Сизга муҳаббатни иддио қиламану, уни исботлайдиган дастагим йўқ. Ҳижрон кўйида куйдим деб даъво қиламану, лекин висол учун тадоругим йўқ.

Ҳамма муаммоларимизнинг ечими сизнинг дурдона сўзингизда эканини жуда яхши биламану, шуни журъатла элга еткизолмайман. Изингиздан изма-из юрган маҳбубларингиз каби куйиб-пишиб бебаҳо меросингизни умматингизга улашолмайман.

Кимдир минглаб ҳадисингизни жамлаб Саҳиҳ таълиф этибди. Кимлардир Жавомиул калимингизга шарҳлар битибди. Яна кимдир маънавий бойликка кон хазинангиздан турли истинботлар чиқариб, умматингизга фикҳда, ахлоқ-одобда, зуҳду тақвода ва бундан бошқа мавзуларда китоблар тақдим этибди.

Баъзилар бутун умрини ҳадисингизни жамлаб китоб таълиф этишга, ганимлар ва жоҳиллар турли ниятларда киргизган тўқима ҳадислардан тозалашга сарф этибди.

Баъзилар бор-будини, молу жонини шу йўлга бағишлабди. Ҳатто баъзи улуглар бу муборак йўлда жонини қурбон берибди, хонумонидан айрилибди.

Сизга муҳаббати бор ҳар бир инсон борки умматингизга бир фойда келтирган.

"Менчи?! Мен нима тақдим этдим?!", деганлар кўп. Ўшалардан бири менман.

Шу савол қийноғидан қутулиш учун ва "Ҳадис" бўстонидан сайр этишдек улуг фазилатга ноил бўлиш умидида, гарчи бизоатим кам бўлсада, салафи солиҳлар йўлидан юриб, ҳадис илмининг чексиз чаманзорига қадам қўйдим.

Бу йўлда молимни, жонимни, илмим, вақтим ва бор-будимни сарф этишни Аллоҳдан илтижо қилиб сўрайман.



Аё дўстлар!

Севимли пайгамбарингизнинг исмлари Муҳаммаддир ﷺ . Самовий Китобларда Аҳмад дейилган. Оталарининг исми Абдуллоҳ. Боболарининг номи Абдулмутталиб.

Арабларнинг Қурайш қабиласиданлар. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғиллари Исмоил алайҳиссалом сулоласидан.

Оламушулу "Фил ҳодисаси" рўй берган йили муқаддас замин Маккада таваллуд топдилар.

Дунёга келмай отадан айрилдилар. Балозатга етмай онадан жудо бўлдилар. Саккиз ёшларида ота-она ўрнида турган меҳрибон боболари Абдулмутталиб оламдан ўтди.

25 ёшларида Қурайш қабиласидаги энг ақлли, Қурайшгина эмас, балки араб ва ажамлар орасидаги энг доно аёл Ҳадижага уйландилар.

40 ёшларида ваҳий иниб пайғарбар бўлдилар. Ўн уч йил Маккада даъват қилдилар. Бу давр ичи у зотга ﷺ 86 та сура нозил бўлди.

Исро саёҳатида сайр этдилар. Меърожга мушарраф бўлдилар. Жаброил алайҳиссалом чиқмаган олий мақомга кўтарилиб, умматларига Аллоҳдан бениҳоят улуғ тухфа олиб келдилар. У тухфа – кундалик муножот Намоздир.

13 йил давомида "Ла илаҳа иллаллоҳ"га чақирдилар.

Пешионасига сармадий саодат битилганлар бу даъватга лаббай деб жавоб берди. Бахти қаро бадкирдорлар эса даъватдан юз ўгирди ва унга қарши чиқди. Росулulloҳга ﷺ ва у кишига эргашган саҳоба ва саҳобияларга розияллоҳу анҳум қаттиқ қаршиликлар кўрсатилди ва озорлар берилди.

Мадинага ҳижрат этдилар. Бунда 28 сура нозил бўлди.

63 ёшларида "Рафиқул аълони" ихтиёр этдилар. Ўзларидан сўнг бебаҳо бойликни – Қуръон ва ҳадисни бизларга мерос қолдирдилар. Меросдан катта насиба олганлар бахт-саодатга эришди. Олмаганлар армонда қолиб кетди.



Шўролар даврида қизини куёвга узатмоқчи бўлган ота йигитнинг ҳарбий хизматга (армияга) борган, бормаганлиги ҳақида суриштирар эди. Кейин қаерда ишлаши, касб-ҳунари ҳақида сўрайдиган бўлишди. Ҳозир армия, иш ҳақида эмас, унинг даромади ёки отасининг эгаллаган мансаби, лавозими ё ойлик-йиллик кирими ҳақида суриштириш урф тусига кирмоқда. Келажакда нималар бўлади, уни Аллоҳ билади.

Оқловчисига муштоқ ўтмишда эса бўлажак қаллиқнинг уйида "Саҳиҳи Бухорий" борми, йўқми, шу ҳақида сўрашар экан. Домод тўранинг минар оти ёки отаси ҳақида эмас, балки китоби борасида савол-жавоб ўтказилар экан. Ҳатто баъзи жойларда келинга "Саҳиҳи Бухорий" маҳр сифатида берилган экан.

*Эй ўтмиш, не учун жимсан, соқитсан,
Болага бободан бермайсан хабар.
Чол ўглинг олдида ўзинг йигитсан,
Тунинг кунидан оқ, қишлоғинг кишвар.¹*



¹ Кишвар – Мамлакат.

Олтинчи фасл

Манҳаж

Манҳаж

Ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳ билан танишувимиз тубандаги тартибда ўтади.

1- Китоб номи.

2- Ундаги боб ва ҳадислар рақами.

3- Шу Китобдан танланган бир нечта ҳадис. Энг ози учта кўпи бешта, эҳтиёж туғилганда ундан кўпроқ ҳадислар келтирилади. Масалан:

1-КИТОБ ВАҲИЙНИНГ ИБТИДОСИ (бошланиши)

Бу Саҳиҳи Бухорийдаги биринчи Китобдир. Шу тарзда навбатма-навбат қолган Китоблар Бухорий тартиблари асосида берилади.

Китоб ўз ичига олган мавзу ва унга оид масалаларни гоҳо муфассал, гоҳо мухтасар изоҳланади.

Китоб, боб ва ҳадисларни рақамлаш Бухорий ишлари эмас, балки кейингилар қулайлаштириш учун ҳар бир Китоб, боб ва ҳадисларни рақамлаб қўйишган.

ОЛТИТА БОБ – яъни, Саҳиҳи Бухорийнинг Ваҳийнинг бошланиши Китобида олтита боб мавжуд, демакдир.

ҲАДИСЛАР 1-7 – яъни, мазкур бобдаги ҳадислар бирдан еттигача бўлиб, жами еттита ҳадис бор, демакдир.

Агар ҲАДИСЛАР 59-143 деб ёзилган бўлса, мазкур бобдаги ҳадислар рақами 59 дан бошланиб 143 да тугайди. Биз эса улар ичидан фақат учтаси билан танишамиз, холос. Танланган ҳадислар САЙЛАНМА ҲАДИСЛАР номи остида рақам билан келтирилади. 62-67-73 деб ёзилган рақамлар 59-ҳадис билан 143-ҳадис орасидан саралаб олинган ҳадислардир. Бу билан истаган киши Саҳиҳи Бухорийнинг аслига қайтиб, мурожаат қилиши осонлашади. Нусхалардаги тафовут сабабли рақамларда ҳам бироз фарқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Лекин бу тафовут ғолибо унча катта бўлмайди.

САЙЛАНМА ҲАДИСЛАР 1-2-3-7 – Бу, ҳозир ишора қилинганидек, мазкур ҳадислар ичидан 1-2-3-7-рақамдаги ҳадисларни танланиб, ушбу рисолада келтирилганига далолатдир.

Саҳиҳи Бухорийдаги ҳадис рақамлари қавс ичида берилди.

Саҳихдан келтирилган матн "Табъа амирия" деб танилган энг мўътабар китоб нусхасига солиштирилди. Бу нусха аслида султон Абдулҳамид фармонлари билан Булоқ шаҳрида 1311-1313 ҳижрий йилларда нашр қилинган.

Султон Абдулҳамид бу муборак китоб нашри учун астойдил киришадилар. Мисрдаги Азҳар олимларига энг мўътабар Йуниний¹ (اليونيني) нусхаси жўнатилади. Мисрда жами ўн олти таниқли олимлардан иборат таҳрир ҳайъати ташкил этилиб, Йуниний нусхасига мувофиқ Саҳиҳи Бухорий чоп қилинади. Забардаст олимларнинг қайта-қайта текширувидан сўнг китоб нашрига рухсат берилди ва халққа бепул тарқатилади.

Бу – илмга кўрсатилган катта хизмат.

Эл-юрт саодати йўлидаги шағдам одим.

Келажак авлодга қолдирилган бебаҳо мерос.



¹ Шом диёрининг муҳаддиси Тақийиддин Муҳаммад ибн Абу Ҳусайн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Йуниний таҳрири билан чоп этилган нусха назар тугилмоқда. Нисбат ҳам шу кишига берилган.

Еттинчи фасл

*Бухорий таржимаи ҳоли ва
Саҳиҳнинг ёзилиш сабаблари*

Бухорий таржимаи ҳоли ва Саҳиҳнинг ёзилиш сабаблари

Имом Бухорий ҳижрий 194 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топганлар, 256 йили Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғида вафот этганлар. Илм йўлига жуда эрта қадам қўйиб, деярли эллик йиллик ҳаётни илм-маърифатга бағишладилар.

Таржимаи ҳоллари **Ўн бир ёшли ворис** номли рисолада берилгани боис қайта келтиришга ҳожат сезмадик. Кенгроқ маълумот учун *سير أعلام النبلاء* нинг 13 жилд 391 саҳифаси ва унинг ҳошиясида берилган китобларга ёхуд аллома ҳаётини ёртувчи бошқа мустақил манбаларга мурожаат этишингиз мумкин.

Ҳадис таснифи ва Саҳиҳнинг ёзилиш сабабига оид маълумотларга келсак, уни аллома ибн Ҳажарнинг *هدى السامري* номли китоблари 1 жилд, 8 саҳифасидан қисқартириб кўчирамиз. Ибн Ҳажар дейдилар:

"Маълумингиз бўлсинким, (*Аллоҳ барчамизни илмга муваффақ айласин*), Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари икки сабабга кўра саҳобалар ва катта тобеинлар даврида китоб шаклида жамланмаган эди.

Биринчи сабаб: Саҳиҳи Муслимда собит бўлганидек, улар дастлаб ҳадис Қуронга аралашиб кетиш хавфида бу ишдан ман қилинган эдилар. Иккинчи сабаб: Зеҳнларининг ўткирлиги ва кучли хотирага эгаликларидир. Бунга қўшимча ўларок, уларнинг кўпи ёзувни билмас эдилар.¹

¹ Пайғамбар алайҳиссалоту васаллом ҳадисларни лавҳага (доска) ёзиб, ёдлаб олинганлар, деб айтмаганлар. Саҳобаларда замонамиздагидек сиёҳиси узок муддатга етадиган ёзув қуроли – сиёҳ қаламлар (ручка) бўлмаган. Дафтар, ён дафтар кўтариб юришмаган. Оғиздан чиққанини оқизмай-томизмай ёзиб оладиган магнитофон ёки бундан бошқа овоз ёзиш ускуналари мутлақо бўлмаган. Лекин ёдлаш қобилияти ўта кучли саҳобалар жанобимиз оғизларидан бир калима чиқиши

Уламоларнинг турли шаҳарларга тарқаб кетиши ва Хавориж, Рофиза ҳамда қазойи-қадарни инкор этувчи тоифалар бидаъти кенг ёйилиши боис тобеинлар даврининг охирида ҳадисларни тадвин қилиш, бобларга ажратиш йўлга қўйилди. Биринчи бўлиб бу ишга киришганлар Робеъ ибн Собийх, Саид ибн Абу Аруба ва бошқалардир. Улар ҳар бир бобни алоҳида таълиф этишган. Тобеинларнинг учинчи катта табақаси аҳкомларда таълиф қила бошлашди.¹

Имом Молик Муваатто китобини битдилар. Унда ҳадислар билан биргаликда саҳобалар сўзи, тобеинлар ва улардан кейингиларнинг фатволари ҳам ўрин олган.

Маккада Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж,

Шомда Абу Амр Абдуррахмон ибн Амр ал-Авзоъий,

Куфада Абу Абдуллоҳ Суфён ибн Саид ас-Саврий,

Басрада Абу Салама Ҳаммод ибн Салама ибн Дийнор каби олимлар таълифга киришишди. Сўнгра уларга асрдош бўлган олимлар шу йўсинда қалам тебратишди.

200-йиллар бошида айрим олимлар Росулуллоҳ ﷺ ҳадисларини алоҳида жамлаш фикри билан чиқади. Шу тариқа Муснадлар вужудга келади. Убайдуллоҳ ибн Мусо ал-Абсий, ал-Куфий, Мусаддад ибн Мусарҳад ал-Басрий, Асад ибн Мусо ал-Умавий, Нуайм ибн Ҳаммод ал-Хузоъийлар Муснад таълиф қилишди. Сўнгра бошқа олимлар улар изидан бориб, шу йўналишида китоб ёзишди. Ҳофизларнинг жуда кўпи ҳадисларни Муснад тарзида тартибладилар. Жумладан имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳавех, Усмон ибн Аби Шайба ва улардан бошқа атоқли олимлар Муснад тасниф қилдилар".

Мазкур китобларнинг аксари "саҳиҳ" билан биргаликда "заифни" ҳам ўз ичига олгани учун Бухорий фақат саҳиҳдан

билан дарҳол қалб тўрига муҳрлаб кўярдилар. Ёзганлар ҳам топилган, бироқ китоб шаклида тартиб этилмаган.

¹ Бу хусусда батафсил маълумот олишни истаганлар доктор Муҳаммад Мустафо ал-Аъзамийнинг *دراسات في الحديث النبوي و تاريخ تدوينه* китобига мурожаат қилишсин.

иборат тўплам жамлашни дилга тугадилар. Устозлари ҳадис ва фикҳда амирул мўъминийн Исҳоқ ибн Роҳавеҳнинг таклифи ва ташаббуси билан Бухорийдаги азиймат янада кучаяди.

Иброҳим ибн Маъқал Насафий дейди:

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий дегандилар: *"Биз Исҳоқ ибн Роҳавеҳ ҳузурларида эдик. Шунда: "Росуллоҳ ﷺ нинг саҳиҳ суннатларидан иборат мухтасар китоб жамласаларинг", деб қолдилар. Шу лаҳзада қалбимда ният пайдо бўлди ва ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳни жамлашга киришдим".*

Бухорий дейдилар: *"Тушимда Росуллоҳ ﷺ ни кўрдим. Бошларида туриб, қўлимдаги елпизич билан у зотни елпиётган эмишман. Тушни таъбир қилувчи баъзи кишилардан сўрасам, "сен у зотдан ёлгон (ҳадисларни) кетказасан", деди. Ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳни дунёга келишига шу туртки бўлди".*

Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фирёбий имом Бухорийдан нақл қилади: *"Саҳиҳдаги ҳар бир ҳадисни ёзишдан олдин гусл қилдим, сўнг икки ракаат намоз ўқидим".*

Абу Али ал-Ғассоний хабар беради: *Бухорий: "Бу Саҳиҳни 600 минг ҳадис орасидан танлаб олдим", дегандилар.*

Исмоилий ривоят қилади: *Бухорий шундай дедилар: "Бу китобга фақат саҳиҳ ҳадисларни киритдим, киритилмаган саҳиҳ ҳадислар эса жуда ҳам кўп".*

Имом Бухорий китоб таълифидан фориз бўлганларидан сўнг уни ҳадис фанининг атоқли арбоблари Аҳмад ибн Ханбал, Яҳё ибн Маъийн, Али ибн Мадиний ва бошқа намоёндаларга арз этишди. Улар китобни ўқиб чиқиб олқишладилар, илло тўртта ҳадисда ўз мулоҳазаларини билдиришди. Уқайли ушбу ҳодисага илова қилиб дейди: "Бу борада ҳақ Бухорий билан. Мулоҳаза билдирилган тўртала ҳадис ҳам Бухорий айтганидек саҳиҳдир".

Имом Бухорий Саҳиҳларининг асл номи Ибн Ҳажар Асқалоний *هدى السامري* номли китобининг 11-саҳифасида ёзишига кўра қуйидагичадир:

"الجامع الصحيح المسند من حديث رسول الله ﷺ وسنته وأيامه"

"Ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳ ал-муснад мин ҳадиси Росулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва сунаниҳи ва айёмих".

"Росуллоҳ ﷺ ҳадислари, суннатлари ва кундалик ҳаётларидан иборат санад билан келтирилган саҳиҳ ҳадислар тўплами", маъносини англатади.

Ўуниний нусхасининг муқовасида

الجامع المسند الصحيح المختصر من أمور رسول الله ﷺ وسنته وأيامه

деб *"ал-мухтасар мин умуриҳи"* деган қўшимча бор.



Саккизинчи фасл

*Бухорийдан Саҳиҳни эшитганлар ва
улардан Саҳиҳни нақл этган ровийлар*

Бухорийдан Саҳиҳни эшитганлар ва улардан Саҳиҳни нақл этган ровийлар

"الأسانيد أنساب الكتب" – "*Санадлар китобларнинг насабидир*",

дейди баъзи олимлар.¹ Шунга кўра муҳаддис олимларнинг анъаналарига биноан қисқача бўлсада, имом Бухорийдан Саҳиҳни тинглаган кишиларнинг айрими билан танишамиз.

Шуни алоҳида фахр билан айтамикки, китобларни санад билан ўрганиш хали-ҳануз давом этаётган мусулмонларга хос гўзал анъанадир. Айниқса имом Молик ибн Анаснинг Мувад-то номли китоблари билан имом Бухорийнинг Саҳиҳлари ҳозиргача санади узилмай қўлдан қўлга ўтиб ўқилмоқда.

Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарёбий дейди: "Бухорийдан Саҳиҳни тўқсон минг киши эшитди. (Ҳозир) у кишидан ривоят қиладиган мендан бошқа ҳеч ким қолмади".

Ибн Ҳажар дейди: "Ал-Фарёбий Бухорийдан ривоят қилганларнинг охиргиси эмас. Ундан тўққиз йил ўтгандан кейин Абу Талҳа Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ал-Баздавий Саҳиҳни Бухорийдан ривоят қилган".

Ибн Ҳажар Фатхул Борийнинг муқаддимасида Ал-Жамеъ-ус-Саҳиҳни Бухорийдан тинглаб, нақл қилган машҳур ровийларнинг тўртасини келтирадилар. Улар:

1- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ибн Матар ал-Фарёбий.

Бу муҳаддис олим Саҳиҳ ровийларининг энг машҳуридир. Саҳиҳни Бухорийнинг ўзидан икки марта эшитган. Бири Фир-ёб шаҳрида, иккинчиси Бухорода.

2- Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий.

Мужтаҳид фақиҳ ва ҳадис илмининг арбобларидан бўлган. Тафсир ва Муснади Кабир муаллифи.

فتح الباري ١٥١¹

3- Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий.

Муҳаммад ибн Исмоилдан ва Абу Исо Термизийдан ривоят илган.

4- Абу Талҳа Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ал-Баздавий ан-Насафий. Юқорида ўтганидек, Бухорийдан Саҳиҳни эшитиб ривоят қилганларнинг энг охири шу кишидир.

Ҳофиз ибн Ҳажар Фатҳда Фарёбий ва ундан эшитганлар ҳамда уларнинг шогирдларининг рўйхатини ҳам келтирганлар. Улар орасида умрини ҳадис илмига бағишлаб, турмушга чиқмай, бокира ўтган Карима бинт Аҳмад ал-Марвазий ҳам ўрин олган. سير أعلام النبلاء 18\233-234 саҳифасини ўқинг.

Кези келганда шуни эслатиш ўринлики, Саҳиҳдаги ровийларнинг ҳаммаси эркаклар эмас. Улар орасида жуда кўп олима аёллар бор. Ҳофиз ибн Ҳажар Саҳиҳ шарҳининг муқаддимаси бўлмиш *هدى الساري* номли китобда уларни номма ном баён қилганлар. Жумладан:

1- Асмо бинт Абу Бакр Сиддиқ 16 та ҳадис,

2- Асмо бинт Умайс бир дона ҳадис,

3- Оиша онамиз 242 та ҳадис,

4- Ҳафса бинт Умар ибн Хаттоб 5 та,

5- Умми Салама 16 та,

6- Маймуна бинт Ҳорис 7 та,

7- Умми Ҳаром бинт Милҳон 2 та,

8- Умми Румон 2 та ҳадис ривоят қилишган.

Жами ўттиз битта саҳобиянинг номи келтирилган.

(Аллоҳ уларнинг барчаларини раҳмат қилсин, амийн).



Тўққизинчи фасл

**Имом Бухорий ва Саҳиҳлари
шаънида айтилган сўзлар**

Имом Бухорий ва Саҳиҳлари шаънида айтилган сўзлар

Нуайм ибн Ҳаммод ва Ёқуб ад-Даврақий дейди:

"Муҳаммад ибн Исмоил бу умматнинг фақиҳидур".

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий дейди:

"Муҳаммад Аллоҳ бандаларининг энг зийрак, донишмандидур. У Аллоҳ Ўз китобида ҳаром қилган ва Росули забони билан ҳаром этган нарсаларни англаб етди. Қуръон ўқиган пайтда тиловат унинг қалби ва кўз-қўлогини бутунлай банд қилиб қўярди. Қуръон маъноларида тафаккур этар, ҳалол-ҳаромини билиб борарди".

Бошқа ўринда:

"Муҳаммад ибн Исмоил орамиздаги энг билимдон, энг фақиҳ ва илмга биздан кўра кўпроқ берилиб, шўнгиб кетган инсондур", деганди.

Абу Абдуллоҳ Ҳоким дейди:

"Икки улуғ пешво Бухорий ва Муслимнинг ҳадис борасидаги ютуқлари ва бу фанга кўрсатган хизматларидан келиб чиқиб, Ҳижоз аҳли,¹ Ироқ ва Шом диёрлари Хуросон аҳлининг ҳадис илмида анча тараққий топганига гувоҳлик беради".

Ҳофиз Миззий дейдилар:

"Энг гўзал, аъло сифатли, ҳадис китоблари орасида хатоси жуда оз, энг тўғри, фойдага кон, баракотли, ўқиш осон, дўст-душман томонидан самимий қаршиланган, олиму оми наздида улуғ мартабали китоб – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоилнинг Саҳиҳларидир".

¹ Макка ва Мадина ҳамда унга қарашли шаҳар, қишлоқлар Ҳижоз дейилади.

Буюк Холиқнинг лутфи карамидан уззукун умидвор, эрта-ю кеч Унинг раҳматига кўз тиккан фақиру зор, Аллоҳ учун Унинг солиҳ бандаларига муҳаббат қўйган, жумла мусулмонларни ва эл-юртини ҳамиша фаровон кўришни истаб дили ёниб куйган, инсониятга яхшиликни соғинувчи оғиз банда Бухорий ва унинг саодат манбаларидан бири бўлмиш Саҳиҳи шаънида шундай дейди:

*Бухорий бўстони – улкан гулистон,
Маърифат ўчоғи, билимларга кон,
Шабнами гулобдек, елими – асал,
Майсаси – духоба, ором олар жон.*

*Қишин-ёзин доим у баҳористон,
Куни ёрқин-порлоқ, туну нурафшон,
"Қола Росулulloҳ"¹ деган қутлуг сўз –
Саодат гарови, хастага дармон.*

*Дунё – сиргоҳ, коргоҳ,² кўндур муаммо,
Ҳар қадамда алам, ҳар лаҳза бало,
Кўмилса жаҳолат, унса маърифат,
Барҳам топур, шаксиз, бу барча завго.³*

*Кимдадир нефт кони, кимда захира,
Кимдадир қўл-оёқ, кимдадир калла,
Тугар нефт-захира, толгай қўл-оёқ,
Тафаккур ҳамиша берар самара.*

¹ Маъноси: "Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллом айтдилар".

² Кураш жойи, ўзаро тортишадиган майдон.

³ Инша Аллоҳ (Худо хоҳласа).

**Ўлка Абдуллоҳдек¹ даҳолар берди,
Бухорий сингари яктолар берди,
Жаҳонгир, ҳотамтой, зукколар берди,
Термизий,² Шошийдек* донолар берди.**

**Табобат тождори шу юрт ўғлони,
Бунда ясалгандур юлдуз нарвони,
Алжабр бешигин тебратди элим,
Ўтмишни қўмсайди кўнгил армони.**

¹ Абдуллоҳ ибн Муборак (118-181 ҳ = 736-797 м) улуғ муҳаддис, фақиҳ, кўплаб илмий асарлар муаллифи, араб тилида қалам тебратган шоир ва катта сармоядор, жасур баҳодир, зоҳид ва обид олимдирлар. Асллари Марвдан. Оталари турк эди, кул бўлган. Оналари Хоразмдан. 20 ёшдан илм ола бошлаганлар. Айтишларича, фарзандлари бўлмаган. Таржимаи ҳоллари *سير أعلام النبلاء* нинг 8 жилд, 387 бетида. Унинг ҳошияси орқали бошқа манбалар билан танишишингиз мумкин.

Олим вақтни уч қисмга тақсимлаган эканлар. Тўрт ой илм, таълим-тарбия билан банд бўлганлар. Тўрт ой катта тижоратни юргизар эдилар. Макка, Мадина, Ироқ ҳамда Шомдаги баъзи олимларга молиявий кўмаклашганлар. Тўрт ой сарҳадга бориб, румликларга қарши жангларда иштирок этиб, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатганлар. Жангларнинг бирида муборазага чиққан ҳар бир мусулмон мубориз енгилaveraди. Мусулмонлар руҳий тушкунликка туша бошлайди. Шунда ёши улуғ Абуллоҳ ибн Муборак юзларини ўраб муборазага чиқадилар. Душман муборизининг ҳар бирини ер тишлатиб, сафга қайтадилар. Юзи ўралган жангчини ҳеч ким танимай қолади. Абжирроқ йигитлардан бири Абуллоҳ ибн Муборак ортларидан тушиб у кишини таниб қолади. "Ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очма", дейдилар олим. Риё ва шуҳрат эҳтиёт бўлар эдилар. Тарихчилар у нодир шахс васфини бир оғиз сўз билан ифодалаб: "яхшилиқ хислатлари жамланган инсон" дейишган.

² Термиз ва унинг ноҳияларида яшаб, илм-фаннинг турли соҳаларида Термизий номи билан оламга танилган ўн иккита олим ўтган.

*Қизвиний ўзининг *آثار البلاد وأخبار العباد* номли тарихий китобида Шош (Тошкент) ҳақида шундай дейди: "وكانت من أنزه بلاد الله وأكثرها خيراً". Заҳабий *الأمصار ذوات الآثار* номли китобда: "У ердан Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, Ҳайсам ибн Кулайб, Муҳаммад ибн Али Абу Бакр Қаффол Шоший ва бошқалар етишиб чиққан" дейди. Тошкент билан Самарқанд ўртасида йигирма минг муҳаддис яшагани юқорида айтилди... "Қаффол 40 ёшида илм олишни бошлаган. 90 ёшида вафот этган. Қирқ йил қулфсоз, эллик йил олим бўлиб умр кечирди", дейди тарихчилар.

*Алҳол тан олайлик оқсоқлигимиз,
Дин, дунё, ухрода қашшоқлигимиз,
Зурриётни асраб, қилайлик илғор,
Мерос қолдирмайлик қолоқлигимиз.*

*Ўн ўгил кўлида ўн бел,¹ ўн кетмон,
Бири тожир, кўни бекорчи, сарсон,
Тақсим бундай бўлмас, азиз отахон,
Билимга жалб этинг жамий қиз-ўғлон.*

*Ўгилнинг айрими анқов ва эсар,
Баъзиси идроксиз, гаранг ва овсар,
Қизларнинг гўзали номи чиққан зар,
Отанинг кўзи кўр, қулоқлари кар*

*Берардан қисмаса, келар даҳолар,
Дунёга нур бўлиб зукко, яктолар,
Баҳодир, хотамтой, алп раҳнамолар,
Шунда бош бўлгуси юртга донолар.*

*Иниша Аллоҳ яна фазлу марҳамат,
Адолат, саховат, билим-маърифат,
Эшик қоқиб келгай ва топгай қарор,
Куёшдек барқ урар бунда ҳақиқат.*

¹ Белкурак.

*Саҳиҳсиз қошона – нурсиз хароба,
Китоб ўқилмас уй катта гамхона,
Эй муборак ўғлон, донишманд инсон!
Бобонг меросин ол, камол топ, яшна!*

*Ҳовлингни сотиб гар Бухорий олсанг,
Бор-буддан айрилиб, ҳамёнсиз қолсанг,
Ўкинма, ачинма қўлдан кетганга,
Илму фан бойлигинг, аслини билсанг.*

*Ғоз юрарсан шунда, эгилмас бошинг,
Кувончдан кулгайсан, тингай кўз ёшинг,
Бел бардам, юз ёруз, дастурхон тўкин,
КИТОБ - ҲИКМАТ бўлса, доим йўлбошинг.*

*Кимдир сиполигинг қўйга ўхшатди,
"Индамас балиқ", деб чунон хўрлатди,
Занжирбанд шерлигинг ёвни бўзлатди,
Шунингчун айиқдек узоқ ухлатди.*

*Ғарб эмаклаганда чопиб юрардинг,
Чўлоқлик пайтида жавлон урардинг,
Хўнг-хўнг йиғлаганда хандон кулардинг,
Унда мардон эдинг, даврон суардинг.*

*Элим, сардор бўлдинг неча юз йиллар,
Ортингдан эргашиб юрарди эллар,
Тўғри йўлдан озиб, эгри кетилгач,
Эй воҳ, ортда қолдинг, очилмас йўллар.*

*Жаҳон уйғонганда, ухлашинг қизик,
Ҳамма чопқилласа, тўхташинг қизик,
Қингир-қийшиқ қизик қилмишингни қўй,
Бир-бирингга найза ниқташинг қизик.*

*Соддалик эвида, создур жиддият,
Йигитлик сифати азму қатъият,
Азимкорла азмкор бирлашса юртда,¹
Сардорлигин қайта тиклар жамият.*

*Жалол, инобат эт, аввало ўзинг,
Амалда тасдиқ эт, айтган ҳар сўзинг,
Айрилмаса сендан ихлос, иттибо,
Ҳар икки дунёда ёришгай юзинг.*



¹ Азимкор: асли – عظيم дан олинган, маъноси буюк ишларни амалга оширувчи.
Азмкор: عزم калимасидан, маъноси сўзида қатъий турадиган, азму шижоатли.

Ўнинчи фасл

ТАШАККУРНОМА

فَا تَشَاكُورُ
بِأَنْعَامِ رَبِّكَ
سُبْحَانَ رَبِّكَ
عَمَّا يُشْرِكُونَ

جَلَّ جَلَالُهُ وَتَقَدَّسَتْ أَسْمَاؤُهُ
عَمَّا يُشْرِكُونَ سُبْحَانَ رَبِّكَ
عَمَّا يُشْرِكُونَ

Ё Раб

жалла жалалуху ва тақоддасат асмаух

Шукрона ❁ Муножот
Ташаккур ❁ Тақдирлов

﴿ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُ وَبَلَغَ أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ
 وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَصْلِحْ لِي فِي ذُرِّيَّتِي ۗ إِنِّي تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴾
 الأحقاف: ١٥

﴿ У (инсон) улгайиб, қирқ ёшга тўлганида: "Раббим, Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишимга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амалларни бажаришимга маваффақ айла. Ва Ўзинг зурриётимни ислоҳ эт. Албатта мен Сенга тавба қилдим. Ва албатта мен мусулмонлардандурман", деди. ﴾

Ахкоф сураси 15-оят.

﴿ فَنبَسَمَ ضَاحِكًا مِّن قَوْلِهَا وَقَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ
 وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَدْخِلْنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادِكَ الصَّالِحِينَ ﴾
 النمل: ١٩

﴿ (Сулаймон) унинг сўзидан кулиб-табассум қилди ва: "Раббим, Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишимга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амалларни бажаришимга маваффақ айла ва мени фазлу марҳаматинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин", деб (дуо қилди). ﴾

Намл сураси 19-оят.

Илмий, бадий асарларнинг яратилишида бевосита ёки билвосита алоқаси бор зотларга миннатдорчилик билдириб ташаккур айтиш қаламкашларнинг гўзал анъаналаридан. Ҳамма яхшилик Унинг Қўлида бўлган Зотга шукрона тақдим этиш эса фақат мусулмон муаллифларга хос, таҳсинга сазовор олийжаноб хислатдир. Бунинг учун кимдир бир неча сатр ажратса, кимдир саҳифалар ажратади. Бўм-бўш варақлар самимий шукрона нақши билан безалади. Қаламдошларнинг оммавий анъана ва олийжаноб хислатларини давом эттириш менинг ҳам инсоний бурчим, шунга кўра бу фаслни шу мавзуга бағишланди.

Тўйиб ташаккур айтишни истаган ва ёшларга шукрона фанининг айрим қирраларини очишга уринган ходимингизни маъзур тутасиз. Чунки сиз етиб келган сўнги бу фасл аввалгиларига нисбатан хийла узунроқ. Мен шукрона учун санокли сатр ё саҳифа эмас, балки бутун бошли фасл ажратдим. Бу, бесабаб эмас. Шукр қўлдаги неъматни сақлайди, кўпайтиради, қочиб кетганини қайтаради, йўғини йўндиради. Одамлар яхшилигини тан олиб, уларга миннатдорчилик билдириш билан муҳаббат мустаҳкамланади, одамийлик тикланади, меҳр-оқибат ва олийжаноблик туғилади. Ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий барқарорликка эришилади. Хотиржамлик, осойишталик ҳукм суради. Нонкўрлик эса буларнинг барчасини бузиб, вайронага айлантиради.

"يا رب" – "**Ё Раб**" нинг асли "يا ربي" – "**Я Роббий**" – "**Эй Раббим**" демакдир. Ёзувда "мутакаллим" "ё"си туширилиб, оятда касра (и) билан ўқилади. "يا" "я" – "ё" га ўгирилган. Ташдидли "ب", яъни иккита "бе" харфининг бири ёзувда туширилади, лекин талаффуз этилади.

Дуода Аллоҳ ўргатган сийғани сақлаб, ўз исми билан: "**Я Роббий**", "**Ё Роббий**" ёки "**Роббана**" – "**Раббим, Раббимиз**" деб дуо қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро ал-Аъроф сурасининг 180-оятда:

﴿ وَاللَّهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا ﴾ *Аллоҳнинг гўзал исмлари бор, ўша исмлар*

билан Унга дуо қилинглар! дейилган.

Қуръонда дуо оятлари ғолибо "**Роббана**" лафзи билан бошланади. Бу лафз тақрибан 93 марта келган. Ушбу фаслнинг 227, 228, 229-саҳифаларида қисқа намуналар берилган. Мумтоз шеъриятда "**Ё Раб**" нинг кўп қўлланиш сирини ҳам шунда бўлса, ажаб эмас. Қуръонда "**Аллоҳумма**" беш марта келган, холос. Гоҳи "**Аллоҳумма, Роббана**" деб, икки исм бирга жамланган.

Ҳадисда ворид бўлган дуоларда "**Аллоҳумма**" лафзи "**Роббана**"га нисбатан кўпроқ учрайди. Гоҳо икки исм биргаликда келади.

"Ё Раб" деб ҳеч кимса бўлмаган гамнок,
"Ё Раб" демай бир дам, хорланди бебок.
"Ё Раб" ва "ё фулон" деб қориштирган
Ширк домига тушиб, бўлажак ҳалок.

Мен гариб гадоман, Сен сахий шоҳим,
Сендан ўзга ҳеч ким эшитмас оҳим,
Боргоҳингдан бўлак йўқ қиблагоҳим,
Бандага зорлатма, улуғ Илоҳим.

"Неъматим эсланг!" деб чиқардинг фармон,
"Неъматдан сўзла!"¹ деб индирдинг Қуръон.
Амринг ижросига киришдим шу он,
Илкимдан тут, ўнгла, Жаводул Маннон.

Аллоҳумма-жъалний лака шаккаро,
Роҳҳабан, авваҳан, лака заккаро.²
Бандалар ичра бой, Сенга фуқаро,
Ё Шокир,³ шаккор⁴эт мени халқ аро.

¹ ﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللّٰهِ عَلَيْكُمْ﴾ (Эй мўъминлар, Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг!) ﴿وَأَمَّا نِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ﴾ (Роббингни неъматидан сўзла!)

² Эй Аллоҳим, мени Сенга кўп шукр айтадиган қилгин, Ўзингдан қўрқадиган ва Ўзингга тазарру этувчи кишилардан қилгин. (Бу дуо ҳадисдан иқтибос олинган).

³ Шокир, Шакур – Аллоҳнинг исмларидан бири. ﴿فَإِنَّ اللّٰهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ﴾ Бақара 158.

﴿إِنَّ اللّٰهَ غَفُورٌ شَكُورٌ﴾ Шуро 23.

Шукрнинг луғавий маъноси: яхшиликни билиб, тан олиб, унга миннаддорчилик билдиришдир. Бу илоҳий гўзал исм: "Аллоҳ озгина амални қабул қилади ва бир амалга 10 баробардан 700 барбобаргача зиёдаси билан мукофотлайди, бир гуноҳга бир жазо беради, ёки бутунлар мағфират қилиб, ҳамма гуноҳидан ўтади, деган маъноларни ифодалайди", дейди олимлар.

⁴ Шаккор – Шакур каби кўп шукр қилувчи деган маънони ифодалайди. Яъни бандаларинг орасида мени энг кўп шукр қилувчи эт.

Аллоҳ таоло ўз китоби Қуръони каримда мўъминларга хитоб қилиб, илоҳий инъомларни эслашга буюради:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ﴾ Моида сураси 11-оят.

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ﴾ Ахзоб сураси 9-оят.

﴿ **Эй мўъминлар, Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг!** ﴾

Бу каби амр Оли Имрон сурасининг 103-оятида, Моиданинг 7-оятида ва бундан бошқа кўп оятларда бот-бот такрорланган.

Бани Исроилга ҳам шу буйруқ қайта-қайта йўналтирилади.

﴿ يٰبَنِي إِسْرٰءِيْلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِي الَّتِي اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ ﴾ Бақара сураси 40-оят.

﴿ **Эй Бани Исроил, сизга инъом этган неъматимни эсланг!** ﴾

﴿ يٰبَنِي إِسْرٰءِيْلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِي الَّتِي اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ ﴾ Бақара сураси 47-оят.

﴿ يٰبَنِي إِسْرٰءِيْلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِي الَّتِي اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ ﴾ Бақара сураси 122-оят.

﴿ وَاِذْ قَالَ مُوسٰى لِقَوْمِهٖ يٰقَوْمِ اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ﴾ Моида сураси 20-оят.

Умумбашарга қарата: ﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ ﴾ деди, яъни:

﴿ **Эй инсонлар, Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг!** ﴾

Бир буйруқнинг бу қадар кетма-кет, алоҳида-алоҳида такрорланиши масаланинг жуда жиддий ва ўта муҳим эканига далолат қилади.

Неъматни эслашга буюрган Зот ﴿ وَأَمَّا نِعْمَةَ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ﴾

﴿ **Роббингни неъматидан сўзла!** ﴾ ﴿ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ ﴾

﴿ **Менга шукр қилинг, ноннўрлик қилманг!** ﴾ деб, неъматлар ҳақида сўзлашга ва унинг шукрни адо этишга буюрди.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ"

Росулуллоҳ ﷺ марҳамат қилиб дедилар: **"Одамларга (миннатдорчилик билдириб) ташаккур айтмаган киши Аллоҳга шукр қилмабди"**. Термизий "Сунан"лари.

Парвардигори олам каломи азимуш шаъннинг кўп оятларида шукрга буюради. Ношукрлик ва кўрнамакликнинг хунук оқибатларидан огоҳлантиради.

Пайғамбарларнинг неъматга шукр қилиш сифатларини кўкка кўтариб оятларда мадҳ этди.

Нух алайҳиссаломни: ﴿ إِنَّهُ كَانَ عَبْدًا شَكُورًا ﴾ Исро сураси 3-оят.

﴿ *У шукр қилувчи банда эди* ﴾ деб мақтади. Воқеан, Нух алайҳиссалом жуда сершукр эдилар. Бир лукма учун алоҳида шукр, ҳамд айтиб, бир қултум сув учун алоҳида шукр, алоҳида ҳамд айтар эканлар.

Иброҳим алайҳиссаломни ﴿ شَاكِرًا لِأَنْعَمِهِ ﴾ Наҳл 121-оят.

﴿ *Аллоҳ инъомларига шукр қилувчи* ﴾ дея олқишлади.

Мусо алайҳиссаломга: ﴿ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴾ Ал-Аъроф 144-оят.

﴿ *Шукр қилувчилардан бўлгин!* ﴾ деб фармон берди.

Довуд ва Сулаймон алайҳимассаломларга йўналтирган амри илоҳийси бир оздан сўнг келади.

Хотамул анбиё Муҳаммад Мустафо ﷺ га ушбу оятни индирди:

﴿ وَلَقَدْ أَوْحَىٰ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكَتَ لِيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٦٥﴾ بَلِ اللَّهُ فَعْبُدْ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴾

﴿ *Дарҳақиқат, сизга ва сиздан олдинги пайғамбарларга: "Агар Аллоҳга ширк келтирсанг амалинг ҳабата бўлур, ўзинг эса хасорат курурсан", деб ваҳий қилинган.*

Балки (сиз ширкдан четланиб, ёлғиз), Аллоҳга ибодат қилинг! Ва шукр қилувчилардан бўлинг! ﴾ Зумар сураси 65-66-оятлар.

Умуммуслмонлар ичидан кўп ҳамд айтувчиларга хушхабар бериб, Тавба сурасида шундай деди:

﴿التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّاجِدُونَ الرَّاكِعُونَ السَّائِحُونَ الرَّاكِعُونَ السَّاجِدُونَ الْأَمْرُونَ
بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيِ عَنِ الْمُنْكَرِ وَالْحَافِظُونَ لِحُدُودِ اللَّهِ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ﴾

﴿ *Тавбакорлар, обидлар, ҳамд айтувчи шокирлар, рўзадорлар, рукуъ-сажда қилувчилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчилар ва Аллоҳ ҳудудини муҳофаза қилувчилар, ана шундай мўъминларга хушхабар беринг.* ﴾ Тавба 112-оят.

Шавконий فتح القاير номли тафсирида қуйидаги ҳадисни келтиради. *"Яхши-ёмон, оғир-енгил кунларда Аллоҳга ҳамд айтувчилар Биринчи бўлиб Жаннатга чорланурлар"*.

Росули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари суйган иш рўёбга ошса: "الحمد لله الذي بنعمته تتم الصالحات" *"Алҳамду лиллаҳиллазий бинеъматиҳи татиммус солиҳат"* – *"Неъмати билан яхши амаллар тўлиб камолга етадиган Аллоҳга ҳамд бўлсин"*, деб ҳамд айтардилар.

Кутмаган ва суймаган ишлари рўй берса: "الحمد لله على كل حال" *"Алҳамду лиллаҳи ала кулли ҳал"* – *"Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин"*, дердилар.

Ибн Можа Сунани. Албоний "саҳиҳ" деган.

Бандалардан бири: "يا رب لك الحمد كما ينبغي لجلال وجهك وعظيم سلطانك"

"Я Раб, лакал ҳамду кама янбағи лижалали ваҷҳика ва азийми султаник" – *"Ё Раб, улугворлигинг янглиғ ва буюк султонлигингга лойиқ ҳамд бўлсин"*, деб ҳамд айтганда икки Малак бу калима (ажри)ни қандай ёзишни билмай қолади. Шунда Аллоҳ: *"Бандам қандай айтган бўлса, шундай ёзиб"*

қўйинглар, Менга йўлиққанда, Ўзим унинг мукофотини бераман', дейди.

Ибн Можа Сунанидан қисқартириб олинди.

Одамлар Аллоҳга ҳамд айтиш-айтмаслик борасидан олти қисмга бўлинар экан.

1- Аллоҳга ҳамиша ҳамд айтувчилар.

Яхши-ёмон, оғир-енгил кунда Унга шукр қилишади. Берса ҳам, олса ҳам ёлғиз Ўзига ҳамд айтишади. Термизийда келган ҳадисда жанобимиз ﷺ шундай марҳамат қиладилар:

Бир кишининг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло Малоикаларга қарата:

– *Бандамнинг фарзандини қабз қилдингизми?* – дейди.

– *Ҳа, – деб жавоб беради Малоикалар.*

– *Бандамни жигарбандидан жудо этдингизми?*

– *Ҳа.*

– *Бандам нима деди? (Банданинг сўзи Аллоҳга маълум).*

– *Сенга ҳамд айтиб, "биз Аллоҳнинг мулкимиз ва Унга қайтажакмиз", деб дуо қилди.*

– *Бандам учун Жаннатда бир уй қурунглари. Уни "Ҳамд уйи", деб атади, – дейди.*

2- Яхши кунларда ҳамд айтади, шукр қилади. Ёмон кунларда жазавага тушади. Берса шокир, бермаса бесабр, нонкўр.

3- Умуман шукр қилмайдиган тоифа. Аллоҳ таоло деди:

﴿ وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّاكِرُونَ ﴾ **Бандаларим орасида шукр қилувчилари**

оздир. ﴿ Уларнинг аксари неъматни Аллоҳдан эмас, ўзларининг ақл, тажриба ва меҳнатларидан деб биладилар.

﴿ قَالَ إِنَّمَا أُوتِيتُهُ عَلَىٰ عِلْمٍ عِنْدِي ﴾ **У (Қорун): "Бу молу давлатимни**

билгим билан орттирдим", деди. ﴿

Ал-Қасас сураси 78-оят.

4- Ҳушига келса, эсига тушса, шукр қилиб, ҳамд айтади, йўқса, шукр ҳақида ўйламайди. Неъмат берганни эсламайди.

5- Бошига мусибат тушганда: "нажот берсанг шукр қиламан", деб ялинади, нажот бергач, шукр эмас, ширк келтиради.

﴿ قُلِ اللَّهُ يُنَجِّيكُمْ مِنْهَا وَمِنْ كُلِّ كَرْبٍ ثُمَّ أَنْتُمْ تُشْكِرُونَ ﴾

﴿ **Айтинг: Аллоҳ сизларга денгиз ҳалокатидан нажот беради ва ҳар бир қайғудан қутултиради, (лекин) сизлар шундан сўнг кўрнамаклик қилиб Унга ширк келтирасизлар.** ﴾

6- Олтинчи ўринда келган бу олий қисмни энг аввал эслашимиз керак эди. Лекин улар жуда камчиликни ташкил қилгани боис ва бошқа сабабларга кўра охирига қўйилди. Бу тоифа пайғамбарлар ва уларга эргашган улуғлардир. Тиллари ҳамду санодадан тўхтамайди. Катта-кичик неъматларга шукр айтиб, шукрни ҳаётда тадбиқ этадилар. Росули Акрам ﷺ муножотларида:

رَبِّ اجْعَلْنِي لَكَ شَكَارًا "**Робби-жъалний лака шаккаро**" – "**Роббим, мени Ўзингга кўп шукр айтувчилардан қилгин**", дер эдилар.

Ожиз банда Аллоҳга шукроналар ва фазилат соҳибларига ташаккур айтиб, миннатдорчилик билдириш олдидан ҳар бир мўъмин билиши зарур бўлган, фасл мавзусига доир айрим оятларни тақдим этишни лозим топдим.

Ё Раб, Сен дединг ва Сўзинг ҳақдур:

﴿ وَمَا بِكُمْ مِنْ نِعْمَةٍ فَمِنَ اللَّهِ ﴾

Наҳл сураси 53-оят.

﴿ **Сизлардаги ҳар бир неъмат Аллоҳдандур.** ﴾

﴿ لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ﴾

Иброҳим сураси 7-оят.

﴿ **Агар (неъматга) шукр қилсангиз, янада зиёда этурман.** ﴾

﴿ وَإِنْ تَعَدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا ﴾

﴿ **Агар Аллоҳнинг неъматини санасангиз, адогига етолмайсиз.** ﴾

Иброҳим сураси 34-оят.

﴿ فَأَذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ ﴾

﴿ Мени ёдлаб, зикр этинг, Мен ҳам сизни ёдлагайман. Менга шуқр қилинг, (кўрнамак) кофир бўлманг! ﴾

Бақара сураси 152-оят.

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴾

﴿ Эй мўъминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз:(егуликларнинг) ҳалол-покизасидан тановул этинг ва (чиндан ҳам), агар Аллоҳга сизинар экансиз, Унгагина шуқр қилинг. ﴾

Бақара сураси 172-оят.

﴿ ...وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعْمَهُ ظَهْرَهُ وَبَاطِنَهُ ﴾

﴿ Аллоҳ сизларга зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий, ошқор ва махфий) неъматларини комил – беками-кўст қилиб берганини ўйлаб кўрмайсизларми?! ﴾

Луқмон сураси 20-оят.

﴿ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا لُقْمَانَ الْحِكْمَةَ أَنِ اشْكُرْ لِلَّهِ وَمَن يَشْكُرْ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ ۗ وَمَن كَفَرَ ۗ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴾

﴿ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴾

﴿ Ҳақиқатда Биз Луқмонга ҳикмат бериб, Аллоҳга шуқр қил! (дедик). Ким шуқр қилса, ўзи учун шуқр қилибди. Кимки (кўрнамак) кофир бўлса, Аллоҳ (унинг шуқридан беҳожат) Ғаний ва Ҳамид зотдир. ﴾

Луқмон сураси 12-оят.

﴿ وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهَنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصْلَهُ فِي عَامَيْنِ ﴾

﴿ أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَىٰ الْمَصِيرِ ﴾

﴿ *Биз инсонга ота-онасини эъзозлашни амр этдик. Онаси уни оғизлик устига оғизлик билан кўтариб юриб (дунёга келтирди). Уни сундан чиқариш эса икки йилдир. (Шу боис биз инсонга) "Менга ва ота-онанга шукр қил", (деб фармон бердик).* ﴾

Лукмон сураси 14-оят.

﴿ *أَعْمَلُوا ءَالَ دَاوُدَ شُكْرًا وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّاكِرِينَ* ﴾

﴿ *Эй Довуд хонадони, шукрни амалга оширинглар! Бандаларим орасида шукр қилувчилари оздир.* ﴾

Сабаъ сураси 13-оят.

﴿ *ثُمَّ لَتُسْئَلُنَّ يَوْمَئِذٍ عَنِ النَّعِيمِ* ﴾

Тақосур сураси 8-оят.

﴿ *Сўнгра у Кунда албатта неъматлардан сўраласизлар.* ﴾

﴿ *لَقَدْ كَانَ لِسَبَإٍ فِي مَسْكِنِهِمْ آيَةٌ جَنَّتَانِ عَنْ يَمِينٍ وَشِمَالٍ كُلُوا مِن رِّزْقِ رَبِّكُمْ وَأَشْكُرُوا لَهُ. بَلَدَةٌ طَيِّبَةٌ وَرَبُّ غَفُورٌ ﴿١٥﴾ فَأَعْرَضُوا فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ سَيْلَ الْعَرِمِ وَبَدَّلْنَاهُم بِجَنَّتَيْهِمْ جَنَّتَيْنِ ذَوَاتِ أُكُلٍ حَمْطٍ وَأَثَلٍ وَشَيْءٍ مِّن سِدْرٍ قَلِيلٍ* ﴾

﴿ *Дарҳақиқат, Сабаъ қабиласи учун ўз диёрларида (Аллоҳнинг уларга нисбатан фазлу марҳамати буюклигини (кўрсатувчи) аломатлар бор эди. Ўнг ва чап томонлари жаннатмакон боғистондан иборат эди. "Раббингиз ризқидан еб, Унга шукр этинглар! (Шаҳрингиз) покиза (ҳавоси ўта тоза, обод) шаҳар, Рабб(ингиз) мағфиратлидур", (дедик). Улар (эса шукрдан) юз ўгиришди. Бас, шунда Биз улар устига тўғон билан тўсилган селни очиб юбордик. Аввалги икки жаннатмакон боғларини аччиқ-тахир мевали, юлғунзор ва яккам-дуккам бутазордан иборат икки "боққа" алмаштириб қўйдик...* ﴾

Сабаъ сураси 15-16-оятлар.

Неъмат сураси деб танилган Наҳл сурасида Аллоҳ бандаларга тортиқ этган кўп инъомларини бирма-бир санаб ўтади. Сўнг кўпчилиكنинг неъматга нисбатан нонкўрлигни мазаммат қилади: ﴿ يَعْرِفُونَ نِعْمَتَ اللَّهِ ثُمَّ يُنْكِرُونَهَا وَأَكْثَرُهُمُ الْكَافِرُونَ ﴾

﴿ *Аллоҳнинг неъматини билиб туриб, сўнг инкор этадилар. Уларнинг аксари кўрнамак кофирдирлар.* ﴾

Наҳл сураси 83-оят.

Жаноби Росулulloҳ ﷺ хабар бериб дедилар: "Парвардигорим менга Макка Батҳосини олтин қилиб беришни арз этди. Мен: "Ё Раббим, бир кун оч, бир кун тўқ бўлайин, деб йўқ дедим. Оч қолганимда тавба-тазарру қилиб, Сени ёдлайин, тўқлигимда шукринг адо этиб, ҳамдинг айтайин", дедим".

Термизий Сунани.

Муоз ибн Жабал хабар беради: "Росулulloҳ ﷺ менинг қўлимдан тутиб: "Муоз, мен сени яхши кўраман. Ҳар намоз кетидан "Аллоҳим, Сени зикр қилмоққа, шукрингни адо этмоққа ва гўзал равишда ибодат қилмогимга ёрдам бер", деб дуо қилишни ҳаргиз тарк этмагин", дедилар".

Абу Довуд Сунани.

Набий ﷺ марҳамат қилиб дедилар: "Шукр қилувчи хўранда сабр қилувчи рўзадор кабидир".

Байҳақийнинг Сунан ал-Кубросидан.

"مع الله الاسم الأعظم" китобининг муаллиф дейди:

"إن رزق الله تبارك الله و تعالى و نعمته ينبغي أن تقابل بالشكران لا بالكفران، فالنعم إذا شكرت قرت و إذا كفرت فرت"

"Аллоҳ таолонинг ризқ ва неъматига кўрнамаклик билан эмас, балки шукру миннатдорчилик ила жавоб қайтарилмоғи даркор. Зеро неъматга шукр қилинса, қарор топиб, қолади, нонкўрлик қилинса, қочади".

Неъматлар сон-саноқсиз бўлганидек, юз ўгираётганининг ҳам саногги йўқ. Қанча-қанча неъматларнинг орқасига қарамай қочиб кетганига ва тутқич бермай қочиб кетаётганига кечамиз ва бугунимиз гувоҳ...

Ё Раб, зарраларни санашига имкон бор, аммо неъматларингни сановига етиши душвор. Ким ҳам қуёш нурларини санай оларди, ёмғир қатраларини ўлчай оларди. Борми мусаффо ҳаво учун катта бир мезон, тошқин дарё сувларини сиздирар қозон? Роҳат-фароғат ва фаровонликни тортувчи тарози борми? Раббоний неъмат бўлмиш лаззат, ҳаловат, соғлик ва офиятнинг бозори борми?

Жавоб: Йўқ, албатта.

Инчунин Раб таоло неъматларининг ҳам санови йўқ.

Қуёшининг ҳар бир заррин нурлари, осмондан тушаётган ёқутдек ёмғир қатралари ва кумушсимон қор ҳамда паллада тортилмас, дўконда сотилмас, далада ўсмас, кўзга кўринмас ҳаво ҳаёт учун зарур неъмат эмасми?

Жавоб: Бале, буюк номига онтким, бешак Неъматдир!

Дарёга шўнғиган гаввоснинг ҳамма ёғи шалаббо бўлганидек, она қорнидан ҳаёт уммонига шўнғиган ҳар бир гўдакнинг ҳамма ёғи неъматда ивиб кетади. Бундай кишини бир жойига сув теккан, манабу ерига сув тегмаган деб бўлмайди.

Ё Раб, қўлга қалам олиб ҳар бир неъматингни бирма бир ёзсам, бошқа сўзни аралаштирмай, фақат неъматингни ўзини тилга олсам, битигимга сиёҳ етмас, шукринг учун умри Нуҳ етмас. Берсанг ҳам, олсанг ҳам ҳамду сано Ўзингга, чунки ҳар иккисида фойда бор бизга. Ўзини беҳожат сезган тождор асли гадодур Сенга. Ўзини гадо тутган шоҳ ошнодур Сенга.

Ё Раб, Сен ганийсан, биз фақир. Сен улугсан, биз ҳақир. Сен қодиру биз ночор, Сен кариму биз эса зор. Сен азизсан, биз залил, зикринг билан ором олар дил. Сен Холиқу биз махлуқ, Сендан Ўзга ибодатга лойиқ чин маъбуд йўқ. Инъомларинг тинимсиз инади бизга, уфқ шукр ўрнига тўлиб тошмоқда исёнимизга.

Ё Раб, Еру Осмонларни мунаввар этувчи Нур Сенсан.

Замин, Фазо ва ундаги жонли-жонсиз мавжудотни бошқарувчи ал-Ҳаййу-л-Қоййум Ўзингсан.

Чексиз коинотнинг Парвардигори ва Султони Сенсан.

Ердаги ҳисобсиз махлуқотларни, осмонда парвоз қилаётган беадад паррандаларни, денгиз, дарё ва анҳорлардаги чексиз балиқларни кунда ризқ билан таъминловчи Раззоқ Ўзингсан.

Аллоҳим, Сен – Ҳақсан, ваъданг ҳам ҳақ, сўзинг ҳам ҳақ,

Сенга қайтиш ва йўлиқиш ҳақ,

Жаннат ҳақ, Жаҳаннам ҳақ,

Пайгамбарлар ҳақ, Муҳаммад ﷺ ҳақ,

Қиёмат ҳақ, Сирот ҳақ, Мезон ҳақ,

Улуғ Юзингга боқиш ҳақ,

Илоҳо, ҳақда яшатгин, ҳақ билан Ўзингга йўлиқтиргин, ҳабибинг карвонидан айирмай висолингга еткаргин.

Ё Раб, "сўранглар, бераман", дединг, сўрашни ҳам эплотмадим. Тузук-қуруқ ибодат ҳам қилолмадим. Эҳтиёжим ва тилагим кўплигидан сўровни нимадан бошлашни ҳам билмай қолдим. Сен мени ўзимдан кўра яхшироқ биласан, сўраганимдан кўра афзалини берасан. Улуғлик шаънинг бўлганидек, саховат ҳам Сенинг шаънингдир. Ҳамма султонлар хазинаси бўшайди, тугайди, аммо Сенинг хазинанг битмас-туганмасдир.

Ё Раб, Росулингга ﷺ фармон бериб: ﴿ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ﴾

﴿ Роббингни неъматидан сўзла! ﴾ дединг. Росулингга ﷺ бўлган фармон бизга ҳам фармон. Амрингни бажариб, менга инъом этган ҳар бир неъматингни бирма-бир, номма-ном, алоҳида-алоҳида санаб, ҳисоблаб адогига етолмадим. Санашни уҳдасидан чиқмаган, қандай қилиб шукрни удаларди? Тил ё қуруқ амал билан неъматларинг шукрини адо этолмасман, шундай бўлсада қалбга таскин берувчи, неъматни янада зиёда этувчи ҳамду сано ва шукру таваллони тилдан қўймасман. Неъматлар қалашиб кетганидан шукрни қайси биридан бошлашни ҳам билмасман.

Одами Сафийуллоҳ зурриётидан қилганинг учун қайта-қайта шукр айтайинми? Иброҳим Халилуллоҳ миллатидан, Муҳаммад Росулуллоҳ ﷺ умматидан қилганинг учун жўшиб-жўшиб ҳамду сано деяйинми?

Икки покиза мўъминдан вужудга келтирганинг учун қувониб шукроналар айтайми. Тўрт мўчамни соғ қилганинг учун суюниб сано айтайми?

Ахир Одам сулоласидан эмас, парранда, дарранда бўлишим ҳам мумкин эдику. Халилинг Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати бўлмиш тўғри йўлдан оғиб, Росулинг Муҳаммад ﷺ динига кўнмай, нафсу ҳавога қул бўлишим ҳам мумкин эдику. Лекин Ўзинг мени бундан қутқардинг.

Аллоҳумма, лакал ҳамду ва лакаш шукр.¹

Дунёга келганим ҳамоно оғзимга тутилган оппоқ сут учун шукр этайми? Мадорсиз заиф чоғимда икки меҳрибон инсонни бошимда парвона қилиб қўйганинг учунми, раҳмдил ота-она қучоғида ўстирганинг учунми, кўз, қулоқ, тил, қўл-оёқ ва барча аъзоларимни соғлом қилганинг учун ҳамдлар айтайми? Ахир менда жинс ва шакл танлаш, ота-она ихтиёр этиши имкони йўқ эдику. Ногирон тугилишим ҳам мумкин эдику. Лекин Ўзинг мен учун бу яхшиликларни танладинг.

Аллоҳумма, лакал ҳамду ала ма қозойта ва лакаш шукру ала ма аътойта.²



Араб ҳикматларида "قدر النعمة بعد الزوال" "Неъматнинг қадри қўлдан кетгач билинур", дейилган экан. Халқимизнинг шу маънода "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" деган пурҳик-

¹ "Эй Аллоҳим, Ўзингга ҳамд ва Ўзингга шукр бўлсин".

² "Эй Аллоҳим, қазойи қадарингга, тақдирда битганингга ҳамд бўлсин ва берган инъомингга шукр бўлсин".

Остига чизилган, қора қуюқ ёзувли дуоларни ёд олиш фойдадан холи эмас.

мат сўзи бор. Кеч бўлса ҳам неъматнинг қадрини билиб шукр қилиш, неъмат қадрини бутунлай билмай ўтгандан яхшироқдир. Неъмат қадрини у қўлдан кетгандан кейин билиб афсуснадомат чекканлар ҳолига тушмаслик учун ва неъмат шукрини эрта адо этишга кўмак ўлароқ ушбу ҳодисаларга назар ташлайлик. Ана ундан кейин кўзга яққол кўриниб турган каттакатта неъматларнинг айримини хомчўтлаб чиқамиз.

Анчадан бери кўзи хиралашиб қолган тўқсон ёшли отахоннинг кўзлари бутунлай кўрмай қолади. "Тўқсон йил ёруғ дунёни томоша қилиб, ундаги гўзалликлардан баҳра олиб, лаззатда яшаган эканман. Тўқсон йил дегани ўттиз икки минг саккиз юз эллик (32 850) кун демакдир. 32 850 кун эса 788 400 соат демакдир. Эссиз, шунча кунлар ва соатлар лаззат ва фароғатда яшабману, бироқ бирор мартаба кўз неъматини учун кўзни берганга шукр айтмабман. Мана энди куним ҳам тундек қоп-қоронғи. Майли, тақдирига розиман. Олса олибдида, яқинда ўзимни ҳам олади. Лекин шунча йиллар неъматда яшаб, уни ҳис қилмаганим ва шукр айтмаганим жуда уятли бўлдида".



Етмиш ёшга етган отахон буйраклари оғриб қолади. Ана ўтиб кетар, мана ўтиб кетар деб касалликка бепарво қаралади. Мўйсафид бутунлай пешоб ушатолмай қолади. Операция орқали буйракдаги тошни олиб ташланади. Сийдик йўли очилади. Бемалол пешоб ушатган мўйсафид ёш боладек йиғлаб юборади.

– *Дадажон, нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз? Бирор ерингиз яна оғрияптими? – деб сўрайди ўғил-қизлар.*

– *Алҳамдулиллаҳ, яхшиман. Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ. Етмиш йил бемашаққат ҳожат чиқариб, бирор марта шукр айтиш хаёлга келмаган экан. Нонкўрлигимга, ношукрлигимга, ҳамду саносиз ўтган етмиш йилимга йиғлаяпман, – деб жавоб беради отахон.*



Олтмиш ёшга тўлгани муносабати билан яқинлари, дўстлари ва ҳамкасбларига дабдабали юбилей ўтказган кекса киши тўкин дастурхондаги ноз-неъматлардан бир чўқим ош татиб кўрмайди. Чунки табиблар беморни гўштли таом, қовурилган нарса ва умуман калорияли овқатдан парҳез қилишга буюрган эди. Табибнинг гапини олмасдан яширинча овқатланса бўларди-ю, лекин ичкараси буни кўтаролмасди. Уйидан кабобнинг ҳиди аримайдиган, мол-мулкининг ҳисобини билмайдиган бадавлат мўйсафиднинг кундалик емиши талқон ва ёвгон шўрвадан иборат бўлиб қолади. Тўйларда ош еёлмасди, уйда сўйилган қўйнинг гўшtidан атиги бир тишлам ҳам ололмасди.

"Бир пайтлар ортиги билан еб қўйилган экану, лекин шукр ёддан кўтарилган экан", дейди унинг забун забони ҳоли.



Қирчиллама қирқни ураётган йигитнинг оёғи синади, мусибатдан сўнг оёқ неъматининг қадрига етади. Чопқиллаб юрган дамлари жуда катта бойликка эга бўлганини ҳис этади. Суяги бутун даврларда оёқ неъматини учун Улуғ Яратгувчига шукроналар айтмаганидан надомат чекади. Ҳассасиз, бировларнинг кўмагисиз пиёда юришининг ўзи катта бахт эканини англайди. Бир оёғи тоғу тошлардан ошаман деса, иккинчиси иссиқ ўриндан жилгиси келмайди. Йигит у иккисини мурасага келтирмоққа уринади. Лекин соғ оёқ ногиронига анча суяниб қолганидан бир ўзи кўп ишларни урдасидан чиқолмайди.



Дунё ташвишлари ичида ўралашиб қолган яна бир йигит ўттиз беш ёшида бошини чангаллаб қолади. Оғриқ зўридан бошини қуйи эгиб, кўзини тепага қаратолмайди. "Ҳижома қилдиринг", деб қон олдиришни маслаҳат беради унга баъзи аҳли илмлар. Ҳижомадан сўнг анча енгил тортган йигит чин

қалбдан Аллоҳга ҳамду сано айтади. "Шу пайтгача маза қилиб яшаган эканману, лекин буни ҳеч ҳис этмабман", дейди.



Ёшлигидан насоро дини таълимотлари асосида тарбияланган истеъдодли насроний йигит дорулфунунни аъло баҳо билан яқунлайди. Дорилфунун тавсияси билан магестир, сўнгра докторликка қабул қилинади. Насоро дини бўйича докторлик диссертациясини ёқлайди. Кундан кунга обрўси ошиб, турли лавозимларга кўтарилади. Олийгоҳ масъуллари, Ислом динига қарши пропаганда бўлимининг проффесор ва докторлари унга янги "илмий иш" топширадилар. Бу "илмий иш" Ислом динининг ҳақ дин эмаслигини илмий далилларга асосланиб исботлаб берувчи асар яратилиши эди. Иқтидорли олим ишга киришади. Исломий китоблар мутоаласига киришади. Хато қидириши мақсадида мусулмонларнинг илмий меросини варақлаётган насоро олими ҳеч қанча китоб кўришга улгурмай, бебаҳо хазина топиб олгандек суюниб кетади. Илмий изланиши натижаси йигит фойдаси билан яқунланади. У ҳақиқатни топган эди. Олим ҳеч кимнинг даъватисиз ва зўрисиз Ислом динига киради. Ва буни қўрқмай омма ичида эълон қилади. Шу соатдан бошлаб йигитга тазйиқ бошланади. Эгаллаб турган лавозимлардан четлатилади. Бутунлай ишдан ҳайдалади. Лекин у бу буюк неъматни мол-дунё ва мансабга алмаштирмайди. "Ҳа, аҳволим жуда огир, ночорман, лекин алҳамдулиллаҳ, бахтиёрман. Исломий хонадонда тугилиб, мусулмон ота-она қучогида ўсган болаларга ҳавасим келади", деган эди у.



1430 ҳижрий сана, 2009 мийлодий йили ҳаж ибодатини адо этиши учун Москвадан келган ҳожилар орасида Владимир исмли рус миллатига мансуб мусулмон киши ҳам бор эди. Маккада ҳаж амалларини эсон-омон ўтказиб олган россиялик ҳожиси Мадина зиёратига келганда соғлиги ёмонлашиб қолади.

70 ёшли рус кишисининг саргузаштларини унинг ҳожибоишии шундай ҳикоя қилади: "Ҳожиларимиздан бири Мадинага келиб, аҳволи оғирлашиб қолди. У киши Москвадаги катта қиссис Алексей икки билан биргаликда черковда ўн йил ишлаган экан. Ислом динини қабул қилган. Биз билан бирга ҳажга келди. Мадинага етиб келганимиздан кейин билсам, у киши саратон касали билан оғрир экан. Докторлар уни иссиқ ўлкаларга сафардан ман этишига қарамай Қоҳирага борган. Кейин ҳажга отланган. Маккада ҳаж амалларини қийналмай бажарди. Ҳар куни нафл умрага эҳром боғлаб, Байтуллоҳга тушади. Адашмасам ўн маротаба умра қилди шекили. Мадинага келгач, оғриб қолди. Тез ёрдам чақирдик. Докторлар етиб келишганда, у киши хонани ичкаридан қулфлаб олди. Эшикни очишни талаб қилдик. Эшик очилмади. Ўзимизча очишга уруниб кўрдик, лекин ҳамма ҳаракатимиз бефойда кетди.

– Ҳазрат, овора бўлманг. Эшикни очмайман, – деди ҳожи.

– Докторлар келишган. Олиб кетишмайди, фақат бир кўриб қўяйлик дейишяпти, холос, – дедик.

– Мен доктор талаб қилганим йўқ.

– Соғлигингиз ёмонлашгач, мен тез ёрдам чақирдим.

– Ҳазрат, мен умр бўйи насоро динида яшаб иймон ҳаловатини, ибодат лаззатини татиганим йўқ. Умр бўйи излаган ҳаловатимни энди топганимда, мени ундан айирманг. Ҳажга келишимдан олдин "Эй, Роббим, ёшим бир жойга бориб қолди. Охира сафарим яқинлашмоқда. Ўзингдан ўтиниб сўрайман, мен қулингни жонини Сен учун маҳбуб бўлган икки шаҳарнинг бирида олгин. Маккада ё Мадинада ўлдиргин", деб Аллоҳимдан сўраганман. Орзуларим йўлида зов бўлманг.¹



Ана энди, кўз ўнгимизда кундек чарақлаб турган, инкор этиб бўлмас, катта-катта неъматларнинг айримига нигоҳ ташлайлик.

¹Кейин билишимча, у киши Мадинада вафот этиб, Бақеъга дафн этилган.

Инсонга инъом этилган ҳаёт – Неъмат.

Инсоний ҳаёт кечириш эса алоҳида – Неъмат.

*Ҳаёт мисли дарё ё отилган ўқ,
Дарё ва ўқ ҳануз ортга қайтган йўқ.
Ҳаёт ҳам қайтмайди, кўнглинг бўлсин тўқ,
Фақат хушёрларга ёр бўлгай ютуқ.¹*

Аслида ҳайвон, ҳашарот бўлиб эмас, ИНСОН бўлиб дунёга келишнинг ўзи катта – Неъмат. Нозим айтганидек "оддий инсонликни кўп кўрадиганлар", "Аллоҳ бепул берган жонни олишни истайдиганлар" ҳам йўқ эмас. Нозим дейди:

*Шукрона айт аввал парча нон учун,
Сўнг қултум сув учун шукрона такрор.*

*Чунки бу оламда, яширмоқ нечун
Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор.*

*Буюклар бахтига ҳавас қил, аммо,
Инсонлигинг учун шукур айт зинҳор.*

*Чунки бу оламда сен учун ҳатто
Оддий инсонликни кўп кўрганлар бор.²*



*Аллоҳ берган жонни олмоқ истайди,³
Жон чиқмаса, қийнаб, бирам қистайди.*



Инсон бўлиб дунёга келгач ва инсониятга хос ҳаётга етишгач, ўша ҳаёт сўқмоқларида адашмай ҳидоятда юриш – Неъматлар неъматиди.

¹ Муаллифнинг "Бадиъа" асаридан.

² А. Орипов.

³ "Бадиъа"дан

Одамзодга ёт сифатларга эга одамлар ва одамтахлит одамхўрлар кўпайган аянчли бир даврда ОДАМИЙ ҚИЁФА билан бирга ОДАМИЙ ХИСЛАТни сақлаб қолиш – Неъмат.

Саноқли умрнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиш, уни Холиқ ризолиги йўлида ўтказиш ва ҳаёт хотимасининг гўзал якунланиши – энг буюк Неъмат.

Оламга боқиб ҳузур олиш, кун ва тун жамолидан баҳраманд бўлиш, яъни кўрмоқ ҳузурбахш Неъмат. Кўзи оғизга кўзойнак – Неъмат. Лекин сунъий шиша кўзсиз атрофга назар солиш ундан катта Неъмат. Кўзойнак тутган кимса кенг дунёга шишали туйнукдан боққанга ўхшайди. Ойна хира бўлса, дунёни ҳам хира кўради. Тиниқ бўлса, тиниқ, синиқ бўлса, синиқ, қийшиқ бўлса, қийшиқ...

Эшитиш, гапириш, англаш ҳаётбахш Неъмат. Ҳид билиш, ҳис этиш, сезиш, фаҳму фаросат – неъмат устига Неъмат.

Сизга сўз берилиши, сизни тинглашлари, англашлари, сизни тўғри тушунишлари, қайғу ва аламларингизни ҳис этишлари ва сизни одам ўрнида кўришлари сийраклашиб бораётган Неъматлардандир.

Кўз, қулоқ, тил ва нутқ-баённинг неъматлигини ким инкор эта оларди?!

Нега тил ва нутқни алоҳида ёзилди? Улар бир эмасми?

Ҳа, бир эмас. Нутқ – тил бажарадиган вазифалардан биттаси. Унга кўп вазифа юклатилган. Тил таъм билувчи ягона аъзо. Ҳарфларни чиройли талаффуз этиш асосан унга боғлиқ. Ҳаёт манбаи озиқ-овқатни чайнашда тил ўрнини босадиган аъзо йўқ. Лойни кураксиз қориштириб бўлмаганидек, тилсиз ҳам овқатни аралаштириб бўлмайди. Тиш тоғдек тебранмай, бир жойда овқатни янчиб беради, холос. Буни ўзингиз тажрибадан ўтказишингиз мумкин. Тилни ишлатмай бир дона ҳалво еб кўринг-а, ея олармикинсиз.

Нафаснинг бўзилмай, қисилмай оҳиста кириб чиқиши-чи , яъни ҳансирамай эркин нафас олиш Неъмат эмасми?!

Юракнинг бир маромда уриши-чи?!

Ий вароббий, буларнинг бари Неъмат эрур.

Ички ва ташқи аъзоларнинг нормал ишлашини Неъмат демай, нима деб аташ мумкин?

Кўл-оёқнинг неъматлигини чуқурроқ англаш учун шолга боқинг. Соғлом тишларни нечоғлик неъмат эканини ҳис этиш учун тиши тушиб битган чолга боқинг.

Уйку қанчалар неъмат бўлса, уйғоқлик ҳам шу қадар, балки ундан ҳам ортиқ Неъматдир.

Зилол сув, иссиқ чой, хилма-хил шарбат ва бундан бошқа чанқовбосди ичимликлар неъмат экани маълум. Аслида суюқликнинг ичкарига кириши-ю чиқиши ўзи неъмат. Тиш, тил каби аъзоларнинг борлиги ва соғлиги ҳам худди шундай. Бу ҳаммага маълум. Лекин инсонда бир арзимас суюқлик борки, уни ҳеч ким назарга илмайди, ҳаммаям неъмат деб билавермайди. Уни неъмат деб эътиқод қилиб, шуқр айтиш умуман хаёлга келмайди. Ҳолбуки, агар ўша ҳақир нарса бўлмаса, ёки кўнайиб ё озайиб кетса, соғлиққа футур етади. Енгил ҳаёт оғирлашади. Асли арзимаган, лекин инсон учун зарур бўлган у жумбоқли неъмат нима бўлиши мумкин?

Кўнайиб, камайиб ё бутунлай йўқолиб кетиши билан инсон ҳаёти оғирлашадиган ўша ҳақир неъмат СЎЛАКдир.

Ҳа, сўлак – неъмат. Сувсиз ҳаёт йўқ, дейдилар. Сўлаксиз ҳам узоққа чўзилмайди. Инсон сўлак безлари бир кеча-кундузда 1-2,5 литргача сўлак ажратиб чиқарар экан. Бу дегани бир йил давомида 400-500 литр демакдир. Ана шу сўлаклар:

1- Овқат чайналишига кўмаклашади.

2- Таомни томоққа қийналмай этишига ёрдам беради.

3- Ютишдаги асосий омиллардан бири.

4- Тишни микроблардан тозалайди. Тишининг кариесга учраш сабабларидан бири ҳам сўлакка боғлиқ.

5- Сўлак сўзлашиш учун зарур. Буни саҳрода йўл босганлар, узоқ масофага чопганлар, айниқса рўза тутганлар жуда яхши билишади. Оғзи қуриган одам бир оғиз калима айтгиси келмайди. Шу пайтда сўлакнинг қадри роса билинади. Сўлак кўпайиб кетса, оғзидан тинмай сўлакай оқиб туради, гапирганда эгасини хижолатга кўяди. Озайса, оғиз қуриб, томоқдан овқат ўтмайди, гапиришга мажол қолмайди.

Сўлак хусусида, унинг вазифаси, саломатлик учун зарурати ҳақида табобат аҳли битган маълумотларни ўқисангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. "Туф" деб кунда бир неча бор туфлайдиган тунрик бўлмаса, ҳаётнинг ҳам мазаси қочади. Сўлак рус тилида "слюна́", лотинчада "saliva", араб тилида "العاب" деб аталар экан. (Бу калималарни илмий сайтларда изланганда фойдаланарсиз деган мақсадда ёзилди).

Сўлак беши ишдан чиққан беморлар бор. Уларнинг оғзи доим қуриб қолади. Шунинг учун овқатланаётган пайтида бир кўлида сув ушлаб, тинмай хўплаб туради.

Сўлакнинг биз айтгандан бошқа фойдалари кўп. Уни тафаккур орқали биласиз. Тафаккур эса ақл самараси.

Шунга кўра, ақл-идрокни катта Неъмат деб биламиз ва ундан тўғри фойдаланишни ўз навбатида алоҳида Неъмат деб эътиқод қиламиз.

Кимгаки ақл билан биргаликда ҳикмат кўшиб берилган экан, унга жуда кўп яхшилик берилибди. Демак, ҳикматли сўз сўзлаш ва ҳикмат билан иш юритиш Неъмат. Чунки кимдир ҳикматли сўзни қойиллатиб нақл қилиши мумкин, лекин тутуми беҳикмат.

Кимдир ҳикматли сўзни топиб, чиройли нутқ сўзловмайди, бироқ ҳар бир иши ҳикматга мувофиқ.

Жуда кам инсонларга ҳар иккисини: ҳикматли сўз ва ҳикматли ишни жамлаш насиб этган.

Куч-қувват ва уни ўз ўрнида, фойдали жойларга сарфлай билиш – Неъмат. Ақл кирмасдан олдингиси – кулфат.

Ҳар бир инсонга берилган лаёқат, иқтидор, қобилият ва баъзи бирларга хос тортиқ этилган истеъдод ва талант – неъмат устига Неъмат. Ана шу талантни зое қилмай, Холиқ розилиги ва халоиқ манфаати йўлида ишлата билиш – жуда ҳам ноёб Неъмат.

Гўзал овоз – Неъмат, балки ярим давлат. Гўзал овоз билан энг гўзал Каломни тиловат қилиш, энг гўзал сўзларни сўзлаш алоҳида Неъмат, алоҳида давлат ва катта даъват.

Овозим бор экан деб жиннисанги ашулаларни айтиш овозни инъом этган Зотга нонкўрликдир. Пайгамбар ёшига етиб қолишига қарамай, ярашмаган қилиқлар қилиб, қиз ўйнатиш, шилқим кўшиқлар айтиш кўрнамаклик ва ўрнини тўлдириб бўлмас хасоратдир.

Соғлик-саломатлик Неъматининг бебаҳолигини бошқалардан кўра нотаваон касалвандлар яхшироқ билади. "Соғлар бошида тилла тож бор, уни фақат хаста-беморлар кўрур", дейилишининг сири ҳам шунда. Демак, саломатчилик Иймондан кейинги даражада турувчи, жуда кўпчиликка инъом этилган илоҳий Неъмат десак янглишмаймиз. Саломатликдан оқилона ва унумли фойдаланиш ҳамда уни сақлаб қолиш доно инсонларгагина хос Неъмат десак, хато бўлмас.

Ҳассага суянмай юриш – Неъмат.

Ҳассасиз йўлни топиб юриш – қўшимча Неъмат.

Ҳассани бир марта йўқотиб, иккинчисида хушёр тортиш неъмат бўлганидек, дунёдан ҳасса емай ўтиш ҳам неъмат. Дунёдан ўтгач, ҳассакашига зориқмаслик ҳам неъмат экан.

Касаллик ва мусибат Неъмат бўлиши мумкинми?

Ҳа, агар дард дарс берса, мусибатдан манфаатли сабоқ олинса, банданинг бу кўргилиги унинг учун айни Неъматдир. Саҳиҳда: "Аллоҳ кимга яхшиликни ирода этса, унга мусибат туширади", деган ҳадис келган. Ақлли одам мусибатни сезган заҳоти Аллоҳга боғланади, ўзини ўнглайди, дуога шўнғийди, истиғфор айтади. Нафл намозни кўнайтиради. Шунда ибодат лаззатини татий бошлайди. Вақт соати етганда мусибат арийди, лекин ибодат лаззати фойдага қолади. Шунга кўра Аллоҳ ўзи суймаган бандасига мусибат туширмас экан. Айтишларича, Фиръавн бирон марта касал бўлмаган эмиш. Бироқ унинг ҳақиқий мусибати бира тўла охири келди. Ва мангу мусибатга уланиб кетди.

Иймонли кишининг касали ва мусибати, ҳатто оёғига тикан кириши бир нав Неъмат. Чунки касаллик ва мусибат мўъминлар учун синов, эслатма, сабоқ ва каффоратдир.

Шунингдек, мутакаббирнинг танобини тортиб, нонкўрнинг эсини киргизиб кўядиган хасталик, манманга дарс берувчи мусибат, Улуғ Парвардигорнинг қудратини кўрсатиб, заиф банданинг муҳтожлигини ўзига эслатиб турувчи ва бандани Аллоҳга қайтишига сабаб бўлган турли бало-офатлар сабоқ оламан деганлар учун маънавий Неъматдир. Агар мусибат тушмаса, инсон талтайиб кетади. Талтайиш ё танбалликка ё тугёнга сабаб бўлади Танбаллик ва тугён тўғри тамугга олиб боради.

Олимлар дейди: "Молингда, жонингда, жигарбанд фарзандингда мусибатлансанг, обрў, ҳурмат, нуфузингга тил тегизилса, гам-ташвиш ҳар томондан сенга зарба берса, тушкунликка тушма, сиқилма. Аллоҳнинг Ўзи сенга хушўхузуъ, тавозе сабабларини тақдим этибди, уни қабул эт. Яратувчи бу сабоқ билан сени ислоҳ қилмоқчи, юқори даражага кўтармоқчи. Ўзига яқин тутмоқчи. Аллоҳ узатган сабабларга қўл чўз! Ундан юз ўгирма!"

Ташвишнок озир дамларда Росули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам жуда кўп нафл намоз ўқирдилар. Намоз ичида ва ташида, айниқса саждада узоқ-узоқ қолиб, дуо қилардилар ва аҳли аёлларини намозга уйғотар эдилар.

Мусибат – Аллоҳга қайтиш учун қулай фурсат.

Талафот, хавф-хатар, касаллик ва кўнгилсиз воқеалар – руҳоний тарбия учун ҳаётий мактаб.

Қийинчилик, ташвиш, гам-андуҳ – инсон ўзини ўзи тарбиялаб, камол топиши учун катта имконият.

Ҳаром лаззат ва қадрсиз иззатдан кўра мусибат афзал. Бу сабоқни энг азиз-мукаррам инсон Юсуф алайҳиссалом ўз мадрасаларида "Сизлар ундаётган ишдан кўра зиндон мен учун маҳбубдир", деб таълим бергандилар. Демак, ижобий натижа билан яқунланган кўрғиликни, оқибати гўзал тангликни Неъматлар рўйхатига киргазсак бўлаверади.

Хонақоҳдан чиққан Саъдий кавушандозга ечган янги кавушларини тополмай хуноблари чиқади. Хийла қидирганларидан сўнг дилгир ҳолда яланг оёқ уйга қайтадилар. Йўлда кетаётиб, икки оёғидан айрилган ногирон кишининг дарахт соясида Аллоҳ таолога ҳамд ва шукроналар айтаётганини эшитадилар. Бу манзарадан таъсирланган олим ўзларига хитоб қилиб: "Саъдий, йўқолган кавушга шунча қайғу, шунча дилгирликми? Одамлар оёғидан айрилса ҳам дилабгор эмас, аксинча, шодмон ва шокир", дейдилар.

Ибрат кўзини очган жудолик ва айрилик – Неъмат. Ахир одамлар кўр кўзни очиш учун ҳар қанча мол сарфлашга тайёр-ку. Ибрат кўзини очишга ҳам унча-мунча пул кетса кетибди-да.

Тобеинлардан Юнус ибн Убайд ҳузурига бир киши келиб танг аҳволидан, озир ҳаётидан шикоят қилади.¹

¹ Қиссанинг асли سير أعلام النبلاء китобида: 6\292.

– Кўзинг муқобилида минг дийнор бўлишини истайсанми? – дейди олим.

– Йўқ.

– Сенда иккитаку, бирини бериб қўя қолмайсанми?

– Йўқ, бермайман.

– Кулоққачи?

– Йўқ, албатта.

– Тилгачи, тилинг ўрнига минг дийнор беришларини истайсанми? Ақлингачи?

Йигит ҳар бир саволга "йўқ, йўқ", деб жавоб берарди. Шунда олим: – Миллион-миллионга қодир экансану, яна шикоят қиласан-а, – деб йигит кўзидан махфий бўлаётган неъматларни эслатадилар.

Бошқа олим: "Сабр қил, ризқ талабида ҳалол йўлни танлаб, меҳнатдан қочма. Раззоқ тақсимида рози бўл. Ризқингни кенгайтиришини Унинг Ўзидан ўтиниб сўра. Исёнкор Намруд, ҳаддидан ошган Фиръавн тўнғиздан тўқ яшаган. Аммо Аллоҳнинг энг яқин дўсти, пайгамбарлар саййиди Муҳаммад алайҳиссалом очликдан қоринларига тош боғлаб юрганлар... – деган экан.

Неъматларни ҳис этиб, шукрини бажо келтириш ҳар кимга насиб қилавермайдиган нодир Неъмат.

Узоқни яқин қиладиган от-улов, машиналар – Неъмат.

Манфаатли илм-маърифат – улуг Неъмат.

Оқ-қорани ажрата билиш – улкан Неъмат.

Шарқда туриб Ғарбдаги киши қулоғига пичирлаш, худди девор ортида қўшнисини билан гаплашгандек, телефон орқали аста гаплашиш – янги чиққан антиқа Неъматлардан.

Аммо Ғарбда беркиниб, шарқликлар муносабатига раҳна солувчи режаларни ўргатиш, заламисона шивирлаш, шаро-

ратдан дарс бериш шармсизликдир.

Тинчлик ва осойишталик – бошқа неъматлардан баҳраманд бўлишда катта ўрин тутган энг асосий Неъмат.

Бунинг нақадар буюк неъматлигини ўтмишдагилардан кўра ҳозиргилар яхшироқ ҳис этса, ажаб эмас. Ахир охирги икки асрда озмунча одамнинг қони тўкилмадими? Босқинчилик, истеъло, инқилоб, фуқоролар уруши, кетма-кет жаҳон урушлари. Ҳали уни баҳона қилиб, ҳали буни пешлаб зимдан тинмай тўкилган қонлар сўзимизни тасдиқлайди. Айниқса инсон кўли билан ясалган ёвуз темир қушлару осмон наҳанглари пайдо бўлгандан бери қанчадан қанча бегуноҳларнинг ёстиги қуриди. Қотил кимни ўлдирганини билмайди, мақтул нега ўлдирилганини билмайди...

Ойнаи жаҳон, радио, интернет, бу ажабтовур янгиликдан оқилона фойдаланганлар ва уни яхшиликка бўйсундирганлар учун Неъмат. Йўқса, инсонни захарловчи оғу. Оила ва жамиятни вайрон этувчи замбаракнинг кўринмас ўқи.

Ҳалолга қаноат, ҳаромдан жирканиш, назари тўқлик – нодирлашиб борётган Неъматлардан.

Ризқ-рўз, қут-барака Неъматининг қадрини қора қозонни қайнатаман деб эрта-ю кеч сарсон-саргардон кезганлардан сўранг. Арзончилик, серобчилик, тўкинлик Неъматини бир бурда нон учун қизини арзонга сотган, толқонга гиламни алмаштирган ва узоқ йиллар очликнинг аччиқ таъмини татиган қаҳатчилик қурбонларидан сўранг.

Уй-жойнинг қандайин буюк Неъматлигини бошпанасиз дарбадарлардан сўранг. Ва яна йиллик даромадининг тенг ярмини ёки кўпрогини ёки ҳаммасини уй ижарасига тўловчи гарибудиёрларнинг фақиридан сўранг.

Қарз қайдига боғланмай эркин яшаи Неъматининг лаззатини ва у бағишлаган роҳатни қарз кишанидан қутулган қарздордан бошқаси унчалик ҳис этолмаслиги аниқ.

**Бировнинг кўлига қарам бўлмай, ўз кунини ўзи кўриш
Неъматининг тотли таъмини хонумонидан айрилганлар
ва тўшакка михланганлар жуда яхши билишади.**

**Шу ўринда қаноат хислатини алоҳида эслаб ўтиш
муҳим. Зеро у маънавий бойлик ва руҳий қувват ҳисобла-
нади. Қаноатли қалб соҳиби дунё илкида бўлган шахс билан
баробардир. Шоир дейди:**

إذا ما كنت ذا قلب قنوع فأنت ومالك الدنيا سواء¹

¹ Бу байт Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеийнинг "Девон"ларидан. Фойдадан холи бўлмагани учун шеърни тўлалигича келтиришни муносиб топдим.

(من الوافر):

دع الأيام تفعل ما تشاء	وطب نفسا اذا حكم القضاء
ولا تجزع لحادثة الليالي	فما لحوادث الدنيا بقاء
وكن رجلا على الأهوال جلدا	وشيمتك السماحة والوفاء
وإن كثرت عيوبك في البرايا	وسرك أن يكون لها غطاء
تستر بالسخاء فكل عيب	يغطيه كما قيل ، السخاء
ولا تر للأعادي قط ذلا	فإن شماتة الأعدا بلاء
ولا ترج السماحة من بخيل	فما في النار للظمان ماء
ورزقك ليس ينقصه الثاني	وليس يزيد في الرزق العناء
ولا حزن يدوم ولا سرور	ولا بؤس عليك ولا رخاء
إذا ما كنت ذا قلب قنوع	فأنت ومالك الدنيا سواء
ومن نزلت بساحته المنايا	فلا أرض تقيه ولا سماء
وأرض الله واسعة ولكن	إذا نزل القضاء ضاق الفضاء
دع الأيام تغدر كل حين	فما يغني عن الموت الدواء

Бойлик неъматми ё фақирликми?

Бу, аслида қийин, мураккаб савол эмас. "Ҳа" ёки "йўқ" деб қисқа тарзда жавоб бериладиган энгил савол ҳам эмас. Муфассал жавоб эса кўпроқ вақт талаб қилади. Ҳозирча мухтасар жавоб билан кифояланамиз. Тафсилотни рисола қатламларида топасиз, ишиа Аллоҳ.

Бойлик ва фақирликнинг неъмат ёки неъмат эмаслиги шахсларнинг ўзига боғлиқ. Яъни, кимга қандай. "Солиҳ киши учун мол нақадар яхши", деган ҳадиси шариф бор. Шунга кўра, мол эгаси солиҳ бўлса, ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфласа, ҳаромдан жирканса, зиммасидаги молиявий ҳақларни ҳақдорларга адо этса, дунёни охираатдан устун қўймаса, бир сўм устида думбалоқ ошмаса, мол жамлаш йўлида одамлар билан жиққа муштлашмаса, иззат нафсини сақлай олса, мол ўз эгасини дунёда қувонтирганидек, охираатда ҳам қувонтирса, бундай бойлик баайни Неъматдир.

Акси эса бало-офатнинг айни ўзи. Киши мол топаман деб ёлгон гапирса, дини ва обрўсини оёқ ости қилса, ҳалол-ҳаромга парво қилмаса, ога-ини, дўст-ёр билан сан-манга бориб юз кўрмас бўлиб кетса, охираатдан дунёни устун қўйса, мол-дунёси уни намоз, рўза, закот, ҳаж амалларидан тўсса, у одамга шу катта мусибатнинг ўзи етиб ортади, бошқа мусибат ортиқча.

Фақирликчи?

Фақирлик қаноат ва ризога асосланса, кўли юпун бўлса ҳам қалби бутун, яъни қалби беҳожат, ганий бўлса, у ҳолда фақирлик Неъматдир. Йўқ, агар фақирлик кўфру тугёнга, зулм ва исёнга, гуноҳ ва турли-туман жиноятларга сабаб бўлса, ундай фақирлик неъмат эмас, балки баайни ниқмат ва шақоватдир.¹

¹ Ниқмат – Неъматнинг зидди.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кибр ва тугёнга сабаб бўлувчи бойликдан ҳамда куфрга бошловчи фақирликдан паноҳ тилаганлар.

Лекин ҳар иккисидан кўп ўринларда фойдаланишининг имкони бор. Масалан чин дўст-душманни ажрата билишда бойлик ва фақирлик жуда кўл келади.

Замахшарий дейди: "Сизлар бир-бирингиз билан дўст-биродарсиз, бир-бирингизга азизсиз, қадрдонсиз, то бошингизга бирон бир кулфат ва мусибат тушгунга қадар.."

Бойлик даврида сохта дўст кўпаяди, ҳақиқий душман пинҳон бўлади. Фақирликда ҳақиқий чин дўст ёнингизда собит туради, сохтаси жуфтаси ростлайди. Бундайин сохта "дўстлар" бор жойда душман бекор.

Бор дарвозасида совчилар турна қатор, тўёначи тўда-тўда. Йўқникида қуруқ тўйхўрлар. Совчи эса қизга қарамай, уйига қарайди, қизни сўрамай, дадасини сўрайди. Ўлим ҳам худди шундай. Бири ўлса ювгучи топилмайди, ҳамдард йўқ. Бошқаси ўлса, ўнта гассол, мингта ҳамдард...

Дўстлик ва дўстлар – қизганса арзигулик, қадри жуда баланд, кўз қорачигидек асраладиган Неъматдир. Бунга золи-бо олийжаноб инсонлар англайди ва қадрлайди. Пасткашлар дўстлик неъматининг қадрини қайдан ҳам билсин!

Абу Дардо розияллоҳу анҳу: "Тунги намозимда етмишта дўстимни номини айтиб ҳаққига дуо қиламан", деганлар.

Хатони юзга солмай, орқадан зийбат қилмай, бўрттириб кўрсатмай, гўзал одоб билан ўзингизга аста эслатувчи ойнаянглиз насиҳатгўй аҳбобларнинг бори – Неъмат.

Яхши-ёмон кунингизда доим сиз билан бирга турувчи елкадош ошна-оғайниларнинг турган битгани – Неъмат.

Мол-мулк, мансаб борида атрофингизда гирдикапалак бўладиган, йўқчилик ва мусибат тушганда қорасини ҳам кўрсатмайдиган ошна-оғайнилар мусибат устига мусибат. Олдингизда бошқача муомала, ортингиздан бўлакча муомала қиладиган "улфатлар" – ўлимдек ҳалокат.

*Юз ўзгиргач мендан дунё,
Юз ўзгирди дўстларим ҳам.
Мол кетганда келди жафо,
Ҳар қадамда зулму ситам.*

*Кулдирсам ҳам кулмайдилар,
Салом берсам қайтмас алик.
Чой узатсам ичмайдилар,
Борсам ҳатто очмас эшик.*

*Мол борида бор эдилар,
Душман эмас, ёр эдилар,
Сухбатимга зор эдилар,
Юкларимга нор эдилар.*

*Ба вақти танг дасти ошно бегона мегардад,
Суроҳи чун шавад холи жудо паймона мегардад.¹*

Мол-дунё кетганда ёнингизда туриб берган дўстни маҳкам ушланг, кўз қорачигидек асраб-авайланг. Дунё кетганда сизни ташлаб кетган "дўст" одам эмас. Феъл-атворидан ранжисманг, ундан қутулганингизга шуқр қилинг...

Неъматлар рўйхатидаги маҳобатли, улузвор инъомлардан бири "табиий офат" деб аталмиш самовий бало қазолар содир бўлмай, осойишталикнинг ҳукм суришидир.

¹ Муқимий. Маъноси: май идиши бўшаб қолганда қадах ундан ажралганидек, қўл қисқа бўлган чоқда, яъни киши ночорлашганда ошно бегоналашади.

Сокин Замин, тинч Осмон, ўрнидан жилмас, сервиқор тоғлар, долгасиз мовий денгиз, ўзанидан четга чиқмай бир мақомда шоввуллаб оқаётган дарёлар – илоҳий тортиқлар ичидаги тенгсиз Неъмат.

Қуёшнинг инсоният хизмати учун ўз вақтидан кечикмай одатий ўрни машириқдан чиқиши – сўзсиз Неъмат. Аслида қуёшнинг тонгда барқ уриб, намоён бўлмогининг ўзиёқ катта Неъмат. Қуёш иссиқлик, нур манбаи, шу билан бирга ва бунга қўшимча ўлароқ унинг мағрибдан – кун ботардан эмас, машириқдан – кун чиқардан кўтарилиши Қиёматни қарши-лаётган охир замон уммати учун чексиз Неъматдир.

"Нега? Қандай?" деган савол тугилиши табиий.

Бу сўзни мен баъзи геолог олимларининг иқлимий кескин ўзгаришлар борасидаги айрим фаразлари ёки шу кунларда кўпчиликнинг зеҳнини банд қилган ва хавотирга солаётган "фалон йилга бориб олам тугайди" дейилаётган шов-шувларга жўр бўлиб айтаётганим йўқ. Халойиқни изтиробга соладиган турли шов-шувлар тарқалишига қаршиман. Лекин инсонлар ҳақиқатдан воқиф бўлишга ҳақлидирлар ва кечикмай тадорук кўришлари зарур деган қарашларга қўши-ламан.

Қуёшнинг мағрибдан эмас, машириқдан чиқишини неъмат деб аташимга келсак, у севимли Пайгамбаримиз содиқул масдуқ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлмиш саҳиҳ – ишончли ҳадисга асосланган. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар бериб дедилар:

"Қуёш мағрибдан – кунботардан чиқмагунга қадар Қиёмат бошланмайди. Унинг мағрибдан чиққанини кўрган кишилар иймон келтирадилар. Бу эса аввалда иймон келтирмаган инсон учун иймонга келиш фойда бермайдиган вақтдир".

Бу, имом Бухорий ва Муслим ривоятлари. Имом Аҳмадда эса:

"ولا تنقطع التوبة حتى تطلع الشمس من مغربها" – "То Қуёш мағрибидан чиқмагунга қадар тавба тўхтамагай", дейилган. Яъни тавба қабул бўлиб, покланиш давом этаверади. Демак Қуёш нафақат иссиқлик ва нур манбаи, балки у Қиёмат олдидан даракчи ҳамда иймон-ислом, тавба-тазарруларнинг қабул бўлиши учун охирги муддат ҳам экан.

Қуёш мағрибдан чиқиб, яна қайта мағрибга ботиши бир марта содир бўлади, холос. Шундан кейин иймон келтирмоқ фойда бермайди. Тавба ҳам қабул бўлмайди. Гуноҳ содир этиб, ортидан тавба истиғфор айтиш натижасиз қолади.

Роббано, у кунларга етказмагин.

Илоҳий тортиқлар силсиласида давом этамиз.

Раиятпарвар одил султон – азим Неъмат. Бу неъматни моддий неъматлар султони деб атасак хато бўлмас.

Қўл остидагиларга гамхўр, жонкуяр раҳбар – Неъмат. Бу каби сардорларнинг вужеуди Иймон, Ислом ва офиятдан кейинги, фаровон ҳаётни таъминловчи улкан Неъмат десак жуда тўғри бўлса керак.

Доно вазир ҳам пошшо, ҳам эл учун – Неъмат.

Бошни ишлатмайдиган бебош мингбоши, калласи йўқ, юзсиз юзбошилар халқ бошига битган бало-офат.

Художўй, парҳезкор имомлар – дину дунё учун Неъмат.

Бандаларнинг саодатли ҳаёт кечиришлари учун индирилган илоҳий оятларни ва пайгамбарона ҳикматларни оқизмай-томизмай, яширмай-бурмай уларга етказувчи олимларнинг вужеуди – давлат хазинасидан ортиқ Неъмат.

Акси эса аксинча. Қуръон оятларини бурувчи ва бузувчи "олимлар" умр заволи ва мардум бошига тушган катта мусибатдир.

Яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи, ал-амру билмаъруф, ван-наҳйу анил-мункардек улуг вазифани адо этувчи шахслар ва ташкилотларнинг борлиги ва фаолияти эл-юрт учун сув ва ҳаво каби зарур Неъмат.

Ҳаққоният учун курашадиган, ҳаромдан жирканадиган, адолатпеша, мазлумпарвар қози – Неъмат устига Неъмат.

Ўзникини ўзгалардан ҳимоя қилувчи паҳлавон посбонлар – Неъмат. Ўзникини ўзи қирувчи зўравонлар – ҳалокат.

Етук тарбияли билимдон мураббийлар ва муаллимлар, ҳадеб санамлар қош-кўзини мақтайвермай, бадкирдорлар ёнини олавермай, халойиққа нафи тегадиган асар яратувчи шоиру шуаролар, адибу удаболар, тўғри сўз мухбирлар, инсониятга энгиллик тугдирувчи ихтирочилар, новаторлар, ишбилармон, саховатли бойлар миллат ва мамлакат учун олтин, нефт конларидан кўра фойдалироқ Неъматдир. Маддох шоирлар, ишёқмас, ялқовлар ва фақат ўзини ўйловчи худбин манкуртлар эса ҳаракатдаги вулқондан кўра зарарлироқ офатдир.

Халқнинг онгли, маърифатли бўлиши ва бир бирига меҳрибонлиги-ю бирдамлиги – камёб Неъмат.

Идиш-товоқ, кўрна-тўшак, ёстиқлар – сероб Неъмат.

Озодлик, эрк ва ҳуррият – Неъмат. Зафар – Неъмат.

Бундан бир неча йиллар муқаддам ёшлигида Алихон тўра Соғунийни кўрган қозоқ миллатига мансуб хитойлик ёш йигитчани Хитой коммунистлари ҳибсга олади. Айби бойнинг ўгли экани. 20 ёшида қамоққа олинган йигит...

Хўш, неча йил қамоқда ўтирди деб ўйлайсиз. 10 йилми, 20 йилми, 30 ми... У ропна-роса 63 ёшида озодликка чиқади. Тўрт фаслдан иборат умрнинг эрта кўкламида хазонга айланиб, хазонрезликда кўклами кўради. Ҳозирда Қозоқистондан бошпана топиб, қариялар уйида истиқомат қила-

ётган йигитнинг, кечирасиз, отахоннинг зимистон ичра кечган озир ҳаётини эшитиб, динсиз коммунистларнинг ва томирида ўша айниган бузуқ қон оқаётган бетайинларнинг нақадар ваҳшийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз ва нафратланасиз. Отахон 7 йил давомида пенсияни жамлаб ҳажга борадилар. Савол тугилади: 16 йил ёлғиз камерада ўтирган, 27 йил қўлидан кишан тушмай гишт қуйган маҳбус сабр-бардошга кучни қаердан олди?

43 йиллик тутқинлик аламига қандай дош берди?

Зимистонда унга кўмаклашган, юрагига куч, белига қувват, кузига нур берган нарса – Иймон, Намоз, Зикр эди. Агар ўқувчини малоллантириб қўйиш хавфи йўлни тўсмаганида, ҳар бир неъмат баёнидан сўнг Иймон, Намоз, Зикр неъматини таъкидлаб, такрор ва такрор ёдлаган бўлур эдим...

Намоз, Зикр, Иймондан мосуволар қандай яшаркин?!..

Илоҳо, ҳеч банда банди бўлмасин, лекин бандихона ҳам гоҳида неъмат бўлар экан. Узоқ йиллар юқори лавозимга миҳланган амалдорни ўрнидан суғуриб ҳибсга олинади. Аввалида жазаваси тутади. "Қуруқ туҳмат"ни ҳазм қилолмайди. Қамоқда солиҳ бандаларнинг бири билан учрашиб, ҳидоятга мушарраф бўлади, иймон таъмини татийди. Шунда: "қамалганимдан пушаймон эмас, аксинча, шодман", деб ўз мамнунлигини чин дилдан изҳор этади.

Демак, аслида хуррият – неъмат, лекин, гоҳида фойда келтирадиган зарар, яхшилик билан яқунланадиган ёмонлик, нурга етказувчи қоронғулик, дилларни яқинлаштирадиган узоқлик, (баъзан бадан қанча узоқлашса, дил шунча яқинлашади), шавқ бағишловчи, илҳомни жунбишга келтирадиган ҳижрон, ҳақиқий хурриятга ва тўлиқ маънодаги озодликка чиқарадиган тутқинлик Неъмат бўла олади.

Мувофаққият, эзгу амалларга тавфиқ – Неъмат.

Ватан қўйнида яшаб, ватандошларга хизмат қилиш –

Неъмат. Иймон ва жонга хавф таҳдид солганда – ҳижрат Неъматга айланади.

Тушкунликка тушмаслик, изтироб чекмаслик, мустаҳкам ирода ва собитқадамлик – Неъмат.

Шахсга, ўликка, ҳайвоноту жамоодотга эмас, балки чинакам маъбуд буюк Аллоҳга ибодат – ҳаловатли Неъмат.

Хотин, бола-чақа Парвардигори олам армузон этган лаззатбахш Неъмат. Умр йўлдошларининг бир бирига садоқати, вафоси, ҳақ-ҳуқуқларини адо этиши – бахт-саодатга йўгирилган қимматбаҳо Неъмат.

Пайгамбарлар бобоси Иброҳим алайҳиссалоту вассалом айни йигитлик палласида фарзанд кўрмайдилар. Тенгдошлари неваралик бўлган пайтда ҳам у кишига бу неъмат насиб қилмайди. Тенқурлар эвара кўра боилаган чоғда Аллоҳ Ўз халилига икки ўғилни тортиқ қилади. Соч-соқолни қиров қоплаганда Халилуллоҳ фарзанд кўрадилар. Шу пайтгача хотинга қовоқ-тумшуқни осилтирмай, ҳеч кимга нолашикоят қилмай, сабр-бардош билан аҳил яшаб келаётган зот фарзанд кўрганларидан кейин Холиққа чин дилдан шукроналар айтадилар. Парвардигори олам Иброҳимнинг шукрларини Қуръоннинг ўчмас сатрларида сақлаб бизларга ҳам етказди.

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي وَهَبَ لِي عَلَى الْكِبَرِ إِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِنَّ رَبِّي لَسَمِيعُ الدُّعَاءِ ﴾
ابراهيم: ٣٩

﴿ **Кексайганимда менга Исмоил ва Исҳоқни туҳфа қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта Раббим дуони эшитувчидур.** ﴾

Фарзанд – чинакам илоҳий туҳфа. Машинани сотиб оласиз, уйни қурасиз, аммо болани бу тариқа ҳосил қилинмайди. У фақат совга қилиб бериладиган инъомлардандир.

Боланинг намозхон бўлиши эса қўшимча совга. Шунинг учун Иброҳим алайҳиссалом шундай дуо қилдилар:

﴿ رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ ﴾ إبراهيم: ٤٠

﴿ *Раббим, мени ва зурриётимни намозни тўқис адо этувчилардан қилгин. Раббим, дуоимни қабул айла.* ﴾

Оталик меҳри жўш уриб, дилбандларнинг ризқ-рўзини сўрадилар.

﴿ وَأَرْزُقْهُمْ مِنَ الثَّمَرَاتِ ﴾ إبراهيم: ٣٧

﴿ *Уларни мева-чевалардан баҳраманд эт.* ﴾

Мен ёш йигитлар ва ўрта ёш кишилар орасида шу мавзуда суҳбатлашиб, баъзи саволларни ўртага ташладим.

- *Фарзандингиз борми?*
- *Бор.*
- *Нечта?*
- *Иккита: бир қиз, бир ўғил.*
- *Сизда нечта?*
- *Учта. Уччови ҳам ўғил.*
- *Сизда-чи?*
- *Тўртта.*
- *Мошо Аллоҳ.*
- *Менда бешта: уч ўғил, икки қиз.*
- *Фарзандлар ўз вақтида туғилдими ё кечикибми?*
- *Ўз вақтида.*
- *Иброҳим алайҳиссалом мўйсафидлик чоғида иккита ўғил кўриб "кексайганимда менга Исмоил ва Исҳақни ҳиба қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин" деган эканлар. Бу шукрона дуо Қуръонда бизга намуна ўлароқ келган. Сиз ҳам шу қиссадан ибрат олиб, фарзандларнинг ҳар бирини номма-ном санаб дуо қилганмисиз? Масалан "менга Абдуллоҳ ва Фотимни ўз пайтида тортиқ қилган Аллоҳга ҳамд айтаман" деганмисиз?*

- Йўқ.
- Сизчи?
- Йўқ.
- Сиз?
- Йўқ.
- Сиз?
- Йўқ.

Кўпчиликнинг жавоби шу тарзда "йўқ"дан иборат бўлди. Бу яхши эмас. Иброҳим алайҳиссаломга ўхшаб ҳар бир фарзандни номма-ном тилга олиб шукроналар айтмоқ лозим. Намозхон қилишини ва ризқини сўрашлик зарур...

Фарзандларнинг солиҳ ва соғлом вояга етиши – Неъмат. Ота-онага итоаткорлиги, сўзига қулоқ осмоғи – Неъмат. Шунингдек, фарзандини тингловчи ва тушунувчи ота-она ҳам – Неъмат. Аслини олганда, болани дунёга келтиргандан сўнг уни тўғри йўлга йўллаб, эгри, қингир йўллардан доим огоҳлантириб турувчи, боланинг моддий ўсиши билан биргаликда маънавий ўсишига катта эътибор қаратувчи гамхўр Ота-Онанинг вужуди улкан Неъматдир.

Содик дўст-ёр, иноқ оға-ини, апоқ-чапоқ опа-сингил, то-тув қавм-қариндош ва аҳил кўни-кўшилар – Неъмат. Бевафо дўст-ёр, урушқоқ оға-ини, қовоқ-димоғ опа-сингил, қайишмас қариндош, қовушмас кўшилар – катта кулфат.

Уюшқоқлик кўплар орзу қилиб етиша олмаган Неъмат. Тарқоқлик эса кўплар мубтало бўлган офат. Аввалгиси шахсга ва жамиятга катта-катта даромадлар келтирса, кейингиси улкан-улкан талафотлар келтиради.

Аҳиллик, иноқлик, хайрли ишларда ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамнафаслик дардманд ҳамюртимиз дарди учун даво неъмат. Одамийлик, одамгарчилик, одампарварлик – одамият орасида тақчиллашиб борётган Неъмат.

Ҳавас қилмоқ ва ҳавас қилинмоқ – Неъмат. Унинг муқобилида ҳасад қилмоқ ва ҳасад қилинмоқ мусибатдир.

Бу гапни қаердан олиб гапиряпман?

"Ҳавас қилмоқ неъмат"лиги ҳадисдан олинди. "Ҳавас қилинмоқ неъмат"лиги ҳаётдан. Ҳасад қилмоқ ва ҳасад қилинмоқ манбаи ҳам айни шу икки манба – ҳадис ва ҳаёт.

Жаноби Росулulloҳ ﷺ одамларнинг тўрт қисмга бўлинишини тўрт нафар киши мисолида баён қилиб бергандилар:

1- Аллоҳ мол ва илм ато этган киши. Яъни ҳам пулдор, ҳам илмдор. У ўз илмига амал қилади ва мол-мулкани ҳақли ўринларга ишлатади, топганини эзгулик йўлида инфоқ этади.

2- Аллоҳ илм бергану, (ортиқча) мол бермаган киши. Яъни илмдор, лекин пулдор эмас. У юқоридаги кишига ҳавас қилиб: "қани энди, мендаям шунча мол бўлса-ю, менам у киши сингари яхши йўлларга инфоқ қилсам", дейди.

Набий ﷺ: "فهما في الأجر سواء" – "Уларнинг ҳар иккиси ажру савобда баробар, тенг", дедилар.

3- Мол-дунёдан қисилмаган, лекин илм-маърифатдан йироқ бўлган, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаидиган жсоҳил киши. У пулни ўринсиз жойга, ҳаром-ҳаришга сарфлайди.

4- Мол-дунё ва илм-маърифатдан умуман мосуво киши. Ҳам қашшоқ, ҳам қип-қизил жсоҳил.

Лекин у юқоридаги ҳаромхўрга ҳавас қилиб: "Оҳ, кошкийди, мендаям анави киши каби кўп молим бўлса, менам ўшандек ишлар қилар эдим", дейди.

Набий ﷺ: "فهما في الوزر سواء" – "Уларнинг ҳар иккиси гуноҳда баробар, тенг", дедилар.¹

¹ Ҳадиснинг асли Ибн Можа "Сунан"ларида ва имом Аҳмад "Муснад"ларида.

Одамзод ҳар хил бўлганидек, миждозу табиати ҳам ҳар хил бўлар экан. Иссиқ, совуқ, омихта, илмилиқ ва айниган бузуқ миждозлар. Миждози айниган шахсларда мувозанат йўқолади. Оқибатда ҳазар қилинадиган ўринда ҳавас қила бошлайди. Шунга кўра Аллоҳнинг элчиси уларнинг барчасини ният ва орзулари бирлиги боис жинойтда бир деб билдирдилар. Аслида бу каби ҳадислар "Ниятни ўнглаш" бобида келтирилади. Лекин мен "Неъматни англаш" бобида келтирдим. Сабаби – аён.

"Ҳавас қилинмоқ неъмат" эканига келсак, уни ҳаётнинг ўзи таълим берди. Ҳаёти дунёдаги одамларни юқоридаги ҳадисда баён этилгани каби яна бошқа тўрт ёки беш қисмга бўлиш мумкин:

1- Ҳамма ҳавас қиладиган одамлар.

2- Ҳамма ҳазар қиладиган одамлар.

3- Ҳеч ким ҳавасам қилмайди, ҳазарам қилмайди. Ўзи учун яшайдиган типлар. Бировга фойдаси тегмаганидек, зиёни ҳам тегмайди. Уларнинг баъзиси жонсиз деворга ўхшайди. Тирик мурда дейилса, тўғрироқ таъриф бўлса керак.

4- Баъзи бир жиҳатлари ҳавасингизни келтиради, бошқа бир жиҳатлари нафратингизни кўзгатади. Ҳар замонда бир намоз ўқишини ва оппоқ кийимини кўриб, ҳавасингиз ортади. Баъзан ширин гапларига маҳлиё бўласиз. Лекин ёлгон сўзи, қора нияти ошкор бўлгач, жирканиб кетасиз. Намозхон кишига тўғри келмайдиган, балки бенамозга айб ҳисобланадиган қилмишидан одамлар ирганади.

5- Сохта ҳавасмандлар.

Ана шуларнинг барини ҳаётда кўриб-билиб турганингиздан кейин "Ҳавас қилинмоқ неъмат" эканига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Бунинг учун албатта гўзал одоб, гўзал тутум, гўзал тадбир, гўзал муомала ва кўзга кўринмас гўзал ният шартдир. Одамзод гўзалликни суяди, суйганини ҳавас

қилади. Биринчи кишининг ҳавас қилинишига айна шу гўзал хислатлар сабаб бўлган.

Бошқасидан ҳазар қилинишга асосий омил бадфеъли, бадхулқи, баднияти, хунук иши, хунук муомаласи, хунук тутуму хунук тадбиридир.

Учинчисида одамнинг ҳавасини келтирадиган ва ҳазарлантирадиган бирор бир хислати йўқ. Ундай киши олдидан молхонадаги мол ёнидан ёки жонсиз девор ёнидан ўтгандек ўтиб кетаверасиз.

Тўртинчи қисмдагиларга Қиёмат куни ўз қилмишига яраша шакл берилар экан. Бир томондан қарасангиз ой юзли гўзал инсон, бу ёғидан қарасангиз бирор бир нарсага ташбеҳ қилиш қийин ўта кўрқинчли, хунук махлуқ.

Яна бир тоифа борки, уларни алоҳида бешинчи қисмга ажратсак бўлаверади. Субутсиз, беқарор сохта ҳаваскорлар. Улар бир мансабдорга ҳавас билан боқишади, соясига салом беришади, мансабдан кетиши билан ўзига ҳам салом беришмайди.

Ҳасаднинг эса сохтаси бўлмайди. Дунёда сохталик кирмаган ягона амал Ҳасад. Ушбу сўз ва "ҳасад қилмаслик ва ҳасад қилинмаслик неъмат", деган сўзимиз изоҳ ва далил талаб қилмайдиган ҳаётий жўн ҳақиқат.

Ҳасад қилган динидан айрилади.

Ҳасад қилинган дунёсидан.

Биринчисининг давоси: Холиқ тақсимида ризо ва гўзал қаноат. Иккинчисининг давоси: "муаввизатон" деб номланган сураларни мудом ўқиб, ўзига дам солиб юришидир.

Ҳасад қилинган киши тушкунликка тушмаслиги, руҳан эзилмаслиги, ўзини ўзи сиқиб, адо қилиб қўймаслиги керак. Чунки ҳасаднинг ўзи неъмат бўлмасада, лекин неъмат борлигига далолатдир. Сизда ҳасадчида йўқ фазилат бўлгани

учун сизга ёмон кўз билан қараган, тилини қайраган ва кўлини муштлаган. Бунга хафа бўлмаслик керак. Қадимгилар айтганки: "Ҳамма сени ёмонласа, демак сен ёмонсан. Ҳамма яхшиласа, демак сен мунофиқсан. Бир томон ёмонлаб, иккинчи томон яхшиласа, демак сен УЛУҒСАН.

Энди, ҳозир хиссий неъматлар баёнига қайтамиз, сўнгра яна бошқатдан маънавий инъомлар оламида сайр қиламиз.

Ейиш-ичиш қанчалик неъмат бўлса, унинг чиқиндисига бемалол йўл очилиши ҳам шунчалар неъматдир.

Қабзият қанчалар бало-офат бўлса, юракбуруғ ҳам айни шундай бало-офат. Қабзиятга мубтало кимса чап ичакка юқ бўлмайдиган овқатни ейишдан чўчийди. Юракбуруғ эса катта охур емини тугатгани билан ичига юқ бўлмайди.

Жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таом тановулидан сўнг турли лафзлар билан Аллоҳга ҳамду сано айтар эканлар. Шулардан бири ушбу дуодир: "Алҳамду лиллаҳил лазий атъама ва сақо ва саввага ва жаала лаҳу маҳражсан". Яъни: "Едирган, ичирган, ютумини осон қилган ва чиқиши йўли берган Аллоҳга ҳамд бўлсин". Абу Довуд ривояти.

Нух алайҳиссалом: "Таом лаззантини оғзимда қолдирган, қувватини танамга сингдирган, озор азиятини мендан кетказган Аллоҳга ҳамд бўлсин", дер эдилар. Фатхул Борий 7\620

Тафаккур, тадаббур, тааммул – мия ва онг инъом этилган Одам зурриётига хос, ҳикматга кон Неъматдир.

Тафаккур тараққиёт манбаи, Равнақ ўзаги, Омадга – омил, Маънавий лаззат масдаридир.

Тадаббур инсоний баркамоллик пиллапояси.

Тааммул яширилган хазиналар калити.

Инсон тафаккур ва тааммул орқали улуг Холиқни танийди. Тадаббур билан Унинг каломини англайди. Неъматнинг қадрига етади. Темир асбоблар ёрдамида ерга кўмилган

хазиналарни қазиб чиқарса, тафаккур ва тадаббур ёрдамида моддий ва маънавий хазиналарни кавлаб олади.

Фикрлаш инсонда маънавий лаззатланиш хусусиятини кучайтиради. Ҳаётдан янада кўпроқ завқ-шавқ олишга кўмаклашади. Каифиётга йўл очади. Кўл-оёқ ва бутун жасадга энгиллик туғдиради.

Бу борада ота-она ва муаллимлар ёш авлодга кўмаклашишлари лозим. Турли воситалар билан боланинг онгини ўстиришга, атроф муҳитга назар солиб, фикр-мулоҳаза юритишга ўргатмоқ даркор. Бунинг содда иборалар ва энгил мисоллар билан тушунтириш мақсадга мувофиқ. Мисол тариқасида болаларга (катталарга ҳам) кунда бир неча бор такрорланган овқатланишни олиб кўрайлик. Дастурхон тепасида боланинг фикрлаш қобилиятини оширайлик.

﴿ فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ إِلَىٰ طَعَامِهِ ﴾ Аллоҳ инсонни ўзи еб турган таомига ибрат кўзи билан қарашга буюради. "Илм – ўзни англаш" дейилганидек ердан қаталаб чиққан емишга муҳтож инсон ўз овқатига боқса, ўзини ҳам, Парвардигорини ҳам танийди.

Озиқ-овқат борасида тиббиёт мутахассислари биландиган маълумотлар бор, оддий инсонлар билиши керак бўлган маълумотлар бор. Зеро, аксар касаллик овқатланишга боғлиқ. Керагидан ортиқ емоқ ва етарли даражада емаслик касаллик омилларидан. Соғлом киши кундалик овқатланишида етти хил лаззат олар экан.

1) Инсон таомни оғизга солиб, ширин маззасини татишидан олдин, унинг гўзал манзарасидан мазза топади.

Ликопчада турли сабзавотлардан тайёрланган яхна таомлар (салат). Ҳаммасининг ранги ҳар хил. Бодринг – қопизги зангор, ичи оққа мойил ўта оч зангор. Помидор – ичи-ю таши қизил. Сабзининг саргимтири ва қизгимтири бор. Редиска ҳам икки хил: думалоқ ва чўзинчоқ, пўсти оқ ва

қизил, ичи оппоқ. Икки-уч хил карамлар. Майда тўзралган окроқ шолғом, кўкишироқ турп ва саримсоқ пиёз ҳамда турли хил резаворлар. Уларнинг нақшинкор манзараси ейишдан олдин кўзни қувонтиради. Кўзи оғизлар эса бу лаззатдан маҳрум. Агар таомларнинг шакли ва ранги бир хил бўлганда, кўзи очиқлар ҳам бундан маҳрум қоларди.

2) Исаб ширин ҳидидан роҳатланади. Кўзи оғизлардан бири дастурхондаги таомни манзарасидан эмас, ҳидидан билиб: "бугун ош" ёки "димлама" ер эканмизда, дер экан.

3) Таомни чайнаб таъмидан лаззат олади. Тиш тегирмон тошидек овқатни янчиб, озуқа қаърига беркинган таъмни чиқариб беради. Агар инсон таомни лаб остига ишқаласа, ҳеч нимани ҳис қилмайди. Оғизга кириши билан дарҳол таъмни ҳис қилади. Нега? Чунки тилда 2000 таъм биладиган аъзолар бор. Буни "Саломатлик энциклопедияси"да ёзилган, деб бошқа рисолада айтиб ўтганмиз.

4) Овқатни ютиб куч-қувват олади. Ўша қувват билан диний-дунёвий ишларини бажара олади. Қувват кетса, ибодат ҳам, меҳнат фаолияти ҳам сусаяди.

5) Инъомларга иймон нури, ибрат кўзи билан боқиб баҳридили яйрайди, қалби таскин топади. Яъни тафаккур билан маънавий лаззат олади. Холиқ қудратида, ўзининг муҳтож ва оғизлигида фикр юритади.

Ердан чиққан нарсани ерга қараб ейиш ниманинг аломати? Бир кунда 2-3 маҳал озуқага муҳтожликчи? Етти миллиардга етган инсоният ва ҳисобини олиш душвор ҳайвонотни озуқа ва сув билан таъминланиши нимани аңлатади?

6) Эсон-омон чиқиндисидан қутулиб роҳатланади.

7) Буни балозат ёшига етганда, ўзи билиб олади.

Таом бўлмаса, шаҳват синади. Шаҳват синса наслу

насабга халал етади. Аҳоли сони ўсмайди...

Демак, назарнинг ўзи – неъмат, тафаккур, ҳидлаш, чайнаш, ютиш, қувват олиш, озоридан қутулиш – Неъмат...

– Болажонлар! Шунча неъматларни бизга инъом этган Аллоҳга нима дейишимиз керак? – деб сўрайлик.

– Алҳамдулиллаҳ, деб шукр айтишимиз керак – дейишса, суюнайлик. – Билмадим, – десалар, ўргатайлик. Серрайиб жим туришса, куйинайлик...

– Ушбу озуқаларни етиштирган деҳқонга, уни бозордан харид қилиб олиб келган дадажонга ва ундан тотли таом пиширган онажонга нима дейиш керак?

– Раҳмат, деб миннатдорчилик изҳор этиш керак.

– Яшанглар, баракаллоҳ, сизларга ҳам катта раҳмат ва ташаккур.

Сабзавотдан кейин мевалар билан, сўнг турли шарбат ва ичимликлар, сут, гўшт ва дон-дун маҳсулотлари, ўт-ўлан ва кўкатлар билан таништириб бориб, боланинг фикр доирасини кенгайтиришга кўмаклашиш лозим.

Бу, кунда ёзиладиган дастурхон тепасидаги тафаккурга мисол эди. Шу тариқа бошқа неъматлар билан танишиш, фарзандларга ҳам таништириб бориш катталар зиммасидаги вожиб вазифа. "Бу ноз-неъматлар табиат инъомларидир", деб ўзни ҳам, болани ҳам алдамаслик керак.

Кекса нонвойлардан бири шогирдларига шундай деган экан: ҳамирнинг тандирда ёпишиб турмоғи мўъжиза. Ўйлаб кўринглар, рапидадаги нон орқасига озгина сув суркаб қайнаб турган кесакка (тандир) ёпиштирсанг дарҳол ушлаб қолади. Агар икки-учта мих билан қоқиб кўйсанг, ушламайди оқиб кетади...

Бола (катталар ҳам) ўзи яшаб турган замин ва ундаги жонли-жонсиз мавжудотларда ҳамда тепазидаги осмон ва ундаги қуёш, ой, юлдузлар ва бошқа гигант махлуқотларда ва уларнинг ишлашида фикр юритса, теварак-атрофга иймон нури ва ибрат кўзи билан боқса, мўъжизавий оламда яшаётганини ҳис этади. Бу унга эстетик лаззат бағишлайди. Ийманий қувватини оширади. Ҳар кимнинг ёнида бош эгиб сажда қилмайди, илло шу борлиқни йўқдан бор этган ва бошқараётган Холиқ қошида бош эгади. Тафаккур бахшлаган лаззат билан у доим қувончда яшайди. Агар иймон нури ўчмаса, ибрат кўзи кўр бўлмаса, тафаккур олати ишдан чиқмаса, инсон ҳар қандай танг аҳволда ҳам ҳамини яйраб, қувончда яшайди.

Муҳаббат – Неъмат. Муҳаббатсиз қалбнинг мисоли: зулматли тунда, қоронғи уй ичида, қора тупроққа қоришган қоп-қора қаттиқ тошга ўхшашдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўп сураларида муҳаббатга оид оятларни келтирган. Жумладан Яратгувчининг Ўзи тақводорларни, ҳаромдан сақланувчи парҳезкорларни, покиза инсонларни, сабр-матонатли мўъминларни, саховатли муҳсинларни яхши кўришини баён қилган. Шунинг билан биргаликда мутакаббирларни, фосиқ-бузғунчиларни, хоин ва исрофгарларни ёмон кўришини очиқ эълон қилган. Диннинг ҳақлигини била туриб ортга қайтиб кетувчиларга

қарата: ﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَن يَرْتَدَّ مِنكُمْ عَن دِينِهِۦ فَسَوْفَ يَأْتِي ٱللَّهُ بِقَوۡمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُۥٓ﴾

﴿Эй мўъминлар, ораларингиздан кимки динидан қайтса, яқинда Аллоҳ Ўзи яхши кўрадиган ва улар ҳам Аллоҳни яхши кўрадиган бир қавмни келтирур...﴾ деб итоб этди.

Ўз Яратгувчисини таниб Уни яхши кўриш, У суйган амалларни ва У суйган кимсаларни суйиш Неъмат.

Шунингдек аҳли аёл, фарзандларни суйиш Неъматдур.

Росуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашди:

– Ё Расулаллоҳ, сиз учун энг севимли инсон ким?

– Оиша.

– Эркакларданчи?

– Унинг отаси.

Термизий ривояти.

Кўнгил тусамаган таомни ейиш, ёқтирмаган либосни кийиш, суймаган кишиси билан умргузаронлик қилиш, жирканган кимсага маҳбубларга аталган сўзларни тақдим этиб мақташ ва умуман муҳаббатсиз ҳаёт кечирishi жуда оғир. Бундай ҳолатга тушган кимса ҳаёт мазасидан маҳрум.

Муҳаббатнинг жиловини бўшашиб юбориш эса баайни ҳалоқат.

Шунингдек нафрат ҳам Неъматдир. Қалбда шайтонга ва шайтанат оламига нисбатан нафрат бўлмоғи қалбнинг ҳаёт эканига ёрқин аломатдир. Балки соғлом қалбга хос хусусиятдир.

Неъматлар ҳақида гап кетар экан, албатта, албатта улар орасида ёшлик неъматини алоҳида эслаш лозим-лобуд. Ахир бетакрор бу марҳалада инсон ўз келажаги учун пойдевор қўяди-ку. Шу пойдевор устига ҳаёт биноти қурилади. Асос мустаҳкам бўлса, бино ҳам мустаҳкам, асос заиф бўлса, бино ҳам заиф.

Бешак, навқирон ёшлик бир зумда ўтиб кетадиган Неъматдир. Кимдир ундан унумли фойдаланади, кимдир йўқ. Кимлардир умуман зое кетказади. Шунга кўра Қиёматда даставвал бериладиган савол ёшлик ва уни қандай ўтқарилгани ҳақида бўлади.

Ўғил боланинг ўғилдек улғайиши: жасур, мард, ватанпарвар йигит бўлиб етилиши жамият учун – Неъмат.

Ғайратсиз, рашки ўлган, муסיқа эшитиши билан қил-панглаб ўйинга тушадиган ҳезалак бўлиб етилиши жамият ва ватан учун – Фалокат.

Аёлнинг аёллик хислатларини сақлаб қолиши: ибo, ҳаёга бурканиши миллат учун олтиндан қиммат Неъмат.

Ёшлик неъмат бўлганидек, кексалик ҳам Неъмат. Мўйсафиднинг ўзи учун ва ёш авлод учун неъмат. Ёш авлод уларнинг ҳаёт тажрибасидан фойдаланса, кексаларнинг ўзи охираат сафарига ҳозирлик кўриш учун фойдаланишади.

Кексалик охираат тадорики учун энг қулай фурсат. Илоҳий ҳикмат тақозоси билан бу ёшда инсондан ёшликда берилган жамол, куч-қувват каби кўп неъматлар тортиб олинади. Тоинки узоқ сафарга бемалол ҳозирлик кўрилгай.

Ўйлаб кўринг, 80 ёшга кириб, мангу сафари яқинлашиб қолган чол ёш йигитдек қувватга эга бўлса, соч тим қора, қомат келишган, куч билакка сизмайди. Тишлар бодомни қарсиллатиб чақаяпти. Унга ажратилган вақт эса тугаб бормоқда. Нималар содир бўлиши мумкин?..

Охираат сафарига астойдил тайёргарлик кўриш ўрнига йўлдан озиб, ёшлардек дунёга шўнгиб кетмайдими?

700 йил муқаддам яшаб ўтган донишманд: "Энг ёмон адашиш манзилга етиб келгандаги адашишдир", деган экан.

"Инсонга инъом этилган ҳаёт – Неъмат" дедик. Шунингдек, Иймон-Ислом, соғлик-саломатлик, озиқ-овқатларни неъматлар сарасида санаб ўтилди. Моддий ва маънавий лаззатлар ҳақида гап кетди. Ҳа, Буюк Яратувчи бандалар устидан ҳар турли лаззатларни қўйиб ташлаган. Тешик томоқ, тешик қулоқ ва турли кавак, ўйиқлардан ташкил топган инсон боласи ўз ичига алланарсаларни киргизиб ва алланималарни чиқариб лаззат топади. Эшитиб, сўзлашиб, нафас олиб, ҳидлаб, кўриб, томоша қилиб, ўқиб, ўйлаб, ушлаб, чайнаб, ютиб, чиқариб, ухлаб ором олади, лаззатлана-

ди. Буларнинг бари неъмат ва инсон ушбуларнинг баридан масъул. Унга келган ибтило ва фитна ҳам айни шу борада...

Энди ўша ҳаёт ичидаги энг юқори ва энг лаззатли Неъмат, Иймон-Исломга мушарраф бўлган кимса учун энг шарафли, саломатлик қадрига етган донолар учун энг қимматли, таомлар ичида энг тотли ва суюмлиси бўлганидек, ақл-идрок инъом этилган донишманд зотлар учун маънавий озуқалар ичида энг тотли, суюмли ва лаззати давомли икки Неъматни ҳам айтиб ўтишимиз лозим.

У азим ва қадим неъматнинг биринчиси: улуғ Аллоҳга муножотдир. Жаннатнинг ўзи неъмат, лекин Жаннат ичидаги энг буюк неъмат Аллоҳ жамолига боқиш. Шунингдек, ҳаётнинг ўзи неъмат, лекин ҳаётдаги энг буюк неъмат Аллоҳ даргоҳида қоим, рокеъ, сожид бўлиб роз айтишдир. Унинг оятларини ўқиб, Ўзига мурожаат қилиш, У тайин этган вақтни интиқиб кутиб, Байтуллоҳда – масжидларда жамоат бўлиб, хушув-хузув билан намоз ўқишдир. Устмауст осмонларни, остин-устун ерларни яратган улуғ Холиқ хузурида бош эгиб намоз ўқиш, эрта-ю кеч, туну кун – тонг отгач ва кеч киргач дил ва тил билан Унинг зикрини қилиш лаззати дунё лаззатларидан лаззатлироқ. Ер Осмон устуга чиқолмаганидек, шахвоний лаззат ҳам руҳоний лаззатдан устун бўлолмайди.

Масжидга эрта яёв боришнинг, намозни кутиб ўтиришнинг ва хонақоҳдан охирги бўлиб чиқишнинг ўз лаззати бор. Биринчи сафда намоз ўқишнинг ҳаловати бор. Тунда туриб, ёлғиз намоз ўқишнинг ўз лаззати бор. Бу лаззат ва ҳаловатни татиганлар унинг нечоглик неъмат эканини жуда яхши билиб, айрилиш алаmidан қаттиқ чўчийдилар.

Иккинчиси, Жаннатга ҳеч қийналмасдан, бемалол, соғомон кирадиган мўъминларга хос Неъматдир. У хос Неъматни сардоримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага илк қадам қўйган онларида айтгандилар.

Мадинаи мунавварада дастлаб янграган ҳадиси шариф ушбу муборак сўзлардир: "Эй одамлар!

1- Орангизда Саломни ёйинглар,

2- (Мискин-бечораларга) таом едиринглар,

3- Одамлар ухлаётган қаронгу тунда намоз ўқинглар, шунда Парвардигорингиз Жаннатига соғ-омон кирурсизлар".

Ҳасан Басрий бозорга эрта келиб, кеч қайтадиган одамларнинг кун тартибига ҳайрон қолиб: "Булар кундузи бироз ухлаб олмаса, тунда қандай намоз ўқийди", дегандилар.

Олимлардан бири: "Ё Раб, мени ҳар нарсадан айирсанг ҳам, тунги намоз, саҳардаги тавба-истиғфор, муножотдан айирма. Хонумоним совурилиб, бор-будимдан жудо бўлсам ҳам, саҳардаги дуо, илтижодан жудо қилма", деган экан.¹

¹ Мўъминнинг синалиши муқаррар. Синов ё молига ё жонига ёки фарзандлари, ёки ўз обрўсига келиши мумкин. Синов келмаган кишида хайрият йўқ. Буни англаб етган мусулмон олими ва шоир ҳамма нарсадан айрилишдан кўра, тунги намоздан, саҳар пайтида истиғфор айтиб, тавба қилишдан айрилишни оғир жудолик деб билипти. Бунинг бир неча сабаблари бор. Шулардан энг асосийси: кўлдан кетган ҳар бир нарсани қайтаришнинг имкони ва иложиси бор. Аммо санокли умрни қайтариб бўлмайди. Умр ичидаги энг бебаҳо лаҳзалар эса саҳарда Аллоҳга дуо қилиш ва истиғфор айтишдир. Тунда намоз ўқиб, саҳар пайтида истиғфор айтувчи бандаларни Аллоҳ Куръонда мақтаган. Зориёт сурасининг 18 оятига қаранг. Ва бу муборак лаҳзаларда дуо ижобат бўладиган соатлар мавжуд. Демак, тунги ибодатдан, саҳардаги дуодан айрилмаган киши Аллоҳга боғланиш орқали кўлдан кетган ҳар бир неъматни қайтариш имконига эга бўлади. Зеро бу пайтда, ҳадисда хабар берилишича, Аллоҳ: "Сўровчи борми, сўровини бераман, истиғфор айтувчи борми, гуноҳидан ўтиб мағфират қиламан", дейди.

*"Аллоҳни топганлар не йўқотибди,
Аллоҳни йўқотган не ҳам топибди?!"*

Иккинчи сабаб, ибодат лаззати, яъни маънавий лаззат ҳиссий лаззатдан тотлироқ ва давомлироқдир. Яссавий ҳикматларида келади:

Саҳар вақти хуш соат,
Турганга бўлғай роҳат,
Очилур давлат содат,
Саҳар вақти бўлғанда.

Иймон шамъин ёндурсанг,
Рух қушини куйдирсанг,
Худойингга сиғинсанг,
Саҳар вақти бўлғанда.

Ўтмишда яшаган чўрилардан бири саҳар пайти шошиб уйғонади ва янги хожасининг эшик-деразасини ҳовлиқиб таққиллатади.

– Вой шўрим, ухлаб қолибмиз, тура қолинг-а-а-а-р!!! – деб уларни намозга уйғотади.

– Бомдод намозига азон айтилдими? – деб сўрайди уй эгаси уйқусираб.

– Йўқ. Кечанинг охирги уч қисми тугай деб, саҳардаги истиғфор пайти ниҳоялаб қолибди, – дейди чўри.

– Бомдод қазо бўлдимикин деб ўйлабмиз.

– Ҳали сизлар фақат фарз намозини ўқийсизлар, холосми? Таҳажжуд, саҳардаги истиғфор нима бўлади?.. Мени илгариги хожамга қайтаринглар. Уларнинг туни куни каби ибодат билан мунаввар эди, – деб ёш боладек йиглайди.

Ўлим неъматми ё неъмат эмасми?

Бу саволга бойлик ва фақирликка берилган жавоб тарзида жавоб бериш ўринли. Ўлим ҳам, кимга қандай.

Ўлимнинг неъмат ё неъмат эмаслиги шахсларга ва уларнинг қандай ўлишига боғлиқ. Ҳар нарсанинг арзон ва қиммати бўлганидек, ўлимнинг ҳам арзон ва қиммати бор. Ўнлаб паиша ўлиб кетса, ҳеч кимнинг парвойига келмайди. Бир дона товуқ ҳаром ўлиб қолса, эгасининг ичи ачийди. Кўй ёки мол ҳаром ўлса, эшитган ҳар бир кишининг жони ачийди. Раҳми келиб, кўнгил сўрайди. Ўргатилган зотдор, қимматбаҳо ит ўлиб қолса, кўпчилик "увол кетди", деб койинади. Қутурган итнинг ўлиmidан ҳамма суюнади. Гоҳида "қачон ўларкин", деб ҳамма бирдек кутади.



Ҳар кун куёр бу жоним,
Қулликсиз йўқ дармоним,
Сен кечургил гуноҳим,
Саҳар вақти бўлғанда.



Қул Хожи Аҳмад, соате,
Бир зарра йўқ тоати,
Зикри жоннинг роҳати,
Саҳар вақти бўлғанда.

Инсонларнинг ўлими ҳам шунга ўхшаш: ҳеч кимга манфаати тегмайдиган, ҳамманинг ишига бурнини суқадиган хира кишиларнинг икки-учтаси ўлиб кетса, гўё паиша ўлгандек ҳеч кимнинг парвойига келмайди. Бировга зиёни ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишилар ўлиб қолса, ўз яқинларидан бошқаси қайгурмайди.

Маҳалла-кўй ичида ҳаммага ёрдами тегадиган, ҳали унга кўмакка шошган, ҳали бунга ёрдам кўлини чўзган, каттани катта ўрнида кўриб эъзозлаган, кичикни кичик билиб шафқат қилган кишилар оламдан ўтса, эл-юртига, миллати ва умматига хизмати синган олийжаноб инсонлар ҳаётдан кўз юмсалар ҳамма бирдек кўз ёш тўқади. Эл-юрт аза очади. Ортидан дуо қилади. Ҳар қачон унинг номини эшитишганда "Аллоҳ раҳмат қилсин, жойи жаннатда бўлсин...", деб дуо билан эслашади.

Имом Бухорий вафотларига ўн икки аср ўтишига қарамай бутун дунёдаги мусулмонлар у зотнинг номларини эшитганда "раҳматуллоҳи алайҳ" деб тараҳҳум айлайди.

Саҳобалар оламдан ўтганига ўн тўрт аср ўтса ҳамки ҳар бир мўъмин уларнинг номини эшитган заҳоти "розияллоху анху", деб дуо билан ёдлайди.

Башарият устози пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга муомала бутунлай бошқача. У зот номларини эшитган одам тўлқинланади, кўришга иштиёқи ортади. Эрта-ю кеч у кишига салом йўллайди. Бошқа пайгамбарлар номини тилга олганда ёки эшитганда уларга ҳам салом айтади. Ахир Аллоҳ таолонинг ўзи уларга Қуръоннинг бир неча жойида "салом" деб айтган.

﴿ وَسَلِّمْ عَلَى الْمُرْسَلِينَ ﴾ ﴿ Пайгамбарларга салом бўлсин. ﴾

Мана буни қиммат ўлим дейилади. Бу каби шарафли, гўзал хотима ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Унинг ўз

харидорлари, ҳавасманд, талабгор ишқибозлари бор. Айрим кишилар ақлини танигандан бери шу қимматбаҳо хотимани Яратгувчидан ўтиниб сўрайди. Ақлни таниш эса ҳар кимга ҳар хил ёшдан насиб қилар экан. Кимнингдир ақли балозат ёшига етганда кирса, кимники боши деворга урилганда кирар экан. Кимлардир ақлсиз қуруқ хумбош билан ўтиб кетар экан.

Ҳаммани бирдек йиғлатган ўлим қиммат ўлим. Бу каби ўлим маййит учун – Неъмат ва Неъматлар мамлакатига дарвоза.

Безори, баттарин, бадкирдор ва ситамкорларнинг ўлимини катта-ю кичик интиқиб кутади. Ҳаммани бирдай суюнтирган ўлим маййит учун ниқмат ва шақоват зиндонига алангали йўл, қолганлар учун неъмат.

Бу қисқа арз билан неъматлар рўйхатига нуқта қўймаймиз. Аслида неъматлар силсиласининг чек ва ниҳояси бормики, унга нуқта қўйилса?! Санаб ўтганларимиз неъматлар диёрининг кичик кулбаси остонасида ярқираб кўзга ташланганлари, холос. Ташибеҳ қилиб айтганда, ариқдан жилдираб оқиб, тарнов орқали катта ҳовузга қуйилаётган сув. Ичкарига кирсангиз неъматлар бўстонига дуч келасиз, ундан кейин уфқни тўсган неъматлар қасри қаршингизда намоён бўлади. Қаср ортида неъматлар денгизи мавж уради. Бўлимсиз бир гарибнинг ўз бўлмасида битган басит битиклари, пала-партиш ёзуви унга урвоқ ҳам бўлмайди.

Котиблар одатига биноан сардафтар бошида қисқа ҳамд, енгил ташаккур ва бир-икки оғиз тақдирлов билан кифоялансам бўлар эди, лекин Раб таолонинг неъмат ҳақида сўзлаш ва эслашга бўлган фармонининг татбиқи ва инъомларга эътироф ўлароқ ҳамда шукр ўрнига шикоят, мамнуният ўрнига нафрат кўпаяётгани боис, аввало ўзимга, қолаверса мусулмон оға-иниларимизга эслатма-ю намуна тариқасида шукрона фаслда биров кўпроқ тўхташга эҳти-

ёж сездим. Қочоқ, қувгун ва маъзул неъматлар қайтиб қолар, қўлдагиси қочиб кетмас, деган илинже ва яхши ният мени бир дам тарк этмай ёзишга ундади. Маъзур тутасиз.

Азизлар, энди, қўлингиздаги намунадан андоза олиб, ўзингизга инъом этилмиш неъматларни бирма бир ҳисоблаб чиқинг. "Илоҳо, уни бер, буни бер", дейишдан олдин, "Илоҳо, уни бердинг, буни бердинг, Ўзингга шукр, Ўзингга ҳамду сано", деб неъматларни дилдан тилга чиқаринг. Бу ҳам бир нав шукр, бир нав дуо. Шунга кўра неъматларни бирма бир санаб чиққан жойим эди. Балким, неъматларни бу тарзда сарбасар зикр қилиниши кимгадир зерикарли туюлар, лекин доно кимсаларни мароқлантирмоғи турган гап. Кимгадир неъматлар саноғи чўзилиб кетганга ўхшар, аммо оқиллар учун бу узундан узун баён Неъмат ҳақидаги катта достон учун кичик дебочаликка ярайди, холос.

Ҳа, айтмоқчи, инсон ўзидаги ҳар бир бўғим учун садақа тўлаши лозим. Инсонда эса 360¹ та бўғим мавжуд.

Ҳайратингиз ошмасин. "Шунча пулни қаердан оламиз?", "Топган тутганимиз садақага кетиб қолади-ку?", деб изтиробга тушманг. Ахир шу аъзолардан бирон бири шикастланса, дарҳол дорига пул чиқарамиз-ку. Соғлиққа путур етса, анча-мунча дунёнинг баҳридан воз кечамиз-ку. Топган-тутганининг устига яна қарз ҳавола қилиб, дўхтиру дорига чапланади-ку? Шундай экан, аъзолар соппа-соғ, бус-бутун чоғида шукрона ҳаққини чиқариш авло эмасми?

Албатта авло!

Лекин маблағ масаласи кўпни ўйлатиб кўяди.

Хавотирга ўрин йўқ. Гап пулда эмас, гап бошқа ёғда.

عَنْ أَبِي الْأَسْوَدِ الدُّؤَلِيِّ عَنْ أَبِي ذَرٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «يُصْبِحُ عَلَى كُلِّ

¹ «ابْنُ آدَمَ سِتُونَ وَثَلَاثُمِائَةَ مَفْصِلٍ عَلَى كُلِّ وَاحِدٍ مِنْهَا فِي كُلِّ يَوْمٍ صَدَقَةٌ» деган хадисга асосланиб айтилди.

سَلَامَتِي مِنْ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ فَكُلُّ تَسْبِيحَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلُّ تَحْمِيدَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلُّ تَهْلِيلَةٍ صَدَقَةٌ وَكُلُّ تَكْبِيرَةٍ صَدَقَةٌ وَأَمْرٌ بِالْمَعْرُوفِ صَدَقَةٌ وَنَهْيٌ عَنِ الْمُنْكَرِ صَدَقَةٌ وَيُجْزَى مِنْ ذَلِكَ رُكْعَتَانِ يَرْكَعُهُمَا مِنَ الضُّحَى

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда жанобимиз ﷺ шундай марҳамат қиладилар:

"Тонг отганда, ҳар бирингизнинг ҳар бир бўғими (аъзо бўлаклари) учун садақа лозим бўлур.

Ҳар бир тасбеҳ – садақа,

Ҳар бир таҳмид – садақа,

Ҳар бир таҳлил – садақа,

Ҳар бир такбир – садақа.¹

Яхшиликка чақириш, ёмонликдан қайтариш садақадир.

Чошгоҳда ўқилган икки ракаат намоз шуларнинг ҳаммасининг ўрнини босиб кетади".

Абу Довуд "Сунан"ларида қуйидаги лафз билан келган:

– ... Йўлиққан кишига салом бермоғи – садақа,

Яхшиликка ундаши, ёмонликдан ман қилиши – садақа,

Йўлдаги озорни олиб ташлаши – садақа,

Жуфти ҳалолига қўшилмоғи – садақа.

Икки ракаат Зуҳро намозини ўқимоқ мазкурларнинг барига кифоя қилур.

– Ё Расулаллоҳ, ўз аёлида шаҳватини ўташ садақа бўладими? – деди мажлисдагилардан бири.

– Агар (белини) ҳаромга бўшатса, гуноҳкор бўладими?! – деб саволга савол билан жавоб бердилар.

¹Тасбеҳ – "Субҳаналлоҳ" деб айтмоқ.

Таҳмид – "Алҳамду лиллаҳ" демоқ.

Таҳлил – "Ла илаҳа иллаллоҳ" демоқ.

Такбир – "Аллоҳу акбар" деб айтмоқ.

Демак, ҳадисдан мақсад ҳар бир бўғим – аъзо бўлаклари учун фалон дийнор-дирҳам ўндириш эмас, балки хайрихоҳликка ундов экан. Эзгу амалларга ҳар кун фаол қатнашишга чақирув. Энг асосийси тўрт мучани соғ қилган Холиқ инъомини тан олиб, ҳар тонг эслаш ва шукрона ўлароқ эрталаб икки ракаат Зуҳро намозини адо этишга тарғиб.

Росулуллоҳ ﷺ дедилар: "Банда Аллоҳ инъом этган неъматни Аллоҳдан эканини билиб, тан олса, хали шукр қилмасдан олдин Аллоҳ унинг шукрини ёзиб қўяди".¹

Мусо алайҳиссалом Тур тоғида Аллоҳ таолога шундай деган эканлар: "Ё Раб, агар мен намоз ўқисам, Сенинг тавфиқинг билан ўқийман, садақа берсам, Сенинг фазлу марҳаматинг билан бераман, рисолатингни етказсам, Ўзингнинг мададинг ила етказаман. Буларнинг ҳаммаси Сендан-ку, бу ҳолда мен Сенинг шукрингни қандай адо этаман?". "Ана энди шукр қилдинг, Мусо", дейди Парвардигори олам. * Яъни дилдан қилинган эътирофни Аллоҳ "неъматга шукр" деб қабул қилди.

Ислом шахсларни тарбиялар экан, нафақат ўзидаги неъмат учун, балки ўзгалар неъматини учун ҳам шукр айтишга ундайди. Касал шифо топса, унинг қувончига шерик бўлишга, ишсиз иш топса, унинг учун суюнишга, уйсиз бошпанали бўлса, ўзи уйли бўлгандек қувонишга, мазлум банди озодликка чиқса, хурсанд бўлишга, бунинг учун дилдан шукрона айтишга, чин қалбдан суюнишга кундалик дуо-зикр орқали ўргатади ва одатлантиради. Росулуллоҳ ﷺ дедилар:

" مَنْ قَالَ حِينَ يُصْبِحُ اللَّهُمَّ مَا أَصْبَحَ بِي مِنْ نِعْمَةٍ أَوْ بِأَحَدٍ مِنْ خَلْقِكَ فَمِنْكَ وَحَدِّكَ لَا شَرِيكَ لَكَ، فَلَكَ الْحَمْدُ، وَلَكَ الشُّكْرُ، إِلَّا أَدَى شُكْرَ ذَلِكَ الْيَوْمِ "

"Кимки, тонг отган паллада: "Аллоҳумма, ма асбаҳа

¹ Ибн Ражабнинг *جامع العلوم والحكم* номли китобларидан.* Айни масдар.

*бий мин неъматин ав биаҳадин мин холқик фаминка ваҳ-
дак, ла шарика лак, фалакал ҳамду ва лакаш-шукр"деса, шу
куннинг шукрини адо этибди".*

*Тун киргач, "ма асбаҳа" нинг ўрнига "ма амса" дейилади.
Дуонинг мазмун моҳияти: "Илоҳо, мен билан тонг оттир-
ган ёки бирор бир банданг билан тонг оттирган неъмат
фақат ёлғиз Сенинг Ўзингдандир. Сенинг шеригинг йўқ. Бас,
ҳамду сано ва шукру (беинтиҳо) ҳам Сенинг Ўзинггадир".*

*Диққат қилинг, мўъмин тонг саҳарда кўз очиб, янги
ҳаётга қадам кўяр экан, даставвал: "ўзимга ёки ўзгаларга
берилган неъмат Аллоҳдан"деб, неъмат Аллоҳдан эканини
эътироф этади ва ўзгалар неъматини учун ҳам шукр айтади.
Бу билан ҳасаднинг олди олиниб, бирдамлик алоқалари
мустаҳкамланади. Тонги ва тунги шукрона дуосини ҳамини
дилдан айтиб юрган киши гайр молига кўз олайтирмайди.
Ўзганинг уйига, кийимига, безагига, маркабига, хотинига
суқ назар билан қарамайди. Кўшни кўшнисининг ютиги
учун куюнмайди, суюнади. Ака уканинг мувофаққиятидан
кувонади. Устозлар, шогирдлар, тенгдошлар, синфдошлар,
маҳалладошлар, шериклар, ҳамкасблар, домлалар, имомлар
бир бирларига ҳасад билан эмас, ҳавас билан боқадилар.
Фақир бойнинг қон қусишини кутмайди, бой фақирни огир
аҳволга ташлаб кўймайди. Шерик шериги топган мол-дунё,
обрўга куйинмайди, унга берилган неъмат учун шукр айта-
ди, агар, (агардан кейинги шартга эътибор беринг), агар
улар юқоридаги ҳадиснинг маъносини тушуниб етган бўлса-
лар. Дунё ҳақиқатини англаб, вужудлари иймонга айланган
бўлса. Дуо тилдан эмас, дилдан чиқса. Йўқса, ҳавас эмас
ҳасад урчийди. Одамзодга бўри хужуми, тулки ҳийласи,
илон захри ортиқча. Ёвуз инсон зарари ёввойи ҳайвон
зараридан ўтиб тушади. Табиий офат ўрнига тенгдош
офати етиб ортади. Уларга бошқа балонинг кераги йўқ.*

Ўз неъматини ва ўзгалар неъматини учун шукр айтишлик

қалбга хотиржамлик бағишлайди. Кўролмаслик эса қалбни қабрга айлантиради. Ўнги-ю тушида ҳаловати йўқолади.

– Хўжайин, фалончи янги машина олибди, – дейди хотин эрига.

– Ҳмм, бир неча кундан бери нега ёмон туш кўряпман, жуда безовтаман, десам, гап бу ёқда эканда, – дейди эр.

Ўзгалар неъматни учун шукрона айтишига ундов Ислом динининг гўзал таълимотларидан. Етти ёт бегона ёки ўз яқинининг неъматига ҳамма ҳам чин дилдан шукр айтиши қийин. Бу, фақат Иймон қалбу қолибини эгаллаган малакнамо пок башарга насиб бўлмиш юксак даражали амалдир. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, мусулмонлар 1432 йилдан бери ҳар Ошуро кунини Мусо ﷺ ва қавмининг нажотига шукрона ўлароқ рўза тутишади. Тарихда ўтган мазлумларнинг зулмдан қутулишига қувонадилар, шукрона айтадилар.

Неъматлар силсиласини тенги йўқ бир Неъматни қайта эслаш билан яқунлайман. Зеро уни бот-бот эслаш, тез-тез эслатиш Қиёматни қаршилаётган уммат учун зарур деб биламан. У бебаҳо Неъмат Ислом неъматидир. Бу оламда унга баробар келадиган неъмат йўқ.

Инсонга ҳамма нарса берилса: соғлик-саломатлик, куч-қувват, жамол, уй-жой, илм, мол-дунё, мансаб, мартаба, обрў, ўғил-қиз, аёл, маркаб ва узоқ умр каби буюк неъматлардан катта насиба берилса-ю, Ислом неъматидан маҳрум этилса, демак у кишига ҳеч нима берилмабди. Ҳатто Сулаймон мулкидек мулкка эга бўлиб, дунёда ёлғиз ўзи яқка ҳокимлик гаптини сурса ҳам, подишоҳликни эплаб-сеплаб, алдаб-сулдаб чўзса ҳам, агар унга Ислом неъматини тортиқ қилинмаган бўлса, демак, унга ҳеч нима берилмабди.

Арзимаган ўткични дунё матосига мастларча қувониб, дўппини осмонга отиш ўрнига, дўппини ерга қўйиб, танамизга ўйлаб кўрайлик. Вақт борида, кечикмай, пайсалга

*солмай чинакам неъмат нима ва қаерда эканида тафаккур
этайлик...*



Хулоса:

(Юқорида ўтган неъматлар борасидаги сўзларнинг хулосаси).

❁ *Инсонга моддий ёки маънавий манфаат келтирган ҳар бир моддий-маънавий, катта-кичик нарса Неъматдир.*

❁ *Неъматга шукр ҳам фарз, ҳам қарз.*

❁ *Шукр неъматнинг зиёда бўлишига асосий омил.*

❁ *Неъматлар ҳақида фикр юритиш неъмат берувчини танитади ва Унга яқинлаштиради. Неъматига боқиб, қудратини кўрасиз, инъомларидан баҳра олиб, раҳматланасиз.*

❁ *Озига шукр қилмаган, кўпига шукр қилмайди.*

❁ *Озга қаноат қилмаган, кўпга тўймайди.*

❁ *Кўрнамак инсонгина туз еб тузлизига тупуради.*

❁ *Беандиша бевурдгина неъматни инкор этади.*

❁ *Илоҳо, ҳеч банда зориқмасин-у, лекин баъзан зориқиш ва етишмовчилик неъмат қадрига етишда кўмаклашади.*

❁ *Доно кимса мусибат ва хатодан оқилона фойдаланиб, кўнгилсизликни неъматга айлантириши мумкин. Бу эса ундан етук заковат ва иймоний маҳорат талаб қилади. Бунга муваффақ этилганлар суви қочган қаттиқ нон еб юмшоқ нон чайнаб маза олмаган кишидан кўра кўпроқ лаззат оладилар. Куруқ бетонда ўтириб, қат-қат кўрпача устидаги кимса топмаган ҳаловатни топадилар. Мусибат Унинг йўлида келса, ҳаловати янада ортгай...*

❁ *Юқорида намоиш тарзида баён этилган неъматлар кимдадир мавжуд, кимдадир мафқуд. Баъзи бир неъматларга кўплар орзуманда. Кичик бўлмаган тоифа рўйхатдаги баъзи неъматни анқонинг уруги деб, ноумидликка таслим*

бўлган. Айримлар неъмат ва шукр ҳақида бош қотирмайди.

✿ *Неъматга эгалар уни шукр билан маҳкам боғлаб, кўз қорачигидай авайлаб асрайсин. Маҳрумлар эса Муниъмга истизфор билан тақарруб ҳосил қилиб, қўлдан кетганини тавба тазарру билан қайтаришга уринишсин...*

✿ *Неъматга шукр оғизда қуруқ "шукр" дейишининг ўзи билан рўёбга ошмайди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг тунни билан намоз ўқишларидан таажжубланган Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: "Аллоҳ сизнинг аввалги ва охириги гуноҳларингизни мағфират қилган-ку...", деганларида, أَفلا أكون عبداً شكوراً" (Шу неъматларга) шукр қилувчи банда бўлмайми?" деб жавоб берганлар.*

Бу муборак ҳадисдан шариат олимлари истинбот чиқариб: "Аллоҳ неъматларига шукр қилиш учун лафз билан айтилган шукронанинг ўзи кифоя қилмайди. Шукр таҳқиқ топиши учун уч босқични босиб ўтиш даркор, – дейдилар.

У босқичлар:

1- Неъмат Аллоҳдан эканини дилдан эътироф қилиш.

2- Тилда ҳамду сано ва шукр айтиш.

3- Тамбиқий равишда амалга ошириш.

Тамбиқий амал уч нарсадан иборат.

1- Фарз-вожиб амалларни – Аллоҳ буйругини бажариш.

2- Қайтарган муҳаррам амалларидан тийилиш.

3- Мустаҳаб амалларни кўнайтириш.

Чунки Росули Акрам соллalloҳу алайҳи васаллам кундузи билан Аллоҳ тоатида юришларига қарамай, умр бўйи муҳаррам амалларга қўл урмаган бўлсалар ҳам, бу икки буюк амални илоҳий инъомлар шукрига етарли деб билмадилар. Ва Оиша онамизнинг таажжужубларига "(Шу неъматлар-

га) шуқр қилувчи банда бўлмайманми?" деб тунда ибодат қилдилар.

Шунга биноан баркамол, олийжаноб мўмин фарз, суннат амалларидан ташқари нафл ибодатларни ва мустаҳаб амалларни кўпайтиради ва бу билан чинакам шуқр томон илдам қадам босган ҳисобланади.

Тубандаги беш сабабнинг бири туфайли киши неъматдан айрилиши мумкин.

1- Неъматнинг шуқри адо этилмаса.

2 - Маъсият ва гуноҳ кўпайса.

3 - Неъматга нонкўрлик боис нолайиқ топилса.

4 – Имтиҳон ва синов учун. Қани, сабр қилармикин ...

5 - Ёки ҳар ишида ҳикмати бор Аллоҳнинг Ўзига маълум етук ҳикматлар сабабидан.

Шунга кўра Одам жаннатдан чиқарилди, Росули Акрам ватандан, Юсуф отадан, Айюб соғликдан айрилдилар...

Шундай экан, банда ҳар қандай ҳолатда ўзини ҳақиру хокисор тутиб, истиғфор ва тавбани кўпайтириши, фақат Ягона Аллоҳга дуо, илтижо, ҳамду сано, шуқр айтиб, амали солиҳ – эзгу амаллар билан Унга тақарруб ҳосил қилишга уринмоғи лозим. Фурсат жуда оз. Умр калта. Ақлли одам бу оз фурсатдан оқилона фойдаланади. Беақл эса ўткинчи дунёга алданиб, зафлатда ўтади.

❁ Ушбу неъматларнинг бир донасигина неъмат берувчи Аллоҳни танишга, Уни яхши кўришга, Ундан кўрқишга кифоя қилади. Ҳа, атиги бир неъмат ақлли инсон учун улуг Яратувчини таниб, Унга иймон келтиришга етарли. Ахир ташналикдан оғиз қуриб, томоқ қақшаб турганда нотаниш кимса келиб ярим коса сув берса, шу ярим коса сув унинг борлигига ва олийжаноблигига далолат қиладику.

Косалаб олсанг ҳам тугамайдиган, олишингга ўрни тўлиб қоладиган булоқ, қудуқ, ариқ, сой, дарё, денгиз, уммон, ёмғир қорлар Аллоҳнинг борлигига, бирлигига, буюк, бағоят карим, саховатли Зот эканига далолат қилмайдими?!

Ўша сувдан инсоннинг турли-туман таомини пайдо қилиш ва у озуқалар бағишлаган қувват ва лаззат ҳосиласи, яъниким қатра сувдан инсоннинг ўзига ўхшаш янги бир инсонни яратиш, бошқача таъбир билан айтганда, қатор-қатор, ширин-шакар фарзандлар ҳиба этиш Унинг қудратига ва раҳматига, илми-ю ҳикматига далил эмасми?! Шундай қудратга ва раҳматга, илм ва ҳикматга эга яна ким бор?!

❖ *Бир дона неъмат доно кимса учун маъсиятдан тийишлишга кифоя қилади. Иброҳим Адҳамдан бир ёш йигит гуноҳ қилишга изн сўраб келади.*

– Аллоҳ кўрмайдиган жойда қилавер, – дейдилар.

– Аллоҳ кўрмайдиган жой йўқ-ку? – деб ҳайратланади у.

– Бўлмаса, Унинг Еридан чиқиб кетиб, бошқа ерга борда билганингни қил.

– Ҳамма ер Аллоҳнинг мулки-ку, қайга боришим мумкин?

– Ундай бўлса, Унинг ҳамма неъматини қайтариб бергинда, кейин нима қилсанг қилавер, ихтиёр ўзингда.

– Бунинг иложи йўқ, ахир турган-битганим неъматку? Ҳатто менинг ўзим, кўлим, кўзим Унинг неъматини-ку.

– Агар Аллоҳ кўриб турибди деган эътиқодда исён қилсанг, юзсиз экансан, неъматини тан олиб туриб гуноҳига ботинсанг, нонкўр экансан. Исён қилма, нонкўр бўлма.

❖ *Кимгаки неъмат берилиб, шукрдан маҳрум бўлса, унга яхшилик ирода этилмабди. Бас, у кимса ақлини ишлатсин, амалини ўнгласин. Кимгаки неъмат билан бирга шукр ҳам инъом этилган экан, унга яхшилик ирода этилибди. Бас, у шу йўлда собит турсин, зеро бу йўл завол топмас мангу неъмат-*

лар диёрига олиб боради.

✿ *Банда доим икки нарсанинг орасида яшайди. Бири, Холиқ хузуридан узлуксиз индирилган неъмат. Иккинчиси, банда томонидан кўтарилган маъсият. Ҳа, раҳмли Аллоҳ тинмай инъом этади, банда эса тинмай гуноҳ қилади. "Тинмай инъом этади" деганимиз шунчаки айтилган сўз эмас. Киприк қоққун қадар муддатга юрак уришдан тўхтаса, бир неча дақиқа нафас йўллари бўғилса, шиддат билан одим ташлаб кетилаётганда кўз кўрмай қолса, бир кеча-кундуз чиқиндилар ичкарида сақланиб қолиб, пешоб келмай қолса, ич қотса, ана ўша пайтда бу ҳақиқат тағизга етилади, шу оғир ҳолатда Аллоҳ неъматлари бандага узлуксиз экани яққол билинади. Бас шундай экан, ақлли киши бошига бу савдолар тушмай туриб, неъматни эътироф этмоғи ва гуноҳини бўйнига олмоғи даркор. Ва ҳаминша тили Аллоҳга шукр ва истиғфор билан банд бўлмоғи керак. Неъматлар учун ҳамду сано, шукр айтади, гуноҳлари учун истиғфор айтиб, тавба қилади. "Алҳамдулиллаҳ" ва "Астағфируллоҳ ва атубу илайҳ" калималари бесамар эмас. Ҳар икки бу қутлуғ калима инсонга у ўйламаган ажойиб натижаларни беради. Биринчи улкан самараси: Раб таолога яқинлаштиради, иккинчиси: кишини поклаб, қалбига роҳат бағишлайди.*

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал яёв дунё кезиб илм таҳсил қилган, таърифдан беҳожат олимлардан. Олим бугунги кунда қандай шухратга эга бўлсалар, ҳаётлик чоғларида ҳам шундай шухратга эга эдилар. Ислом оламининг турли минтақаларидан толиби илмлар келиб ҳадис эшитар, айни пайтда ўзлари ҳам олам кезиб уламолардан таҳсил олар эдилар.

Кунларнинг бирида, олим одатларига биноан ўз юртларидан узоқроқ ерга сафарга чиқадилар. Ярим кечада бир шаҳарга кириб келадилар. Изгиринда қолган олим масжидда тунамоқчи бўлиб, масжид дарвозасини қоқадилар. Ҳа деганда эшик очилмайди. Дарвоза яна тақиллатилади. Ичкари-

дан уйқисираган қоровул чиқиб келади. Имом салом бериб масжидга киришга изн сўрайдилар. Олимни танимаган қоровул дағаллик билан йўқ жавобини бериб, эшикни қарсиллатиб ёнади. Олим совуқдан сақланиш учун узоқ вақт у ёқдан бу ёққа юриб чиқадилар. Бомдодгача шу алфозда тунни ўтказмоқчи бўлган мусофирни совуқ енгади. Эшик яна қоқилади. Ширин уйқуси бузилган қоровул бу гал заабини ютолмай масжид дарвозаси олдидаги нотаниш кимсани итариб юборади. Бундай муомалани кутмаган олим тўсатдан тушган зарбадан ерга қулайдилар. Баджаҳл "посбон" ердаги кишини оёғидан судраб йўлнинг у юзига олиб ўтиб кўяди. Ўринларидан туришларига ёнларидagi эшик очилади. У нонвойхона экан. Ёшироқ истарали йигит эшик олдидаги нотаниш киши билан сўрашиб, ичкарига таклиф қилади. Таклиф бажонидил қабул қилинади. Йигит мусофир кишига жой кўрсатиб, ўзи ишга киришади. Ҳали зувала қориб, ҳали ўтин ёриб юрган йигит тинмай "Алҳамдулиллаҳ, астағфируллоҳа ва атубу илайҳ", дерди. Қўл меҳнатда, тил ҳамду сано, истиғфорда. Йигитнинг чаққон ҳаракати ва тинмай зикр қилишини кўрган олим қизиқиб:

– Бундан бошқа зикрни ҳам биласизми, – деб сўрайдилар.

– Ҳа, алҳамдулиллаҳ. Қуръон ўқишни биламан, маъсур дуо ва зикрларни биламан, – деди ва олимнинг таажжбуланиш сабабини англагандек, истиғфор ва ҳамд айтиш сирини ошкор этди – Аллоҳ доим менга инъом индиради, мен эса билиб-билмай гуноҳ қиламан. Шунинг учун бир гал ҳамд айтаман, бир гал истиғфор. Ўзига шукрим, кам бўлганим йўқ. Учта жуда катта тилагим бор эди. Шунинг иккитасини Аллоҳ берди, учинчиси... – деб тўхтаб қолди.

– Шунчасини берган Аллоҳ қолганини ҳам беради.

– Шундайку-я, лекин учинчиси амри маҳолроқ. Мен бу ерда нонвойхонада ишлайман. Кекса ота-онам, оилам бор. Ишдан бўшасам талаби илм билан машғул бўламан. Бағдод-

да Аҳмад ибн Ҳанбал деган олим борлар. Ошналарим бориб у кишидан таълим олиб келди. У олимнинг оғзидан ҳадислар эшитишди. Менинг эса имкониятим йўқ. Ягона орзуйим шу олим билан учрашиш, ҳадис эшитиш...

– Сиз ҳамд билан истиғфори кўп айтаверинг Аллоҳнинг Ўзи Аҳмадни оғзидан тортиб олдингизга олиб келиб кўяди, мен ўша Аҳмад ибн Ҳанбалман , – деб олим йиғлаган эканлар.

Абу Ҳозим дейди:

"Аллоҳга яқинлаштирмаган ҳар бир неъмат бало ва офатдир".¹

Махлад ибн Хусайн дейди:

"Маъсиятни тарк этиш – шукрдир".²

Абу Сулаймон дейди:

"Неъматларни эслаш Аллоҳга нисбатан муҳаббатни пайдо қилади".³

Суфён ас-Саврий:

"Бало-офатни неъмат, фароғатни мусибат деб билмаган киши фақих эмас, деб аталар эди", дегандилар.⁴

Ас-Саррий дейди:

"من لم يعرف قدر النعم سلبها من حيث لا يعلم"

"Неъмат қадрига етмаган киши, ўзи билмаган ҳолдан неъматдан маҳрум этилади".

¹ Ибн Абу Дунё *شكر النعم* номли китобида, Байҳақий *شعب الایمان* да келтирганлар. *عدة الصابرين* га мурожаат қилинг.

² *عدة الصابرين* дан.

³ Айни манба.

⁴ Айни манба.

Абдуллоҳ ибн Муборак дейдилар: Молик ибн Анас бизга Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Абу Талҳадан ривоят қиладилар, Исҳоқ Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилади:

- *Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бир кишига салом бердилар. Киши алак қайтарди.*
- *Яхшимисиз? – дедилар Умар.*
- *Алҳамдулиллаҳ, – деб жавоб қайтарди киши.*
- *Мен сиздан шуни кутган эдим, – дедилар Умар.¹*

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумо хабар берадилар: "Биз, яъни саҳобалар бир кунда бир неча маротаба учрашиб, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрар эдик. Бу билан фақат Аллоҳга ҳамд айтишни ирода қилинарди".²

Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Аслам ривоят қилади: (тобеинлардан) Муҳаммад ибн Мункадир Абу Ҳозимдан сўрадилар:

- *Абу Ҳозим, менга йўлиққан одамларнинг кўпи ҳаққимга дуо қилади. Мен уларнинг бирортасини танимайман, уларга бирор бир яхшилик қилмаганман...*
- *Буни ўзим томондан деб гумон қилманг, балки буни (сизга нисбатан одамларнинг муҳаббатини уйғотган) Зотдан деб билиб, Унга шукр айтинг.*

Ривоят кетидан Абдурраҳмон ибн Зайд Аллоҳ таолонинг

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَيَجْعَلُ لَهُمُ الرَّحْمَنُ وُدًّا﴾ оятини ўқидилар.

Маъноси:

﴿Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган кишилар учун албатта Раҳмон (одамлар дилида) муҳаббат пайдо қилур.﴾

Марям сураси 96-оят. ¹

¹ Асарни Абдуллоҳ ибн Муборак *الزهد* да, имом Молик *المطأ* да келтирганлар.

² Асарнинг асли Абдуллоҳ ибн Муборакнинг *الزهد* ларида.

❁ Юқорида саналган ва саналмаган неъматларнинг бари инсон вафот этиши билан завол топади. Зеро дунёнинг шаъни шундай. Мол, жамол, мансаб, маркаб, масканларга бақолик битилмаган. Илло Аллоҳ учун қилинган холис амалларгина эгасига эргашади. Ва завол топмас неъматлар диёрида, мангу неъматларга эриштиради.

❁ Шулардан сўнг Аллоҳнинг қайси бир неъматни инкор этиши мумкин?!..

﴿ فَبِأَيِّ آءَالَآءِ رَبِّكَ نَتَمَارَى ﴾

﴿ Бас, (эй инсон), Раббингнинг қайси бир неъматларида шубҳа қилсан?! ﴾

Нажм 55-оят.

﴿ فَبِأَيِّ آءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴾

﴿ Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Раббингизнинг қайси бир неъматларини ёлгон дея олурсиз?! ﴾

Бу итоб 78 оятдан иборат Ар-Роҳман сурсининг 31та оятида бот-бот такрорланган. Катта аҳамиятга эга нарсаларгина бу қадар кўп такрорланади.

﴿ وَمَنْ يُبَدِّلْ نِعْمَةَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُ فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴾

﴿ Ким Аллоҳнинг неъматини келганидан сўнг уни ўзгартирса, бас, албатта Аллоҳ уқубати қаттиқ зотдир. ﴾

Бақара 211-оят.



¹ اضواء البيان тафсирига мурожаат қилинг.

Ё Раб, олд-ортимга боқсам ҳам, ўнг-сўл, ост-устимга қарасам ҳам неъматларингни кўраман. Ўтирсам, турсам, ётсам ва юрсам неъматларингга ҳамроҳ бўламан. Ўйласам ҳам, ухласам ҳам, гоҳи кулиб, гоҳи йиғласам ҳам неъматингни билиб тураман. Очлигим-тўқлигим, соғлигиму хасталигим неъмат эканини гоҳ ўз вақтида, гоҳ кечикроқ тушуниб етаман.

Кўзни юмиб, қулоқни беркитиб, кўрнага ўраниб ётсам ҳам неъматингни ҳис этаман. Сен томондан доимо мурувват ва сахо, мендан эса ҳамшиша маъсият ва хато...

Ё Раб, Китобингда:

﴿ وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَ لَكُمْ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعِدَةَ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴾ المؤمنون: ٧٨

﴿ **У сизлар учун қулоқ, кўз ва қалбни яратди. (Сизлар эса) жуда оз шукр қилурсиз!** ﴾ дея итоб ила хитоб этдинг.

﴿ وَاللَّهُ أَخْرَجَكُمْ مِنْ بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْئًا وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعِدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴾ النحل: ٧٨

﴿ **Аллоҳ сизларни оналарингизнинг қорнидан ҳеч нимани билмайдиган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун қулоқ, кўзлар ва қалбни берди.** ﴾¹

¹ "Аллоҳнинг кўз неъматини билиш учун кўзингни юмиб юз қадам юр...

Қулоқ неъматини билиш учун қулоқни беркитиб одамлар орасига кир, олти-сотди билан шугуллан.

Тил неъматини билиш учун оғзингни ётиб, қўл билан имо-ишора қилиб сўзлаш.

Қалб, онг неъматини билиш учун комада ётганни зиёрат қил.

Шунингдек бошқа аъзоларнинг илоҳий неъмат эканини яхшироқ англаш учун ишлаётган шу соғ аъзоларингни бир дамга ишлатмай, уларнинг ёрдамисиз бирон ишни бажариб кўр.

Ёки шу аъзолардан маҳрум бўлганларга боқ, улар ҳолида фикр юрит", дейди олимлар.

﴿ ثُمَّ سَوَّاهُ وَنَفَخَ فِيهِ مِنْ رُوحِهِ ۖ وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَالْأَفْئِدَةَ ۗ قَلِيلًا مِمَّا تَشْكُرُونَ ﴾

السجدة: ٩

﴿ Сўнгра уни (инсон қилиб) ростлаб, ичига жон киритди. Ва сизлар учун қулоқ, кўз, дилларни пайдо қилди. Сизлар эса оз шукр қилурсизлар. ﴾

﴿ قُلْ هُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَالْأَفْئِدَةَ ۗ قَلِيلًا مِمَّا تَشْكُرُونَ ﴾ الملك: ٢٣

﴿ Эй Росулим айтинг: "У (Аллоҳ) сизларни йўқдан пайдо қилди ва сизлар учун қулоқ-кўзлар ва дилларни яратди. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар. ﴾ деб бандаларнинг кам шукр қилишини кўп оятларда қораладинг.

Росулинг Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом:

"من أصبح آمناً في سربه معافى في جسده عنده طعام يومه فكأنما حيزت له الدنيا"

"Ўзи хотиржам, тинч-омон, тани жон соғ, кунига етарли таом билан тонг оттирган кимсага гўёки дунё (неъматлари) жамлаб берилибди", дедилар.

Термизий Сунани ва Бухорий Адабул Муфрайдан.

Ё Раб, Иймон-Ислом, Қуръон ва Суннат неъматлари учун, Ақл-онг, Илм-маърифат учун, Ҳидоят, Офият учун Ўзингга шукр айтаман.

Кўз-қулоқ, Забон, зокир Тил учун, Иймон билан тирик Дил учун, Соғ-саломат Тан учун, Ризқ-рўз, Қут-барақа, Тинч-омонлик, Куч-қувват, Аҳли-аёл, Ўғил-қиз, Мол-мулк, Ҳовли-жой, бошпана учун, Кийим-кечак учун Ўзингга шукроналар бўлсин.

Халилингга танлаган Тоййиба – Хоки покдек муқаддас заминдаги таҳсил ва истиқоматим учун алоҳида шукр, алоҳида ҳамд...

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган от-улов ва турли хил замонавий маркаблар учун... Техникавий ва электрон жиҳозлар учун... Асримиздаги иситқич, совиткич, кийим-кечак, идиш-товоқ ювадиган жонсиз, беминнат темир дастёрлар каби барча қулайликлар учун...

Юқорида битталаб санаб ўтилган ва санаб ўтилмаган жамийки неъматлар, шунингдек менга маълум ва номаълум, ошкор ва махфий неъматлар учун фақат ёлғиз Ўзингга ҳамду сано айтгум.

Едирдинг, ичирдинг, кийдирдинг, бошпана бердинг, ўқитдинг, дард бериб, ортидан даво бердинг, мўъмин-мусулмонлардан қилдинг.

Сўраган барча тилаklarимни рўёбга чиқардинг, сўрамаганларимни марҳамат қилиб инъом этдинг, сўрашга ақлим бовар қилмаган қанча-қанча неъматларни мурувват ила олдимга тўкиб-солдинг.

Яна: "Дуо қилинглар – сўранглар", дея саховат ва карам дарвозасини ланг очиб, неъматлар соврини учун мусобақага чорладинг.

Баъзан ман этасан, бермайсан, ҳатто ўша манъинг ҳам инъом ва ато экан. Уни кейинроқ англадик...¹

Барча неъматларингни алоҳида сатрларда эмас, балки алоҳида китобларда дoston қилиб ҳамд айтсам арзийди.

Ўзингга шукр...

Ўзингга шукр...

Ўзингга шукр...

¹ Дуо мустажоб бўлмай натижасиз қолиши мумкинми? Бу ҳақда шу рисоланинг Дуолар Китобида ўқийсиз, инша Аллоҳ.

Неъматинг ичида гарқ бўлишига қарамай, бирон маротаба Сени ёдламаган ношукр банда каби соқов, сўқир эмас, балки Ўз ҳамдинг ва зикринг билан муаттар тил ато этдинг. Шукрга тавфиқ беришингнинг ўзи янги шукрни зиммамизга юклайди. Шукр айттирганинг учун минг қатла шукр.

Кимлардир жамодотга сизиниб, тошни илоҳ тутганда, кимлардир ҳайвонотни маъбуд билганда, яна кўп бандалар ўзидек бандаларга ибодат қилганда, кимлардир "ё Узайр, ё Исо, ё пирим, ё Али, ё Баҳоуддин" деганида, мени бу ширк балосидан сақлаб "**Ё Раб**", дегизганинг учун беадад шукр.

Аллоҳумма, лакал ҳамдү касиро кама тунъимү касиро, ва лакаш шукру касиро кама таҳабү касиро.¹

Ё Раб, Бепоён коинотни яратдинг. Унда қанотли ва қанотсиз махлуқотларни парвоз эттирдинг. Уларнинг баъзисини Сен берган кўз билан кўрсак, баъзисини бани башарга тортиқ этмиш улуг инъоминг – ақл кўзи билан мушоҳада этдик.

Одамзод орасидан Сулаймон алайҳиссаломни само парвозига танлаб, фазо салтанати ичра сайр эттирдинг. Халилинг Муҳаммадни ﷺ Одам боласининг қадами етмаган, балки улуг Малак чиқмаган Арши аълога кўтардинг. Оламни ёритаётган икки чироқ муборак ерликнинг оёғи остида қолиб кетди. Учоқдаги кишига сим ёғочдаги чироқлар қандай кўринса, улуг вазифа билан Меърожга чиққан зот ﷺ учун ойу қуёш ҳам шундай бўлиб қолди. Ой-қуёш нима, нури ҳали ҳануз Ерга етиб келмаган олис юлдузлар денгиз тубидаги маржондек Элчининг тубига тушиб кетди.² Юлдузларни томоша қилиш учун ҳамма

¹ Эй Аллоҳим, кўп неъмат берганинг каби Сенга ҳам кўп ҳамд бўлсин ва кўпдан кўп туҳфа қилганингдек, Сенга ҳам кўпдан кўп шукр бўлсин.

² Бу ҳақиқатни исботлашга инсониятнинг қисқа умри ва қосир ақли етадимми, йўқми, буниси мубҳам. Шундай юксакликка кўтарилган зот, ҳеч кимга миниш насиб қилмаган, тезликда мислсиз маркабга минган зот Ерга тушгач хачирларига миниб, боягидек камтарона ҳаётни давом этдирдилар. Кибр ғубори покиза қалбларига кириш у ёқда турсин, ҳатто изорлари этагига ҳам ёпишолмади.

тепага қараса, олий элчи ﷺ жамолини кўриши учун кавокиблар буй чўзиб юқорига қаради.

Бани башарни парвоз қилдириши билан учуши фақат Малак ёки қуш зотига хос эмаслигига ишора этдинг. Ерда икки оёқ билан юрган бандаларинг ҳамиша осмондаги қушларга ҳавас билан боқарди. Мана уларнинг азалий орзуси ҳам ушалди. Башарият махлуқотларингдан андаза олиб учоқ ясади. Фазо наҳангги ўз ичига юзлаб одамларни жойлаганча фалакда сузиб, уларни олис масофаларга кўз очиб юмгунча етказиб қўя бошлади. Мен ҳам бир неча бор бу ажобтовур учқичда сафарга чиқдим. Парвозгоҳдаги минг бир чигириқдан эсон-омон ўтиб олганимиздан сўнг кўрсатилган ўриндиққа ўтирдик. Лочинимиз тебраниб учушга шайланди. Оёғимиз ердан узилди. Қанот ёзмай уча бошладик. Шунда ажобтовур учқичимиздан кўра ажаблироқ нарсаларни, инсоннинг парвозидан кўра ҳайратлироқ ҳолларнинг гувоҳи бўлдим. Она замин бағридан узоқлашилган сайин басавлат, барваста инсонлар миттилаша бошлади. Давангирдай дев қоматлар ўсмай қолган жимит боладек бўлиб қолди. Кейинроқ юк ташувчи машиналар худди чумолининг ўзи бўлди-қўйди. Баҳайбат дарахтлар ажриқдек. Салобатли тоғлар майда тошга айланган. Уйлар асалари инидан қолишмайди. Муҳташам қасрлар баайни қути. Янада юқорига кўтарилганимизда одамлар, машиналар, уй-жой, қасрлардан асар қолмади. Ҳаммаси тупроққа сингиб кетгандек, фақат ернинг ўзи кўринади, холос. На туфдонни тиллодан тождорни таниб бўлади ва на туздонга зор тиланчи гадони. Қайсиси бой, қайсиси фақир, қай бири кўркам, қай бири кўримсиз, олими қайси, жоҳили қайси ажратиб бўлмайди. Бари тупроққа қоришиб, тупроққа айлангандай...

Бу, мен кўрганларим. Янада баландроқдан бошқача манзара намоён бўлармиш. Само айвонидан Ер томига назар ташлаган фазокорларнинг айтишича, биз яшаётган баҳайбат сайёра болалар талашаётган рангли коптокка ўхшаб қолар эмиш.

Осмонда учини қанчалик мароқли кечмасин, барибир Ерни соғиндик. Кенг фазога сизмагандай сиқилиб, заминнинг кенг сайҳонларида чопқиллаб юришни қўмсадик. Айниқса учоғимиз бир силкинганида жон оғзимизга келди. Онасига талпинган боладек Ерга талпиниб, тезроқ настига тушгимиз келиб қолди. Осмону фалак парвозига қандай ошиққан бўлсак, Ерга тушишига ҳам худди шундай ошиқдик. Зуваламиз ердан олингани учунми ёки бошқа сабабми ҳаммамиз ерга талпиндик.

Ана, Ер ҳам кўриниб қолди. Яғриндор ясси майдонлар. Кенг сайҳонлар. Салобатли тоғлар. Баланд қоялар. Баҳайбат дарахтлар. Майин майсалар. Тошқин дарёлар. Шовқин шаршара-шалолалар. Сокин саҳролар. Муҳташам қасрлар. Бири насти, бири баланд уйлар. Оқ-қора, сариқ-қирмизи, бири норғул жуссадор, бири настак, бири тўла этдор, бири озгин хилма-хил одамлар. От-эшак, қўй-мол, ит-мушук, қурт-қумурсқа, парранда қушлар. Машина, поезд, кема, тайёра ва турли туман юк ташувчи, одам ташувчи аравалар...

Ҳақиқатан коптокка ўхшовчи Ермиз мўъжизавий олам экан. Ундаги ҳаракатни кўриб кўзим қамашди, ақлим шошди. Илгари бу заройиб ҳодисаларга безътибор ўтар эканман... Бири юрса, бири сузади, бошқаси судралади ва яна бири учади. Бу жониворларнинг ҳаммаси, ҳатто жонсиз темирлар ҳам ейман-ичаман дейди-я. Ейилмаса, ичилмаса, ёппасига ҳаракат тўхташи муқаррар. Ҳаёт учун барча қулайликлар муҳайё. Боя юқорида буларнинг бари тупроққа ўхшаб кўринганди. Кейинчалик умуман ҳеч нима кўринмай қолганди. Энди эса бир-бирига ўхшамас инсонлар, турли-туман ҳайвонлар, анвои-хил ўсимликлар, сув, нефт, газ, кўмир, олтин ва ҳаёт учун зарур бўлган турли ризқ манбалари...

Ё Раб, осмон сайрида нақадар буюклигингни ва ўзимнинг нечоғлиқ заиф, ночор, муҳтож бандалигимизни янада аниқроқ ҳис этдим. Улкан коинот ва ундаги буюк махлуқотлар орасида заррага айланувчи инсонга нисбатан чексиз фазл-марҳама-

тингни ва беқиёс иноятингни англаб етдим. Йўқ, йўқ, англашгина эмас, балки ўз кўзим билан кўриб гувоҳи бўлдим. Кўзга кўринманган ҳар бир нарсани йўққа чиқариш назариясининг нақадар аҳмақона эканини қайта яна жонли шоҳиди бўлдим.

Ё Раб, кеча-ю кундуз, қишин-ёзин, йил ўн икки ой янгиланаётган неъматларинг учун, менинг ўзимга хос ва барча мусулмонлар ҳамда умум инсоният билан муштарак инъомлар учун, махфий ва ошкор, мен билган ва билмаган, ҳис этган ёки пайқаманган тортиқларинг учун етти қат само ва етти қат замин миқдорича ҳамду сано бўлсин. Чучук тилим билан айтаётган ҳамдан кўра гўзалроқ, жўшқин, серқирра ҳамдлар бўлсин, балки Сен Ўзингни мадҳ этганинг янглиг сермаъно, сермазмун, шомил ва комил ҳамдлар бўлсин.

Ё Раб, Байтинг бўсағасида ёшим тўкиб сизинаман,¹

Тилдан қўймай гўзал исминг қўмсаб висолинг соғинаман,²

"Бандам" десанг хаста қулинг дардим ариб соғаяман,

Юз ўгирсанг, ҳар кўйда сарсон кезиб ҳар кимга сарғаяман.

Ё Раб, неъматинг анҳорида эрта-кеч шўнғиб сузаман,

¹ **Бу, шеър эмас.** Илтижо ва Муножотни ўқишга қулайлаштириб, шу тарзда алоҳида сатрларда ёзилди. Зеро ҳар бир сатр алоҳида маъно, алоҳида мазмун, моҳиятга эга. Қалбга сиғмаган ранго-ранг дил сўзларини вазнга сиғдириш учун катта маҳорат керак экан. У ноёб маҳорат ва иқтидор менда топилмади. Назм бўлмагач, назмнамо насрдан (саж) йўл очилди. Шеърликка ярамаса ҳам, сочма шеърликка яраб қолади...

Таълимомуз муножот бир шахс тилидан янграсада, лекин унда нафақат бир шахсинг ёки бир неча нафар шахсларнинг ёки муайян бир халқнинг тилаклари, кечинмалари, балки бугунги кунда қиблага юзланган кўп элатларнинг орзу-истаклари, қайғу, дард-аламлари, муаммо ва интилишлари ўз аксини топган.

² Имом Муслим Саҳиҳларида ва имом Аҳмад Муснадларида келган ҳадисда жаноби Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ** – "Албатта Аллоҳ жамил – гўзалдир, гўзалликни суюр", дедилар. Имом Аҳмад ва Насоий ривоят қилган, шайх Албоний ва шайх Арноут "саҳиҳ" деган бошқа бир ҳадисда: **... وأسألك ... ولذة النظر إلى وجهك والشوق إلى لقائك** "Аллоҳим, Юзингга боқиш лаззатини ва висолинг иштиёқини сўрайман", дейилган.

*Бутун вужудим билан инъом-эҳсонларингни сезаман.
Иймон неъматига хушнуд бўлиб чунон қувонаман,
Бу бебаҳо ганждан айрилишидин мудом қўрқаман.
Тилу дилдан ҳамдинг айтиб жўш ураман,
Даргоҳингда бошим эгиб зор-зор ялинаман,
Раҳматингдан умид этиб бот-бот ўтинаман,
Қўлим чўзиб эшигингда дам-бадам тиланаман,
Ким ҳам раҳматингга тўйган-ки, энди мен тўяман.¹
Саждадан бош кўтармай арзи додимни айтаман,
Увалло² уриниб уззукун,³ ўлгунча умид узмай ўтаман.
Қисматингга розиман, икромларингга норавоман,
Неъматга ношукр, ноқис нафсимдан норизоман.
Ё Раб, Сен суйган зотларни мен ҳам суяман,
Неки Сенга маҳбуб экан, муҳаббат қўяман.
Тубанлик, разолат тубига тиз тортиб сўяман,
Садоқат ва жасорат бошидан зар қўяман.
Хавфу ражо қанотида учмох⁴ сари учаман,
Тавҳид тулпорида тамуғ⁵ таптидин қочаман.
Эзгуликни жигарбандни қучгандек қучаман,
Хайрият уруғларини ҳамиша ҳар ён сочаман.*

¹ Айрилиқ, касаллик каби ибтилолардан кейин Аллоҳ Айюб алайҳиссаломга офият бериб, мол-дунёларини қайтаради. Ибтилодан сўнг битта тилло чигиртка тушади. Айюб тезда тилло чигирткани олиб, қўйниларига соладилар. Шунда Аллоҳ таоло:

– Айюб, биз сени беҳожат қилиб қўймадикми? – дейди.

– Иззатингга онтким, ҳа, беҳожат қилдинг, лекин ким баракангга тўярди, – дейди.

² **Увалло** – Астойдил уриниб, роса.

³ **Уззукун** – Ҳар куни, эртадан кечгача.

⁴ **Учмох** – Жаннат.

⁵ **Тамуғ** – Дўзах.

*Бир амали солиҳга дилдан минг бор суюнаман,
Бир мункарга ич-ичимдан бинг бор куюнаман.
Ё Раб, бад феълимга иқрор бўлиб уяламан,
Маъсият дудидан тийра¹ рангга бўяламан,
Исёнимга ҳазор-баҳазор афсус чекаман.
Иймонимдан айирмагин, абгор бўламан,
Азобингдан қўрқиб шому саҳар ёлвораман,
Кеча-кундуз кушойишу кўмак кутамаман,
Остонагдан қувгин есам, қаён бораман?
Саркашга саргайтирма, Сенгагина саргаяман,
Номардга муҳтож этма, азиз банданг хўрланаман,
Юз кўзимни ерга белаб Сенгагина хорланаман,
Тонг саҳарда қилмишимга тавба билан ўкинаман,
Насиб этсанг, истиғфори мушк-анбардек уфураман,
Ёшли мужгон ила жойнамозни субҳидамда супураман.
Носипосга* ошно этма, мурувватдан айриламаман,
Носозга қўшни қилма, тинчликни йўқотамаман.
Беюзга яқин тутма, касофатига қоламаман,
Иккиюздан Ўзинг асра, домига илинаман,
Ширин ёлғонига лаққа тушиб алданамаман.
Ғаддорни йўлдош этма, тўғри йўлингдан озамаман,
Бебокни* бош битма, безакдор берк боргоҳида бўзланамаман,
Бор-будни бериб барбод, бесабаб бодияга бадарга бўламан,
На тириклар ичра тирикман, на мурдалар ичра мурдаман,
На соғлар ичра соғломман ва на хасталар ичра хастамаман.*

¹ Тийра – қора.



*Меҳрибоним, ҳолимга боқ, афтодаман,¹
Пари теккан мажнун каби девонаман,
Ғам шуъласи атрофида парвонаман,
Бир эмас, бир неча ўт таптида сўзонаман.
Ранжу алам, жабру ситам тўрида тўлғанаман,
Тийра тарих ташиландисидин тобора тийғонаман.
Бечоралар бўйрасида беҳад бечорадан бечораман,
Дилафгорлар даврасида дилхаста-ю дилпораман.
Ҳасадгўй, ҳанги хасмлар хилватгоҳида ҳангомаман,
Ғариблар ғамхонасида ғамхўрсиз ғарибу ғамбодаман,²
Ҳакими хунхору хунрез хастадилларга ҳамхонаман,
Сангдилни сара санаб, сўнг сарбон сайлабон садпораман,
Ҳувиллаган кулбамда уйсиз мусофирдек бегонаман,
Ғамгузор³ истаб ғаммозга⁴ йўлиққан чорасиз бенавоман,
Муғомбир муҳрасидан⁵ мажруҳланиб мотамсароман,
Сиртда кулгу табассум, ичда гирт гурбатсароман.
Сонияси соатдек, соати лак-лак⁶, гоҳо елдек тез ўтажак,
муддати мубҳам умр сайрида дилкушо йўлдош тополмай
гирёнаман.
Носозу ночорлар ўртасида донг қотган ҳайронаман,*

¹ **Афтода** – Ночор, нотавон. ***Носипос** - Яхшиликни билмайдиган, ношукр.

* **Бебок** – Ҳеч қандай ножўя ишдан қайтмайдиган, шум, баттол, кўпол, дағал.

² **Ғамбода** – Ғамзада, ғамли.

³ **Ғамгузор** – Ғамхўр, меҳрибон.

⁴ **Ғаммоз** – Кишидан айб топишга уринувчи, ғаламис, чақимчи, фитначи.

⁵ **Муҳра** – Кетмон, болта, теша каби асбобларнинг тигга қарши орқа томони.

⁶ **Лак-лак** – Юз мингларча, беадад.

Билимсиз "билимдоннинг" бўхтон ботқоғига ботаман,
Ўзинг қутқармасанг, мен ўзимни қандайин қутқараман?
Дўст либосин кийган қув душманлар ўқ ёйига нишонаман,
Зоҳиднамо бадхоҳ фосиқнинг дудама тилидан озурдаман,¹
Шўх-шатир, шум шуҳратпараст шарридан шикастаман,
Исми жамил, феъли қабихлар журмидан жабрдийдаман,
Гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан меҳр излаб туну кун овораман.
Ёмғирдан қочиб дўлу бўронга тутилган дарбадарман,
Кечам ўтди, бугун мубҳам, эртамдан беҳабарман.
Мурасасиз, ноиноқ қавмим қисматидан безовтаман,
Ҳар қадамда бинг ингроқ, минг қайғу андуҳ топаман,
Бинг деганим юздан бири, қолганин қўйнимга ёпаман.
Марҳаматингга муҳтож мардумларнинг муҳтожиман,
Фазлу карамингдан умидвор гадоларнинг гадосиман.
Барча боблар² беркилди, беркилмас бобингга бораман,
Қодиро, қашшоқ қулинг қопқанг³ қабзасин қоқаман.
Мусо янглиз ёлғизлик ва фақирликдан аламдийдаман,
Анидек ўзнику-ю, ўзгалар жабридан ситамдийдаман.
Ҳаёт жоми тубида яна қандай огулар бор билмайман,
Ё Латиф, тез лутф айлаб имдод этмасанг нетай ман?
Беймон бандани баайни бошсиз башардек биламан,
Ё Аҳад, иймондан айирма, бошсиз қандай яшайман?
Дўстсиз кимсани гўёинки кўзсиз одам деб ўйлайман,
Ё Гофурул Вадуд, ёлғиз қўйма кўзсиз қандай кўрай ман?

¹ Озурда – Озор кўрган.

² Боб – Эшик.

³ Қопқа – Дарвоза. Қопи – Эшик.

*Жуфтсиз кишини худди қанотсиз қушга ўхшатаман,
Холиқо, ҳолим Сенга аён, қанотсиз қаён, қандай учай ман?*



*Мунисим, айрилиқ, ҳижрон кўйида ўртанаман,
Айюб каби умид билан Сенгагина боғланаман.
Уммон тубида уввос солган Юнусдек уввос соламан,
Эй Раҳмоним, Биру борим, Сенгагина зорланаман,
Ла илаҳа илла анта, субҳанака, инний кунту
миназ золимийн, деб нолаи афгон қиламан.
Тупроқ устида ўрмалаган жонли тупроқман,
Гуноҳим кўп, лекин ширку бидъатдан йироқман,
Тавозели камтарларга яқин, мутакаббирдан узоқман,
Раҳматингга кўз тиккан фақир-мискин муштоқман.*



*Дунёнинг қизиқ ишларидан дам йиғлаб, дам куламан,
Чигал жумбоқлари олдида ҳайратдан донг қотаман.
Оғир мушкуллар Сен учун мутлоқ осонлигини биламан,
Агар кўмак бермасанг, энг енгил ишда ҳам қийналаман.
Ёрдам берсанг тоғни толқон қилиб чечаклар ундираман,
Мададингла ҳар қандай амални қойиллатиб дўндираман.
Офиятни комил этсанг, ҳаёт нашъу намосин сураман,
Офиятсиз аталага тиқилиб, бармоқ кирини сўраман.¹
Иймон тахтида Саломатлик тожсининг талабгориман,*

¹ Бармоғининг (ёки тирноғининг) кирини сўрмоқ – Оч қолмоқ.

Охиратда Фирдавс жаннатининг харидориман.
Чексиз неъматинг ва ҳадсиз гуноҳимни тан оламан,
Одам ва Ҳавводек тавба билан даргоҳингга чопаман.
Нуҳ каби шукр ортидан қайта шукрга шошаман,
Эрта-кеч зикринг билан вайрон дилни обод этаман,
Шукр айтдирганинг учун яна бир карра шукр айтаман.
Одамга илм, Сулаймонга фаҳм берган Зот, менга ҳам илму
фаҳм бер, тоинки дунёга ҳикмат ва ибрат кўзила боқаман.
Илм билан суюкли Ҳабибинг йўлини тутаман,
Анидек нусратингга саъй қилиб интиламан.
Машаққат кетидан енгилликни мудом кутаман,
Ҳар лаҳзада нажотингга илҳақ, заиф бандаман,
Кўзим тўрт бўлиб, Форуқдек соябон йўлига кўз тикаман.
Иброҳимдек таваккул арқонига маҳкам ёпишаман,
Лутф айласанг, ўт-аланга ичидан соғлом чиқаман,
Ғазаб қилсанг муз-ях қаърида қуруқ чўпдек ёнаман,
Тошқин дарё лабида таиналикдан қақшаб ўламан.



Ҳақсевар, художўй ҳукамо ҳам ҳукмфармоларга ҳамғояман,
Сояпарвар,¹ сафолатли сафиҳлар суҳбатидан сақланаман.
Азбаройи алданган аждодлар авлодига ачиниб айқираман,
Қалбу қўли қингир қилвирларнинг қилмишидан қийқираман.
Ситамгар сафиллар садди² сабабми сўққабош сайёраман,

¹ Сояпарвар – Ишёқмас. Бунда эзгу амаллардан тортинувчи назарда тутилган.

² Сафолат, сафил – Ярамас, разил.

Беизн ташириф этар, серқатнов дардларга меҳмонхонаман,
Иноят қилсанг борман, йўқса мисли пайҳон бўлган лоламан.
Кўзгуда серсавлат, аслида қайғудан рост қомати дуто-
ман,¹

Кўрар кўзга тадбиркор шайх, тутимда худди ёш боламан,
Зоҳиран яшиноқ, ободнамо, ботинда толқондек вайронаман,
Раҳм қилсанг гуркирайман, илло ўнгарилмай шармандаман.
Арҳамар Роҳимийн Сенсан, раҳматга муҳтож фуқаро мен-
ман,
Гар раҳм этмасанг, воҳ-воҳ, энг бахти қаро иззо менман.



Ҳидоятга йўллагасанг, сарсон кезаман,
Тавфиқингсиз бу дунёда гумроҳ ўтаман,
Назар солсанг, қаро юздан қутуламан,
Ёрқин чеҳра билан гулгун барқ ураман.
"Қулим" десанг, орзу-армонга етаман,
Шундагина, эй Султоним, саодатга эришаман.
Сенгагина ибодат қилиб, Сендангина мадад сўрайман,
Сенигина ҳақ маъбуд билиб, Сендангина кўмак тилайман.

Менинг минг бор **"Ё Раб"**, деганимдан не фойда, агар Сен бир бор "бандам" демасанг. Менинг беш вақт намозу, рўза, ҳажжимдан не манфаат, агар Сен қабул қилмасанг. "Бандам" дегин, қабул эт, Ўзинг карамли эгамсан, банданинг оз амалини кўп билиб, тақдирловчи саховатли хўжамсан.

Сад – Тўсиқ.

¹ Дуто – Эгилган.

Бари шукрим Сенга бўлганидек, барча шакво ҳам Сенгадур. Даргоҳингдан бўлак борар жойим ва суянар тоғим йўқ эрур. Сендан ўзгага суяниш сувга суянишидек гап бўлур.

"Ё Раб" деб ҳеч ким даргоҳингдан ноумид гамнок қайтмаган, "ё фулон ва иллон" деб Сендан ўзгага илтижо қилган бирон бир кимса барака топмаган.

Ё Раб, дилимда ҳам, тилимда ҳам ёлғиз Ўзингсан. Ишонганим, топинганим шаксиз Ўзингсан. Мени Ўзингдан ўзгага, ташлаб қўйма, тўғри йўлда собит эт, асло адаштирма.

Ё Раб, замин узра маъсият ошкор бўлди, денгизу қуруқлик исёнга тўлди. Башар парвоз этиб, фазони булғади. Ердаги хунрезлик етмаганидек осмонни ҳам чулғади. Ҳали мардум бошига заҳар сепилса, ҳали ёмғирдек қунбила ёғилди.

Тун узун, кун қисқа, тонгдан дарак йўқ. Қиш чўзилди, қуёш нурсиз, баҳор бўйи эсмайди. Ҳаром ҳалолдек, жаҳолат маърифатдек, беҳаёлик урф, ёлгон одат, чақимчилик касб, сотқинлик табиий ҳол, хиёнат очиқ-ойдин, куфру тугён дин, шайтон маъбуд, эзгу амаллар махфий ва суст, амру маъруф пинҳондан пинҳон, мункар эса ошкордан ошкор, муслиҳлар ожиз, мухлислар ночор, азимкорлар ҳардамхаёл, эр чойхонада-ю, бозорда аёл...

Ё Раб, ё Раб, ё Раб...

Қайсидир элларни солиҳ сарбон билан сийлайсан.

Қайсисинидир сангдил билан савалайсан.

Ким нимага ва кимга муносиб бўлса, ўшани берасан.

Авалло бандаларнинг ўзларини маъсиятдан поклаб, шарришурурлардан омон қил. Улар орасидан энг тақводор меҳрибонни ўзларига султон қил. Бечоралар ҳолига Ўзинг раҳм-шафқат айла, бошларига солиҳ, халқчил раҳнамоларни марҳамат айла. Қудратингни кўрсатдинг, энди раҳматингни кўрсат, зинҳор-базинҳор қаҳрингни кўрсатма.

Ё Раб, Каломинг Куръони азиймуш шаънда:

﴿ فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ. وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ. ﴾

﴿ *Кимки зарра мисқоли¹ яхшилик қилса, (яхшилик) кўрур. Кимки зарра мисқоли ёмонлик қилса, (ёмонлик) кўрур* ﴾, деб хабар бердинг.

Яхшилигимни ўлчасам зарра мисқолга етмаяпти. Посанги қўйсам ҳам иш бермаяпти. Ёмонлигим тарози палласини босиб, оғир келаяпти. Нима қиларга ҳайронман, узр тополмай лолман. Умидсизликка асир тушиб, бошимни чангаллаб юрган-нимда Китобингдан ушбу қутлуг оятни ўқиб қолдим:

﴿ قُلْ يَاعِبَادِ الَّذِينَ اسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ

إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴾ الزمر ٥٣

﴿ *(Росулим, бандаларимга) айтинг: "Эй, ўз жонига жабр қилган бандаларим! Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ гуноҳларнинг ҳаммасини мағфират этур. Албатта У мағфиратли, меҳрибондир..."* ﴾

Зумар сураси 53-оят.

Жонбахш бу муборак оятдан мурда жисмимга жон кирди.

Мадорсизлик кетиб, куч-қувват тўлди, нашотим ошди. Айниқса "гуноҳларнинг ҳаммасини" деганинг жуда хуш келди.

Мунчалар кечиримли, буюксан, Парвардигорим!

Аллоҳумма, лакал ҳамду кама ямбағи лижсалали важҳика ва азийми сўлтоник.

¹ **Мисқол** – Оғирлик ўлчов бирлиги, тахминан 4 граммдан мўлроқ. Бундан бошқа турли маъноларда ишлатилади. Бу ерда "**Мисқор, оғирлик**" маъносида. **Зарра** коинотдаги энг кичик ҳажм. Яъни зарра оғирлигида. Валлоҳу аълам.

Аллоҳим, улузвор Юзингга лойиқ ва буюк султонлигингга муносиб ҳамдлар бўлсин

Ё Раб, Юзингга муштоқ юзларни жаҳаннамда ёндирма. Жамолингни кўришга интиқ кўзларни нор ичида йиғлатма. Бирлигингни нутқ этиб "Ла илаҳа иллаллоҳ – Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ чин маъбуд йўқ..." деган тилларни чўғ ичида куйдирма. Жаннат илинжида рукуъ-саждага эгилган, учрашувингга илҳақ забун жасадаларни жаннатдан айирма.

Ё Раб, Сен ёлғизсан ва ёлғизлик Сенга ярашур. Ўзинг якка, танҳосан, танҳолик Ўзингга лойиқдур. Ер юзида ҳеч бандани ёлғизлама, эркагу аёлни асло яккалама. Сен учун иффатини сақлаб, ҳаё ёпинчигига бурканган мўъминаларни бева қўйма. Оғирни енгил, узоқни яқин қилгувчи Ўзингсан.

Бандиларни озод эт, дардмандларни даво билан шод эт. Ёлғизларни марғуб жуфти билан жамлаб, жамиятни обод эт. Мўъмин-мўъминалар ўртасида иттифоқлик ато эт. Бир-бирларини меҳр-оқибат ва ишқ-муҳаббатнинг заррин занжири билан маҳкам боғла, улар устидан инъомларингни ёмғирдек қуйиб, маҳзун дилларни чоғла. Мени ҳам улардан ҳеч камитма.

Ё Раб, икки дунёда юзимни шувут қилма, барча умидимни Ўзингга боғладим, ноумид қўйма. Тақдирда битилмишга маломат қилинмоқдан ва қилмоқдан Ўзинг асра.

*Мен синуқ, кўнглим синуқ, сабрим уйи худ ерга наст,
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст.¹*



*Оразинг нақшин кўнгил лавҳида тасвир эткамен,
Бўлмаса тақдир ани кўрмак, не тадбир эткамен?*



¹ Яъни, менчалик мусибат кўрмаган киши менинг аҳволимни тушунмайди.

*Халқ меҳрига яна ё Раб, мени зор айлама,
Айласанг ҳам меҳри йўқларга гирифтор айлама.*



*Ё Раб, бу хаста улча таманно қилибдурур,
Чун бори аён Санга, несин айлай баён Санга.¹*



*Ҳар кимки беёрдир – бешак бемордир,²
Деган машҳур мақол эл ичра бордир.
Қўлгинангга хасмол чиққур зўравон,
Қара! Қанча бемор ёрига зордир.*



*Ё Раб, менга тортиг этмиш инъомларингни ўйласам,
дунёдаги энг бахтли одам ўзим бўламан, журми исёнларимни
ўйласам, энг бахти қаро ҳам мен бўлиб чиқаман. Гуноҳларим-
нинг ҳаммасига тавба қилдим, тавбамни қабул этиб, чинакам
бахтиёр қил. Неъматларни аввалгидан кўра бисёр қил. Ўзинг
карамли эгамсан, осий қулинг ҳолини яхши биласан.*

*Ё Раб, ҳамма неъматларинг учун Ўзингга дил тўридан
шукр айтаман, шу билан бирга икки буюк неъматинг шукро-
насини алоҳида қувонч билан тилга оламан.*

*Бири, Иймон. Иккинчиси, Илм. Илм деганда олимликни
даъво қилмайман, лекин илоҳий инъомни асло инкор этмайман.
Аллоҳни таниш, ҳалол-ҳаромни ажратмиш билим эмасми?!*

*Ё Раб, суйган бандангни иймон билан сийлайсан. Нолойиқ
кимсаларга бу буюк неъматни раво кўрмайсан. Мол-дунёни
суйган-суймаган бандаларга берасан, Иймонни эса фақат
Ўзинг суйган бандангга тортиқ қиласан.*

¹ Ушбулар Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг шоҳбайтларидан.

² Ҳар ким беёрдир – бемордир. Мақол.

Ё Раб, Намрудга мулк берибсану иймондан мосуво айлабсан. Сулаймонни эса ҳам мулк, ҳам иймон ва нубувват билан сийлабсан. Фиръавндан соғлик-саломатлик, куч-қувват, молу мулкни аямабсан, лекин иймоннинг ушогиниям унга илинмабсан. Мусо алайҳиссаломга эргашиган оддий гуломни эса кўкка кўтариб, ҳатто Қуръони каримда ёдлабсан. Муҳаммад алайҳиссаломни бутун оламга раҳмат этиб юборибсану, лекин амакилари Абу Толибни бу раҳматдан бенашиб этибсан. Баъзи донишмандларга ақл улашибсану, лекин ҳидоятдан маҳрум этибсан. Бу ишлардаги ҳикмат фақат Ўзингга аён. Биздан – тасдиқ ва ризо.

Бозорга айланган бу дунёда иймонни сариқ чақага сотган арзонфурушлар ва Сен берган иймон неъматини қадрламай дунё матосига алмаштирган ношудлар кўпайди. Ҳолбуки Намруд, Фиръавн каби дунё султонларига, пайгамбарнинг суюкли амакиси Абу Толибга раво кўрмаган инъомингни уларга беками кўст берган эдинг...

Ё Раб, ялинаман, ёлвораман, йиглаб-сиқтаб ўтинаман, энди мени Исломдан айирма. Буюк неъматга шукр қилолмаганим боис нолайиқ топиб мени Иймондан маҳрум этма. Ҳаётим давомида, кунимда-ю тунимда ва ҳаётимнинг охирги лаҳзасида "Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Росулulloҳ"ни ҳамроҳ эт. Шу буюк калима асосида яшаб, шунга кўра ўлишни насиб эт. Кунимни тоатингда, тунимни муножотингда, ҳаётимни бандачилик билан ўткармоғимга муваффақ айла. Саҳардаги насибамни тавба, истиғфор, нолаи афгон ва тиловатул Қуръон эт. Тил ва дилимни Сенга дуо, муножот, ҳабибингга салому салот билан банд эт. Икки дунёда қалбимни шод эт. Душманларнинг зиддимизга тузган режасини барбод эт. Саҳарда кўзим кетса, пар ёстиқни тикон қил, зикр ва тоатдан тўсган ялқовликни яксон қил.

Ё Раб, "кўнглимни дарду шавқинг муҳаббати билан овути, кўзимни надомат ашки селоби билан равшан тут. Тилимни

неъматни беқиёсингга шокир айла, кўнглимни ҳамду сипосингга зокир айла".

Ё Раб, кўча чангитиб юрган сағир бир болага Ўз Каломинг ва Росулинг ҳадисларини билдирдинг. Оқ билан қорани ажраттирдинг. Жаннат йўлини кўрсатиб, жаҳаннамдан огоҳ этдинг. Аслида у бола бу тортиққа лойиқ эмас эди, лекин Сен Ўликдан тирикни, тирикдан эса ўликни чиқарурсан ва фазли марҳаматингни Ўзинг истаганга ҳисобсиз берурсан.

Инъом этган неъматларингни шукронаси ўлароқ қўлимга қалам олдим. Ёзганларим ичида нимаки тўғри бўлса, бу Сенинг Ўзингдан, нимаки хато бўлса, у мендан ва шайтоннинг шаридан. Хатони қасд қилганим йўқ, фақат яхшиликни ирода этдим. Лекин бандаман, банда эса хатодин холи эмас.

Ҳидоятга йўллаганинг, таълим-тарбияга тавфиқ берганинг учун, илм-маърифат йўлига солганинг, қўлимга қалам тутқазиб ёздирганинг учун ҳамду сано айтаман.

Ҳар бир китоб, ҳар бир саҳифа, ҳар бир сатр, балки ҳар бир сўз ва ҳар битта ҳарф, нуқта ва фосила муқобилида биз яшаётган Ер ва ундаги жонзотлар миқдорича Сенга ҳамд бўлсин. Ергина эмас, балки чексиз Само миқдорича, қат-қат фалакларда сузаётган сайёралар сизимича, улар орасидаги бўшлиқ тўлиб тошгунича, қуёш нурининг ингичга толалари, ой таратаётган ёғдулар, самога сочилган юлдузлар, ёгаётган ёмғир қатралари, пага-пага инаётган майда қору лайлак қорлар сонича ва Сенгагина маълум махлуқотлар саногича ҳамду сано ва шукр бўлсин.

Лакал ҳамду кўллўху ва лакаш шукр кўллўх. Ла нўҳсий сана-ан алайка, анта кама аснайта ала нафсика.

Ҳамднинг барча тури Сенгадир, шунингдек шукрнинг ҳамма хили Сенгадир. Сенинг мадҳингни айтиб тугатолмаймиз, Сен Ўзингни мадҳ этганинг сингаридирсан.

Донишмандни мақтасак, асли мақтов Сенга кетур, чунки

унга ақл берган Ўзингсан. Меъморни олқишласак, олқишимиз
Сенга бўлур, зеро унинг қўлини гул қилган Ўзингсан. Табибга
ташақкур, ошпазга раҳмат айтсак, ҳамма шукр Сенгадир,
инчунин уларни моҳир этган Ўзингсан...

Товус товланганини кўриб кўзимиз қувонса, андалиб хони-
шини тинглаб дилимиз яйраса, гул ҳидини искаб бағримиз
очилса, табиат манзарасидан завқланиб: "О, қандай гўзал
манзара!" деб табиатни мақтасак, мақтов Сенга кўтарилур,
зеро бунёдкор Ўзингсан. Ҳиссий, маънавий лаззатлардан тана-
миз роҳат олганда завқланиб, лаззат манбаъини мадҳ этсак,
асли мадҳ Сенга борур, чунки ижодкор Ўзингсан...



Эй, сониъи ҳикматнамо, кулл ақл кунҳинг билмамиш,
Юз ажз бу қосир тилим ҳамдингга гўё ўлмамиш,
Ҳар лаҳза минг неъмат кўруб, бир бор шукринг қилмамиш.

Завқий

Худо қилса нидо, эй бандаи зор,
На келтирдинг, на турлик қилмишинг бор?

Тану терингда тотлиқ жон яратдим,
Баҳойим* қилмадим, инсон яратдим,

Ҳамиша айладим тарбиййатингни,
Нагу қилдинг паришон ниййатингни.

Сани солдим мусулмонлиг ерина,
Қани шукр этганинг мингдан бирина?!

Сўфи Аллоҳёр



*Мунтазир раҳматиға гумроҳлар,
Муфтахир қуллиғи била шоҳлар.*

*Ямону яхшиға умид Андин,¹
Қўрқмоқ Андину, навид* Андин.*

*Жисмида ҳар нечаки қил бўлса,
Қил сени эл танида тил бўлса,*

*Ҳамдиға зокир ўлса ул тиллар,
Деса ҳамдини ойлару йиллар,*

*Ул барининг каломи бир бўлғай,
Бори ўз ажзига муқир бўлғай.*

Бобур

*Осмон дафтар каби саҳифа бўлса,
Ердаги дарахтлар гўёки қалам,
Дарё ва денгизлар сиёҳга тўлса,
Раббим, шукринг ёзиб адо қилолмам.*

*Ёмғир қатрасидек неъматинг чексиз,
Инъомлар тўхтамас бизлардан бирдам,
Нафас миқдорича ҳамд айтса, шаксиз,
Мадҳинг қилолмас ҳеч жумлаи олам.*

*Неъматлар қочганда кўзлар очилди,
Нонкўрлик дастидан кўрарин кўрди.
Эрта тонгда сувмас, заҳар сочилди,
Шу баҳона бўлиб, ақлу ҳуш кирди.²*

¹ *Андин* – Ундан, яъни Аллоҳдан.

* *Баҳойим* – Ҳайвон.

* *Навид* – Хушхабар.

² Муаллиф муножоти.

Роббана, ҳадсиз ҳамд, муддатсиз мақтов, мангу мадҳ, саноқсиз сано, шаб-рӯз шукроналарим фақат Сенгадир. Ҳамд-санонинг аввали-ю охири, зоҳири-ю ботини, махфий ва ошкори фақат Ўзингга хосдир. Чин муҳаббатим, холис ниятим, ўқиган намозим, дуо-илтижойим, шому саҳар қилган зикрим, қурбонлигим, қувонч ва газабим, ҳаёту мамотим Сен учундир.

*Ҳар дам Сени ўйлаб туним кун бўлур,
Бир дам ўйламасам кун шабгун бўлур.
Ёдинг дил боғига мисоли ёмғир,
Сувсиз санобарлар нақ ўтин бўлур.*

Қайтар ерим, сўнгни манзилим, талпинган жойим, эрта-кеч топинганим Сенинг ҳузурингдир.

Ойдек равшан бу улкан ҳақиқатга энг катта гувоҳ Ўзингсан. Малоикаларинг, ақли соғлом барча бандаларинг, ҳисобсиз ҳайвонот, наботот ва жамодотларингни бари забони ҳол ва мақол билан бунга гувоҳлик бергуси. Шулар қатори мен, ақли аёлим ва зурриётим билан биргаликда Сенинг бирлигингга ва ёлғиз чин маъбуд эканлигингга гувоҳлик берамиз.

Зотингда ҳам, сифотингда ҳам, гўзал отингда ҳам бирсан. Гўзал исмларинг, ҳикматли, чиройли ишларингда яккасан, ягонасан. Шериксиз, тенгсиз, ўхшаши йўқ танҳосан.

Айбларни беркитасан, гуноҳдан тавба қилганнинг тавбасини қабул қиласан, хатоларни тўғрилайсан, эгасидан қочган қулдек даргоҳингдан қочиб, турли кўчаларда дайдиб, изгиб, охири яна ўз ҳузурингга қайтган қочоқ бандангни бемаломат қабул қиласан, истиғфор билан маъсият кирларидан поклайсан, дуо қилсак мустажоб этасан, сўрасак берасан, шукр қилсак зиёда этасан, мисли йўқ Кариймсан, Қўли очиқ сахийсан, дунё ва охирада Раҳиму Раҳмонсан.

Чексиз неъмат ичида яшаб, илмсизлик ва гапга нўноқлигим боис мондалаб шукринг қилолмадим. Ҳамма инъомларни кўра била туриб ҳар бирига алоҳида шукр айтолмадим. Аслида ҳеч ким шукрингни тўлиқ адо этолмас. Сўзга чечан бурро-

лар, ақли расо зукколар, қалами ўткир котиб, адиб, шоиру шуаролар бир бўлиб, балки жумла жаҳон жамланиб мадҳинг адо этолмас. Сен Ўзингга сано айтганинг янглигсан. Ўзингдан ўзгаси мадҳингни уddaлай олмас.

Роббана, Ўзингни зикр қилишига, шукр айтишига ва чиройли ибодат қилишига кўмак бергин. Ўзингга кўп шукр айтувчи шаккор қил, ҳамиша ёдингни қилувчи закор қил. Тақводор бандаларингга ўрнак бўлувчи сардор қил. Тилимни доимо шукринг билан муаттар эт, дилимни маърифатинг билан мунаввар эт. Сенга шукр айтишни жуда-жуда севаман, мадҳинг этиб завқ оламан. Қани энди, ёлғиз ҳолимда ҳам, халоиқ ичида ҳам, берсанг ҳам, олсанг ҳам тинмай фақат Сенга ҳамду сано айтсам, тўйиб-тўйиб ҳамд, шукр, тавалло қилсам. Ишончим комилки, бир ўзим ёлғизликда Сени ёдласам, Сен ҳам мени ёд этасан. Жамоат ичида ёдласам, Кўкда Ердаги жамоатдан кўра яхшироқ жамоат ичида ёдлайсан.

Кимдир тарона тинглаб завқланади. Кимдир тамошо қилиб баҳри очилади. Кимлардир ўзига ўхшаиш банданинг мадҳида моҳир. Бу билан обрў топаман дейди. Баъзилар вақт ўтиши билан жамолидан асар қолмайдиган санамлар таъриф-тавсифини келтириб роҳатланади.

Мен учун эса Сенга ҳамд айтмоқ – роҳат-фароғат, сано – салобат, шукр – бойлик ва обрў, зикринг – хотиржамлик, тасбеҳ, такбир, таҳмид, таҳлил – ҳузур-ҳаловат, ўйинг – улугворлик, таъриф-тавсифинг – шавқ-завқдур. Қуёш нури, ой ёғдуси, юлдузларнинг чақнаши-ю милтираши, денгизлар тўлқини, дарёлар жўшқини, тоғларнинг муаззам гавдаси, салобатли сукунати, япроқлар таронаси, қушларнинг хониши қудратингни, раҳматингни эслатур, завқимизни оширур.

Қабрдаги барзах ҳаётига иймон келтирганмиз. Ундаги фитна ва азобдан паноҳ тилаганмиз. Энди яна бир ўтинчим бор, берсанг саховатли улуг эгамсан, бермасанг адолатли хўжамсан. Агар барзахда қайсидир банданга зикр, ҳамду-сано,

шукр айтишни насиб этсанг, ё илоҳо, ўтиниб сўрайман, қабр-да ҳам зикринг, шукринг билан тилимни банд қилгин, ҳамду сано айтмоқ билан қабримни обод этгин. Қиёмат кунда марҳаматингга сазовор бўлиб Соянгда турган бандалар қаторида қилгин. Шу онларда дилим ва тилим тинмай Сенга ҳамд айтиб туришини насиб этгин.

Роббана, Қуръонда бизга барча яхшиликни таълим бердинг. Шулар жумласидан даргоҳи олийингга қандай мурожаат этишини: Ўзингга қай йўсинда дуо қилишни ўргатдинг.

Таълим берганингдек, гўзал исмингни ёд этиб, муқаддас Каломингдан иқтибос келтириб, катта умидлар билан дуога қўл очамиз.¹ Аввал ижобат бўлган бу дуоларни қайта яна ижобат қилишингга ишонамиз. Карамли ҳузурингга хокисорона кўтарилган муҳтож қуллар қўлини қуруқ қайтармаслигингни жуда яхши биламиз.

Воасафо, ҳажда "лаббайка" дедигу ҳаётда лаббайгўй бўлмадик. Дариго, тилда баралла "оманно" дедигу татбиқда ҳамиша ҳам итоатгўй бўлмадик.²

Биздаги бу уятли катта қусур: аҳдга бевафолик ва кунлик исён сабабли Ўзингдаги инъомларни биздан тўхтатиб қўйма.

﴿ رَبَّنَا نَقَبَلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴾

﴿ **Роббана,** амалимизни қабул айла, албатта Сен эшитгувчи, билгувчисен. ﴾

Бақара сураси 127-оят.

﴿ وَتُبَّ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴾ ﴿ **Ва тавбамизни қабул эт, албатта Сен тавбаларни қабул этувчи раҳмлисен.** ﴾ Айни сура 128.

¹ Замондош олимлардан Абдулкарим Хузайр Оли Имрон сурасининг охирги оятларида кетма-кет келган "Роббана" деб бошланувчи оятлардан истинбот чиқариб: "Беш маротаба "Роббана" деб ёлвориб дуо қилган кишининг дуоси ижобатга лойик", деган эканлар.

² **Воасафо, Дариго** – Пушаймонлик ва афсус-надоматни ифодалайди.

﴿ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَطْلًا سُبْحَانَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴾

﴿ *Роббана, бу (борлиқни – осмонлар ва ерларни, кеча-кундуз-ни, мўъжизавий коинотни) беҳудага яратганинг йўқ. Сени (беҳуда иш қилишдек нуқсондан) поклаб (тасбеҳ айтгум). Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан сақла.* ﴾

Оли Имрон сураси:190-191-оятлар.

﴿ رَبَّنَا إِنَّكَ مَنْ تَدْخُلِ النَّارَ فَقَدْ أَخْرَيْتَهُ، وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴾

﴿ *Роббана, кимники Сен дўзахга киритсанг, батаҳқиқ уни хорлабсан. Золимларга ансор йўқ.* ﴾¹

Оли Имрон сураси 192-оят.

﴿ رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلْإِيمَانِ أَنْ ءَامِنُوا بِرَبِّكُمْ فَءَامَنَّا رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرْ عَنَّا

سَيِّئَاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ ﴾

﴿ *Роббана, ҳақиқатдан биз:"Роббиларингга иймон келтиринглар!" деб иймонга чақираётган жарчини эшитдик. Ва иймон келтирдик.*

Роббана, гуноҳларимизни мағфират эт, саййиотимизни каффорат эт ва аброрлар билан бирга вафот топтиргил. ﴾

Оли Имрон сураси :193-оят.

﴿ رَبَّنَا وَعَايِنَا مَا وَعَدْتَنَا عَلَىٰ رُسُلِكَ وَلَا تُخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ ﴾

¹ Турк мумтоз шеъриятида "носир", "ансор" калималари ишлатилгани кўпга маълум. Шунга асосланиб, аждодлар тилида янграган луғатни қўлладим. Истеъмолдан чиқарилган бу каби луғатларни кундалик ҳаётимизда тадбиқ қилмоғимиз, тилимиз аслини тиклайди, бойитади, шираси ва жамолини қайтаради.

﴿ *Роббана, пайгамбарларингга ваъда қилганингни бизларгада бергил ва Қиёматда бизларни хорлаб қўймагин. Сен ваъдага асло хилоф қилмассан.* ﴾

Оли Имрон сураси:194-оят.

﴿ رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴾

﴿ *Роббана, бу дунёда ҳам яхшилик бергин, охирада ҳам яхшилик бергин. Ва бизларни дўзах азобидан сақлагин.* ﴾

Бақара сураси:201-оят.

﴿ رَبِّ اغْفِرْ وَارْحَمْ وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّاحِمِينَ ﴾ ﴿ *Роббим, мағфират эт, раҳм айла, Сен раҳм қилувчиларнинг энг яхшисисан.* ﴾

Мўъминун сураси 118-оят.

﴿ رَبِّ نَجِّنِي مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴾

﴿ *Роббим, Ўзинг менга золим қавмлардан нажот бергин.* ﴾

Қасас сураси 21-оят.

﴿ رَبِّ إِنِّي لِمَا أَنْزَلْتَ إِلَيَّ مِنْ خَيْرٍ فَقِيرٌ ﴾

﴿ *Роббим, Сен менга туширган яхшиликка фақир, муҳтожман.* ﴾

Қасас сураси 24-оят.

﴿ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَصْلِحْ لِي فِي

ذُرِّيَّتِي ۖ إِنِّي تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴾

﴿ *Роббим, менга ва ота-онамга инъом этмиш неъматингга шуқр қилмоғимга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амалларни*

– эзгу ишларни амалга оширишимга муваффақ айла. Мен учун зурриётимни ислоҳ эт. Албатта мен гуноҳлардан Сенга тавба қилдим ва албатта мен мусулмонлардандурман. ﴿

Аҳқоф сураси: 15-оят.

Термизий Суналарида келади.

عن أبي سعيد قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ"

Абу Саид розияллоху анху ривоят қилиб дедилар: Росулulloх ﷺ шундай марҳамат қилдилар:

"Одамларга ташаккур айтмаган киши Аллоҳга шукр қилмабди".

Имом Аҳмад Муснадларида келади:

عَنْ التُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمِنْبَرِ :
مَنْ لَمْ يَشْكُرِ الْقَلِيلَ لَمْ يَشْكُرِ الْكَثِيرَ ، وَمَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ ، وَالتَّحَدُّثُ بِنِعْمَةِ اللَّهِ شُكْرٌ ، وَتَرْكُهَا كُفْرٌ ، وَالْجَمَاعَةُ رَحْمَةٌ وَالْفُرْقَةُ عَذَابٌ .

Нуъмон ибн Башир розияллоху анху ривоят қиладилар: Набий ﷺ минбар узра шундай дедилар:

"Озига шукр қилмаган, кўпига шукр қилмас.

Одамларга ташаккур билдирмаган киши Аллоҳга шукр қилмабди. Аллоҳ неъматидан сўзлаш – (неъматга) шукр демакдир, сўзламай қўйиш эса нонкўрликдир.

Жамоат – раҳмат, фуқарат эса азоб-уқубат".¹



¹ Яъни, "Мусулмонлар жамоасини лозим тутиш илоҳий раҳмат тушишига ҳамда файз-барака ва ажр-мукофотлар етишига сабабдир. Шунингдек раҳмат калимаси қамраб олган ҳамма яхшилик маъноларининг дунё ва охирада рўёбга ошишига асосий омилдир.

Мусулмонлар жамоатидан ажраб чиқиб, турли фирқа ва гуруҳларга бўлиниб кетиш эса азоб-уқубат тушишига сабабдир", деб изоҳлайди олимлар.

Яхшилар яхшилигини эътироф этиб уларни тақдирлаш ва миннатдорчилик билдириш, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш Аллоҳга шукрнинг бир нави.

Шунга биноан Яратувчи шукридан сўнг, мендан яхшилигини аямаган зотларга ташаккур билдиришга ўтаман. Уларни тақдирламогим, шукр маънолари ўз ичига олган ҳар бир эзгу амални тақдим этмогим мен учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. У амалларнинг энг аввали оғзаки ва ёзма равишда миннатдорчилик билдириш экан. Ушбу фурсатдан фойдаланиб у улуг ва муҳтарам зотларга миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Уларнинг аввалида ҳаётимнинг қуёши ва ойи бўлмиш онамамга ташаккур айтаман. Оқ ювиб, оқ тараган, ўқишим учун ҳамма шароитни яратиб берган қиблагоҳим, валинеъматим ва волидаи муҳтарамамга шукроналар тақдим этаман.

Аллоҳ жойингизни жаннатда қилсин. Гуноҳингизни мағфират айласин, ҳасанотингизни зиёда этсин. Мартабангизни баланд, насибангизни улуг қилсин. Ҳар бир бажарган савобли амалимдан Аллоҳ сизларга насиба битсин. Зеро бу яхшиликларнинг барчасида сиз азизлар менга шериксизлар. Ахир сизлар қўлимдан етаклаб устозга олиб бормаганингизда, ўқиш учун тўлиқ шароит яратиб бермаганингизда, жоҳил тугилган чақалоқ жоҳиллигича қолмасмиди?

Илоҳо, мен учун сарфлаган ҳар бир мол ва вақтингизга Аллоҳ ажри азиймлар ёзсин. Амаллар мезонга қўйиладиган Қиёмат кунда Аллоҳ у молларни ҳар иккингиингизнинг ҳасанотларингизга қўшиб, тарози палласини оғир қилсин. Биринчилар қатори ҳисоб-китобсиз, эсон-омон Жаннатга киргизсин...

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн.

Улуғ қиблагоҳим, азиз онажон, нури жаҳоним.

Соч-соқолимга қиров тушаётган бир паллада ёш боладек, "аяжон, дадажон", деб эркалангим келади. Катта ёшдагилар ҳам ичиқар экан. Каттайгандаги ичкиши ёмон экан.

"Ўғлим, дарсингни тайёрла, телевизор кўрма. Дарсдан кейин фақат фойдали нарсани кўргин", дер эдингиз. Гоҳида сўзингизга хилоф иш тутардим. Мана бугун телевизор кўргани на вақт бор, на тоқат ва на рағбат... Мен худди сиз каби ўз фарзандимга: "Ўғлим, дарсингни тайёрла, телевизор кўрма. Дарсдан кейин фақат фойдали нарсани кўргин", деяпман. Фойдали нарсани топиш эса жуда қийин...

Яқинда бир йигит "Бу нима?" деб номланган беш дақиқага етар-етмас қисқа видеотасвирни бизга илиниб ташлаб кетди.¹

Аввалига тушунмадим. Ўртасига етганда зерикдим. Охирига келганда ўзимни йигидан тутолмадим. Шунда сизни ва онамни эслаб кўзларимдан шашқатор ёшлар оқди. Кенг оламга сизмай қолдим. Қўлингиздан, пойингиздан ўпгим келди. Меҳр тўла нурафшон юзингизга тўйиб-тўйиб боққим келди. Фақат ва фақат узр айтишни истадим. Улуғвор сиймойингиз қарши-сида бош эгиб, тиз чўкиб, узоқ ўтиришни қўмсадим.

Қисқа видеолавҳа шундай бошланган эди.

Харсанг девор билан ўралган, кўкаламзор катта ҳовли. Йирик баргли, узун пояли ўсимликлар деворга чирмашиб олган. Ям-яшил барглар билан безанган дарахтлар қуёш нурида товланади. Шифтини кўм-кўк осмон қоплаган, сатҳига ўт-ўлан тўшалган заминда сукунат ҳукмронлик суради. Ажриқзорга тош ётқизиб, йўлка қилинган. Зангор буюқ берилган қия очиқ темир дарвозадан ҳовлининг ўртасига ўрнатилган суянчиғли курсида ўтирган олтмишни оралаб қолган ота билан ўрта

¹ Бунинг асли, тарихий ходиса. Салафлардан бирининг ўғли билан бўлиб ўтган суҳбати. Ҳозирги кунда замонавий қилиб суратга олинди.

ёшли ўгли кўринади. Ҳамма ёқ жим-жит. Фақат қушларнинг сайраши, дарахт баргларининг шивирлашигина эшитилади, холос. Ота ёш боладек атрофга боқар, ўгил мовий кўзини газетадан узмай, нималарнидир берилиб ўқирди. Шунда қишин-ёзин яшил либосини ечмайдиган ўсимлик шохиға чумчуқ қўнади. Ота ёш болалардек чумчуққа қараб: "бу нима?" деб ўглидан сўрайди. Ўгил кўзини газетадан узиб, отаси сўраган нарсани қидиради ва қушни кўриб: "чумчуқ", деб жавоб беради. Бир оздан сўнг ота яна "бу нима?", деб ўглидан сўрайди. Ўгил андек аччиқланиб: "ҳозиргина сизга айтдим-ку, дада, бу чумчуқ!" дейди. Чумчуқ пир этиб учиб, ота-бола яқиниға қўнади. Ота учинчи марта "бу нима?" деб сўрайди. Ўгилнинг хуноби ошади. Астойдил газабланади. Кўлидаги газетани зарда билан ёпиб: "чумчуқ, дада, чумчуқ!", дейди ва қайта сўрамасин дегандек, дона-дона қилиб, овозини ҳийла кўтариб: "чум-чуқ! Чум-чуқ!" дейди. Ота ҳеч нима бўлмагандек, тўртинчи марта "бу нима?" деб бир хил саволни такрорлайди. Ўгилнинг газаби таърифлаб бўлмас даражаға етганди. Қаршисидаги инсон отаси эканини унутиб, қўлларини падари бузрукка пешлаб, силкитиб-силкитиб: "дада, сизга нима бўлди? Бу чумчуқ деб неча марта айтдим-ку, нега тушунмайсиз, ахир?!", деб бақиради зарда билан. Ўгил бақиригидан кекса ота бир сапчиб тушади. Шунда ўрнидан туриб, икки қаватли уй томон юради. "Қаерга кетяпсиз?" дейди ўгил аввалги газабнок ҳолда. Ота қўли билан "жойингда ўтир" ишорасини қилиб, индамай ичкариға кириб кетади. Ҳаял ўтмай қўлида китобға ўхшаши гилофи қалин дафтарни олиб чиқади.

Ўгил отанинг атиги тўрт бор "бу нима?" деган саволидан шу даражада тутақиб кетган эди-ки, ҳатто берилиб ўқиётган газетасини ҳам ўқимай, ерга улоқтириб юборганди. Отаси чиққунча падар саволидан аччиқланиши сабабли оғриқ кирган бошини чангаллаб қолди. Ота оҳиста келиб китобчани ўгилнинг қўлиға тутқизади ва уни аста саҳифалайди. Излаган

жойни топиб, ўглига очиб беради. Китобга ўхшаш дафтар деганимиз чолнинг ёшликдан бери тўлдириб келаётган кундалик дафтари экан. Ўзгил газета ўқигандек, отасининг кундалик дафтарига сассиз кўз югуртира бошлайди. "Овозингни чиқариб ўқи!" дейди дада. Бола бундан анча йил муқаддам ёзилган эсталикларни овоз чиқариб ўқий бошлайди.

"Бугун бир неча кун илгари уч ёшга тўлган катта фарзандим богда мен билан бирга ўтирганди, ёнимизда бир чумчуқ пайдо бўлди. Болам мендан: "Дада, бу нима?" деб сўради, мен "чумчуқ" дедим. Бироздан сўнг яна "бу нима?" деди. Мен кулиб, "чумчуқ" дедим. У 21 марта "бу нима?" деб сўради. Мен унга 21 марта "бу чумчуқ", деб жавоб бердим. Ҳар сафар мендан сўраганда мен уни қучоқлардим, у эса менга худди шу саволни такрор ва такрор берарди. Бу менинг газабимни қўзгатмас, аксинча, жажжжи фарзандимга нисбатан ўзимда фақат меҳр ва муҳаббат туярдим"...

Ўзгил дафтардан бош кўтармай жимиб қолади. Ўз қилмишидан уялади, кўзида ёш қалқийди. Бояги газаб меҳрга айланади ва отасини қучиб, кечирим сўрайди, бошидан ўпади...

1991-92 йилларда Ўзбекистонга чет элдан меҳмонлар кела бошлаган эди. Ёшлигида Германияга, Америкага, Арабистонга кетиб қолган кекса ватандошлар киндик қонлари тўкилган замин зиёратига ошиқишарди. Улардаги ёшига хос бўлмаган аллақандай бесаранжомликни, нимагадир интиқ кўзларни ва ёш болалардек йиғи ва гайритабиий хатти-ҳаракатларни кўриб ҳайрон бўлгандим. "Дадам суянган устун ҳалиям бор экан", деб устунни қучоқлаш, лабини қўйиб ўпиш, "онам беланчак илган дарахт қуримабди", деб дарахтга юзини сурташ, ёш боладек суюниш ва йиғлаш, қариб қартайиб қолган кишининг ҳар бир гапнинг орасида "аям пазанда эди, мундай қилар эди, дадам бундай деганди, байрамга кўйлак олиб берганди, ўзига олмай менга ажойиб сандали харид қилганди", деб тез-тез такрорлашидан ҳайратга тушар эдик...

Катта бўлдик. Ота-она оламдан ўтганини эшитдик, кўрмадик. Кексалигида дастёр бўлолмадик. Вафот этгач жанозасига иштирок этолмадик...

Дийдорларига тўймагандан кейин улар суянган устунни қучгинг келар экан. Қилган яхшиликларини бирма-бир эслаб, уларга яхшилик қилишни истайсан. Кундузи чироқ ёқиб тополмаганингдан кейин босган қадамларига юзингни беланинг келада, тунроқларини кўзингга тўтиё қиласан, жонсиз нарсага лаб босасан...

Лекин...

Лекин ортидаги сўзим дилингизга ботмасин, мени тўғри тушунинг, илтимос...

Ушбу туйғуларни ҳурмат қилган ҳолда айтаманки, ота-онага бунинг фойдаси борми?

Жавоб: "Йўқ, албатта". Бу ўзимизга таскин, холос. Фойдали амал улар ҳаққига тинимсиз дуо ва уларга етиб боражак қайсики солиҳ амал бўлса, шуни амалга оширишдан ва улар суйган кишиларга яхшилик қилишдан иборат. Ота-она ўлими билан фарзандлик бурчи ва масъулияти тугамайди.

Ўз ота-онамга хитоб қилиб, шукрона айтиш орқали барча ёш авлодни орзу армонга айланмасдан олдин, ота-она оламини тарк этмасдан бурун у икки меҳрибонларига беармон хизмат қилишига ундайман. Атрофларида гирдикапалак бўлишига чақираман. Оқ ювиб, оқ тараган онага оқ бўлиш жиноятдан, сизни вояга етказиш йўлида сочига оқ оралаган муштипарнинг "оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка соғдим" деб юз ўгириш даржасига етказишдан огоҳ этаман. Мангу Жаннат истаганлар у икки муборак инсон пойида супурги бўлишсин. Жаннатнинг энг яқин йўлидан узоқлашиб кетмасинлар.

"Ота бўлмай, ота қадрини билмас",

деган мақол сизга бегона эмас.

Кун келиб йиғлайсиз чиқармасдин сас,

Хўп деб сўзим олинг, боғламасдан бас.¹

¹ Яъни беҳуда баҳслашмай, холис насиҳатни олаверинг.

Дийдорига муштоқ ўтганим икки улуғ зот ҳақларига дуога қўл очганимда, ўз-ўзидан яна бир муҳтарам инсонни – олис сафарнинг ярим йўлида эрта айрилган мунис сафардошимни дуо билан ёдламоғим мен учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ҳаётимда унутилмас ижобий из қолдирган ул мукаррама зот раббоний олим, маҳдум домланинг حفظه الله تعالى нури дийдалари, умр мевалари, 27 баҳорни тўлдириб, унинг 7 санасини Мадинаи Мунавварада, Расули Акрамга ﷺ қўшниликда, талаби илмда ўтқариб, 27 лайлатул қадр кечасини Маккаи Мукаррамада ибодат билан бедор ўтқазиб, Аллоҳнинг бир раҳматидан бир кам юз раҳматига кўчган марҳума биизниллаҳ умр йўлдошимдирлар.

Яхши-ёмон кунларимда, ҳаётнинг оғир-енгил, паст-баланд сўқмоқларида менга далда бўлган, мусофирчиликда сабр билан ҳаёт кечирган, диний, дунёвий, илмий ишларимда ва Аллоҳ тоатида беминнат кўмакдош, маслаҳатдош умми Абдулборийни ва онасига ҳамроҳ фарзанди дилбандимиз Хадижахонни Аллоҳ таоло Ўз раҳматига олсин. Қабрларини жаннат боғчасига айлантирсин. Қиёмат куни ҳисоб-китобсиз, осонгина, етаклашиб, Жаннатга дохил бўлишларини насиб этсин.

Афифа, обида, нафис туйғули, боадаб фарзандни вояга етказиб, Иймон-Ислом руҳида тарбиялаган икки улуғ зотга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Аллоҳ улардан рози бўлсин, Ўзи ҳифз-ҳимоятида сақласин, икки дунёда мартабаларини улуғ, насибаларини қутлуғ қилсин. Ҳамма ёмонларнинг ёмонлигидан, маккорларнинг макридан Ўзи асрасин. Дилдаги орзу-истакларини рўёбга чиқарсин. Маҳдум дамланинг илмларидан ҳаммамизни манфаатдор этсин, кўпларнинг ҳидоятига сабаб бўлганларидек, бундан кейин ҳам ҳисобсиз кишиларнинг ҳидоятига сабабчи қилиб, беҳисоб ажру азимлар битсин.

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн.



Эндиги шукроналарим устозлар ва дўст-ёрларга.

Устоз – иккинчи ота-она.

Ота-она болани дунёга келтирса, устоз унга дунёда қандай яшашни ўргатади. Улар едириб ичирса, булар маънавий озуқа беради. Бола йўргакдалигидан то оёққа туриб, ҳаётга мустақил қадам қўйгунга қадар ота-она тинимсиз елиб югурса, устоз болага алифбони танитиб, ўзи мустақил изланадиган бўлгунга қадар тинимсиз меҳнат қилади. Бир мурғакнинг ҳақиқий одам бўлиб шаклланишида, чинакам инсон бўлиб вояга етишишида бу уч мураббийнинг тутган ўрни катта.

*Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.*

Жомий

Устоз-мураббийлар шаънида ҳар қанча илиқ сўзларни айтсак камлик қилади. Ушбу ўринда мен барча устозларимга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. У улугларнинг ҳаққини бинг ташаккур ва минг ганж ила адо этолмаслигимни тан оламан.

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.*

Навоий

Шунингдек ушбу рисола ва ундан олдинги рисоаларнинг дунёга келишида моддий-маънавий кўмаклашган барча дўст-ёрларга, айниқса хаста-шикаста ҳолимда дардимга малҳам бўлган саноқли биродарларимга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Аллоҳ таоло уларнинг эзгу ишларида Ўзи мададкор бўлсин, икки дунё саодатига еткарсин.

Аслида устозлар ва дўст-ёрларнинг ҳар бирларини ёзма равишида алоҳида-алоҳида, номма-ном эслаб, ташаккур билдиришим зиммамдаги қарз эди, лекин ҳозир дилга нақшланган

улуғ исмларни қозғозга кўчиришидан кўра тилга кўчириб дуо қилишни афзал деб топдим. Қозғозга тушириши мавриди ҳам келиб қолар, инша Аллоҳ.

Агар инсонни тавоф қилиш жоиз бўлганда эди, юқорида зикри ўтган, номлари қалбимда нақшланган зотларни тавоф қилсам арзирди... Лекин инсонга инсоннинг саждаси дуруст бўлмаганидек, уни тавофи ҳам дуруст эмас. Ер юзидаги ягона тавофгоҳ – Каъбаи муаззама. (Аллоҳ уни мудом азиз айласин). Каъбадан ўзга жойни ёки тирик ё ўлик шахсни тавоф қилиш мумкин эмас. Инсон ҳар қанча баркамол, фозил бўлмасин, у бари-бир бандалигича қолур. Шахсини-ю қабрини тавоф қилиш жоиз бўлмас.

Бандалик – бани Одам етишган энг олий мартаба, энг юксак мақом. Ундан юқorigа кўтарилиши ва интилиши – заволдур.

У улуғларга нисбатан чуқур эҳтиромимни қалб тўридан жой олган самимий муҳаббат билан ифодалайман, шунингдек, улар ҳаққига чин дилдан дуо қилиб, қўлимдан келган ҳар бир эзгу амални тақдим этаман. То ҳаёт эканман эрта-кеч улар ҳаққига дуо қилишга Раббим кўмак берсин. Илмга амал қилишга, халойиқ хизмати билан Холиққа тақарруб ҳосил этишга Ўзи муваффақ айласин. Дўстларга дўстона муомала қилишни насиб этиб, Қуръонда Ўзи васфлаган биродарлардан қилсин.

﴿ وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِّنْ غَلِيٍّ إِخْوَانًا عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ ﴾

﴿ (Жаннат) чорпояларида ака-ука – дўст-биродар бўлиб, бир-бирларига рўбарў ўтирган (мўъминларнинг) дилларидаги гина-кудураатларни Биз чиқариб ташладик. ﴾ Хижр сураси 47-оят.

Илоҳо, бизларни ҳам шулар жумласидан қилгин.

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн.



Навбатдаги миннатдорчилик яхшилиги гайримубошир йўл билан етган, меҳри оммани тутган, таниш-нотаниш одамохун одамларга, қадрли қадршуносларга қаратилади.

Офтоб бутун оламини яшнатиб турган бир пайтда серқуёш улканинг бир чеккасидаги дили хуфтон кимсаларнинг ичига чироқ ёқса ёримайди. Улар кўчадан кела солиб кўзгуга боқадилар. "Алҳамдулиллаҳ, биз ҳам Одам фарзандимиз-ку. Ит, эшакка ўхшамаймиз-ку? Нега бизга одамларча эмас, ҳайвонга муомала қилгандек муомала қилишади?!" деб ўз қадрларига йиғлайдилар.

Эркаklar кўз ёши қиммат, фарёди эса бўрондек ҳалокат.

Муз тогини илитган, Ҳабашани қизитган офтоб нури кунда қорайганларнинг хуфтон дилини ёритишдан оғсиз. Бундай дили ўксик ўксиз¹ хастадиллар сафи кун сайин кенгаймоқда. Ўзгага кўнгил ёзишдан чўчиб, ўзига ўзи гапирувчи телбанамо соғлар пайдо бўлган: соғлар орасида телба, телбалар ичида сонпа-соғ. Сабаб: раҳм-шафқат тақчил, меҳр-оқибат камчил, қалблар тош, ишонч йўқолган, осмон йироқ, ер қаттиқ, ўлай деса, жон тотлиқ, Лутфий айтганларидек:

"Мушкул аҳволе тушубтур: ер қотиқу, кўк йироқ".

Шундай экан, кундан кунга ноёблашиб бораётган кўнгил кўтарувчи, раҳмдил инсонларни олқишлаб, ташаккур билдиришга бурчлимиз. Бир меҳригиё инсоннинг илиқ сўзи қуёш нури ёритолмаган ва илитолмаган инсон ички оламини ёрита олада ва илитади. Демак, навбатдаги олқиш ва тақдир одамнинг қадрига етадиган, кишининг инсонлик ҳурматини бажо келтирадиган меҳр-оқибатли одаминавандаларга.

Холиқу мутлақ мукаррам айлаган вужудни эъзозлаган, инсонни инсондек қадрлаган фозилу фузалоларга раҳмат!

Одамни одам ўрнида кўрувчи барча бани Одамга раҳмат!

¹ Ўксиз – 1 Етим. 2 Ёрдам берадиган кишиси йўқ, ҳимоясиз.

*Молга, мансабга, насабга қарамай инсонга инсоний муома-
ла қилувчи солиҳ инсонларнинг ҳаммасига катта раҳмат!*

*Дин равнақи, уммат ривожси, миллат иттифоқи, халқ фа-
ровонлиги, эл-юрт осойишталиги йўлида соч-соқолига эрта
қиров тушган олийжаноб, фидойи жафокашларга ташаккур!*

*Илм-маърифат заҳматкашларига, салафига эргашган зиё-
лиларга, йўлимизни чароғон этган чароғбонларга ташаккур!*



Ушбу рисолани яхши ният билан ўқиганларга алоҳида шуқр айтиши ва уларни тақдирлаши мен учун вожибдир.

14 асрдан бери мусулмонларга дуо-зикр ибодатидан таълим бериб келинади. Эрталаб-кечаси Аллоҳни қандай ёдлаш, Унга қандай муножот қилиши авлоддан авлодга ёзма, оғзаки равишда мерос бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда ёзилган китобларнинг деярли ҳаммасида сарлавҳа бир хил шаклда:

"Азкарус сабоҳ вал масо – Тонгги ва тунги зикрлар" деб берилган. Замондош олим Ғаззолий *فن الذكر و الدعاء عند خاتمة الأنبياء* номли китобларида, **"эрталабки-кечки дуо ва зикрлар"** деган анъанавий сарлавҳадан умуман четланиб, замонга мос равишда *معركة الخبز* – **"Нон жанги"** деб сарлавҳа қўйгандилар.

Яхшилаб ўйлаб қаралса, бу гапда ҳам жон борга ўхшайди. Чунки ҳамма эрталабда енг шимариб нон кўйида кўчага отланади. Кимдир бозорга, кимдир корхонага, кимлардир далага йўл олади. Аллакимлар таёқ кўтариб уларнинг йўлига, яна кимдир ўткир тигини яшириб уларнинг пойига тушади. Шундай қилиб бир бурда нон жангу жадал билан қўлга киритилади.

Биз яшаётган давр иқтисод даври. Яъниким, одамларнинг катта диққат-эътибори, ўй-фикри иқтисодга қаратилган. 24 соатдан иборат кун ва туннинг жуда катта қисми шу гоа йўлида сарф этилади. Бунда бирор бир кимсани айблашга ҳаққимиз йўқ, ҳаддимиз ҳам сигмайди. Зеро иқтисод давр талабига айланган долзарб муаммолардан биридир. Эрталаб уйдан уйқисираб чиқиб кетилади, ярим кечаси бола-чақа ёнига уйқисираб кириб келинади. Кимдир қуруқ қўл билан жигибийрон қайтса, кимдир тўрвасини тўлдириб хандон қайтади. Яна кимлардир кимларнидир чув туширганидан шодмон. Кўплардим қозон ичида қолгандек ишсизликдан уй ичида дилисиёҳ, хафақон. Хуллас, ҳамманинг фикри зикри жигилдон...

Ўзганинг нонини яримта қилиш ёки бутунлай тортиб олиш, гапнинг нўскаласини айтганда, шахс ёки давлат иқтисодини оқсатиш ё бира тўла синдириш замонамизда авж олган иқтисодий жанг ва жазо турларидан бирига айланди. Ўзаро урушлару, давлатлараро урушлар "нон жанги" дан иборат бўлиб қолди. Нони бутун, қорни тўқ давлат раҳбарларидан бири: "Курашимиз иқтисодий уруш эмас, эътиқодий урушдир", деб очиқ айтиб юборган эди. Яъни нефт, уран каби ер ости бойликлари учун эмас, балки дин устуворлиги учун курашяпмиз деганди... Аслини олганда динга ҳам, нонга ҳам ҳамла қилинган. Бириси бузилади, бириси тортиб олинади.

Асл мавзудан чекиниб, қаёқларга ўтлаб кетиб қолди, деб ҳайрон бўлманг. Узоққа кетганим йўқ. Ушбуларни келтиришдан мақсад: шундай жангу жадаллар ичида вақт топиб китоб ўқиган китобхон олқишга сазовор эканини таъкидлашдир.

Шу ўринда мен рисоламни китоб ўрнида кўриб ўқиган мусулмонларга алоҳида ташаккур билдиришга бурчлиман. Бераҳм иқтисодий жанг майдонида, яъни бозорда "қурол-аслаҳани", яъни қоп, сумка, товар, ҳисоб-китоб жиҳозини ерга ташлаб, қўлингизга китоб олганингиз учун раҳмат. Талабалар танбаллашиб, китоб ушламай қўйган бир пайтда, сиз бобаракотлар бозор ва даладан чарчаб келиб китоб ўқиганингиз учун катта раҳмат, минг бор ташаккур.

Ҳеч ҳам кам бўлманг. Китобга ҳамшиша ошно бўлинг. Яхшиларга иқтидо қилинг. Маърифат йўлида мол-дунёни аяманг, билим темирни тиллога айлатиради...

Халаф ибн Ҳишом дейди: "Наҳв фанидаги баъзи бобларни тушунишга жуда қийналдим. Кўп масалаларни англамадим. Шу йўлда ўттиз минг дирҳам сарфлаб, охири тушундим ва бу фанни жуда пухта эгаллаб олдим".¹

Суфён ас-Саврий дейдилар: "Нубуваттдан сўнг илмдан

¹ Абдулмалик Қосимнинг *ورثة الأنبياء* китобидан.

кўра афзалроқ амални билмайман".¹

Қимматли фикр-мулоҳазаларингизни аямасангиз, яна бир бор ташаккур айтаман. Ҳаққимга дуо қилсангиз, ташаккурга қўшиб ҳаққингизга дуолар қиламан. Шусиз ҳам дуодаман.

*Тилладан қимматроқ вақтни ажратиб,
Китобим ўқиган азиз қардошлар,
Сизга раҳмат айтмоқ мен учун вожиб,
Раҳмат айтмаган кас бўлгай ситамгар.*

*Бирингиз акамсиз, бирингиз ука,
Бирингиз опаю бирингиз сингил,
Ота-онадек жо қилдим юракка,
Чин дилдан ташаккур дейди шўх кўнгил.**

Аллоҳ илмингизни зиёда, ризқингизни кенг-мўл қилсин, мол-мулкингизга барака бериб, ўзингиз, аҳлингиз, зурриётингиз ва топган-тутганингизни турли бало-офатлардан Ўзи асрасин. Солиҳ сарбон билан сийласин, тинч-омонлик, соғ-саломатлик, файз-барака ҳар олти томонингиздан ўраб олсин.

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн,

Аллоҳумма, амийн.



¹ Айни масдар.* Шўх – Бу ерда қувноқ маъносида.

Ташақкурнома сўнгида биз учун беқиёс бўстон барпо этган, ҳаммамизни ушбу сафобахши гулистонда сайр этишимизга сабабчи бўлган улуг бобокалонимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим раҳматуллоҳи алайҳга аввало ўз номидан, сўнгра нури дийдаларим номидан ва ижозат берсангиз, сиз азизлар номингиздан, қолаверса бобога издош набиралар номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Чин дилимдан олқишлаб, юракдан самимий раҳматлар айтаман.

Севимли Росулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларига кўрсатган беқиёс хизматингиз олдида қўлимни кўксимга қўйиб таъзим бажо этаман.

Узоқ йиллар машаққат чекиб, заиф ва мавзу ҳадислардан холи қутлуг Саҳиҳни таълиф этганингиз учун қуллуқ қиламан.

Мусулмонларга қолдирган бебаҳо илмий меросингиз, юртимиз донгини оламга таратиб, файз-барака киритганингиз, тарихни оқлаганингиз, юзимизни ёруғ қилганингиз ва мозийдан келажакка нур таратганингиз учун қуллуқ.

Ҳаёти дунёни тарк этишингизга қарамай, илм билан ҳар асрдаги суннат ихёсига қўшган катта ҳиссангиз учун қуллуқ.

Ҳимматингиз ва сабрингиз билан ёшларга илм таҳсилида, ахлоқ-одобда ўрناق бўлдингиз, ўрта ёш кишиларга саодатли ҳаёт қандайлигини китобингиз ва ҳаётингизда кўрсатдингиз, кексаларга охираат ҳозирлигида намуна бўлдингиз, ана шу баракотли амалларингиз учун минг марта қуллуқ.

Ибодатда, амали солиҳда, илмга амал қилишда ва меҳр-муҳаббатда ҳаммамизга ўрناق бўлганингиз учун, қандай ўқиш, қандай ўқитиш, қандай муомала қилиш ва қай тарзда ибодат қилиш керагу, қай тарзда покланиш кераклигини ўргатганингиз учун ҳазор-баҳазор қуллуқ.

Ҳаёт саноати – яшаш санъатидан, хотима саноати – гўзал ўлим санъатидан таълим берганингиз учун ва баёни узундан узоқ барча қилган яхшиликларингиз учун олам-олам миннат-

дорчилик билдирамиз. Раҳмат, ташаккур, Аллоҳ рози бўлсин...

Мен, сизни улғайтирган муборак замин фарзандиман.

Сизлар мерос қолдирган соғлом эътиқод ва асос солиб кетган олий маданият ва буюк цивилизация ўғлиман.

Бой меросингизни фақир, муҳтож ворисларингизга етказиб, зиммасидаги омонатни адо этиши пайида юрган ходимларингизнинг дастёриман ва шу баҳонада уларга ҳам ташаккур айтиб, қуллуқ қиламан.

Ҳаммаларингга ҳазарон раҳмат.

Ўн икки асрдан бери эрта-ю кеч ҳаққингизга "раҳматуллоҳи алайҳ" деб дуо қилаётган саноқсиз мухлис ва шинавандаларингиздан бириман. Аслида сиз менинг ташаккурим ва дуо-иймга муҳтож эмассиз. Лекин сиздан кўп фойдаланган мўъмин сифатида ва содиқ набира ўлароқ сизга миннатдорчилик билдириб ҳаққингизга дуо қилиши диний бурчимдир.

Вафотингиздан жуда оз сониялар ўтар-ўтмас, Абдуллоҳ ибн Одам Тавовисий номли солиҳ киши туш кўради. Унинг хабар беришича, тушида Росули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрибди. Жанобимиз саҳобалар билан бирга кимнидир кутаётган эмишлар.

– Мен салом бердим,– дейди у. Росулulloҳ алик оладилар.

– Ё Расулulloҳ, бу ерда туришингизни боиси нима? – деб сўрадим.

– Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳимни кутиб турибмиз, – дедилар. Уйгонсам, имом Бухорий оламдан ўтган эканлар.

Бунни эшитиб соғинч ва қувончдан кўз ёшладик. Шу дамда юрак қон айлантирувчи марказ эмас, ёш айлантирар марказга айлангандек, ёшлар селдек оқиб, кўксимизни тўлдирди. Томиримизда қон эмас, ёш оқди.

***Роббана,** мени у улуғ зотларга маслакдош, сафдош қилганингга шукр. Беъмани мафкурага алданиб, жасаидан олдин*

онги ўлган фано муҳаббатига мубталолардан қилмаганингга шукр. Усти ялтироқ ичи қалтироқ маданиятга алданган бечоралардан қилмаганингга шукр. Бадхоҳларга эмас, хайрихоҳларга эргаширганинг учун шукр.

Роббана, ҳаётим сўнгигача шу порлоқ йўлда собит эт. Ўларда иймонимни комил эт. Маҳшарда у солиҳ бандаларинг билан бирга эт.

Роббана, мендан яхшилигини аямаган зотлар бошидан Ўзинг яхшиликларни қуйгин. Ўзинг суйган солиҳ бандаларга берган инъомларингни улардан ҳам биздан ҳам дариг тутмагин. Энг ноёб ва қимматбаҳо мукофатлар билан тақдирла. Тирикларини саломат сақла, ёмон кўз, шум ният, бадфеъллардан ва турли офатлардан ҳифзу ҳимоятингда асра. Вафот этганларини раҳм айла, Жаннатингга беҳисоб дохил айла. Ҳузурингда – Фирдавсул Аълода ҳаммамизни бирга жамла...

Роббана, битгонларимни улуғ Юзинг учун холис эт, айтгонларимни ёлғиз Ўзинг учун холис эт. Бу билан котибу қориларни қувонтир, муроду мақсадларга еткар.

Роббана, мутолаа учун қимматли вақтини ажратган ўқувчиларни Жаннат йўлига йўлла, дину дунё ишларида Ўзинг қўлла. Дилга туккан эзгу муродларини ҳосил эт, дилларини эзгуликка мойил эт. Бухорий бўстонига жавлон урсинлар, илмга амал қилиб охират бўстонига кирсинлар. Китобимни ўқиганга дуоларим кўп, ўқимаганга ҳам тилакларим хўп. Ўзимга суйганимни уларга илиндим, кўнгил хазинасида борини чиқаргани тортиндим.

Роббана, бу китобни бир бор ушлаганни ҳидоят айла, ниятини ўнглашиб, ҳисоб-китоб Кунда шафоат айла. Ёмон ниятда ўқиганинг дилини ёмонлик киридан поклаб, яхшилик нури билан ёрит. Бизни ҳамма ёмонларнинг ёмонлигидан сақлаб, омон эт. Уларга ҳам ҳидоятдек буюк неъматингни тўкиб сол, ичидаги адоватни юлиб ол. Илоҳо, саховатингга таяниб

дуода хўн сахийлик қилдим, ё Жавод, азалий одатингга биноан саховатингни кўрсат, уларнинг қотган қалбини тебрат.

Роббана, қулингни бандаларингга дин, маърифат ва эзгу ишда хизматкор қил, уларни хизматимга харидор қил. Яхшиларни ҳаммамизга ёр қил, яхшиликни бизлар учун ихтиёр қил, ризқ рўзимизни кенг, бисёр қил, барчамизни икки дунёда бахтиёр қил.

Ушбуларни ўқувчига манзур эт, қироатини баҳузур эт. Ҳаққимга, ота-онам, аҳлим ва зурриётим ҳақларига дуо қилганларга, биз учун тилаганларини бир неча баробар зиёдаси билан инъом айла, кўнглимизни бир бирига ром айла.

Аллоҳумма, амийн, бироҳматика я арҳамар роҳимийн.

Ва соллиллаҳумма ала абдика ва набиййика Муҳаммад ва ала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаийн.

*Минг шукрким, нокаسدан бир сўм қарзим йўқ,
Бу жиҳатдан тинчман, жуда кўнглим тўқ.
Лек улуг зотлардан маънан қарздорман,
Мол эмас, уларга бу жон тасаддуқ.*

*Ташаккур, ташаккур, чексиз ташаккур,
Тасанно, тасанно, йўл ёритган нур.
Баракаллоҳ, балли, қойил, офарин!
Бўстонингиз дилга бағишлар сурур.¹*

"Борингда қадринг билмадим, йўгингда излаб топмадим", деб охири пушаймонлик отаишда куймасдан бурун тадорик кўришимиз учун ота-она, аҳли-аёл, дўст-ёр, устоз-муаллим ва яхшилик қилган покдомон инсонларнинг қадрини билиб, меҳнатларини тақдирлаб, яхшиликларини қарздор сифатида тан олиб уларга ташаккур айтиб олдим. Бу билан ёш укаларимизга андаза қолдирдим. Ташаккурноманинг чўзилиши сабаби ҳам шу.



¹ Кувонч, шодлик.

Адолат ва виждон амрига қулоқ тутиб инсоф билан иш юритилса, хусумларга ҳам ташаккур билдириш керак экан.¹ Улар ҳам қатордан қолмасин. Гоҳида ёв зарар етказаман деб, ўзи билмаган ҳолда фойда етказиб қўяди. Шундай ҳам бўлди. Дудам тигли тиллар билимгоҳ бермаган билимни берди. Найзали нигоҳлар кўчадан кулбага ҳайдади. Тошдек отилган гап-сўзлар кўзни мошдек очиб, ақлни киргизди. Турли фитналар, галамисона хатти-ҳаракатлар кўп қатори мени ҳам узлат ҳибсхонасига банди қилди. Касаллик абжир инсонни тўшаққа михлаганидек, сохта табассум ортидаги заҳар-заққум нишлар заиф бандани ижодхона ўриндизига михлаб қўйди.

Ёлғизликда қозғоз билан қалам дардкашига айланди. Сиёҳ – малҳам, варақ – яра боғловчи доқа, жойнамоз – қўрғон, қибла – қалқон, намоз – нур, сабр – ёғду, Қуръон – шифо, зикр – қувват, дуо – аслаҳа, китоб – дўст-ошно, кўз ёшлар – оби ҳаёт, тафаккур – ҳамсоя, иймон-ишонч – сармоя, қаноат улугликка пиллапоя бўлиб қолди. Мадад сўраб фақат Аллоҳнинг даргоҳи олийсига юзландим. Қалб қаъридан **"Ё Раб"** дея ёлвориб роз айтдим, муножот битдим. Дил дардини оқ қозғозга тўкдим. Самара ёмон эмас, натижа ўйлаганимдан кўра ортиқ, зиёда; дўстни суюнтириб, душманни куйдиради.

*"Ташаккур" сенга, эй нодон душман,
Кўп фойдаландим адоватингдан.
Авал сиқилдим, ҳозир хўп хушман,
Дарс-сабоқ олдим ҳамоқатингдан.*

Ерга урилдим деб койинишдан қутулдим. Ахир уруғ тупроққа қоришгандан кейингина кўчат бўлиб дарахтга айланар, ана ундан кейин мева тугар ва мевали дарахтгагина тош отилар экан-да. Ерга урилган нарса кўкка сакрар, тепадан ташлангани эса ерга қулаб, чилпарчин бўлар экан. Остига ўт қў-

¹ Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, муаллиф шахсан аҳли қибладан муайян бир шахсга хусумати йўқ. Шундай бўлишимиз матлуб. Бу нав шукрона эса Салмон Авданинг *شكروا أيها الأحباء* номли китобидан руҳланиб ёзилди.

йилган жонсиз темир Ер йўлдошига тезда етиб олади. Ўт-сизи нам ерда қолиб, занг босади, чириб яроқсиз ҳолга келади.

Агар дунёда душман бўлмаса, дўстнинг қадри билинмасди.

Агар ҳаётда бахиллар топилмаганда, сахийларнинг мартабаси кўтарилмасди.

Агар номардлар бўлмаганда, мардларни қандай танирдик?

Агар оламда қоронғулик бўлмаса, ёруғлик қадрига ким ҳам етарди. Аслида қора борлиги учун оқ равшан кўриняпти ва қиймати ошяпти.

Қаттиқлик бор экан, юмшоқликдан баҳра оляймиз. Ситам сабабли саодатни соғиняймиз. Дарё лабидаги балиқчидан кўра чўлдаги йўловчи сув қадрига кўпроқ етади.

Аё душман, сенга йўлиққунимга қадар ўта содда, гўл, гўр эканман, пишитдинг, кўр эканман, кўзимни очдинг. Гофил эдим, уйғотдинг. Бу гаразли "яхшиликларинг" учун "ташаккур" айтаман. (Сўзларим самимий, чиндан гофил, ишонувчан эдим).

Сен билан танишган ўша машъум бахтли кунгача кўз ёшларга ишонар эдим. Шикоятларнинг ҳаммаси тўғри, ҳақ деб билардим. Табассумларга алданиб, лаққа тушардим. Яхшиям сенга йўлиқиб қолдим-а. Бўлмаса, ўла-ўлгунча шу тарзда ҳамиша тўрға илиниб ўтиб кетар эканман.

Ахир Юсуф алайҳиссаломнинг акалари қилгиликни қилиб қўйиб, оталари ҳузурига йиғлаб келган эди-ку?

Ахир Зулайхо кўркам Юсуфни бузуқликка чақариб, кейин эрига, "Юсуф менинг номусимга тегмоқчи бўлди, мени зўрлади", деб айбни унга оғдариб қўя қолган эди-ку?

Ахир мунофиқлар Муҳаммад алайҳис солату вассаломга доим табассум билан боқиб, зиддиларига иш юритмасмиди?

Наҳот шунча ўқиб, ўрганиб, шу воқеалардан сабоқ олмаган бўлсам? Қойил, сен домлаларим эпполмаган ишни уддаладинг.

Кўз ёшларингни кўрсам, Юсуф алайҳиссалом акаларининг Ёқуб алайҳиссалом ҳузурига "жигаримиздан айрилиб қолдик, укагинамиздан жудо бўлдик, ёш гўдакни бўри еб қўйди", деб йиғлаб киришлари кўз ўнгимда гавдаланади.

Ўзингни мазлум кўрсатиб, мунгли, маънос аҳволда солиҳ, фозиллар устидан шикоят қилишингни эшитиб қолсам, Зулайхонинг ўз айбини бир бегуноҳ бечоранинг бўйнига секингина илиб қўйиши эсимга тушади.

Муғамбирона илжайишинг эса мени жуда олис замонларга ва узоқ маконларга олиб кетади. Ҳар қачон тиржайсанг бундан ропна роса ўн тўрт аср ортга қайтиб кетаман, Мадинага хаёлан саёҳат қиламан. Ярашиқсиз илжайиб Росулulloҳни ﷺ ва саҳобаларни ﷺ алдаган мунофиқлар кўз ўнгимда намоён бўлади.

Тегирмондан бутун чиқишингни кўриб, Фиръавннинг сеҳргарлари ёдимга тушади. Улар ҳам сенга ўхшаб тегирмондан бутун чиқа олармикин, деб ўйланиб қоламан. Эплогмасалар керак.

Саодатимга рахна солишингни кўриб, илоҳий тақдирнинг мукамаллигига тан бераман, тасанно айтаман. Ахир "хусумларингни" бахтсиз қилишга озмунча ҳаракат қилдингми. Уйқулардан қолиб, муҳим ишларингни ташлаб, у билан овора бўлиб қолдинг-ку. Лекин тақдир жадвали ўта пухта тузилган эканким, сен ундан бирор бир нарсани ўзгартира олмадинг.

Ортга кетишимни истардинг бирам,
Олдинга силжисам чекар эдинг гам.
Кундузи изтироб, кечалар алам,
Чўғ сингари куйдинг, ҳатто қорда ҳам.

Баъзи инсонлар бўладики, уларни "золим" деб атасанг, жуда мос тушади. Баъзисига бу калима камлик қилади. Золим сўзининг ёнига бошқа бир дағалроқ калимани қўйиши керак.

Баъзи инсонларни "жоҳил" дейилади. Баъзисига бу ном оз-

лик қилади. "Жоҳил"нинг олдига маънони кучайтирадиган "ғирт" ёки "бутунлай" қўшимчаларини изофа қилиш лозим.

Айримларни "шайтон" дейилса, шайтоннинг ўзи хафа бўлади. Балки шайтон дейилган шахснинг ўзи бу исмга рози бўлмас. Ахир улардан бири фахрланиб шундай демаганмиди:

*Бир пайтлар шайтонга шогирд тушгандим,
Ундан кўп ҳунарни обдон ўргандим.
"Устаси – гарангу, шогирди – фаранг",
дебон мен устоздан анча ўзгандим.*

*Иблис бугун менга шогирд тушибдир,
Ўз поғонасидан настга тушибдир.
Эгардан тушмасди, отдан тушса ҳам,
Кексайиб мажбуран мукка тушибдир.*

Ҳаёт ажойибхонасида яна шундай шахслар борки, уларга "золим", "жоҳил", "шайтон, иблис", "қонхўр" калималарини қўшилса ҳам камлик қилади. Уни тўла-тўқис таърифлаш учун ушбу атамалар билан биргаликда қомус китоблари ёзишдан ҳаё қилган бепарда сўзларни ҳам қўшиб юбориш керак. Ана шунда исми жисмига мос бинойидек атама ясалади.

Баъзилар золим ҳам эмас, жоҳил ҳам эмас, шайтон ҳам эмас, лекин ўшаларга малай, хизматкор. Уларнинг тутумини кўриб, "садқаи одам кет", дейсиз. Таши одам, ичи одамга ёт нокасларга "инсон номи ҳайф, белдаги белбоғ ҳайф!" – дейсиз.

Аё ганим, аё ёр кийимидаги айёр, сен кимсан? Сўз сўрасак индамайсан, нечун жимсан?

Золимми, жоҳилми, шайтонми ё малай-хизматкорми?! Жаҳолат, қабоҳат бозоридаги мардикорми?! Ё разолат рас-тасида разил дўкандорми?!

Нега ўзингни ошкор этмайсан?!

Тавба қилиб, истиғфор айтмайсан?!

Нега саодат йўлига зов бўласан?! Одамлар умрига эгов бўласан?! Неча-неча дилларни тирнаб, хонадонларни хароб айладинг. Қанча-қанча покдомонларнинг оғзини мойлаб, халқу-

мини булгадинг. Ўзинг каби ҳаромтомоққа айлантирдинг. Уялмайсанми Холиқу халқдан. Қўрқмайсанми ҳокиму барҳақдан. Нега? Нечун? – деб томоқлар қуриди. Шаррингдан эзгулик кўчатлари сўлиди.

Лекин...

Лекиндан кейинги гап кимгадир ёқади, кимгадир ботади. Шундай бўлсада барибир орани очик қилиш учун ва тузилажаск шубҳани кетказиш учун уни айтишга мажбурмиз. Шунга кўра хусумлар ўртасидаги гоҳ забони ҳол, гоҳ мақол билан ўтказилган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этаман.

– Аё ганим, юз-хотир қилмай айбимни дадил юзимга айт! Гуноҳим бўлса бўйнимга олиб тавба қилайин, хатойим бўлса тўғрилаб олайин, – дедим.

– Айбинг ва жиноятинг ягона Аллоҳга ва Муҳаммадга иймон келтирганингда, – деди охири очигини айтиб.

– Ийи, нима деяпсан?! Сен айтган бу амал жиноят эмас, аксинча, бахт-саодат, чексиз фазилат. Соғлом фикрли ақлли инсонлар иттифоқи билан бу – катта ютуқ ва галаба. Сўзингни ўнглаб ол. Қуёшни тош деб атаганинг билан у тошга айланиб қолмайди. Кунни тун десанг ҳам, у сенинг сўзингга эътибор бермай ўз нурини сочаверади. Тиллони темир деганинг билан жилоси кетиб, нархи тушиб қолармиди.

*Бир Аллоҳга тоат жиноят эмас,
Росулга муҳаббат жаҳолат эмас.
Йўқ айб учун жазо адолат эмас,
Ваҳийдан узоқ илм маърифат эмас.*

*Тўғрилаб ол сўзни, ўнгла ўзингни,
Қадамни ўйлаб бос, очгин кўзингни.
Қуёшни тош десанг тошга айланмас,
Тепага тупурсанг, беркит юзингни.*

*Ёлғиз Рабга иймон "жиноят" бўлса,
Суннатни бажариш "жаҳолат" бўлса,*

*Олам гувоҳ бўлсин, баралла айтгум,
Мен шул "мужрим", "жоҳил", ҳақиқат бўлса.*

*Демак, ора очик, қарзим йўқ сендан,
Сен ситаминг боис қарздорсан мендан.
Маҳшар шохли қўйдан олинур қасос,
Қиёматга етмай ибрат ол бундан.*

*Ҳаққа қуллик қилмай, қул бўлдинг нафсга,
Хур туғилиб, тикдинг ўзни қафасга.
Гоҳ ҳайкал, гоҳ шахсга бандалик қилдинг,
Иймонни бир татиб, бахт топ бирпасга.*

Хусумлардан иккинчи тоифаси юзимга бир нима дейишга ботинмасада, лекин мен йўқлигимда тилига кўп эрк беради. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Энг қизиги, уларнинг аксарини мен умримда кўрмаганман, улар мени кўрмаган. Мулоқот бўлмаган. Муомала қилинмаган. Ҳеч қандай олди-берди йўқ. Умуман алоқа йўқ. Гап-сўз ўтмаган. Ҳеч кимнинг арпаси хом ўрилмаган. Аммо адоватлари ўлжа талашаётган оч қашқирқобонникидан кучли. Айтишларича, уларнинг кўзидан галати ўт учқуни чақнаб чиқармиш. Бир оздан сўнг учқун алангага айланади. Бу учқун ва аланганинг қандай ҳосил бўлишини кимёгарлар билмас экан. Уни бошқа соҳа мутахассислари яхши тушунармиш. Уларнинг сўзига кўра, бу ўт-аланга ҳасад тоши билан иймонсизликнинг қайроғи шиқаланганда ёки қаттиқ урилганда пайдо бўлармиш.

Учинчи ва энг охирги айбдан ҳайратланиб ёқа ушлайсиз. Бу – айбномага тиркалган айблар ичидаги энг ажабтовуридир. Айбнинг нималигини суриштирсам, "айбинг ўзбекистонликсан", деса бўладими. "Фақат Ўзбекистондан бўлганим учун мени ёмонлаб, тескари ташвиқот юргизяпсизми? Арзирли бошқа баҳона йўқми", – дейилса, чурқ этмади. Бироқ бояги кишининг кўзидан чиққан ўт унинг кўзларидан вулқондек отилиб чиқди.

Гап англамас одамга гап уқтиришни эп кўрмаган озурда дил одатдагидек яна ўз Яратгувчисига юзланиб, арзи бандачилигини изҳор эта бошлади...

Шу пайт денг, онда-сонда бир ташириф буюрадиган илҳом дарғазаб ҳолда келиб қолди. Кўй, ўзингни бос, улар сенинг тенгинг эмас, дейишимга қарамай, ҳай-ҳуйимга қулоқ солмай, аччиқ устида шошиб-пишиб ушбуларни қоралаб кетди.

*Карвон кетидаги кичик кучукча,
Акиллаб қийнадинг ўзингни мунча.
Шоҳ кўйда чарчайсан, изла кўчача,
Олисга чидолмас тирриқ тирранча.¹*

*Аммо менга тикан мисоли гунча,
Зодда бор сув, асал, патиру кулча.
Толмайман сафарда ўла-ўлгунча,
Бу ҳақиқатни сен, ақлингла ўлча.*

*Тонг отгунга қадар ҳурсанг ҳуравер,
Зимистонда изгиб юрсанг юравер,
Ёғоч от мингунча кулсанг кулавер,
Ҳасад оловида куйсанг куявер*

*Эй кўнгил, гам ема, Аллоҳ кўрувчи,
Ким нима қияпти Ўзи билувчи.
Унга топшир ишни, роҳатланасан,
Одил Жаббор лойиқ жазо берувчи.*

¹**Шоҳ** – Асосий, катта, бош маъноларини ифодайлади. **Кўй** – кўча.

Қадимги сўғд ва фарғоний тилларда маҳалла "кўй" деб, кичик кўчалар кўйча деб аталган экан. Араб тилидаги "маҳалла" сўзи кириб келгач, "кўй" маҳалла деб атала бошлаган. Кўйча калимаси кўчага айланиб кетган. Ҳозирда "кўй" калимаси бутунлай йўқ бўлиб кетмаган, лекин ёлғиз ўзи эмас, кўпроқ маҳалла, кўча калимаси билан қўшилиб: "кўча-кўй", "маҳалла-кўй", "маҳалла-кўйчилик" шаклида ишлатилади.

Ғазабнок туйғу тарқашига дардноги ташириф буюради.

*Кимнидир согиниб кўргим келади,
Кимнидир кўрибоқ тезда қочаман.
Бир оғиз сўзни ҳам қизгансам кимдан,
Баъзи бир кишига дилим очаман.*

*Кимгадир зўр-базўр нон ушатсам гар,
Кимнингдир устидан зарлар сочаман.
Айримларга зўрға қўл узатсам гар,
Кимларни бағримга босиб қучаман.*

*Кимларнидир излаб талпинар кўзим,
Кимларга боқишни ҳаргиз истамас.
Кўзни инжиқ, десам, дил ҳам шу аҳвол:
Кимнидир хушласа, кимни хушламас.*

*Суҳбатижсон солиҳ суҳбатдошларга
Интиқиб чопаман, сира тўймайман.
Сузагон сухандон сотқинлар сўзин
Тингламай терсланиб таққа тўхтаيمان.*

*Оқ кўнгилга солсам оппоқ пойандоз
Қадамига эксам атиргул, райҳон,
Бағритош келганда, кавушандоздан
Кавушин тўғрилаб қўяман чаққон.*

*Одам деб билгандим кўплардек уни,
Бирам сийлаб яқин тутдим ўзимга.
Юсуфдек ишондим ҳеч иккиланмай,
Воҳ, бирдан чангалин солди юзимга.*

*"Ишонма дўстингга" деган қадим сўз,
Чиндан ҳам ҳаётӣй мудҳиш ҳақиқат.
Ҳозир сомон тиқмай гўрга тиқяпти,
Улфатдан келяпти аксар фалокат.*

*Мусаффо жойларни қумсайди кўнгил,
Қолганмикин асли шундай пок макон?
Башар булғамаган қат қолди, айтинг,
Мусаффолик излар жумлаи жаҳон.*

Улуғлар ўғитида келади:

*Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одамий.¹*

*Юқорида назмидан баҳраманд бўлганимиз бухоролик кам-
тар нозим дейди:*

*Чумчуқ ўсиб семирса ҳам гоз бўлмайдир,
Сув юзида юз юрсанг ҳам из бўлмайдир.*

*Минг йил яшаб яйрасанг ҳам олам аро,
Ёшлигингдек лаззатга бой кез бўлмайдир.*

*Яхшиларнинг юрагида гараз бўлмас,
Қуёшни кўр, қучогида муз бўлмайдир.*

*Марду доно, сахийларда фазилат бор,
Ғийбатчининг сўзларида туз бўлмайдир.*

*Парваришлаб кексани ёш қилолмайсан,
Кампирга минг безак тақсанг, қиз бўлмайдир.*

*Кел, Шарифий, хизмат қилиб, роҳат олгин,
Раҳмат, деган гапдан улуғ сўз бўлмайдир.*

¹ Алишер Навоий.

Мусулмонга йўл бошловчи ҳам, дардига дармон, касалига шифо ҳам Қуръони каримдир. Сиқилганда дардкаш, сафарда йўлдош, зимистонда нур, ёлғизликда яқин муниси шул Китоб. Аллоҳнинг оятлари қалбга таскин беради, хотиржам қилади, заифга куч-қувват бағишлайди. Аърофнинг аввалги оятларида:

﴿الْمَصَّ ۝۱﴾ كَتَبْنَا لَكَ فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ مِّنْهُ لِنُنذِرَ بِهِ، وَذِكْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿۱﴾

﴿Алиф, Лам, Мим, Сод. (Бу) – сизга индирилган Китобдир. Унга (ишонишмагани боис) юрагингиз сиқилмасин. (Қуръон) У билан сиз (кофирларни) огоҳ этишингиз ва мўъминларга эслатма ўлароқ нозил этилгандир ﴾ дейилади.

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِيٍّ عَدُوًّا شَيْطَانِ الْإِنْسِ وَالْجِنِّ يُوحِي بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ زُخْرُفَ الْقَوْلِ غُرُورًا﴾

﴿Шунингдек, ҳар бир пайгамбарга инсу жин (дан иборат) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун бежамадор сўзлар билан васваса қилурлар.﴾

Анъом сураси 112-оят.

﴿مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ، وَجِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوٌّ لِلْكَافِرِينَ﴾

﴿Кимки, Аллоҳга, Унинг Малоикаларига, Пайгамбарларига ҳамда Жибрил, Миколга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (ундай) кофирларга душмандир.﴾

Бақара сураси 98-оят.

Ўйлаб кўринг. Инсон ўзини яратган, турли-туман неъматларни унинг бошидан қуйиб юборган ўз Яратувчиси Аллоҳни душман тутар экан. (Нодонлик бўлса, шунчалик бўлади-да...)

Оламга раҳмат бўлиб келган, башариятга яхшиликни соғинувчи энг улуг ва меҳрибон инсон – Муҳаммад алайҳис-салоту ва салламга адоват қилар экан. "Адоват учун бошқа одам топалмадингми?" дейсиз ҳайратланиб.

Асли макони осмонда бўлмиш, ерликларга саодат дастури ваҳийни олиб келувчи, уларнинг ош-нонига ҳам, уй-жойига ҳам шерик бўлмаган, ўзлари кўзга кўринмас пинҳон, осорлари ҳар томонлама ошкор-намоён икки малак – Жаброил ва Мекоилни ёмон кўриб, уларга нисбатан кек сақлар экан...

Росуллоҳга ﷺ баъзи бир нодон жоҳиллар озор берганда, биродарлари Мусо алайҳиссаломни эслаб шундай дердилар:

"يَرْحَمُ اللَّهُ مُوسَىٰ قَدْ أُوذِيَ بِأَكْثَرِ مَنْ هَذَا فَصَبْرٌ"

"Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин, унга бундан кўра кўпроқ озор берилар эди, у эса бунинг барига сабр қиларди".

Муттафақун алайҳ.

Инчунин, Қуръони карим Мусо алайҳиссалом тортган озор-азиятлардан ҳикоя қилиб, ибрат олишга чақиради.

﴿ وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ أِمْلِكُمْ لِمَ تَأْتُونِنِي وَقَدْ تَعْلَمُونَ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ ﴾

﴿ Эсланг, Мусо ўз қавмига: "Эй қавмим, нега менга озор бера-сизлар, ахир мен Аллоҳнинг сизларга юборган росули эканимни биласизлар-ку?!" деганди. ﴾

Саф сураси 5-оят.

"Улар Мусо алайҳиссаломнинг ҳақ пайгамбар эканини била туриб унга озор бергандилар. Бу эса, яъни била туриб озор етказиш озор-азиятнинг жуда қаттиқ, оғир ботадиган энг ёмон туридир".

Мусо алайҳис солату вассалом Парвардигорларига шикоят қилиб: "Ё Раб, бандаларинг менда йўқ айбни айтиб, менга озор беряптилар", деганда, Парвардигори олам: "Бандаларим Менда йўқ айбни айтиб, Менга ҳам озор беряптилар. Менинг жуфтим, болам, шеригим борми?!", деган экан.

قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: يُؤذِنِي ابْنُ آدَمَ يَسُبُّ الدَّهْرَ وَأَنَا الدَّهْرُ أَقْلِبُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: **"Бандам замонни сўкиб Менга озор берди,¹ ҳолбуки Мен тун ва кунни алмаштирувчи даҳрмен"**, деди.

Муслим ривояти.

Ибн Шихна номи билан танилган, дамаиқлик ҳанафий мазҳаб олимларидан Муҳиббиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад (749 ҳ – 815 ҳ) балогат илмида таълиф этган "مائة المعابي والبيان"

номли манзумасида: *أبياتها عن مائة لم تزد فقلت غير آمن من حسد*

"манзума байтлари юздан ошмайди, (лекин буни) ҳасаддан хавфсираб айтмоқдаман", деган эдилар.

Соҳиб фазилатларга доим ҳасад қилинган. Шундан чўчиган фақиҳ, шоир, олим Муҳиббинддин ибн Шихна ҳам "ҳасаддан бўлган хавфдан мен омонда эмасман", демоқдалар.²

¹ "Озор" калимасидан зарар етказиш келиб чиқмайди. Оли Имрон сурасида келлади: ﴿إِنَّهُمْ لَن يَصُرُوا اللَّهَ شَيْئًا﴾ **Улар Аллоҳга ҳеч қандай заррар етказа олмайдилар.**

Буни оддий инсонлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Инсон бадбўй хиддан, ёмон сўздан, ёқимсиз товушдан озорланиши мумкин, лекин зарарланмайди.

² Балогат илмига (бадий сўз санъатига) қизиққан толиблар учун олимнинг мазкур китоблари жуда фойдали. Манзума атиги юз байт, холос.

Дарвоқе, Ибн Шихна Амир Темур Курагонийга замондошдир. Фойдадан холи бўлмагани учун султон билан олим ўртасидаги ибратли ҳодисани келтираман.

Ибн Шихна номли тарихий китобда ёзилишича, Темурланг Суриянинг Ҳалаб шаҳрига бостириб кирган пайтида шаҳар қозилари ва фуқаҳоларини чорлатади. Ва ўзининг Жамолиддин Абдулжаббор номли имомини тилмоч қилиб, ушбу жанг ва унда ўлган аскарлар ҳақида сўрайди. Яъни, менинг жангчиларимдан ўлганлари шахидми, йўқми? – деб савол ташлайди. Ҳарбий кийимдаги султоннинг қалтис саволига жавоб учун ибн Шихна ихтиёр этилади. Олим ҳаводан олиб эмас, ҳадисга асосланиб шундай дейдилар: "Бу ҳақда жаноби Росулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам сўралганларида:

"من قاتل لتكون كلمة الله هي العليا فهو الشهيد" – **"Кимки Аллоҳ калимаси олий бўлиши учун курашса, ана ул киши шахиддир"** деб марҳамат қилганлар". Амир Темурни қисқа ва лўнда жавоб ажаблантиради. Росулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари айтилгани учун бу борада ортиқча савол бермайди. Жанобимизнинг муборак сўзларидан ўз сўзини устун қўймайди. Сухбат мавзуси ўзгариб, қизгин давом

Фузулий ўз "Девон"ларининг муқаддимасини шундай мис-
ралар билан якунлайдилар:

*Хазондир гулшани ирфона ҳосид,
Илоҳи, ҳосиди хор айла доим.
Ишидур маърифат аҳлина озор,
Илоҳи, ҳосиди зор айла доим.*

Шуларни ўйлаб қалб таскин топади. "Фалоний, фисмадо-
ний", деб берилган нотўғри нисбатларга ва қуруқ тухматлар-
га ҳадеб куйинавермайсан киши. Агарчи фақат ва фақат
яхшилик қилган зотлар душман тutilса, уларга кек сақланса,
буғз-адоват изҳор этилса, биз уларнинг ёнида киммиз?

Ҳеч ким ва ҳеч нима эмасмиз!

Гоҳида одамзод беҳикмат тутими билан душман ортти-
ради. Дўстлар гоҳ обрў талашиб, гоҳ гап талашиб душманга
айланади. Ҳозир дам мол, дам мансаб, дам қиз-жувон орқаси-
дан сан-манга бориб, юз кўрмас бўлиб кетиляпти. Ўйин-кулгу
жанжалга, қувонч қайғуга айланмоқда. "Мен сендан қоламан-
ми" деган бало-офат қанча-қанча ака-укаларни бир-бирига
қарши қилиб қўйган. Арзимаган сабабларга кўра ога-унилар
тескари бўлиб қоляпти. Биродарлар ўртасига фитна учқун-
лари ташиланмоқда...

Аллоҳул мустаъан ва илайҳиттуклан. Майли, саодат маъ-
дум эмас... Ноумид шайтон. Умиддан воз кечиши тутқинликка
таслим бўлишдир.

Нима бўлган тақдирда ҳам "Алҳамдулиллаҳи ала кулли ҳал
ва наузу биллаҳи мин ҳали аҳлиннар. Ва наузу биллаҳи мин шар-
ри кулли зий шаррин анта охизун бинасиятиҳ".

Энг ёмон кўрган кишинг яхши томонга ўзгариб, энг яхши
кўрган кишингга айланса, ўз садоқати билан муҳаббатингни
касб этса, сен ҳам унинг муҳаббатини касб этолсанг, бу – энг

этади. Шунда олим Ҳалабда бошқа ҳеч кимнинг қони тўкилмаслиги борасида
сўрайдилар. Росулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини эслатган олим
сўзи ўша заҳоти инобатга олинади, Темур Ҳалаб аҳлига омонлик беради.

катта ютуқ ва муваффақиятдир. Энг яхши кўрган кишинг ёмон томонга ўзгариб, энг ёмон кўрган кишингга айланса, бу – энг катта зиён ва хасоратдир.

Яна бир мулоҳаза.

Илоҳим, яхшиларнинг сафи кенгайсин, ҳамма ёқ яхшига тўлиб тошсин, лекин олам ёруглик ва қоронгуликдан иборат бўлганидек, ҳаёт ҳам яхшилик ва ёмонликдан, яхши ва ёмондан, шунингдек дўсту душмандан иборат экан. Ёмондан холи ерни топиш қийин. Аслида Одам ва Ҳавво жаннатдан чиқарилиб, шайтон ҳам қувгин еб, ёппасига Ер сайёрасига бадарга қилинган пайтларида бир-бирларига дўст, ёр-биродар бўлиб эмас, аксинча, душман, ёв, ганим ва рақиб бўлиб тушишган.

﴿ وَقُلْنَا أَهْبَطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ ﴾

﴿ Биз уларга: "Бир-бирингизга душман бўлиб (Ерга) тушингиз!" дедик. ﴾

Бақара сураси 36-оят.

Йўқ турур олам ичра ҳеч ҳабиб,¹
Ки, онинг изида бўлмағой рақиб.

Ҳар қачонки ҳабибни дерлар,
Ўтрусиди рақибни дерлар.

То киши жондин ойри бўлмағуси,
Ул балодин дағи қутулмағуси.

Ўша рақиб ва рақобатнинг бори ҳам бир нав фойда экан. Душманнинг адовати инсон тафаккур механизмини ҳаракатга келтиради, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Шунинг билан биргаликда ўзидаги мавжуд кучга қониқмай, куч-қувватни оширишга ундайди. Ялқовни ўрнидан қўзғатиб, ўйлашга, ишлашга мажбур қилади. Баъзи олимлар қайдлаганидек, рақибнинг ноҳолисона танқиди тафаккур олатини ҳаракатга кел-

¹ Бадриддин Ҳилолийнинг "Шоҳ ва Гадо" асаридан. Огаҳий таржимаси.

тирувчи калитдир. Тафаккур эса инсонни ўстиради.

Мана шунинг ўзиёқ катта фойда эмасми?.. Душман (у қандай бўлишидан қатъий назар: гоъвий душманми, синфий душманми ё жангоҳдаги ёвми ё пинжга беркинган дўст сура-тидаги пинҳон душманми), уларнинг бари ҳимматни занглатгани қўймайди. Фароғатли турмушдан маст бўлиб, ширин уйқу натижасида занглай бошлаган ҳимматни ёв ўзининг жилвирдек тили билан жилвирлаб қўяди. Душманнинг ўзи сизни сайқаллайди. Бу, фойда эмасми?!..

Рақобатчиликни ҳамма соҳада кузатишингиз мумкин. Меҳнатда, касб-ҳунарда, тижоратда, илм-фанда, талаби илмда, сиёсатда, спортда ва ҳоказо. Шунингдек якка шахслар, жамоатлар, мамлакат ва давлатлар миқёсида кўришингиз мумкин. Рақобатнинг эса ўзига яраша яхшиси ва ёмони бор...

Ҳушёр мўъмин бундай ҳолатларда ўзини ислоҳ қилишда, иймони ва ибодатини кучайтиришда оқилона фойдаланади. Занжирлаб боғлаб қўйилган тақдирда ҳам қочиб кетадиган дунёдан кўнгли совиб, охиратга юзланишига кўмаклашади.

Тасаввур қилинг, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдиган оддий мўъминни ҳар томондан рақиблар ўраб олган. ("Ҳар томондан"нинг ўрнига тил одатланган "тўрт томондан" жумласини ишлатмоқчи эдим, лекин яхшилаб ўйлаб кўрилса, мўъмин тўрт томондан эмас, кўп томондан рақиблар билан ўралган экан. Шунинг учун анъанавий иборани қўллашдан четландим.)¹

Қаршисида душманлигини очиқ эълон қилган тили, дили ва дини бошқа бераҳм рақиб. Орқасида тили ва дини бир, дили бўлак рафиқнамо дамдуз, бефаҳм рақиб. Чап қанотда рақиб билан дўстлашган "дўстлар". Ўнда алоқа қилишдан чўчийдиган нотовонлар ва эҳтиёткорликда ҳаддан ортиқ муболага

¹ Жаноби Росулulloҳ ﷺ ҳар куни эрталаб ва кечаси олти томонларидан Аллоҳ сақлашини сўраб дуо қилар эдилар. Дуо ва зикр китобларига мурожаат қилинг

қилиб, ўзини анча узоқ тутадиган, ҳатто сим қоқиб саломлашишдан, ҳол-аҳвол сўрашдан ҳадиксирайдиганлар.

Остонада оишхўр оишалар, аниқроғи ҳамтовоқлар. Ёғийнинг ёғли оиши оғизларига ёқиб қолса, ёрдан қўлни ювиб қўлтиққа тиқадиганлар.

Қадрдонининг чирогини ўчириб ўз чирогини ёқадиган, яқинининг устидан хатлаб ўтиб, уни тепалаб олдинга талпинадиган обрўхўр очкўзлар тирқишдан мўралаб турибди. Замона зайли биланми ё пулнинг зўри биланми ёки шайтоннинг шарриданми сабоқдош сафдошлар ва ҳамжиҳат ҳамкорлар бири-бирига терсланиб, рақобатчилар сафига қўшилиб қолган.

Даҳлизда эса мураккаб шахслар. Уларнинг кимлигини бир қараишда дарров билиш қийин. Узоқ тажрибадан сўнг улар "остонадаги оишалар"нинг акси эканини пайқайсиз. Яъни, улар сирти "сафдош" дек, лекин сиздаги фазилат уларникидан бир оз ошиб кетса, бирпасда рақибга айланиб қоладилар. "Бор бўлсанг, кўролмайди, йўқ бўлсанг, беролмайди"ган туридан.

Ичкарида инсоннинг қон томирида ивирсираб юрувчи иблис – шайтон. Унинг адовати ҳамманикидан ўтиб тушади.

Яна бир тоифа борки, уларни нима деб аташга ҳайронсиз. Жойи аниқ тайин эмас. Гоҳ ичкарида, гоҳ ташқарида юради. Дам тўрида, дам пойгакда. Гоҳида ёнингизда пайдо бўлиб қолади. Уларнинг вазифаси одамлар орасига зиддият солиш, томонларни бир-бирига қарши оёқлантириш, ўта моҳирлик билан одамларни тезлаб, гижгижлаб улар ўртасида низо чиқариш, совуқчилик солиш ва авж олдиришидир. Буларнинг ёмонлиги шайтонникидан ёмонроқ. Улар ота-ўғил, ака-ука, дўст-ёр, эр-хотин, устоз-шогирд орасини айиради, бир-биридан совутади. Жамоатларни пароканда қилади. Устакорлари давлат билан халқ ўртасини бузади. Тинчликка рахна солиб, фаровонликка футур етказади. Дўстни душманга айлантиради. Душманни қўзғайди, куткилайди, оёққа турғизади...

Шуларнинг нақ ўртасида ёлғиз ўзи қолган мўъмин қаёққа қочсин?

Қандай чора кўрсин?

Кимга мурожаат қилсин?

Қаршисидаги азёргами, ортидаги айёргами?!

Сўлидаги гаддоргами, ўнгидаги ночоргами?!

Ёки атрофида гир айланар маккоргами?!

Ё оёқ остидаги ўзи каби мажруҳ дилафкоргами?!

Ё қўлини ювиб қўлтиққа урган вафоси йўқ беоргами?!

Писмиқ дамдузгами ё кўриб кўрмаганга олган очиқ кўр кўзгами ё "бир чўқиб, икки қарайди"ган юраксизгами?!

Одамови одамларгами, одамкуш¹ одамларгами?!

Оёгининг остига тикан сочиб сиртини поёндоз билан бе-заганларгами ё чоҳ қазиб устига гилам тўшаганларгами?!

Ёки тепасидан тўр ташлашга тайёр турганларгами?!

Бечора ўзидек ночорлардан нажот кутсинми ё ўзидан кўра ночорроқ нотовонлардан паноҳ сўрасинми?!

Қаерга мурожаат қилсин?!..

Кимга ишонсин?!..

Шунда унинг учун ёлғиз Аллоҳнинг даргоҳидан бошқа жой қолмайди. Муҳтожлигини ҳис этиб астойдил ибодат қилади. Ҳийлакор ёвлар макридан омонлик тилайди. Аллоҳдан ёлвориб ёрдам сўрайди. Илоҳий мададни кутиб яшайди. Раббисини ёдлаган сари қалби таскин топаверади. Дил дурдек оқариб, ялтирайди. Хотиржамлик насими эсади. Иймоний сукунат ва осойишталик унга руҳоний ором бағишлайди. Натижада дунё лаззатларидан кўра тотлироқ лаззат – ибодат лаззатини

¹ **Одамови** – Одамдан ўзини четга олиб юрадиган, эл бўлмайдиган, одамгарчиликни билмайдиган киши. **Одамкуш** – Қотил, жаллод, бераҳм.

татий бошлайди. Ҳар томондан ўраб уни нишонга олган ёвларга Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилганини кўради. Аввалги ибодати билан ҳозиргисини солиштиради. Ўртадаги катта тафовутни кўриб хижолатпазликдан терлаб кетади. Ўткан қора кунига истиғфор айтиб, ҳозиргисига шукроналар тақдим этади. Ундаги бу кескин ўзгаришида рақибнинг ҳам қандайдир "қўли" борлигини ҳис этади.

Шунда иймон ато этган инсоф амрига биноан душманнинг теккан фойдасини тан олади ва унга ташаккур билдиради. Аллоҳдан унга инсоф-тавфиқ, ҳидоят тилайди. (Ана шу, унга нисбатан ташаккурдир). Унинг ёмонлигидан паноҳ тилайди. Номини ошкор айтиб эл ичида шарманда қилмайди. Зеро бунга етук исломий одоби йўл қўймайди. (Бу, унинг олийжаноблигидандир).

Аллоҳга шукрона, яхшилик қилган инсонларга ташаккур айтиб, улар яхшилигини тақдирлаш борасидаги фаслни гайри-анъанавий тарзда яқунлашга эҳтиёж сезиб, келиши эҳтимолдан холи бўлмаган дакки-дашномдан огоҳлантирмоқчиман.

Мен бир кун кўпчилик орасида айни шу мавзуда – сершукрлик борасида сўз ирод этдим. Шунда бир киши "юқори-боп гап бўлди", деб қолди. "Нимамизга, қайси неъматга шукр қиламиз" дегандек, воқеликни алам билан эслатди. Мен ҳам ўзга сайёрадан келган эмасман, шу ерликман. Ҳамма нарсани кўриб, билибман, ҳис қиляпман... Лекин у кўп нарсдан беҳабар экан. Шукр мавзуси азалдан давом этиб келаётган умрбоқий мавзу эканини билмаганидек, шукр мазасини ҳам тотимаган экан. Билганда бу гапга оғиз жуфтламаган бўлур эди.

Инсон яхши-ёмон, қувончли ва қайғули кунларда Яратувчига шукр айтмоғи лозим. Шукр ҳаёт вазифаси. Модомики нафас кириб чиқяптими, демак банда шукрга қарздор...

Шукр мўъжизавий хусусиятга эга. Юқорида айтилганидек,

у неъматни маҳкам боғлаб қўяди, қочиб кетганини қайтаради, йўгини йўндиради. Бунга қўшимча ўлароқ, унинг ўзига яраша ҳузур-ҳаловати бор. Бошқа жойда топилмайдиган лаззатга эга. Уни бир бор татиган киши шукрни ўла-ўлгунча оғзидан тушурмайди. Лекин буни билганлар бор, билмаганлар бор...

Эътироз, зиддият янгилик эмас, қадимдан мавжуд табиий ҳол. "Балога сабр, неъматга шукр қил", дейилса, "эксплуататорларга қўл келадиган гоё" деган дакки тоши отилади. "Ҳаққингни тани, ўзлигингни бил, номусингни сақла, нонингни олдирма!" дейилса, яна шу ажнабий калимага ўхшаш боши бир ўзгача дакки тоши бошга тушади. Ўтирса – ўпоқ, турса – сўпоқ деганларидек, у десанг, бу дейди, бу десанг, у...

Ўткинчи дунёнинг таналари ҳам ўткинчи. Қайгурганингга арзимайди. Ғам умр эгови, ютуқ ва мувофаққият кушандаси. Табассум, бағрикенглик, очиқкўнгиллик, хотиржамлик ўз қўлимиздаги бепул дори, кўзга кўринмас моҳир табибдир.

Донишмандлардан бири дейди: "Мусибатни мамнуният билан қаршилаб, ундан истифода олиб завқланган киши чинакам донодир".

Ғарблик котиблардан бири шундай деган экан: "Мағлуб табассум қилганда голиб галаба лаззатини йўқотади".

Роббана, хусумларга ҳам инсоф-тавфиқ ва ҳидоят бер.

Дилини юмшоқ, тилини мулойим, тигини ўтмас қил.
Зиддимизга тузган тадбирини ўз тадмирига сабаб эт.

Бизларни ҳамма ёмонларнинг ёмонлигидан:

маккорнинг макридан,

ҳасадчининг ҳасадидан,

шайтоннинг шарридан,

золимнинг зулмдан,

дажжолнинг фитнасидан,

шаҳват оташию шубҳа офатидан,

бойлик ва фақирлик балосидан,

*каззобнинг ширин ёлгонидан,
ҳаром мол, шубҳали луқмадан,
турли бало-офатлардан Ўзинг асра.*

Кўз очиб юмгун қадар муддатга ҳам ўз ҳолимизга ташлаб қўйма. Агар ўз ҳолимизга ташиласанг, бечора заифни бетадбир, нотагон, заиф-ночорга ташлабсан.

***Роббана,** ночорни ночорга ташлаб қўйма, муҳтожни муҳтожга муҳтож қилма, ҳоли харобни ҳоли харобга юклаб ундан ортиқ абгор айлама. Энг ганий ва сахий, карамли, қовий, носир Ўзингсан. Нусратингга, кўмак ва ёрдамингга муҳтож қосир ўзимман. Бандаларнинг энг ганийси қошингда зордир, энг кучлиси шаксиз ночордир. Агар ганий билан қовий зору ночор бўлса, биздек энг фақир ва энг заиф бечоралар нима қилсин?*

***Ё Раб,** ҳамиша лутфингни эт раҳнамо манго,
Гўстарма ул тарийқиқи етмас Санго, манго.¹*

*Қатъ айла ошнолигим анданки гайрдур,
Онжоқ ўз ошноларинг эт ошно манго.*

*Бир йўлда собит эт қадами эътиборими,
Ким, раҳбари шарият ўла муқтадо манго.*

*Йўқ манда бир амал Санго шойиста, оҳ, агар,
Аъмолима кўра вера адлинг жазо манго.*

*Хавфи хатарда музтарибман, вор умидким,
Лутфинг вера башорати афву ато манго.*

*Ман билмазам манго керагин, Сан ҳақимсан,
Манъ айла, верма, ҳарна керакмаз Санго, манго.²*

¹ Яъни: "Сенга етиб бормайдиган йўлни менга кўрсатма". Фузулий девони I жилд.

² Ҳа, валлоҳ, бизни йўқдан бор этган Аллоҳнинг Ўзи бизга нима кераклигини яхшироқ билади. Нозим дейдилар: *Манга нима кераклигини ман билмайман, Сен ҳикматли зотсан, Ўзинг биласан. Сенга керак бўлмаган нарсани мендан ман эт, тўс, бермагин.* (Башарга иккита кўз, икки кўл, икки оёқ керак экан ҳикмат тақо-

*Улдур манга муродки, ўлар Санга мурод,
Ҳошоки, Сандан ўзга ўла муддао манго.*

*Ҳабси ҳавода қўйма Фузулий сифат асир,
Ё Раб, ҳидоят айла тарийқи фано манго.*

*Роббана, мени Ўзингга энг фақир, заиф-ночор, бечора қил,
бандалар ичра ганий, тақводор дурдона қил...*

*Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дуоларида: "Алло-
ҳумма, инний аузу бика мин заволи неъматик ва таҳаввули
афиятик ва фужуати ниқматик ва жамайя сохатик", дер
эдилар.¹*

*Росулulloҳ ﷺ сўраган яхшиликни мен ҳам сўрайман,
паноҳ тилаган ёмонликлардан мен ҳам паноҳ тилайман.*

*Субҳанака-аллоҳумма ва биҳамдик. Ашҳаду алла илаҳа
илла анта, астағфирука ва атубу илайк. Субҳана роббика
роббил иззати амма ясифун, ва саламун алал мурсалийн, вал
ҳамду лиллаҳи роббил алабийн.²*



зоси ила бу аъзоларни иккитадан берди. Бир бош, бир тил, бир бурун керак экан, у аъзоларни биттадан оширмади. Ва муносиб жойга жойлаштирди. Кўздан йироқ аъзоларни ҳам керагича бериб, керакли ўринга қўйиб, керакли вазифаларни юклади. Инсон ўзи учун керакли бўлган бу аъзоларни ўзи ўйлаб топгани йўқ, ихтиро қилгани йўқ, дўкондан сотиб олган ҳам эмас. Қуёш, ой керак экан, уни ҳам берди. Дин, иймон-эътиқод керак экан, уни ҳам берди. Иймонсиз ҳолда бахт топаман деган киши гўё оёқсиз чопаман, кўзсиз кўраман деган кишига ўхшайди).

¹ Маъноси: "Аллоҳим, мен Сандан неъматингни завол топишидан, офиятингни ўзгаришидан, кутулмаган бало-офатингни келишидан ва барча газабингдан паноҳ тилайман".

Муслим ривояти.

² Юқорида айтиб ўтилганидек, Мусо алайҳиссалом неъматнинг кўплигини ва Аллоҳдан эканини эътироф этиб, бунга шукр қилишдан ожизликларини тан олганларида, Аллоҳ: "Ана энди шукр қилдинг", деган экан. Неъматларни тан олиб, шукрдан ожизлигимизни тан олсак, қўлдан кетгани қайтар деган умид билан бу борада кўпроқ тўхталди...



Интиҳо

(Муқаддиманинг якуни ва Китобнинг бошланиши)

Муҳтарам ва муборак ўқувчилар!

Жиддият энгини шимариб, ниятни ўнганг. Ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, маънавият бўстони ичра кечадиган узоқ саёҳатга шайланинг. Биргаликда севимли пайғамбаримизнинг ﷺ ҳадислари ва ҳаётлари билан танишамиз.

Китобларни ҳавас билан берилиб ўқинг. Ҳавас билан ўқиш – билимга иштиёқ ва муҳаббат белгиси. Даданинг қистови, домла ва давлатнинг зўри билан, ё деплом ишқида, мансаб, мол, обрў илинжида ўқиган боладек бўлманг.

*Эй касби камола эътиқодинг ноқис,
Таҳсили камола ижтиҳодинг ноқис!
Ор этма талабда, қил ҳазар андинким,
Комиллар ичинда ўла одинг ноқис.*

Фузулий

Паст ният – пасткашлик аломати. У илмдаги баракани маҳв этади. Олий мақсадни дилга тугинг. Аллоҳ илмингизга, ризқингизга, умрингизга баракотлар ёғдирсин, қаерда бўлсангиз ҳам муборак инсон қилсин, амийн.

Муборак инсон кимлигини биласизми?

Муборак инсон одамларга манфаати тегадиган қутлуг кишидир. Билмаганга ўргатади, адашганни тўғри йўлга йўллайди, заифга кўмаклашади, йўқсилга беради, касални кўргани боради... Қаерда яхшилик бўлса, биринчи сафда уни кўрасиз, қаерда ёмонлик бўлса, у ерда уни ҳаргиз топмайсиз.

Шу билан узундан узоқ МУҚАДДИМАмиз ниҳоясига етди.

Бухорий Саҳиҳининг тарғибига бағишланган бу асар агар сизга бирор нарса берган бўлса, бой илмий хазинангизнинг

янада бойшига озроқ ҳисса қўшган бўлса ва бу билан дилингиз ёришиб, юзингизга табассум югурса, мен жуда шодман, бахтиёрман. Чунки муродлардан бири ҳосил бўлибди, вақтингиз зое кетмабди. Йўқса:

Оҳ, менинг ҳолима юз қатла оҳ,
Тутмаса илгим* карам айлаб Илоҳ.

Келмаю ёдимга замони ҳаёт,
Қилгоним иш келмаган андин уёт.

Борча ишим хома* қаро айламак,
Нўғи* била нома* қаро айламак.

Хома тилимдин ҳам ўлуб хирароқ,
Нома юзимдин ҳам ўлуб тийрароқ.*

Тушмасалар лужжаси раҳмат аро,*
Қайда ювулгай бу икидин қаро.

Ё Раб, агар бўлди каломим узун,
Мундин ҳам журм* қилибмен фузун.*

Яхши эса, бер сўругимдин* амон,
Бўлса ямон, боштин аёгим ямон.

Ҳам ямоним лутф била яхши қил,
Бўлди чу ул яхши қабул айлагил.

Жилва бер эл кўзига ҳам хўб ани,
Қилгил улус кўнглига марғуб ани.

Ҳар нечаким, журмум эрур печ-печ,*
Лекин эрур раҳматинг олдида ҳеч.

Камлик ила неча манга бўлса бийм,
Сен карам айлаким, эрусен Карийм.*

"Хайратул аброр" дан.

Мен бу ганжимни ошкор этдим,
Бори дин аҳлига нисор* этдим.*

*Ушбулар-ким дедим бўлинг огоҳ,
Бордурур борча холисан лиллоҳ.**

*Уламодин будур менинг тилагим,
Кўлдагайлар бу иш аро билагим.*

*Ғалати душа мундалар бўлса,
Тузсалар шафқате агар бўлса.*

*То бу иштин савоб топқайлар,
Афв зайлини* манга ёпқайлар.*

"Мубаййин" дан.

اللّٰهُمَّ اِنَّا نَعُوْذُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ وَنَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ وَنَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ

وَمِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ وَنَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ وَنَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ

عَلَى جَانِبِنَا وَتَرْوِنَا جَانِبِنَا يَا رَاحِمَ الْعَالَمِيْنَ (اللّٰهُمَّ اِنَّا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ)

جَانِبِنَا نَافِعًا وَتَرْوِنَا جَانِبِنَا وَجَمَلًا مُتَقَبَّلًا يَا مُعَلِّمَ كَوْنِيْ

جَانِبِنَا وَنَا مُقَرَّبًا سَائِلًا جَانِبِنَا (اللّٰهُمَّ اِنَّا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ)

بِمَنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ وَنَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ

لَا جَبْرَ لَكَ وَلَا كَرْهًا (اللّٰهُمَّ اِنَّا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ)

وَمِنْ جَلْمٍ لَا نَسْتَعِيْزُ بِكَ مِنْهُ

Қисқача изох

- * **Илик** – Қўл. *Тутмаса илгим* – Қўлимдан тутмаса.
- * **Хома** – Қалам.
- * **Нўги** – Қаламнинг учи.
- * **Нома** – Рисола.
- * **Тийра** – Қора.
- * **Лужжа** – Денгизнинг энг чуқур жойи, қаъри.
Лужжаи раҳмат – Раҳмат қаърига.
- * **Журм** – Гуноҳ, жиноят.
- * **Фузун** – Зиёда, ортиқ, кўп.
- * **Сўруғ** – Қиёматдаги сўроқ, ҳисоб.
- * **Печ-печ** – Бурам-бурам, ўрам. Яъни гуноҳларим кўпайиб кетган бўлса-да, лекин Сенинг раҳматинг олдида ҳеч нима эмас.
- * **Бийим** – қўрқув, хавф.
- * **Ганж** – Ҳазина, тўпланган бойлик.
- * **Нисор** – Сочмоқ, фидо айламоқ.
- * **Зайл** – Этак. Бир нарсанинг охири.¹
- * **Холисан лиллаҳ** – Холис Аллоҳ учун.

Саҳифа бошида "изчил" калимаси келган. Айрим ёшлар шу ва шунга ўхшаш айрим калималарнинг маъносини билмасликларини айтишди. Шунга кўра, агарчи изохталаб калималар ўз ўрнида изохланган бўлсада, баъзи сўзларни бир оз изохлашга эҳтиёж сездик.

Изчил – Изоҳли луғатда ёзилишича бир неча маъноларни ифодалайди.

1. Бир меъёрда, бир тахлитда, бир йўналишда; мунтазам, тадрижий давом этадиган.

2. Ўзаро узвий ва мантиқий боғланган.

Изчил таълимот – яъни мунтазам олиб борилган тадрижий, ўзаро боғлиқ таълимот.

Нозим – Шоир.

Ҳиба – Тортиқ, совға, ҳадя.

¹ Ушбу изохлар 1972 йили нашр этилган "**Навоий асарлари луғати**" дан олинди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
- ۱ -

1-КИТОБ
ВАҲИЙНИНГ ИБТИДОСИ

ОЛТИТА БОБ

ҲАДИСЛАР 1-7

Сайланма ҳадислар 1-2-3-7



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قال الشيخ الإمام المحافظ أبو عبد الله محمد بن إسماعيل بن إبراهيم بن المغيرة البخاري رحمه الله تعالى آمين

باب كيف كان بدء الوحي إلى رسول الله ﷺ

وقول الله تعالى

﴿ إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّنَ مِنْ بَعْدِهِ ۗ ﴾

النساء: ١٦٣

١ - (١) - حدثنا الحميدي عبد الله بن الزبير قال حدثنا سفيان قال حدثنا يحيى بن سعيد الأنصاري قال

أخبرني محمد بن إبراهيم التيمي أنه سمع علقمة بن وقاص الليثي يقول سمعت عمر بن الخطاب رضي الله عنه على

المنبر قال سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول:

"إنما الأعمال بالنيات وإنما لكل امرئ ما نوى فمن كانت هجرته إلى دنيا يصيبها أو إلى

امرأة ينكحها فهجرته إلى ما هاجر إليه"

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

1- КИТОБ

Ваҳийнинг ибтидоси

(бошланиши)¹

Шайх, имом ва ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ал-Бухорий (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин, амийн) дедилар:

Боб

Росуллоллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қандай бошлангани ва Аллоҳ жалла зикруҳунинг: ﴿Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайгамбарларга ваҳий юборганимиз сингари, албатта сизга ҳам ваҳий юбордик﴾ деган ояти хусусида.

Нисо сураси 163-оят.

¹ Мўътамад нусхаларда 1-КИТОБ ВАҲИЙНИНГ ИБТИДОСИ деган жумла йўқ. Асл нусхада **Боб:** *Росуллоллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қандай бошланган*, деб ёзилган. Лекин биз ҳижрий 1427 санада, мелодий 2006 йили Абу Қутайба Назр Муҳаммад ал-Форёбий таҳқиқи остида нашр қилинган Ибн Ҳажарнинг *فتح الباري* китобига асосланиб ушбуни келтирдик. Ибн Ҳажар Саҳихдаги иккинчи китоб – ИЙМОН КИТОБИнинг шарҳида муаллиф Саҳихнинг аввалини Китоб билан эмас, боб билан бошлаганини очик айтган.

1- (1) - Алқама ибн Ваққос ал-Лайсий: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг минбар узра шундоқ деяётганларини эшитдим, деб ривоят қилади, Умар дедилар:

"Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

"Албатта амаллар ниятлар билан (мўътабардур). Ва ҳар бир кишининг ниятига қараб (амали мақбул бўлур ва ажр берилур).

Кимки, дунёга етишиш учун ёхуд бирон бир аёлга уйланиш мақсадида ҳижрат қилса, бас, унинг ҳижрати ҳам ниятига ярашадур", деганларини эшитдим.

Бошқа ривоятда *"Кимки, дунёга етишиш учун..."* иборасидан олдин *"Ким Аллоҳ ва Росули учун ҳижрат қилса, бас, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Росули учундур",* дейилган.



*Давоми бор, дўстлар, Худо хоҳласа,
Ёзишга иштиёқ баланддир роса.
Лек бандаман, билмам, эрта не кечар,
Қалбга тинчлик бермас турли васваса.*

*Кўкармасдан не-не ниҳоллар синди,
Ажал фармонига эрта бўйсунди.
Дам тигдан, дам тилдан диллар тилинди,
Шом кирмай қуёш ҳам шам каби сўнди.*

*Умрим саҳифаси қанча қолганин
Ижодкорим билур, қилмаган тайин.
Жонни эговловчи бадхоҳ бетайин,
Кўпайиб бормоқда кун ўтган сайин.*

*Дўстлар, маслаҳатга доим муштоқман,
Доно фикрингизга яқин ўртоқман.
Сиз билан чаққонман, сизсиз чўлоқман,
Дўст-ёр билан – ботир, усиз қўрқоқман.*

*Аямай, авайлаб айбимни айтинг,
Холис насиҳатга қулоқларим динг.
Аҳбоб сўзларига тилим демас гинг,
Яхшисин олинг-у, ёмонин отинг.*

*Башар эканимиз унутманг асло,
Башар бошида турли хил савдо.
Бир кун тинч, хотиржам, бир куни завго,
Марҳамат айласин қудратли Мавло.*

*Мақсудим илзаган таҳсин ўқийди,
Илҳомланиб балким шеърлар тўқийди.
Мақсад англамаган дағал сўз билан
Ассосиз рад этиб қушдай чўқийди.*



*Қодиро, қўлласанг, қулинг қийналмас,
Ўзгадан куч-мадад ҳеч кутган эмас.
Яхшиларга қилиб ҳаваскор ҳавас,
Қўлга қалам олди, айлама абас.*

*Зул Жалол, бобингда йиғлар қул жалол,
Дил розин айтади, унга назар сол.
Жуда осон Сенга тағйирул аҳвол,¹
Ҳолимиз ўзгартир, буюк Мутаъол.*

¹ Тағйирул аҳвол – Ҳолатни ўзгартирмоқ.

МУНДАРИЖА

Ибтидо	13
Биринчи фасл: Ҳикоят	15
Иккинчи фасл: Ҳақиқат	43
Учинчи фасл: Муносабат	61
Тўртинчи фасл: Орзу-истак ва азиймат	77
Бешинчи фасл: Фазилат	89
Ё Расулаллоҳ	107
Аё дўстлар!	110
Олтинчи фасл: Манҳаж	113
Еттинчи фасл: Бухорий таржимаи холи	117
Саккизинчи фасл: Бухорий Саҳиҳини эшитганлар	123
Тўққизинчи фасл: Бухорий ва Саҳиҳлари шаънида айтилган сўзлар	127
Ўнинчи фасл: Ташаккурнома: Шукрона, Муножот, Ташаккур, Такдирлов	135
Интиҳо	269
Қисқача изоҳ	273
1-Китоб. Ваҳийнинг бошланиши.....	275
Биринчи ҳадис	277